

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
Ўзбекистон Агентлиги  
(Ўзстандарт Агентлиги)**

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
илмий-тадқиқот институти  
(СМСИТИ)**

**АБДУВАЛИЕВ А.А., ЛАТИПОВ В.Б., УМАРОВ А.С.,  
АЛИМОВ М.Н., ХАКИМОВ О.Ш., ХВАН В.И.**

**СТАНДАРТЛАШТИРИШ,  
МЕТРОЛОГИЯ,  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ,  
СИФАТ**

**Тошкент – 2008**

**Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С. Алимов М.Н.,  
Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, серти-  
фикатлаштириш, сифат. – Тошкент: СМСИТИ, 2008.**

Ушбу китоб Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш-  
тириш Ўзбекистон Агентлиги (Ўзстандарт Агентлиги) ва Стандар-  
тлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот инс-  
титуту ходимлари томонидан бажарилган илмий-тадқиқотлар, амалий  
тажрибалар асосида ёзилди.

Китобда кўрилган масалалар ўрта ва кичик бизнес тадбиркор-  
лари, шунингдек узлуксиз таълим тизимида ўрта махсус таълим дои-  
расида кўрсатилган фаолият йўналишларида ўқитилаётган ва ўрганув-  
чиларга нисбатан ёритилган.

## МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШ.....	7
КИРИШ.....	7
Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг ривожланиши.....	8
1-боб. ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ.....	13
1.1 Стандартлаштириш ва сифат.....	13
1.2 Стандартлаштириш давлат тизими тушунчаси ва моҳияти.....	19
2-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ.....	20
2.1 Вазирлар Маҳкамасининг 2 март 1992 йил №93 “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил- лаштириш тўғрисида” қарори шарҳлари .....	20
2.2 Вазирлар Маҳкамасининг 3 октябрь 2002 й №342 “Маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш, метрология ва сертификат- лаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” қарори шарҳлари .....	22
2.3. Вазирлар Маҳкамасининг 5 август 2004 йил № 373 “Стан- дартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятини ташкил- лаштириш тўғрисида” қарори шарҳлари .....	24
3-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	25
3.1 Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонуни шарҳлари .....	25
3.2 Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 1994 йил 410 “Ўзбе- кистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгарти- ришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қарори шарҳлари .....	28
3.3 Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни шарҳлари .....	30
3.4 Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” Қонуни шарҳлари .....	33
3.5 Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат текшируви тўғрисида” Қонуни шарҳлари .....	38
4-боб. ЎЗ СДТ МЕЪЁРИЙ АСОСИНИ ТАСНИФЛАШ.....	39
5- боб. ЎЗ СДТ АСОСИЙ ҚОИДАЛАР.....	41
6-боб. АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.....	48
7-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	50
7.1 Афзал сонларнинг параметрик қаторлари ва тизимлари.....	50

7.2 Стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштириш.....	52
7.3 Стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштириш методлари.....	54
7.4 Биркиллаштириш ва агрегатлаш.....	55
7.5 Комплекс стандартлаштириш.....	59
7.6 Олдиндан стандартлаштириш.....	63
<b>Иккинчи бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>67</b>
<b>1-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИДОРАЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ.....</b>	<b>67</b>
1.1 Давлат ва хўжалик бошқарув идоралари.....	67
1.2 Стандартлаштириш бўйича техник кўмиталар.....	68
1.3 Стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар.....	70
1.4 Корхоналарда стандартлаштириш хизматлари.....	72
1.5 Стандартлаштиришни режалаштириш.....	74
<b>2-боб. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ.....</b>	<b>78</b>
2.1 Асосий низомлар.....	78
2.2 Олий таълим.....	79
2.3 Ўрта махсус таълим.....	81
2.4 Умумий ўрта таълим.....	83
<b>3-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ ВА БОШҚА ХУЖЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ.....</b>	<b>86</b>
3.1 Барча даражадаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.....	86
3.2 Меъёрий ҳужжатларни тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.....	98
3.3 Меъёрий ҳужжатларни жорий этиш, текшириш ва долзарблаш.....	110
3.4 Меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш.....	112
3.5 Техник тавсифлар, технологик йўриқномалар ва рецептураларни ишлаб чиқиш.....	117
3.6 Стандартлаштириш самарадордиги.....	123
3.7 Стандартлар ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш усти- дан давлат текшируви ва назорати.....	134
<b>4-боб. МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАН- ДАРТЛАР БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИШ.....</b>	<b>137</b>
4.1 Халқаро, ҳудудий, давлатлараро, хорижий меъёрий ҳужжатларни қўлланиш.....	137
4.2 Меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий экспертиза қилиш.....	141

<b>Учинчи бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАРМОҚЛАРАРО ТИЗИМЛАРИ</b> .....	145
1-боб. КОНСТРУКТОРЛИК ХУЖЖАТЛАРИНИНГ ЯГОНА ТИЗИМИ.....	147
2-боб. ТЕХНОЛОГИК ХУЖЖАТЛАРИНИНГ ЯГОНА ТИЗИМИ.....	147
3-боб. МАҲСУЛОТ СИФАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТИЗИМИ.....	147
4-боб. ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АХБОРОТНИ ТАСНИФЛАШ ВА КОДЛАШ ЯГОНА ТИЗИМИ.....	148
5-боб. МАҲСУЛОТ ЯРАТИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ.....	148
5.1 Ишлаб чиқариш-техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулот.....	152
5.2 Озиқ-овқат маҳсулоти.....	154
5.3 Халқ истеъмоли ноозиқ моллари.....	155
6-боб. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ.....	156
6.1 Умумий низомлар.....	156
6.2 Хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаш.....	160
6.3 Хизматлар сифатини баҳолаш.....	161
7 – боб. АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ.....	163
<b>Тўртинчи бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР</b> .....	167
1-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ.....	167
2-боб. ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРОТЕХНИК КОМИССИЯ169	
3-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШ.....	171
4-боб. ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАЛАРИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ.....	173
5-боб. ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ ДОИРАЛАРИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ.....	176
<b>Бешинчи бўлим. СИФАТНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ</b> .....	181
1-боб. СИФАТНИ БОШҚАРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ...181	
1.1 Тизимли ёндашишнинг ривожланиш босқичлари.....	181
1.2 Сифатни шакллантириш босқичлари.....	203
1.3 Маҳсулот сифатини баҳолаш методлари.....	204
<b>Олтинчи бўлим. ЎЗБЕКИСТОН ЎЛЧАШЛАР БИРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ</b> .....	215
1-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЛЧАШЛАР БИРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	216

2-боб. ЎЗБЕКИСТОН ЎЛЧАШЛАР БИРИЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ АСОСИЙ НИЗОМЛАРИ.....	217
3-боб. МЕТРОЛОГИЯ БЎЙИЧА АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.....	218
4-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕТРОЛОГИК ХИЗМАТ ТУЗИЛМАСИ.....	220
4.1 Ўзбекистон Республикаси давлат метрологик хизмати.....	220
4.2 Юридик шахсларнинг метрологик хизмати.....	222
5-боб. КАТТАЛИКЛАРНИНГ БИРЛИКЛАРИ.....	222
6-боб. МЕТРОЛОГИК ТЕКШИРУВ ВА НАЗОРАТ.....	227
6.1 Ўлчаш воситалари.....	229
6.2 Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари.....	231
6.3 Ўлчашларни бажариш методикаси.....	234
6.4 Ходимлар.....	234
7-боб. МЕТРОЛОГИК ТЕКШИРИШ.....	235
7.1 Метрологик текшириш турлари.....	235
7.2 Ўлчаш воситаларининг хилини тасдиқлаш.....	236
7.3 Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш.....	238
7.4 Давлат реестрларини бошқариш.....	240
7.5 Ўлчаш воситаларини қиёслаш.....	240
7.6 Ўлчаш воситаларини калибрлаш тизими.....	242
7.7 Юридик шахсларни метрологик ишларни ва хизматларни бажариш ҳуқуқига аттестатлаш ва аккредитлаш.....	244
8-боб. МЕТРОЛОГИК НАЗОРАТ.....	245
9-боб. ДАВЛАТ МЕТРОЛОГИК ТЕКШИРУВИ ВА НАЗОРАТИ ТУРЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ.....	247
10-боб. МЕТРОЛОГИК ТЕКШИРУВ ВА НАЗОРАТНИ ЎТКАЗИШДА АНИҚЛАНГАН БУЗИЛИШЛАРГА МАСЪУЛИК.....	248
<b>Еттинчи бўлим. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ.....</b>	<b>250</b>
1-боб. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ.....	250
2-боб. АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.....	253
3-боб. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ИДОРА.....	255
4-боб. ЎЗБЕКИСТОН СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ НИЗОМЛАРИ.....	256
5-боб. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.....	259
<b>МАНБАЛАР.....</b>	<b>262</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>265</b>

## КИРИШ

Инсон Homo habilis (мохир, уқувли инсон) даражасидан Homo sapiens (онгли инсон) даражасигача ривожланишидаги фаолиятларининг бирини энди биз стандартлаштириш деб атаймиз. Қадимий одамлар совуқ иқлим шароитларида ҳаёт учун курашишда ҳайвонларни овлашга ва йирткич ҳайвонлардан сақланиш усуллари кидиришга мажбур бўлганлар. Овланган ҳайвонлар инсонларга озиқ-овқат ва кийиниш учун тери берган. Инсон ўзининг амалий фаолиятида синаб кўрган овлаш усул ва услубларини «оғзаки стандартлар» кўринишида авлоддан-авлодга узатиб келган. Бунда оддий узатибгина қолмай, балки бу усуллари доимий такомиллаштира борган. Бундай амалиёт инсон фаолиятининг бошқа доираларида ҳам қўлланилган, чунки ҳаёт кечириш воситаларига бўлган талаб-эҳтиёжлар доимий ошиб борган: ёгингарчиликлардан ва душманлардан яшириниш учун иншоат, терилардан кийим тикиш, иргитиладиган болға ёки тошдан ясалган найза-болға тайёрлаш зарур бўлган.

Доимий ошиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун меҳнат ва овлаш усуллари такрорлаш зарур бўлган, бундаги кўникмаларни эса қабила, уруғ, жамонинг янгидан-янги аъзолари ўзлаштиришлари ва эслаб қолишлари лозим бўлган. Тажриба ва билимларни бу хилда узатиш жараёнида ёзувнинг йўқлигига қарамай, меҳнат усуллари бир хил изохлаш, ўзаро муносабатларда ягона қондалар, муомалаларда андазаатар, яъни стандартлар пайдо бўла бошлаган.

Шундай қилиб, барча ҳолларда ҳам муҳим масала ечила борган: фаолиятнинг энг мақбул, барқарор, самарали шакллари яратиш лозим бўлган. Бундай тарихий давом этувчи жараён канчалик тартибсиз, табиий бўлмасин, мерос бўлиб ўтиш кузатилган. Агар инсонлар турли кўникма ва билимларга эга бўлиб, уларни маълум қондаларда, белгиларда, символларда, эквивалентларда ва нарсаларнинг намуналарида мустаҳкамлаб сақлаб қолмаганда эди, навбатдаги авлодлар барча кўникмаларни бошидан бошлашга мажбур бўлар эди. Стандартлаштириш инсониятнинг эришган ютуқларини мустаҳкамлайди ва сақлайди, тажриба ва билимларини авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди.

Тарих онгли инсоннинг стандартлаштириш соҳасидаги фаолияти натижаларига оид қўшлаб моддий гувоҳларни бизга қолдирган.

Стандартлаштириш элементлари Ўзбекистон худудидаги меъморий нодир ёдгорликларда кенг қўлланилган. Меъморчиликда стандарт ғиштлар билан бир каторда турли феруза, гулдор сопол ва кошинкор нақшли плиталар, қизғиш-жигар ранг блоклар, бирнечта ўлчам ва рангдаги зангори ва яшил юпка ғиштчалардан фойдаланилган. Халқ усталарининг мохир қўлларида стандарт элементлар жонланган ва инсоният бетакрор гўзал ёдгорликлар: Самарқанддаги Гўр-Амир макбараси ва Биби-Хоним масжиди, Хивадаги Полвон-Махмуд макбараси ва Тош-Товли саройи, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси, Бухородаги Калон минорати, Тошкентдаги Кўколдош мадрасасини кўриб, қувонади.

Ўлчашлар соҳасидаги стандартлаштириш инсониятнинг мисли кўрилмаган илмий-техникавий ютуғи-ғалабасидир. Инсон ўзининг бутун ривожланиш тарихида жуда кўп турли-туман ўлчов бирликларини яратди. Ўрта асрларда ҳаттоки ҳар бир шаҳар ўзининг ўлчов бирликларига эга бўлган, йирик ер эгаси ўзининг хусусий ўлчовини ўрнатган. Натижада XIX ва XX асрлар туташган даврда юзлаб турли футлар, кирк хилдан ортик турли миллар, бир юз йиғирмата турли фунтлар ва х.к. лар қўлланилган.

Ўзбекистонда қадок, (тахминан 400 г), чакса (6 кг), пуд (16 кг), батмон 10 пуд), даҳсар (II пуд) оғирлик ўлчовлари, эллик (қўл бармогининг қалинлиги - тахминан 2 см), қарич (катта бармоқ ва очилган жимжилок ўртасидаги масофа - тахминан 23 см), чакирим (бир километрдан бир оз кам), тош (чакиримнинг ўзи) узунлик ўлчовлари қўлланилган.

XVIII аср охирида француз олимлари гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ўлчовларнинг метрик тизими XIX асрнинг иккинчи ярмида халқаро тан олинди. Ўлчовларнинг халқаро бирлигини таъминлаш мақсадида 1875-йилда 17 мамлакат, шу жумладан Россия Метрик конвенцияга имзо чекди. 1960-йилда ўлчовлар ва тарозилар бўйича Бош конференция Халқаро бирликлар тизими (SI) ни узил-кесил қабул қилди. Шундай қилиб, ўлчов бирликлари халқаро миқёсда бирхиллаштирилди.

✓ 1946-йил ноябр ойида Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) тузилди. Шундан кейин стандартлаштириш ёрдамида Ягона Жаҳон Иктисодий Майдонини яратиш бошланди.

### **Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг ривожланиши**

Ўзбекистонда ўлчашлар соҳасида стандартлаштириш ишларини ташкиллаштириш 1923-йилда Тошкентда Туркистон Марказий ўлчовлар ва тарозилар идорасини тузиш билан бошланди, Кейинчалик бу идора Ўлчовлар ва тарозилар палатасига айлантирилди.



Тошкент шаҳарида Сирдарё (Тошкент шаҳрига, уездига, Сирдарё вилоятига хизмат кўрсатади);

Самарканд шаҳарида Самарқанд (Самарқанд ва Амударё вилоятларига хизмат кўрсатади);

Қўқон шаҳрида Фарғона (Фарғона вилоятига хизмат кўрсатади);

Полтарацк шаҳарида Туркменистон (Туркменистон вилоятига хизмат кўрсатади); Полтарацк - Ашхобод шаҳарининг эски номи;

Олма-Ота шаҳарида Еттисуй (Еттисуй вилоятига хизмат кўрсатади) қиёслаш палаталари ташкил этилди, Бу қиёслаш палаталари кейинчалик стандартлаштириш ва метрология давлат хизматларини – давлат текширув лабораториялари (ДТЛ)ни яратиш учун асос бўлди.

1926-йил июнда Ўзбекистон Ишчи-Дехқон Инспекцияси Халқ Комиссарлиги қошида стандартлаштириш бўйича идора яратилди. Бу идоранинг асосий вазифаси стандартлаштиришни бошқариш бўйича республика идорасини тузиш тақлифини тайёрлаш бўлди.

1930-йил март ойида Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) Ўзбекистон ССР ХКС ҳузурида Стандартлаштириш қўмитасини ташкил қилди.

Стандартлаштириш бўйича Ўзбекистон Қўмитаси стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ўлчов ва текшириш асбобларининг ишончилигини, бирхиллилигини ва минтақа вақтининг тўғри қўлланилишини назорат қилишга раҳбарлик қилган. Қўмита ҳузурида Маҳсулот сифати бўйича давлат экспертиза идораси фаолият кўрсатган. 1933 й. да бу идоранинг вазифалари Маҳсулот сифати бўйича инспекцияга топширилди.

Республикада стандартлаштириш бўйича ишлар тармоқларнинг тақлифлари бўйича тузилган ва Стандартлаштириш бўйича Қўмита томонидан тасдиқланган йиллик режалар бўйича олиб борилган. Режа тарқибда қуйидаги бўлимлар бор бўлган:

1) стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Бутуниттифок стандартлаштириш бўйича қўмитага тақдим этиш;

2) стандартларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

3) стандартларни жорий этиш ва уларга риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш.

Стандартлаштириш бўйича Қўмита идоралари стандартларнинг жорий этилишини ва уларга риоя қилинишини, мева тозалаш, ёғ ишлаб чиқариш, пахта тозалаш, консерва ва нон заводларида, пиллакашлик, тикувчилик ва пойабзал фабрикаларида, дон омборлари, элеваторлар, қушхоналар, ғишт заводларида маҳсулот сифатини муттасил текшириб борган. Қўмита шунингдек, республика учун хос маҳсулотта республика стандартлари (Ўз РЕСТ)ни ҳам тасдиқлаган.

Қўмита стандартлаштириш бўйича ишларга раҳбарлик қилган, ишлар режасини тасдиқлаган, стандартлаштириш ва маҳсулот сифа-

тини яхшилаш бўйича ишларни молиявий таъминланганлигини аниқлаш мақсадида смета ва саноат молия режаларини келишилган.

Текширув-экспертиза камераларини, техник текширув идораларини, шунингдек маҳсулот сифатини яхшилаш ва стандартларнинг талабларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаларини ташкиллаштириш бўйича Қўмита қарорлари республиканинг барча халқ комиссариатлари ва маҳкамалари учун мажбурий бўлган.

Стандартлаштириш бўйича Қўмита вазифалари ва ҳуқуқлари келая борди.

1931 й. март ойида Ўзбекистон Ўлчовлар ва тарозилар палатаси бекор қилинди, унинг вазифалари эса Қўмитага топширилди. Маҳаллий қиёслаш палаталари Стандартлаштириш бўйича маҳаллий идораларга айлантирилди.

1964 й. да Тошкент ДТЛ асосида Республика стандартлаштириш ва метрология бўйича методик марказ – Ўзбекистон Республикаси стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати лабораторияси (Ўз РДНЛ) ташкил этилди. Кейинчалик Ўз РДНЛ Ўзбекистон стандартлаштириш ва метрология маркази (ЎзСММ) деб номланди.

Қорақалпоқ пойтахтида, барча вилоятлар марказида ва Қўқон ҳамда Чирчиқ шаҳарларида давлат текширув лабораториялари ташкил этилди, кейинчалик эса Стандартлаштириш ва метрология марказлари (СММ) тузилди.

1973 й. да Министрлар Совети ҳузуридаги стандартлар Қўмитаси Вакилининг аппарати СССР Давстандарт Ўзбекистон Республикаси бошқармаси (Ўздавстандарт)га айлантирилди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин қисқа вақт ичида бозор иқтисодиёти талабларини қондирадиган ва ўтиш даврини ҳисобга оладиган стандартлаштириш давлат тизимини яратиш зарурати пайдо бўлди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ташкилий масалаларни ҳал қилиш талаб этилди.

Вазирлар Маҳкамаси 1992 – й.да №93 «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда кўрсатилишича, стандартлаштириш бўйича ишлар “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилиш муносабати билан, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш республика миллий тизимини яратиш заруратидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, Мустақил давлатлар ҳамкорлиги давлатлари ўртасида ҳужалик, савдо, илмий-техник ва бошқа муносабатларни сақлаш, жаҳон мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида” ташкил этилади.

Собиқ СССР Давстандартининг республика худудида жойлашган идораларини бирлаштириш асосида Вазирлар Махкамаси хузурида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат маркази (Ўздавстандарт) ташкил этилди. Бу марказга стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича республика миллий идорасининг вазифалари юклатилди ва Ўздавстандарт СССР Давстандартининг Ўзбекистондаги ҳуқуқий мероси деб белгиланди.

1993-1997 йилларда Ўзбекистонда стандартлаштириш ва маҳсулот сифати соҳасида қонунлар шакллантирилди: “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”, “Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”, “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Таълим тўғрисида” Қонунлар қабул қилинди. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида қонунларни мукамаллаштириш мақсадида 2000 й ва 2003 й. да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Маҳсулотни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида” қонунларга ўзгартиришлар киритилди\*.

“Стандартлаштириш тўғрисида” ва “Таълим тўғрисида” Қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 12 август 1994 й. №410 “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ва 5 январь 1998 й №5 “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқариш ва киритиш тўғрисида” қарорлари қабул қилинди.

Кўшни соҳаларда ҳам стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни мукамаллаштириш, маҳсулотнинг сифатини таъминлаш ва маҳсулотнинг рақобатбардошлигини халқаро стандартларни кенг қўлланиш асосида ошириш мақсадида Вазирлар Махкамасининг 3 октябрь 2002 й. № 342 “Маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Ўздавстандарт Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон Агентлигига (Ўзстандарт Агентлигига) айлан-тирилди. Ўздавстандартнинг худудий идоралари асосида Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси (СМБ) ва Синаш ва сертифи-

---

\* Стандартлаштириш ва сифатнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумотлар ушбу китобнинг хос бўлимларида батафсил баён этилган.

катлаштириш марказлари (ССМ) барпо этилди. Республика ССМ, Тошкент вилояти СМБ ва ССМ яратилди. Агентлик аппаратида Стандартлаштириш ва давлат назорати, Мувофиқликни тасдиқлаш, метрология, аккредитлаш ва инспекцион текширув, молия-иктисод бошқармалари барпо этилди.

ЎзТМТИ да ишлаб чиқилган 200 дан ортиқ номли асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди ва жорий этилди. Бу меъёрий ҳужжатлар Ўз СДТ, Ўз ЎДТ, Ўз СМТ, ТИИА ТКЯТ, Ўз АТ, Ўз МСТ, Ўз СТ ва бошқалар доирасида амалда фаолиятнинг барча йуналишлари бўйича ишларни бажариш қондаларини белгилайди.

Шундай қилиб, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни таъминлаш, сифатни таъминлаш меъёрий-ҳуқуқий таъминлаш асосан тугалланди. Ҳозирги вақтда асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларни қўлланиш тажрибасини ва бозор иктисодиётини чуқурлаштиришни ҳисобга олган ҳолда бу ҳужжатлар жамғармасини долзарблаш жараёни бормокда.

Иктисодиётнинг барча тармоқларида маҳсулотга (хизматлар, ишлар, жараёнлар) республика меъёрий ҳужжатларининг давлат жамғармасини тўлдириш давом этмокда.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар, стандартлаштириш бўйича асосий ташкилотлар, *корхоналар ва ташкилотлар томонидан уч* мингдан ортиқ республика меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди, булар ичида чигитли пахта, пахта толаси, олтин ва қумуш қўймалари, газламалар, пойабзал, кийимга оид ҳужжатлар ҳам мавжуд. Электротехника мақсадларда ишлатиладиган мис, гидравлик тақсимлагичлар, гидроцилиндрлар, сурилма копқоқлар, иссиқлик алмашиниш аппаратлари, тери, ёғоч ишлаш станоклари, пахта тозалаш жиҳозлари, компрессорлар, вентиляторлар, юк кўтариш кранлари, газ конденсатлари, табиий ёнувчи газлар, мотор мойлари, пластик мойларга техник шартлар тасдиқланган.

Саёҳат-экскурсия хизмати соҳасида хизматлар доирасида асосий қондалар, атамалар ва таърифларни, мехмонхоналар таснифини белгиловчи Ўзбекистон давлат стандартлари тасдиқланган.

Республиканинг Жаҳон савдо ташкилотига киришига тайёрланиши бўйича ишлар бошланди: халқаро стандартларни қўлланиш бўйича, мамлакатимиз ва хорижий стандартларининг статуслари (ҳуқуқий ҳолатлари) ни ўзаро яқинлаштириш, техник регламентларни қўлланиш, халқаро савдода техник тўсиқларни бартараф этиш жараёнларини ҳуқуқий таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмокда.

Бу мақсадларда стандартлаштириш халқаро амалиётини ҳисобга олган ҳолда Ўз СДТ ни такомиллаштириш бўйича 2010 йилгача мўл-

жалланган Концепция ва Концепцияни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Концепцияни бажариш учун “Савдодаги техник чоратadbирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси”, “Ўз СДТ. Техник регламент Асосий қондалар” давлат стандарти ишлаб чиқилди. ИСО/МЭК 21:1999 “Халқаро стандартларни ҳудудий ва миллий стандартлар сифатида қабул қилиш” халқаро стандарти қайта расмийлаштирилиб, Ўзбекистон давлат стандарти сифатида қабул қилинди.

Ўз СДТ асос бўлувчи стандартларига стандартлаштириш халқаро амалиётига мувофиқ ўзгартиришлар киритилмоқда.

## **I-боб. ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ**

### **1.1 Стандартлаштириш ва сифат**

Стандартлаштириш *ҳақиқий мавжуд ёки содир бўлиши мумкин бўлган* масалаларни ечишга, сифат эса белгиланган ва мўлжалланган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Бунда стандартлаштириш бўйича фаолиятнинг энг муҳим натижалари маҳсулот (*жараёнлар, хизматлар*) нинг ўз вазифасига мувофиқлик даражасини ошириш, яъни белгиланган ва мўлжалланган эҳтиёжларни қондиришдан иборат бўлади. “Меъёрий ҳужжат” таркибига стандартлар ва техник шартлар қиради. Меъёрий ҳужжатлар фаолият турларига оид тавсифларни ўрнатади.

Стандартлаштириш объекти бўлмиш инсон фаолияти соҳаси жуда кенг: фан ва техника; ишлаб чиқариш-техникага мўлжалланган маҳсулотни ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш; тиббиёт, таълим, маиший, саёҳат, транспорт ва х.к. соҳалардаги хизматлардан иборат. Барча ҳолларда ҳам ҳар қандай соҳада фаолият сифатига талаблар меъёрий ҳужжатларда белгилаб қуйилади. Бунда нафақат мавжуд, балки мўлжалланган вазифаларни ҳал этиш, яъни нафақат белгиланган, балки мўлжалланган эҳтиёжларни ҳам қондириш кўзда тутилади.

Айтилганлардан маълум бўлишича, белгиланган ва мўлжалланган эҳтиёжларнинг қоникарли бўлишини таъминловчи маҳсулот (хизматлар) тавсифлари мажмуи меъёрий ҳужжатларда белгиланар экан, меъёрий ҳужжатларнинг ўзини ҳам юқори илмий-техник даражада бўлишини таъминлаш зарур. Бу масала қуйидаги йул билан ҳал этилади:

- а) халқаро, давлатлараро, ҳудудий стандартларни қўлланиш;
- б) мамлакатимиз меъёрий ҳужжатларини халқаро, ҳудудий стандартлар билан уйғунлаштириш;

в) меъёрий ҳужжатларда ананавий технологияларнинг имкони-ятларидан илгариланувчи, келажакка мўлжалланган дастлабки талаб-ларни ўрнатиш, (Ўзувчи, олдиндан стандартлаштириш);

г) маҳсулот (хизматлар) нинг техник савиясини ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни кўриш мақсадида меъёрий ҳуж-жатларнинг айрим тафсилотларини ўхшаш маҳсулотга хорижий стан-дартнинг кўрсаткичлари билан таққослаш.

“Маҳсулот сифатининг даражаси” ва “маҳсулотнинг техник савия-си” тушунчаларини фарқлаш керак.

*Маҳсулот сифатининг даражаси* - баҳоланадиган маҳсулот сифат кўрсаткичларининг қийматларини мос кўрсаткичларнинг асос қиймат-лари билан таққослашга асосланган, маҳсулот сифатининг нисбий таф-силотидир,

*Маҳсулотнинг техник савияси* - баҳоланадиган маҳсулотнинг техник такомиллашганлигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг қиймат-ларини мос кўрсаткичларнинг асос қийматлари билан таққослашга асосланган, маҳсулот сифатининг нисбий тафсилотидир.

Бир турли маҳсулот гуруҳлари сифат кўрсаткичларининг номен-клатураси иктисодиётнинг деярли барча тармоқлари бўйича 320 дан ортиқ сифат кўрсаткичлари тизимига оид халқаро стандартлар - МСКТ (тўртинчи тармоқлараро тизим) да белгиланган. Қурилиш материал-ларига МСКТ ни белгиловчи қатор Ўзбекистон давлат стандартлари тасдиқланган.

Умумий ҳолда меъёрий ҳужжатнинг илмий-техникавий даража-сини нисбий баҳолаш лозим бўлган сифат кўрсаткичларининг тафси-лотларига қуйидагилар кирди:

1 *Вазифа кўрсаткичлари* – ўзи бажариши лозим бўлган асосий вазифаларни аниқловчи маҳсулот хоссаларини тавсифлайди ва қўлла-ниш соҳасини белгилайди.

Вазифа курсаткичлари учта кичик гуруҳга ажралади:

а) вазифа ва техник самарадорлик кўрсаткичлари -

- иш унуми;
- газламанинг пухталиги;
- озик-овқат маҳсулотлари ва б. нинг калорияликлиги.

б) конструкция кўрсаткичлари:

- габарит ўлчамлари(энг катта ташки ўлчамлари);
- йиғиш коэффициенти (блоклик коэффициенти);
- ўзаро аднашинувчанлик коэффициенти ва б.\*

в) таркиб ва тузилма кўрсаткичлари:

- пўлатда легирловчи қўшимчаларнинг фоиз миқдори;
- кислоталарда турли аралашмалар концентрацияси;
- газламада синтетик толалар миқдори;
- озик-овқат маҳсулотлари ва б. да фойдали моддалар миқдори.

## 2 Пухталиқ кўрсаткичлари

а) *бузилмай ишлашлик* – объектнинг маълум вақт давомида ёки маълум ҳажмдаги ишни бажариш даврида ўзининг иш имкониятини узлуксиз сақлаш хусусиятини тавсифлайди.

Бузилмай ишлашлик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- бузилмай ишлашлик эҳтимоли;
- бузилиш жадаллиги;
- бузилишгача бажарган ўртача иш ҳажми;
- бузилишгача бажарган гамма-фоиз иш ҳажми ва б.

б) *Кўпга чидамлилиқ (умрбоқийлик)* – объектнинг белгиланган техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимида чекка ҳолатга келгунча ўзининг иш қобилиятини сақлаш хусусиятини тавсифлайди.

Кўпга чидамлилиқ кўрсаткичлари:

- ўртача иш ресурси;
- белгиланган иш ресурси;
- гамма-фоиз ресурси;
- ресурс ва б.

в) *таъмирга яроқлилиқ* – объектнинг бузилишларни олдини олишга ва бузилиш сабабларини аниқлашга ҳамда таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш йўли билан бузилиш оқибатларининг бартараф этишга мосланганлик хусусиятларини тавсифлайди.

Таъмирга яроқлилиқ кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- иш қобилиятини тиклаш эҳтимоллиги;
- иш қобилиятини тиклашга сарфланадиган ўртача вақт ва б.;

Тикланувчанлик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- сифат кўрсаткичининг белгиланган қийматигача тиклаш ўртача вақти
- тиклаш даражаси (тиклангандан кейин сифат кўрсаткичи қийматининг ушбу сифат кўрсаткичининг белгиланган ёки бошланғич қийматига нисбати) ва б.

Изох - Махсулотлар ва материаллар хоссаларининг сақлаш ва ташишдан кейин тикланишга мосланганлиги тикланувчанлик кўрсаткичлари билан тавсифланади.

г) *сақланувчанлик* – объектнинг тузуклик ва ишга қобилиятлилиқ ҳолатини ёки махсулотнинг истеъмол қилишга яроқлилиқ ҳолатини сақлаш давомида ва сақлашдан кейин ва (ёки) ташишдан кейин сақлаш хусусиятини тавсифлайди.

Сақланувчанлик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- сақланувчанликнинг ўртача муддати;
- сақланувчанликнинг гамма-фоиз муддати ва б.

3 *Бойликлар* (ресурслар)ни тежаш кўрсаткичлари – маҳсулотнинг хом ашё, материаллар, ёкилги, энергияни ва фойдаланиш (истеъмол қилиш)да меҳнат ресурсларини талаб этиши даражаси бўйича унинг техник мукамаллигини акс эттирувчи хоссаларини тавсифлайди.

Бойликларни тежаш кўрсаткичлари учта кичик гуруҳга ажралади:

а) хом ашё ва материаллардан тежамкорлик билан фойдаланиш кўрсаткичлари, жумладан:

- хом ашёнинг солиштирма сарфи;
- материалларнинг солиштирма сарфи;
- белгиланган шароитларда хом ашёнинг нобуд бўлиши;
- белгиланган (регламентланган) шароитларда материалларнинг нобуд бўлиши ва б.

б) энергия истеъмолининг тежамлилик кўрсаткичлари, жумладан:

- ёкилгининг солиштирма сарфи;
- энергия (энергия ташувчи) нинг солиштирма сарфи;
- фойдали иш коэффициентлари ва б.

Энергиядан тежамли фойдаланиш кўрсаткичлари сифатида, одатда, солиштирма кўрсаткичлардан, яъни сарфланадиган энергия ва (ёки) ёкилгининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган фойдали иш ҳажмига (иш бирлигига) нисбатидан фойдаланилади.

в) меҳнат ресурсларидан тежамли фойдаланиш кўрсаткичлари:

- маҳсулотдан фойдаланганда (истеъмол қилинганда) умумий меҳнат сарфи;
- маҳсулотдан фойдаланганда (истеъмол қилганда) асосий кўрсаткич бирлигига солиштирма меҳнат сарфи ва б.

Хом ашё, материаллар, ёкилги, энергия ва меҳнат ресурсларидан тежамли фойдаланишни тавсифловчи умумлаштирилган кўрсаткичлар сифатида маҳсулотни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва фойдаланиш (истеъмол қилиш) даги сарф-харажатларни тавсифловчи кўрсаткичлар қўлланилиши мумкин.

4 *Эргономик кўрсаткичлар* “инсон – буюм” (жумладан, “инсон – машина”) тизимини тавсифлайди ва инсон ҳаётида содир бўладиган гигиеник, антропометрик, физиологик ва психологик хусусиятлар мажмуини ҳисобга олади

Эргономик кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- шовқин даражаси;
- ёруғлик даражаси;
- харорат даражаси;
- маҳсулот конструкциясининг инсоннинг тезлик имкониятларига мувофиқлиги;



- маҳсулот конструкториясининг инсоннинг куч имкониятларига мувофиқлиги ва б. .

5 *Эстетик кўрсаткичлар* ахборотнинг маънолиги, шаклнинг мақбуллиги, тузилиш (композиция) нинг бутлиги ва мукамал тайёрланганлиги билан тавсифланади ва қуйидаги кўрсаткичлардан иборат:

- асл нусхалиги;
- услубий мувофиқлиги;
- модага мувофиқлиги;
- вазифаси-конструкцияси жиҳатдан мосланганлиги;
- ҳажмий-фазовий тузилманинг тартиблилиги;
- колорит;
- сиртнинг пухта қолланганлиги ва безатилганлиги;
- фирма белгилари, кўрсаткичлари, ўрамлари ва б.нинг аниқ ва пухта бажарилганлиги ва б.

6 *Технологиклик* – маҳсулот таркиби ва тузилмасини ёки конструкциясининг ишлаб чиқаришда, фойдаланишда ва сифат кўрсаткичларини, ишлаб чиқариш ва ишларни бажариш шароитларини тиклашда харажатларнинг энг кам бўлишини таъминлай оладиган хоссаларини тавсифлайди.

Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- маҳсулотни тайёрлашдаги солиштирма меҳнат сарфи;
- материалнинг солиштирма сарфи;
- энергиянинг солиштирма сарфи;
- ушбу турдаги техник хизмат кўрсатиш (таъмир) нинг бир марталик ўртача меҳнат сарфи.

7 *Ташишга мосланганлиги* – маҳсулотнинг очик жойда кўчишга (ташишга), яъни маҳсулотдан фойдаланиш (истеъмол қилиш) билан боғлиқ, бўлмаган ҳаракатларга мосланганлигини тавсифлайди.

Ташишга мосланганлик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- маҳсулотни ташишга тайёрлаш ўртача вақти;
- маҳсулотни ташишга тайёрлашда ўртача меҳнат сарфи;
- маҳсулотни маълум турдаги ташиш воситасига ортишда ўртача вақт сарфи;
- маҳсулотни маълум турдаги ташиш воситасидан туширишда ўртача вақт сарфи;
- ташиш воситасининг сизимидан фойдаланиш коэффициентини.

8 *Стандартлаштириш ва бирхиллаштирилиш кўрсаткичлари* маҳсулотнинг стандарт, бирхиллаштирилган ва оригинал таркибий қисм-

лар билан бойитилганлигини, шунингдек бошқа буюмлар билан бир-хиллаштирилиш даражасини ифодалайди.

Стандартлаштириш ва бирхиллаштириш кўрсаткичларига:

- қўлланувчанлик;
- такрорланувчанлик;
- бирхиллаштирилиш коэффициентлари ва б. киради.

9 *Патент-ҳуқуқий курсаткичлар* маҳсулотда фойдаланилган техник ечимларнинг янгиланганлик даражасини, уларнинг патент билан ҳимояланганлигини, шунингдек мамлакат ичида ва хорижда харидга тўсиқсиз қўйиш имконини тавсифлайди.

Патент-ҳуқуқий кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- патент билан ҳимояланганлик кўрсаткичи;
- патент тозалиги кўрсаткичи ва б.

10 *Экологик кўрсаткичлар* маҳсулотдан фойдаланганда ёки истеъмол қилганда содир бўладиган атроф муҳитга зарарли таъсир даражасини тавсифлайди. Бу кўрсаткичларни танлаш ва аниқлашда атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари ҳисобга олинади.

Экологик кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- атроф муҳитга чиқариб юбориладиган зарарли аралашмаларнинг руҳсат этилган миқдори;
- маҳсулотни сақлаш, ташиш, ишлатиш ёки истеъмол қилишда атроф муҳитга зарарли заррачалар, газлар, нурланишларни чиқариб юбориши эҳтимоллиги ва б.

11 *Хавфсизлик курсаткичлари* маҳсулотнинг ишлатишда (истеъмол қилишда) инсон ҳаётига, соғлигига ва мулкига, атроф муҳитга хавфсизлиги хоссаларини ва хусусиятларини тавсифлайди.

Хавфсизлик кўрсаткичлари Ўз.РХ 51-010:1998 га асосан маҳсулот турлари бўйича шакллантирилади, масалан, электротехник жихозлар ва буюмларнинг хавфсизлик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- электр токидан шикастланишдан сақланиш классси;
- бошқариш, хизмат кўрсатиш, эксплуатация қилишда меҳнатнинг хавфсизлиги;
- изоляцияни доимий текширувчи қурилманинг мавжудлиги;
- шовқин даражаси;
- азот оксидлари, карбон (углерод) ва б. ни атроф муҳитга чиқариб юбориладиган солиштира миқдори.

Сут ва сут маҳсулотлари учун:

- кислоталилик;

- микробиологик кўрсаткичлар;
- пестицидлар, оғир металллар, афлотоксинлар ва б. нинг колдик микдори.

Демак, МСКТ стандартларида кўрсатилган маҳсулот тавсифлари мажмуи ва Ўзбекистон меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган роя килиш мажбурий бўлган талаблар мажмуи маҳсулот сифатини ташкил этади ва стандартлаштириш билан таъминланади.

## 1.2 Стандартлаштириш давлат тизими тушунчаси ва моҳияти

Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими (Ўз.СДТ) стандартлаштириш тармоқлараро тизими (СТТ) нинг таснифи бўйича I классга киради. СТТ алоҳида гуруҳлар (синфлар) га бирлаштирилган, тармоқлараро ташкилий-методик ва умумтехникавий асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуидан иборат. Ўз СДТ, стандартлаштиришнинг асосий вазифасидан келиб чиққан ҳолда, фаолиятнинг барча соҳаларида тартибга туширишга қаратилган илий-техникавий фаолият сифатида, стандартлаштириш ишларининг ўзини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартибини белгилайди. Бунда Ўз СДТ, тизим сифатида, умумий ҳолда, “Бир-бири билан муносабатда ва алоқада бўлган, маълум бир бутунликни, ҳаракатда ягоналикни ташкил этувчи элементларнинг маълум тартиби ёки тўплами” тизим таърифидан келиб чиқади. Демак, Ўз СДТ “маълум бутунлик, ягоналикдан” иборат бўлиб, фақат “ҳаракатда”, яъни доимий ва муттасил равишда мукамалланиш, ривожланиш, долзарбланиш шароитларида ишлайди.

Ўз.СДТ меъёрий ҳужжатларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, келишиш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини ўрнатади; меъёрий ҳужжатларни текшириш, бекор қилиш, қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартаришлар киритиш; маҳсулот ишлаб чиқаришни меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш, ташиш, сақлаш, харидга чиқариш, таъмирлаш, ишлатиш (истъеомол қилиш), қайта фойдаланиш (утилизация); меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш ишларини ўтказиш усуллари; халқаро, давлатлараро, ҳудудий, хорижий стандартларни қўлланиш усуллари ва х.к. тартибини ўрнатади.

Асос бўлувчи стандартлар барча СТТ даги, масалан, Конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими (Ўз. КХЯТ), Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими (Ўз.ТХЯТ), Маҳсулот сифати кўрсаткичлари тизими (Ўз.МСКТ), Сертификатлаштириш миллий тизими (Ўз.СМТ), Техник-иқтисодий, ижтимоий ахборотларни таснифлаш-коллаш ягона тизими (Ўз.Т.ИИ.А.Т.К.ЯТ), ўлчашлар бирлигини таъминлаш

давлат тизими (Ўз ЎДТ), Махсулот яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими (Ўз.МЯИЧҚТ), Аккредитлаш тизими (Ўз. АТ), Махсулотни синаш тизими (Ўз.МСТ), Сифат тизими (Ўз.СТ) ва б. даги фаолиятларни тартибга солиди.

Халқаро стандартлардан фойдаланиш мақсадларида СДТ да Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) ва Халқаро электротехник комиссия (МЭК) нинг атроф муҳитни бошқариш тизимида, стандартлар каталогларини тақдим этиш тартибида ва халқаро ва ҳудудий стандартларни Ўзбекистон стандартлари сифатида қабул қилиш тартибида тўрт хил номли стандартлар қабул қилинган. “Стандартлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартиришлар киритиш ва стандартлаштиришни янада ривожлантириш ва мукамаллаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг стандартлаштириш масалаларни бўйича қатор қарорлари (12 август 1994 й., №410, 5 январь 1998 й. №5, 3 октябрь 2002 й. №342, 5 август 2004 й. №373) қабул қилинганлиги муносабати билан асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларга кейинги йилларда 50 га яқин ўзгартиришлар киритилди.

Уз СДТ, ҳар қандай тизим каби, қуйидаги муҳим асосларга таянади:

- ташкилий асослар;
- ҳуқуқий асослар;
- таснифлаш;
- атамалар ва таърифлар;
- асосий қоидалар;
- назарий асослар.

## **2-БОБ. СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

**2.1** Вазирлар Маҳкамасининг 2 март 1992 йил №93 “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш тўғрисида” қарори шарҳлари

Совет Иттифоқининг парчаланишидан аввал Ўзбекистонда стандартлаштириш СССР стандартлаштириш давлат тизими доирасида олиб борилган. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин ўз тажрибасига ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасига асосланган ҳолда стандартлаштиришни бошқаришнинг хусусий моделини яратиш зарурати пайдо бўлди. Бунинг учун биринчи навбатда ташкилий масалалар ечилди, кейинчалик стандартлаштиришнинг қонуний асослари шакллантирилди.

Қарорда кўрсатилишича, стандартлаштириш буйича ишларни ташкиллаштириш “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилиш муносабати билан, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш республика миллий тизимини яратиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек Мустақил давлатлар ҳамкорлиги давлатлари ўртасида хўжалик, савдо, илмий-техникавий ва бошқа муносабатларни сақлаш, жаҳон мамлакатлари билан савдо-иқтисод ва илмий-техник ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида” олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган СССР Давстандарт ташкилотлари ва муассасаларини бирлаштириш асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат маркази (Ўздавстандарт) ташкил этилди ва унга стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича республика миллий идораси вазифалари юклатилди. Ўздавстандарт, шунингдек, СССР Давстандартнинг Ўзбекистондаги вориси деб белгиланди.

Ўздавстандарт таркибига қуйидагилар киритилди:

а) СССР Давстандартнинг Бутуниттифок малака ошириш институтининг филиали Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳасидаги тадқиқотлар ва мутахассислар тайёрлаш институти (Ўз.ТМТИ) га айлантирилган ҳолда. Шундай қилиб, Ўрта Осиё тарихида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни таъминлаш тизимлари бўйича илмий ташкилот яратилди;

б) “Эталон” Ўзбекистон ишлаб чиқариш бирлашмаси (Ўз.ИБ)нинг Ўзбекистон ҳудудидаги филиаллари ва цехлари. Бунда, “Эталон” ЎЗИБ ишлаб чиқариш корхонаси бўлганлиги учун бу Бирлашма Ўздавстандарт таркибига методик ишлар бўйича қиради, маъмурий жиҳатдан эса, Ўзлтехсаноат ассоциациясига қиради:

в) Тошкент №2 “Стандартлар” дўкони;

г) Қорақалпоқ, вилоятлар, Қўқон ва Чирчиқ стандартлаштириш ва метрология марказлари уларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий марказларга (СМСХМ) қайта ўзгартириш йўли билан, Ўздавстандарт идораларини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш мақсадида СМСХМ жойларда ташкил этилди. Жумладан, кейинги йилларда Олмалик, Бекобод ва Тошкент СМСХМ ташкил этилди.

Қарорда республикада қўлланиладиган метёрий ҳужжатлар рўйхати белгиланди, Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими (Ўз.СДТ)нинг стандартлаштиришнинг асосий мақсадларини белгилловчи стандартлаштириш идоралари ва хизматлари ва уларнинг вазифалари аниқланди; метёрий ҳужжатлардаги мажбурий ва тавсия этиладиган

талабларни белгиловчи, ҳўжалик юритувчи субъектларга корхонанинг стандартларини ишлаб чиқиш ва тас-диклаш ҳуқуқини берувчи асосий принциплар тасдиқланди.

Ўздавстандарт тўғрисида Низом тасдиқланди. Унинг асосий вазифаси мамлакатимиз маҳсулотининг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш мақсадида Ўз СДТ, ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими (Ўз.ЎДТ), Сертификатлаштириш миллий тизими (Ўз СМТ)нинг ишлаши ва такомилланишини таъминлашдан иборат.

## **2.2 Вазирлар Маҳкамасининг 3 октябрь 2002 й №342 “Маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” қарори шарҳлари**

Қарорда асосий вазифа – халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни такомиллаштириш, шунингдек халқаро стандартлардан кенг фойдаланиш асосида мамлакатимиз маҳсулотининг сифатини таъминлаш ва рақобатбардошлигини ошириш белгиланган.

Бу мақсадда маҳсулот ва хизматларни, бунга яқин соҳаларни ҳам стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни бошқариш тубдан қайта ташкиллаштирилди.

Ўздавстандарт Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлиги (Ўзстандарт Агентлиги) га ўзгартирилди ва унга Ўздавстандартнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юқлатилди.

Ўзстандарт Агентлигининг асосий вазифалари қуйидагича бел-иланди:

- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қонунларга риоя қилинишини текшириш, озик-овқат маҳсулотларининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш ва фаолиятнинг кўрсатилган йўналишларида қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш;

- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари асосида ягона техникавий сиёсатни амалга ошириш;

- меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича тармок тузилмаларини ташкил этиш.

Қарорда Ўзстандарт Агентлигининг, унинг ҳудудий идораларининг ташкилий тузилмалари, шунингдек агентлик тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари (СМС ХМ) стандартлаштириш ва метрология ҳудудий бошқармалари (СМБ) ва синаш ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари (ССМ) ташкил этилди.

Агентлик ҳузурида ишларнинг йуналишлари бўйича коллегия, бошқарма ва бўлимлар тузилган. Ҳудудий бошқармаларда: стандартлаштириш; аккредитланган сертификатлаштириш идораларини ва синаш лабораторияларини текшириш; ўлчаш воситалари устидан метрологик назорат ва текширув; стандартлар устидан давлат назорати; алкоголь маҳсулотлар сифати бўйича инспекторлар бўлимлари ташкил этилган

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича Маҳкамалараро кенгаш ташкил этилган. Бунга қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

- афзал йуналишларни аниқлаш ва стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;
- стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва яратиш комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга тақдим этиш;
- стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ўзстандарт Агентлиги қошида махсус жамғарма тузилган. Бу жамғарма хўжалик юритувчи субъектлардан стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қонунларни бузганлиги учун ундирилдиган жарималар; сертификатлаштириш идораларини ва синаш лабораторияларини аккредитлаш учун олинандиган тўловлар; метрологик хизмат кўрсатилганлиги учун келадиган пул маблағлари; Синаш ва сертификатлаштириш Республика маркази ва унинг таркибига кирган аккредитланган сертификатлаштириш идоралари ва синаш лабораторияларининг даромадлари ҳисобига шакллантирилади.

Ўзстандарт Агентлигининг асосий вазифалари, ишлари ва ҳуқуқлари Ўздавстандартнинг ҳуқуқий меросчиси сифатида илгаридек сақланади. Сертификатлаштириш, штрихли кодлаш тизимини жорий этиш бўйича ишлар кенгайтирилди.

Ўзстандарт Агентлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- давлат идоралари ва хўжалик бошқармалари ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан қўшма хорижий шериклар раҳбарларининг агентлик ваколатидаги масалалар бўйича ҳисоботларини Маҳкамалараро кенгаш мажлисида эшитиш;
- тегишли идоралардан стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ва таянч ташкилотлар тузишни талаб этиш.

### **2.3. Вазирлар Маҳкамасининг 5 август 2004 йил № 373 “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида” қарори шарҳлари**

Қарор Ўзстандарт Агентлигининг асосий вазифалари сақланган ҳолда унинг тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятини ташкиллаштиришга йўналтирилган.

Ахборот-маълумотнома маркази тузилди, халқаро алоқалар бўлими секторга айлантирилди, ахборот технологияларини жорий этиш ва сифат тизимини жорий этиш бўлимлари тугатилиб, уларнинг ишари тегияшли бошқармаларга берилди. Молия-иктисод бўлими бошқармага айлантирилди.

Стандартлаштириш ва метрология бошқармаларида стандартлаштириш ва стандартлар устидан давлат назорати бўлимлари бирлаштирилди.

Махсус жамғарма маблағларини сарфлаш йўналишлари кенгайтирилди: стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича халқаро ва ҳудудий ташкилотлар билан ҳамкорлик тадбирларига ва бу ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш; кадрлар тайёрлаш; асосий фондларни капитал таъмирлаш; давлат назорати ва б.

Ўзстандарт Агентлиги тўғрисида қоида тасдиқланди. Унинг асосий вазифалари қуйидагича белгиланди:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” Қонунларини ва стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда бажарилишини таъминлаш;

б) халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича стандартларни қўлланиш асосида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, махсулот сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

в) стандартлаштириш тизимлари, ўлчашлар бирлиги, сертификатлаштириш, аккредитлаш ва бу соҳалардаги илиний-техникавий ахборотларни тарқатиш, шунингдек уларни халқаро, давлатлараро, хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштириш;

г) махсулот, хизматлар, ишларнинг хавфсизлиги ва сифатига талабларга риоя қилиниши ва ишончсиз ўлчов натижаларининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш бўйича истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;



д) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳа-сида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни таш-киллаштириш.

### **3-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШНИҲ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

#### **3.1 Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғ-рисиди” Қонуни шарҳлари**

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича иш-ларни ташкиллаштириш тўғрисиди” (март 1992 й.) республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган стандартлаштиришнинг ташкилий асослари “Стандартлаштириш тўғрисиди” Ўзбекистон Рес-публикасининг Қонуни билан қонунлаштирилган. Қонун 28 декабрь 1993 й. да қабул қилинган, 28 февраль 1994 й. умумий ахборот воси-таларида чоп этилган ва шу кундан бошлаб қучга кирган.

Қонунда стандартлаштиришнинг асосий максаллари белгилан-ган:

– истеъмолчилар ва давлатнинг махсулот (хизматлар) нинг аҳоли хаёғи, соғлиғи ва мулки, атроф муҳит учун хавфсизлиғи масалалари бўйича манфаатларини химоя қилиш;

– махсулотнинг ўзаро алмашинувчанлиғи ва мос келувчанлигини таъминлаш;

– махсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;

– барча турдағи бойликларнинг тежалишига қўмақлашиш;

– ижтимоий-иктисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳа-ларни амалга ошириш;

– табиий ва техноген ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда вазият-ларнинг содир бўлиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжа-лиғи объектларининг хавфсизлигини таъминлаш;

– ўлчашларнинг бирлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисиди” қонунда белгиланганки, республикада стандартлаштириш бўйича ишларни ўтказиш умумий ташкилий-техник қоидаларини белгилловчи Ўз СДТ фаолият кўрсатади. Бу қоидаларнинг ўзи Ўздавстандарт то-монидан ўрнатилади. Давлатархитектурақурилиш (қурилиш, қурилиш индустрияси, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялаш соҳасида), Давлаттабиатқўмитаси (табиий бойлик-лардан фойдаланиш ва атроф муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан сақлаш соҳа-

сида, Согликни саклаш вазир-лиги (тиббйётга мўлжалланган махсулотлар, тиббйёт техникаси буюмлари, дори-дармонлар соҳасида, шунингдек республикада чиқариладиган ва импорт бўйича келтириладиган махсулотда инсон учун хавфли аралашмалар борлигини аниқлаш масалалари бўйича) ўзининг ваколат доирасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш ишларини олиб боради. Республикада қўлланиладиган меъёрий ҳужжатлар рўйхати келтирилган:

- халқаро (давлатлараро, ҳудудий) стандартлар;
- Ўзбекистон давлат стандартлари;
- тармоқлар стандартлари;
- техник шартлар;
- маъмурий-худудий стандартлар;
- корхоналарнинг стандартлари;
- хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларга шунингдек, стандартлаштириш бўйича қондалар, меъёрлар, техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотлар таснифлагичлари (классификаторлари) ҳам киради.

Халқаро (давлатлараро, ҳудудий), хорижий меъёрий ҳужжатлар Ўздавстандарт томонидан белгиланган тартибда қўлланилади. Ягона ва узлуксиз таълим давлат тизимида таълим давлат стандартлари ишлаб чиқилади, республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар мамлакатимиз ва хорижий фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланиши ва халқаро савдо учун ортиқча тўсиқлар пайдо қилмаслиги лозим. Рақобатбардошликни таъминлаш учун ўзувчи (олдиндан тузилган) стандартлар яратилиши мумкин.

Махсулотни меъёрий ҳужжатларсиз ишлаб чиқариш ва харидга кўйиш ман этилади.

Махсулотнинг аҳоли ҳаёти, соғлиги, мулкига хавфсизлигини таъминлайдиган меъёрий ҳужжатларнинг талаблари, махсулотнинг мос келувчанлиги ва ўзаро алмашинувчанлигини, буларни текшириш усулларининг бир хиллигини ва бир хил тамғаланишини таъминлаш учун риоя қилиниши шарт.

Стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан давлат назорати идоралари, объектлари ва субъектлари, давлат назоратини бажарувчи давлат инспекторларининг ҳуқуқлари ва масъуллиги, шунингдек давлат назорати субъектларининг ва буларга раҳбар шахсларнинг стандартлаштириш тўғрисида қонунларни бузганлиги учун, шунингдек стандартлардаги мажбурий талабларни бузганлиги учун жавобгарликлари белгиланган.

Давлат назорати идораларига куйидаги ҳуқуқлар берилган:

- аниқланган бузилишларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма бериш;
- жарима солиш;
- тадбиркор субъектларнинг лавозимли шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;
- текширилган маҳсулотни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки харидга қўйиш (етказиб бериш, сотиш)ни, фойдаланиш (эксплуатация қилиш) ни тўхтатиш;
- стандартларнинг мажбурий талабларига мос келмайдиган ва давлат руйхатидан ўтмаган импорт маҳсулотнинг харидга қўйилишини тақиқлаш;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки харидга қўйишни (етказиб бериш, сотишни) тақиқлаш тўғрисидаги давлат инспекторининг кўрсатмасини бузганлиги учун жарима ёзиш.

Жарима суд тононидан белгиланади, агар тадбиркор субъект кендани бузганликдаги айбини ўз бўйнига олса ва жаримани ўз ихтиёри билан тўлашга рози бўлса, бу тўғрида қарор давназорат идоралари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10 ноябрь 2006 й. № 235 қарори билан Давлат назорати тўғрисидаги Низомга жаримага тортиш қисмида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган (Низом 12 август 1994 й. № 410 ҳукумат қарори билан тасдиқланган).

а) 4 модда бешинчи абзац куйидагича таҳрирда баён этилади:

“хўжалик фаолиятини юритувчи субъектларга нисбатан стандартларнинг мажбурий талабларини бузганлиги учун, лавозимли шахсларга маъмурий жазо қўлланилгандан кейин йил давомида тақрор бузилишга йул қўйганлиги учун харидга чиқарилган маҳсулот нархининг 50 фоизи миқдорида жарималарни қўллаш туғрисида қарор қабул қилиш”;

б) куйидаги мазмунда 9 модда қўшимча киритилсин:

“9. Хўжалик фаолияти субъектининг охириги ҳисобот санасида жорий активларининг суммасидан 20 фоиздан ортиқ жарималарни ундириш қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ойга ҳар ойда тўлаш шarti билан чўзилиши мумкин”

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ишлар рўйхати белгиланган:

- халқаро, давлатлараро, ҳудудий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки қатнашиш;
- стандартлаштиришнинг муайян объектлари бўйича конун ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- асос бўлувчи ташкилий-методик ва умумтехникавий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва унинг ишлашини таъминлаш;

– техник-иқтисодий ахборот таснифлагичларини ишлаб чиқиш, булар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва чоп этиш, шунингдек барча фойдаланувчиларга тарқатиш:

– умумдавлат аҳамиятидаги илмий-тадқиқот ва бошқа иш-лари бажариш

– стандартларнинг мажбурий талабларига риоя қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

– меъёрий ҳужжатлар давлат жамғармасини шакллантириш ва олиб бориш. Стандартларни, маҳсулот ва хизматлар каталогини белгиланган тартибда харидга қўйишдан олинган маблағлар, шунингдек стандартлаштириш тўғрисидаги қонунларни бузганлиги учун жаримага тортишдан олинган маблағларнинг бир қисми ҳам молиялаш манбалари бўлиши мумкин.

Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини меъёрий таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозим.

Мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот чиқарувчи корхоналарни, шунингдек ананавий технология имнониятларидан ўзувчи, истиқболга мўлжалланган талаблар стандартга бўйича маҳсулот ишлаб чиқаргани учун иқтисодий ёрдам ва рағбатлантириш давлат кафолати Қонунда кўзда тутилган.

### **3.2 Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 1994 йил 410 “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қарори шарҳлари**

Қарорда иккита масала ҳал этилган:

1) “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонун қабул қилиниши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасида Стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2 март 1992 й. №93 қарорига ўзгартиришлар киритилди;

2) стандартлар ва ўлчауларнинг бирлигини таъминлаш устидан давлат назорати тўғрисида Низом тасдиқланди.

Биринчи масала бўйича.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш тўғрисида” қарорига нафақат “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонундан келиб чиққан ўзгартиришлар, балки Қонунни бажаришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам киритилган.

Масалан, республикада қўлланиладиган меъёрий ҳужжатлар рўйхати қурилиш меъёрлари ва қондалари (ҚМК), раҳбарий ҳужжатлар

билан тўлдирилди. Ўздавстандартга бир ой муддатда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида қонунларни бузганлиги учун жарима тўлаттириш тўғрисида Низом ва жарималардан тушган пулни таксимлаш принципларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашига, вилоят ҳокимиятларига ва Тошкент шаҳар ҳокимиятига СМСХМ га ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан меъёрий ҳужжатлардаги мажбурий талабларга, метрология ва сертификатлаштириш қондаларига риоя қилиниши устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширишда зарур ёрдамни бериш таклиф этилган.

Давлат бошқариш идораларига, ҳўжалик юритувчи субъектларга бир ой муддатда ўз низомларига “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” Қонунлардан келиб чиқадиган қўшимчалар ва ўзгартиришларни кўриб чиқишга тақдим қилиш вазифаси юклатилган.

Стандартлаштиришнинг асосий принципларига стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар тўғрисида тушунча киритилган.

Ўздавстандарт тўғрисидаги Низомда бу идоранинг асосий вазифаси ифодаланган. Низомнинг барча матнларига мажбурий талаб сифатида бойликларни тежаш тўғрисида талаб қўшилган.

Иккинчи масала бўйича.

“Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш устидан давлат назорати тўғрисида” Низомда давлат назорати (кейинчалик - давназорат) идоралари, объектлари ва субъектлари белгиланди.

Ўздавстандарт, Давлатархитектурақурилиш, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий идоралари, шунингдек маҳсус ваколатланган идоралар ўз ваколатлари доирасида давназорат идоралари бўлади. Масалан, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ва “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида” Қонунларга мувофиқ давназорат идоралари сифатида: Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давсанэпидхизмати, Қишлоқ, ва сув ҳўжалиги вазирлиги қошидаги Ветеринария Бош давлат бошқармаси ва ўсимликлар карантини бўйича Бош давлат инспекцияси, антимонополия фаолиятини баъжаришга ваколатланган идора белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг қарорларида I, II, III синф пухталигидаги гидротехник иншоатларнинг техник ҳолатини ва ишларнинг хавфсизлигини текшириш ва назорат қилиш Вазирлар Маҳамаси қошидаги йирик ва жуда муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолати ва ишларни баъжариш хавфсизлиги

устидан назорат қилиш ва текшириш бўйича Давлат инспекцияси “Давсувхўжаликназорат”га юклатилган, темир йўлларда ташиш хавфсизлиги устидан назорат бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат инспекцияси “Ўздавтемирйўлназорат” тўғрисида Низом тасдиқланди.

Давназорат субъектларига маҳсулот қиради, шу жумладан ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва қайта фойдаланиш босқичларида, яъни маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида сертификатланган маҳсулот, шунингдек меъёрий хужжатлар (хужжатларнинг илмий-техникавий даражасини экспертиза қилиш ва баҳолаш нуқтаи назаридан) қиради.

Давназорат субъектларига давлат бошқариш идоралари, корхоналар бирлашмаси (ассоциациялар, концернлар, корпорациялар), хўжалик юритувчи субъектлар қиради.

Давназоратнинг асосий вазибаларига давлат бошқариш идоралари, юридик шахслар бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан меъёрий хужжатларнинг ва метрологик қондалар, ўлчашлар бирлигининг ўз вақтида жорий этилиши ва аниқ риюя этилишини таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техникавий ютуқларни тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг техник савиясини ва сифатини ошириш мақсадида меъёрий хужжатларнинг ва ўлчаш воситаларининг илмий-техникавий даражасини баҳолаш қиради.

### **3.3 Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни шарҳлари**

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонун Олий Мажлис томонидан 26 апрель 1996 й. да қабул қилинган.

Қонун истеъмолчининг - шахсий истеъмол ёки фойда кўриши билан боғлиқ бўлмаган, хусусий хўжалиқда фойдаланиш мақсадида мол, иш ёки хизматни сотиб олувчи, буюртирувчи ёки буюртма беришни ният қилган фуқаро (жисмоний шахс) нинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Истеъмолчи ҳуқуқларини бузганлик учун қонунга мувофиқ ҳаридга чиқариш учун мол тайёрловчи, ишлаб чиқарувчи, ишни бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи, сотувчи жавобгарликка тортилади.

Истеъмолчи мол (иш, хизматлар) тўғрисида, шунингдек тайёрловчи (бажарувчи, сотувчи) тўғрисида ишончли ва тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Қонун тайёрловчи (бажарувчи, сотувчилар) томонидан истеъмолчига берилмаган зарур маълумот ҳажмини белгилайди. Бунда тайёрловчи тўғрисида ҳам, таклиф этилган мол (хизматлар) тўғрисида

хам тўлиқ ахборот бериш кўзда тутилган. Зарур ахб-ротнинг йўқлиги ёки ишончсиз маълумот берганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунига мувофиқ ва истеъмолчиларни истеъмол моллари тўғрисида давлат тилида ишончли ахборот билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 5 декабрь 2002 й. № 427 “Ўзбекистон Республикасига истеъмол молларини киритишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида” қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқариладиган, импорт қилинган истеъмол молларининг алоҳида турларини давлат тилида мажбурий тамғалаш кўзда тутилган. Импорт қилинадиган истеъмол молларини тамғалаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган. Бу Низомда тамғалашга қўйиладиган талаблар ва импортчиларнинг мажбуриятлари белгиланган.

Қонунда истеъмолчининг совдо-сотик ва бошқа хизмат турлари соҳасида шартнома тузиш ва сотиб олиннадиган мол (иш, хизматлар) сифатини текшириш ҳуқуқи белгиланган. Бунда истеъмолчининг шартнома тузиш йўли билан мол (иш, хизматлар) ни эркин сотиб олиш ҳуқуқи кўзда тутилган. Бу шартнома бўйича сотувчи (тайёрловчи, бажарувчи) истеъмолчига унинг мулки сифатида молни маълум миқдорда ва зарур сифатли қилиб бериш мажбуриятини олади, истеъмолчи эса шартномада келишилган миқдордаги пулни тўлаш мажбуриятини олади.

Қонунда истеъмолчининг сотиб оладиган молнинг сифатини, бутлигини, массасини ва баҳосини текшириш ҳуқуқи ва бу ҳуқуқлардан фойдаланиш учун шароитлар яратиб беришга оид сотувчининг мажбуриятлари кўзда тутилган.

Қонунда истеъмолчининг молнинг хизмат муддати ёки яроқлилик муддати давомида хавфсизлиги кафолатланган ҳолда сотиб олиш ҳуқуқи белгиланган.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиги, мулкига ва аτροφ муҳитга хавfli мол чиқарилгани учун қуйидагилар жавобгар бўлади:

- тайёрловчи (бажарувчи);
- меъёрий ҳужжатни тасдиқлаган идора;
- мувофиқлик сертификатини берган идора;
- хавfli молни чиқаришга ёки харид қилишга рухсат берган соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизматлари ва бошқа идоралар.

Қонунда, шунингдек молнинг бутун ҳаётининг фаолияти даврида хавфсизлигини таъминлаш бўйича тайёрловчи (сотувчи)нинг жавобгарлиги шу жумладан истеъмолчига қўрилган зарарни тўлаш белгиланган.

Инсон ҳаёти, соғлиги ва мулки учун хавфли камчиликлари бўлган мол (иш, хизматлар), шунингдек тайёрловчи (бажарувчи, сотувчи)нинг ноҳуқуқий хатти-ҳаракати (фаолиятсизлиги) туфайли кўрилган моддий зиёнларни маънавий зарарни тўлик, ҳажмда тўлаш кўзда тутилган.

Қонунда истеъмолчига камчиликлари бор бўлган молни сотганда, бу камчилик туфайли кўрилган зарарга мулкни жавобгарлик, маънавий зарарни суд орқали тўлатиш тартиби белгиланган.

Қонунда белгиланганидек, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ва мол сотиб олишда ва молдан фойдаланишда қонун бўйича ҳимояланадиган манфаатларини кафолатлайди, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимояланишини давлат ҳокимияти ва бошқармасининг идоралари ва судлар таъминлайди. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқармасининг идоралари ўзларининг ваколатлари доирасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонуларнинг бажарилишини текширади.

Моллар (ишлар, хизматлар) нинг хавфсизлигини ва сифатини текширувчи давлат бошқарув идораларининг ваколатлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлиги учун тайёрловчиларнинг моддий жавобгарлиги кўзда тутилган. Моддий жавобгарлик давлат бошқармасининг ваколатли идоралари томонидан жарима солишдан иборат бўлади.

Қонун истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўнгилли жамоат бирлашмаларини тузиш ҳуқуқларини белгилайди.

Қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб ташаббускор гуруҳлар ва маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан жойларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари тузила бошлади. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 28 ноябрь 2002 й. №414 “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” қарор қабул қилинди. Қарорда Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясини тузиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ташкилий тузилмаси мақуullanган. Ҳуқумат қарори билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Маҳкамаларо кенгаш ташкил этилган ва унинг низоми тасдиқланган. Маҳкамаларо кенгаш таркибига давлат бошқарув идоралари, вазирликлар, маҳкамалар, республикада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг 16 вакили киритилган.

Маҳкамаларо кенгашнинг асосий вазифалари куйидагича белгиланган:

– Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунини амалга ошириш бўйича



вазирликлар, давлат қўмиталари ва маҳкамалар, республикада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

– Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларнинг қўлланилиш самарасини таҳлил қилиш;

– Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларни амалга ошириш механизмини яратиш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ва уларни бажаришда қатнашиш;

– Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қўшма ҳаракатларни ишлаб чиқиш мақсадида бошқа давлатларнинг давлат ва жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича ишларни ташкиллаштириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни кенгайтиришга қўмаклашиш соҳасида манфаатдор халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар билан мулоқатларни таъминлаш;

– Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича жамоат фикрини ўрганишни ташкиллаштириш;

– Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилаётганлиги тўғрисида республика аҳолисини оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонун низомларини ва ҳукумат қарорларига мувофиқ юклатилган вазифаларни бажариш учун Маҳкамалараро кенгашига кенг ҳуқуқлар берилган.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жамоат бирлашмаларининг ҳаракат фаолиятларига иқтисодий ва ташкилий шароитларни таъминлаш, кафолатлаш ва рағбатлантириш мақсадида Ҳукумат қарори билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳузурида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамият ҳаракатини ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси (фонди) тузилган.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатлари маҳкамалараро ва маҳкамалар меъёрий ҳужжатларида ёритилади. Ўзстандарт Агентлиги агентлик ташкилотларининг истеъмолчилар жамияти билан ўзаро ҳамкорлик қилиши тартиби тўғрисида раҳбарий ҳужжат қабул қилган.

### **3.4 Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” Қонуни шарҳлари**

Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” Қонуни Олий Мажлис томонидан 30

август 1997 йилда қабул қилинган. Бу қонун аҳолини сифатли ва хавфсиз маҳсулот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Қонунда асосий тушунчаларга, шу жумладан “хавфсизлик” ва “озик-овқат маҳсулотининг сифати” тушунчаларига таърифлар берилган.

Қонун “озик-овқат маҳсулоти” тушунчасига қуйидагиларни киритган: озик-овқат хом ашёси (шу жумладан этил спирти), озик-овқат моллари (шу жумладан алкоголь ичимликлар) ва уларнинг таркибий ташкил этувчилари (ингредиентлари), озик-овқат хом ашёларига ва озик-овқат маҳсулотларига уринадиган моддалар, материаллар, шу жумладан булардан тайёрланадиган ёрдамчи ва жойлаш материаллари ва буюмлар.

Озик-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги - озик-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария меъёрлари ва қондаларига мувофиқлиги

Озик-овқат маҳсулотининг сифати - озик-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилловчи ва одамларнинг ҳаёти ва соғлиги учун унинг хавфсизлигини таъминловчи тафсилотлари мажмуи.

Озик-овқат маҳсулотининг яроқлилиқ муддати (фойдаланиш муддати)-озик-овқат маҳсулотининг сақлаш, ташиш, харидга қўйишда меъёрлар талабларига ва хавфсизлик қондаларига риоя қилинганда фойдаланишга яроқлилиқ муддати ва бу муддат ўтгандан кейин маҳсулот инсонларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлиши мумкин.

Қонунда озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат идоралари ва бошқариш доираси белгиланган.

Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси кишлок ва сув хўжалиги Вазирлиги қошидаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси кишлок ва сув хўжалиги Вазирлиги қошидаги Бош давлат ўсимликлар қрантини бўйича инспекция, стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаштириш Ўзбекистон агентлиги қонун бўйича белгиланадиган бошқа идоралар (кейинчалик - давлат назорати идоралари) томонидан амалга оширилади.

Қонунга мувофиқ, озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқарувида қуйидагилар қиради:

- давлат меъёрлари;
- озик-овқат маҳсулоти ва уни тайёрлашда ва озик-овқат маҳсулоти билан уринган ҳолда фойдаланиладиган жиҳозларнинг давлат рўйхати;

- озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаштириш;
- давлат назорати ва текшируви;
- озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш.

Қонунда белгиланганки, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат меъёрлари санитария, ветеринария, фитосанитария меъёрлари ва қондаларини ва гигиеник меъёрларни, давлат стандартларини, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига талабларни, маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сотиб олиш, қайта ишлаш етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва харидга чиқариш шартларини ўз ичига олган техник шартлар (кейинчалик – меъёр ва қондалар) ни ўрнатиш йўли билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги бўйича меъёрлар ва қондалар қонунда белгиланган тартибда давлат идоралари томонидан тасдиқланади ва озиқ-овқат билан иш кўрувчи юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Қонун ҳужалик юритувчи субъектлардан меъёрий ҳужжатларда озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини, сақланиш муддатини, сифат кўрсаткичларини ва текшириш усулларини асослашни ва буларга шартсиз риоя қилинишини талаб этади. Қонунда озиқ-овқат маҳсулотининг меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларига риоя қилиш мажбурийлиги белгиланган.

Озиқ-овқат маҳсулоти кадокланган, идишга жойланган (идиш маҳсулотининг муамалада бўлиши барча даврларида сифат ва озиқ кучини сақлаши лозим) ва қонунга мувофиқ тамғаланган ҳолда чиқарилиши лозим.

Қонун озиқ-овқат маҳсулотини тамғалашда кўрсатилиши шарт бўлган асосий маълумотларни белгилайди:

- озиқ-овқат маҳсулотининг номи;
- озиқ-овқат маҳсулотининг (болалар ва диетик овқатланишга ихтисослаштирилган маҳсулотлар учун) қандай мақсадга мўлжалланганлиги;
- тайёрловчининг номи;
- мол белгиси, бундай белгига эга бўлган ташкилотлар учун;
- озиқ-овқат маҳсулоти таркибига кирган моддалар (ингредиентлар) шу жумладан озиқ қўшимчалар номи;
- озиқ кучи, нави;
- сақлаш шароитлари;
- тайёрланган вақти, яроқлилик муддати;
- тайёрлаш усули (яримфабрикатлар ва болалар ва диетик овқатланиш ихтисослаштирилган маҳсулотлари учун);
- масса;

– фойдаланиш усули (биологик фаол қўшимчалар, озик қўшимчалар, болалар ва диетик овқатланиш ихтисослаштирилган маҳсулотлари учун);

– мувофиклик белгиси (маҳсулотни мувофиклик белгиси билан тағлаш ҳуқуқига лицензияси бор бўлган муассасалар учун);

– меъёрий ёки техник ҳужжатнинг тартиб рақами (номери)

Озик-овқат маҳсулоти, шунингдек уни тайёрлашга ва озик-овқатга уринган ҳолда фойдаланишга мўлжалланган жиҳозлар озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги бўйича меъёрлар ва қоидаларнинг талабларига мувофиқлиги текширилган ва давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ишлаб чиқарилиши, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига олиб келиниши, харидга чиқарилиши ва қўлланилиши мумкин.

Озик-овқат маҳсулоти ва жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзстандарт Агентлиги томонидан давлат назорат идоралари берган гигиеник сертификат асосида амалга оширилади.

Қуйидагилар руҳсат этилмайди:

– бир хил номи хар хил озик-овқат маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

– бир турли озик-овқат маҳсулотининг бир ўзини бир ёки хар хил ном билан кўп марта қайта-қайта рўйхатдан ўтказиш;

– таркибда наркотик моддалар бор бўлган озик-овқат маҳсулотларини озик, ем ва биологик фаол қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

Қонунга мувофиқ озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги мажбурий сертификатлаштириш процедураси орқали меъёр ва қоидаларга мувофиқлиги тасдиқланиши лозим.

Мажбурий сертификатланадиган маҳсулот рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Маҳсулотни, шу жумладан озик-овқат маҳсулотини сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими (Ўз СМТ) томонидан белгиланади.

Қонун мажбурий сертификатлаштириладиган озик-овқат маҳсулотини мувофиқлик сертификатсиз харидга чиқаришни тақиқлайди.

Озик-овқат маҳсулотини харидга чиқариш қуйидаги ҳолларда руҳсат этилмайди:

– маҳсулот сифати белгиланган меъёр ва қоидалар талабларига мувофиқ келмаганда, мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулот учун эса, мувофиқлик сертификати йўқ бўлганда;

– сақлаш ва харид учун зарур шароитлар йўқ бўлганда;

– яроқлилик муддати ўтганда;

– маҳсулот сохталаштирилганда;

– маҳсулотни ўхшатиш (идентификатлаш) мумкин бўлмаганда.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги устидан назорат ва текшириш давлат томонидан тартибга солишнинг бир тури бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигининг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги устидан назорат ва текшириш давлат назорати идоралари томонидан, ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади. Бунда идоралар сифатида Ўзстандарт Агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Давлат санитария эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси кишлок ва сув ҳўжалиги Вазирлиги қошидаги ўсимликлар карантини бўйича Бош давлат бошқармаси ва Бош санитария инспекцияси тайинланган.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришни, озиқ моллар билан савдони, жамоат овқатланиш тизимини ривожлантириш ҳудудий мақсадли дастурларида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

"Стандартлаштириш тўғрисида" қонунда белгиланганки, давлат бюджетидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини меъёрий таъминлаш бўлимлари бўлиши лозим.

Одамларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирадиган озиқ-овқат маҳсулоти тегишли давлат идораларининг қарори билан мусодара қилиниши, кейинчалик эса қайта ишланиши ёки йўқотилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқотиш шароити, усулларини унинг эгаси тегишли давлат назорати идоралари билан келишиб олади.

Озиқ-овқат маҳсулотидан қайта фойдаланиш ёки йўқ қилиш, унинг эгаси томонидан амалга оширилади ёки бу ишлар шартнома бўйича топширилган ташкилотлар томонидан, комиссия иштирокида бажарилади. Комиссия таркибига жойлардаги давлат ҳокимияти идораларининг, давлат назорати идораларининг, солиқ идораларининг ва жамоат вакиллари қиради.

Озиқ-овқат маҳсулотини молларга ем учун бериш ёки йўқ қилишдан аввал алоҳида бинода резервуарда сақланиши, унинг миқдори, қайта фойдаланиш ёки йўқотиш усуллари ва шароитлари аниқ кўрсатилган алоҳида ҳисобда туриши лозим. Бундай маҳсулотнинг сақланишига жавобгарлик унинг эгасига юклатилади.

Озиқ-овқат маҳсулотини экспертиза қилиш, йўқ қилиш усуллари ва шароитларини аниқлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни маҳсулот эгаси тўлайди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг эгаси маҳсулотдан фойдаланилганлиги ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида далолатномани давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати идораларига топширади.

### 3.5 Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат текшируви тўғрисида” Қонуни шарҳлари

1998 й. да қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат текшируви тўғрисида” қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар (текширув субъектлари) ва давлат текширувини амалга оширувчи ташкилотлар (текширувчи идоралар) ўртасидаги муносабатни тартибга солишдан иборат.

Қонунда текширув соҳасидаги асосий тушунчалар келтирилган:

*Текширувчи идоралар* – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат текширувига қонун бўйича ваколатланган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва маҳкамалар;

*Текшириш* – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан буларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини бажарилаётганлигини текширувчи идоралар томонидан ўтказиладиган бир йўла текширув;

*Назорат сифатида текшириш* - хўжалик юритувчи субъектларнинг бундан аввалги текширишда аниқланган бузилишларни бағараф этганлигини текширув идоралари томонидан текшириш.

Текширишнинг асосий принциплари:

– текширувчи идоралар фаолиятининг қонунийлиги, объективлиги ва ошқоралиги;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

Текширувчи идораларнинг фаолияти Текширувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва Кенгашнинг ҳудудий комиссиялари томонидан йиллик (квартал) режаграфик асосида мувофиқлаштирилади

Республика кенгашининг асосий вазифалари:

– текширувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– мувофиқлаштирувчи текширув режаларини ишлаб чиқиш;

– текширувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш режаларига риоя қилиш қисмида текшириш;

– режадан ташқари текширишларни Кенгаш ва унинг ҳудудий идоралар билан келишишмай ўтказиш ҳолларини йўқотиш.

Режали текширишни ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

– мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

– текшириш мақсади, текширишни ўтказиш санаси ва текширувчи лавозимли шахслар таркиби кўрсатилган текширувчи идора буйруғи;

– текширишни ўтказиш режаси.

Текширувчи идораларнинг лавозимли шахслари эгаллаган лавозимига мувофиқлиги бўйича ҳар йили аттестатлашдан ўтиши ва белгиланган намунадаги махсус гувоҳномаси бўлиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларни режа бўйича текшириш йилда кўпи билан бир марта ўтказилади. Меъёрлар ва қондаларни бажараётган, бу тўғрида аудиторларнинг ҳар йиллик хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, одатда, икки йилда кўпи билан бир марта текширилади.

Текшириш муддатлари 30 календар кундан ошмаслиги керак. Айрим ҳолларда муддатлар Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий идораси томонидан чўзилиши мумкин.

Режадан ташқари текширишлар Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий идорасининг қарори асосида ўтказилади.

Режадан ташқари текширишлар учун қуйидагилар асос бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори;
- хўжалик юригувчи субъект томонидан қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида қўшимча далиллар аниқланганда;
- фавқулодда вазиятларнинг содир бўлиши олдини олиш;
- санитария-эпидемиологик вазият мураккаблаганда;
- чет мамлакатлардан юқумли касалликлар кириши ва тарқалиши эҳтимоли пайдо бўлганда.

Текшириш идоралари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашши ҳуқуқига эга эмас.

Ноҳуқуқий қарорлар ёки текширувчи идоралар лавозимли шахсларининг бошқа ҳаракатлари натижасида хўжалик юритувчи субъектга етказилган зиён белгиланган тартибда тўлатилади.

Текширувчиларнинг ҳаракатларига норозилик суд ёки текширувчи юқори идорага топширилади. Шикоят топшириш текширувчиларнинг ишини тўхтатмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш тартиби тўғрисидаги Низом бўйича текширишларни рўйхатга олиш Китоби жорий этилган. Бу Китоб бетлари рақамланган, тикилган, муҳр билан бирига бириктирилган бўлиши лозим. Текширишларни рўйхатга олиш Китоби текшириш бошланиши олдидан ва текшириш тугаллангандан кейин текширувчи идора ва хўжалик юритувчи субъектнинг лавозимли шахслари томонидан тўлатилади.

#### **4-боб. Ўз СДТ МЕЪЁРИЙ АСОСИНИ ТАСНИФЛАШ**

*Таснифлаш* – қабул қилинган таснифлаш усулига мувофиқ берилган тўпламни қисм тўпламларга ажратиш, яъни таснифлаш объект-

лари, таснифлаш аломатлари ва таснифланган гуруҳлар ва уларнинг код белгилари номларининг тизимлаштирилган тўплами. Ўз СДТ нинг меъёрий асоси ушбу кўрсатилган усул бўйича таснифланган.

Барча тармоқлараро стандартлаштириш тизимлари каби Ўз СДТ нинг меъёрий асоси бўлмиш асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар муайян фаолият соҳаси учун умумий ташкилий-методик ва умумтехникавий қондаларни ўрнатиш зарур бўлганда ишлаб чиқилади. Умумтехникавий талаблар, меъёрлар ва қондалар маҳсулот яратиш ва фойдаланиш жараёнида техника ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида бир-бирини тушуниш, техникавий бирлилик ва ўзаро алоқани, атроф муҳит муҳофазасини, маҳсулот, жараёнлар ва хизматларнинг инсон учун ҳавфсизлигини таъминлайди.

Ўз СДТ асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуидан иборат. Бу ҳужжатлар ташкилий-методик ва умумтехникавий стандартларга таснифланади.

Ташкилий-методик стандартлар қуйидагиларни белгилайди:

– муайян соҳадаги ишлар бўйича мақсадларни, вазифаларни, умумий ташкилий-техникавий қондаларни;

– стандартлаштириш бўйича ишларни бажаришга оид асосий гашикий- техникавий қондаларни;

– меъёрий ҳужжатлар, техник ҳужжатлар (конструкторлик, технологик, лойиҳавий, дастурий ҳужжатлар) ни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш тартибини;

– маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўйиш қондаларини. Умумтехникавий стандартлар қуйидагиларни белгилайди:

– халқ хўжалигининг барча тармоқларида илмий-техникавий атамалар ва уларнинг таърифлари;

– стандартлаштиришнинг турли объектлари учун шартли белгилар (номлар, кодлар, символлар ва ҳ.к.);

– турли ҳужжатлар (меъёрий, конструкторлик, лойиҳавий, технологик, дастурий ва б. ҳужжатлар) нинг тузилиши, баён этилиши, расмийлаштирилиши ва мазмунига талаблар;

– ишлаб чиқаришни техникавий, шу жумладан метрологик таъминлаш учун зарур бўлган умумтехникавий катталиклар, талаблар ва меъёрлар. Жумладан, бу стандартлар ўлчашлар аниқлигининг меъёрларини, афзал сонлар, электр тоқининг номинал частоталарининг қаторлари ва кучланишларининг афзал қаторлари, жоизликлар ва ўтказишлар, зарарли моддаларнинг чиқариб юбориладиган энг катта жоиз микдори ва рухсат этилган энг катта концентрацияси; шовқин, титраниш, радиацион нурланиш, радио шовқиннинг энг катта рухсат этилган даражаси; техник эстетика ва эргономика талаблари ва бошқа эргономика техникавий талаблар ва (ёки) нормаларни белгилайди;



– хавфли ҳолатларнинг гуруҳлари бўйича ва технологик жараёнларнинг алоҳида турлари бўйича хавфсизликнинг умумий талаблари;

– атроф муҳитни муҳофазалаш ва табиий бойликлардан фойдаланишни яхшилаш соҳасидаги умумий талаблар.

“Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик – ФВХ (22 класс)” стандартлаштиришнинг тармоқлараро тизими (СТТ) таснифлашга классик мисол бўлади.

2001 й. дан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бўйича Вазирлиги табиий ва техноген ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг пайдо бўлиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжайлиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни стандартлаштиришга киришди.

Фавқулодда вазиятлар содир бўлнш сабаблари (манбалари) бўйича таснифланган: табиий, техноген, экологик ва бу вазиятларда зарар кўрган одамлар сонига, моддий зарар миқдорига ва вазиятнинг тарқалиш чегараларига қараб, локал (жойли), маҳаллий, республикавий ва трансчегара фавқулодда вазиятларга ажралди.

## 5- боб. Ўз СДТ АСОСИЙ ҚОНДАЛАР

Асосий қондалар Ўзбекистонда стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва олиб боришга умумий талабларни ўрнатади, Ўз СДТ нинг меъёрий ҳужжатлари мажмуида асос бўлади ва О'з DSt 1.0:1998 билан регламентланади.

Асосий қондаларда келтирилган асосий мақсадлар “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонунда ўрнатилганларга ўхшайди.

Стандартлаштириш тармоқлараро тизимининг давлат ва рус тилларида қисқартирилган номлари белгиланган:

О'з StDT – O'zbekiston standartlashtirish davlat tizimi – (ГСС Уз – государственная система стандартизации Узбекистана);

КНТ – konstruktorlik hujjatlarining yagona tizimi – (ЕСКД – единая система конструкторской документации);

ТНТ – texnologik hujjatlarining yagona tizimi – (ЕСТД – единая система технологической документации);

MST – mahsulotni sinash tizimi – (система испытаний продукции);

MSKT – mahsulot sifati ko'rsatkichlarining tizimi – (СПКП – система показателей качества продукции);

О'зSMT – O'zbekiston sertifikatlashtirish milliy tizimi – (НСС Уз – национальная система сертификации Узбекистана);

НВТ – hujjatlarning birlashtirilgan tizimi – (УСД – унифицированная система документов);

НКАСТ – nashriyot, kutubhona va axborot ho'yicha standartlar tizimi – (СИБИД – система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу);

О'z О'DT – O'zbekiston o'lchasblar birliligini taminlash davlat tizimi – (ГСИ Уз – государственная система обеспечения единства, измерений Узбекистана);

МВЗЕНТ – materiallar va huyumlarni zanglash va eskirishdan himoyalash yagona tizimi – (ЕСЗКС – единая система защиты от коррозии и старения материалов и изделий);

МНСТ – mehnat havfsizligi standartlari tizimi – (ССБТ – система стандартов безопасности труда);

ITTT – ishlab chiqarishni texnologik tayorlashning yagona tizimi – (ЕСТПП – единая система технологической подготовки производства);

ДНТ – dasturiy hujjatlarining yagona tizimi – (ЕСПД – единая система программной документации);

QLHT – qurilish uchun loyiha hujjatlari tizimi – (СПДС – система проектной документации для строительства);

ТР – texnika puhtaligi – (НТ – надёжность в технике);

МУаТ – mahsulot yaratish va ishlab chiqarishni tashkillashtirish tizimi – (СРГШ – система разработки и постановки продукции на производство);

О'z АТ – O'zbekiston akkreditatsion tizimi – (СА – система аккредитации Узбекистана);

СТ – sifat tizimi – (СК – система качества);

ТКТ – texnik-iqtisodiy va ijtimoiy axborotni tasniflash va kodlash yagona tizimi – (ЕСКК ТЭСИ – единая система классификации и кодирования технико-экономической и социальной информации)

Асосий кондаларда стандартлаштиришнинг асосий вазифалари келтирилган: истеъмолчилар ва давлат манфаатларини кўзлаб, чиқариладиган махсулотнинг сифати ва номенклатурасига мақбул талабларни ўрнатиш; параметрик ва хил ўлчамларни каторларини, асос конструкцияларни, конструктив-бирхиллаштирилган буюмларнинг блок-модул таркибий қисмларини белгилаш ва қўлланиш асосида бирхиллаштириш; махсулот, унинг элементлари, бутловчи буюмлар, хом ашё, материалларнинг кўрсаткичлари ва тафсилотларини келишиб олиш ва ўзаро мувофиқлаштириш; метрологик меъёрлар, кондалар, низомлар, талабларни ўрнатиш ва б.

Стандартлаштиришнинг асосий принциплари ифодаланган, жумладан: стандартлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги; стандартлаш-

тиришининг комплекслиги; барча даражадаги меъёрий ҳужжатларнинг ўзаро бир-бирига боғликлиги ва келишилганлиги; ўқшаш стандартлаштириш объектларига бошқарувнинг турли даражаларида меъёрий ҳужжатларни такрор ишлаб чиқишга йўл қўймаслик ва х.к.

Стандартлаштиришнинг ташкилий асослари ўрнатилган. Стандартлаштириш бўйича миллий идора – Ўзстандарт Агентлигининг вазифалари белгиланди:

- стандартлаштириш соҳасида миллий сиёсатни шаклланти-ради ва амалга оширади;

- давлат ва хўжалик бошқарув идораларининг стандартлаш-тириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

- стандартлаштириш бўйича ишларни ўтказиш умумий ташкилий-методик коидаларини ўрнатади;

- меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан мажбурий талабларни ўз ичига олган ҳужжатлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширади;

- стандартлаштириш соҳасида кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкиллаштиради ва олиб боради.

Давархитектурақурилиш, Давтабиатқўмита, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа давлат ва хўжалик бошқарув идоралари ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради.

Стандартлаштириш ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишларга методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун хос бошқарув идоралар Ўзстандарт Агентлиги билан ҳамкорликда стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ва таянч ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларда эса – стандартлаштириш хизматларини ташкил этади.

Барча даражалардаги стандартлаштириш объектларининг батафсил рўйхати келтирилган:

- Давлатлараро стандартлаштириш объектлари қуйидагилардан иборат:

- умумтехникавий меъёрлар ва талаблар, шу жумладан умум-машинасозликда қўлланиладиган буюмларнинг (подшипниклар, редукторлар, маҳкамлаш буюмлари ва бошқалар) ягона техник тили, хил ўлчамлари қатори ва намунавий конструкциялари, ахборот технологияларининг мос келувчи дастурий ва техник воситалари, материаллар ва моддаларнинг хоссалари тўғрисида маълумотнома маълумотлари, маҳсулотни таснифлаш ва кодлаш;

- йирик саноат ва хўжалик мажмуиларининг объектлари (транспорт, энергетика, алоқа ва б.);

- йирик давлатлараро ижтимоий-иқдисодий ва илмий-техникавий дастурларнинг объектлари, жумладан аҳолини ичимлик сув билан

таъминлаш, одамлар яшайдиган муҳитни текшириш тизимини яратиш, радиоэлектрон воситаларининг электромагнит мос келувчанлиги, аҳоли ва халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш;

– катор давлатларда чиқариладиган, ўзаро етказиб бериладиган маҳсулот.

Асос бўлувчи давлатлараро стандартлар фаолиятнинг маълум соҳаси учун умумий ташкилий-методик қондаларни, шунингдек маҳсулотни яратиш ва фойдаланишда турли фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро тушунишини, техникавий бирлилигини ва ўзаро алоқаларини, атроф муҳитни муҳофазалашни, меҳнатни муҳофазалашни ва бошқа умумтехникавий талабларни таъминлайдиган умумтехникавий талабларни (меъёрлар, қондаларни) ўрнатади.

• Давлат стандартлаштириш объектлари қуйидагилардан иборат:

а) ташкилий-методик ва умумтехникавий меъёрлар ва талаблар, жумладан:

– стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

– билим ва фаолиятнинг турли соҳаларида терминологик тизимлар;

– техник-иктисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаш;

– хавфсизлик техникаси, атроф муҳитни муҳофазалаш, меҳнат гигиенаси, эргономика, техникавий эстетика талаблари;

б) маҳсулотга мажбурий талаблар;

в) тармоқлараро эҳтиёжга мўлжалланган маҳсулот;

г) давлат аҳамиятидаги хўжалик объектларининг элементлари, шу жумладан банк тизими, транспорт, алоқа, энергетик тизим, муҳофаа ва х.к

д) давлат ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий дастурларнинг объектлари (элементлари);

• Тармоқ стандартлаштириш объектларига тармоқни ташкил этиш ва бошқариш, сифатни таъминлаш, тармоққа мўлжалланган маҳсулот меъёрлари ва қондалари, қиради.

• Маъмурий-худудий стандартлаштириш объектларига худудни бошқариш, худуд учун хос маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича меъёрлар ва қондалар кириши мумкин.

• Корхоналарда стандартлаштириш объектларига қуйидагилар қиради:

– чет истеъмолчиларга харидга чиқариладиган маҳсулот;

– ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича меъёрлар ва қондалар;

– сифатни бошқариш;

– факат ушбу корхонада тайёрланадиган ва ишлатиладиган деталлар ва йиғма бирликлар;

– технологик жихоз на асбоблар, технологик меъёрлар, талаблар на ушбу корхонадаги намунавий технологик жараёнлар;

– кўрсатиладиган хизматлар.

Ўзбекистонда қўлланиладиган меъёрий хужжатлар:

– давлатлараро стандартлар;

– Ўзбекистон давлат стандартлари;

– тармоқлар стандартлари;

– техник шартлар;

– маъмурий-худудий стандартлар;

– корхоналарнинг стандартлари.

Стандартлаштириш бўйича меъёрий хужжатларга шунингдек раҳбарий хужжатлар, меъёрлар ва қоидалар (қурилиш, санитария, экологик қоидалар ва б.), тавсиялар, техник-иктисодий ва ижтимоий ахборот таснифлагичлари ҳам киратилади.

Халқаро ва худудий стандартлар О'з DSt ISO/IEC 21:2001 бўйича Ўзбекистон давлат стандартларига қайта расмийлаштирилиб қўлланилади.

Чет эл стандартлари – О'з DSt 1.7:1998 бўйича қайта расмийлаштирилади.

Узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистон давлат стандартлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ихтиёрий меъёрий хужжатларни қўлланиш (амал қилиш) мақсадида республикада техник регламент мавжуд бўлганда қўлланилиши мажбурий бўлмаган меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилади.

Меъёрий хужжатларни белгилаш тартиби ўрнатилган:

а) давлат аҳамиятидаги меъёрий хужжатлар:

– Ўзбекистон давлат стандарти – О'з DSt;

– Ўзбекистон умумдавлат таснифлагичи – О'з DT

– Ўзбекистон раҳбарий хужжати – О'з RH

– Ўзбекистон тавсияномалари – О'з T.

б) тармоқ даражасидаги меъёрий хужжатлар:

– тармоқ стандарти – TSt;

– тармоқ таснифлагичи – TT;

– техник шартлар – TSh;

– раҳбарий хужжат – RH;

– тавсиялар – T.

в) маъмурий-худудий аҳамиятдаги меъёрий хужжатлар:

– маъмурий-худудий стандарт – MHSt ;

– тавсияномалар – T.

г) корхона аҳамиятидаги меъёрий хужжатлар:

- техник шарҳлар – TSh;
- корхона стандарти – KSt.

Демак, барча даражадаги меъёрий ҳужжатларнинг белгиси ҳужжат матнининг қайси тилда ёзилганлигидан қатъий назар, давлат тилида лотин ёзувидаги кискартмалар (аббревиатуралар) билан белгиланади.

Аббревиатуралар қуйидагиларни ифодалайди:

O‘z – O‘zbekiston

D – Davlat

T – Tasniflagich, Tarmoq, Tavsiyanoma

R – Rahbariy

H – Hujjat, Hududiy

Sh – Shart

K – Korhona

M – Mamuriy

St – Standart

Давлатлараро стандарт белгиси (ГОСТ) русс тилида сақланади. Стандартлар даражаси, уларнинг тасдиқлаш даражалари ва Ўз СДТ стандартларининг турлари 1-расмдаги схемада келтирилган.

Халқ истеъмоли ноозик молларини тайёрлаш ва харидга чиқариш учун намуналар (эталонлар) нинг техник тавсифларини ишлаб чиқиш рухсат этилади. Техник тавсифлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди, чунки улар ушбу гуруҳдаги бир турли маҳсулотга умумий талабларни ўрнатувчи меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

Харидга чиқариладиган маҳсулотга барча даражадаги меъёрий ҳужжатлар Ўзстандарт Агентлигининг идораларида давлат рўйхатидан ўтказилади. Давлат рўйхатидан ўтмаган меъёрий ҳужжатлар ҳақиқий бўлмайди. Маҳсулотга меъёрий ҳужжатлар, одатда, ҳар беш йилда, агар бошқа муддат ўрнатилмаган бўлса, қайтадан кўриб чиқилади.

Импорт қилинадиган маҳсулот Ўзбекистон ҳудудида амалдаги меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган мажбурий талабларга мувофиқ келиши лозим. Бу сэртификат билан тасдиқланади.

Меъёрий ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва харидга чиқариш рухсат этилмайди.

Меъёрий ҳужжатларни нусхалаш тартиби Асосий қондаларда белгиланган. Меъёрий ҳужжатларни ва уларга киритилган ўзгартиришларни нашр ва қайта чоп этиш бу ҳужжатларни тасдиқлаган (қабул қилган) ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Стандартлаштириш бўйича халқаро, давлатлараро ва ҳудудий ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатларини Ўзбекистон ҳудудида нашр ва қайта чоп этиш ҳуқуқи Ўзстандарт Агентлигига берилган.

Хўжалик юритувчи субъектларда стандартлар устидан давлат текшируви ва назорати қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ  
(Ўз СДТ)**



1-расм. Стандартлар даражалари, уларни тасдиқлаш даражалари ва Ўз СДТ стандартларининг турлари.

## 6-606. АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Асос бўлувчи умумтехникавий стандартлар фан, техника, технология, иктисодиётнинг турли тармоқларида ва соҳаларида, жумладан стандартлаштириш соҳасида ва шунга яқин соҳаларда кўп марта фойдаланиладиган илмий-техникавий атамалар ва уларнинг таърифларини ўрнатади.

Ўз СДТ да асосий атамалар ва таърифлар O'z DSt 1.10:1998 да қабул қилинган ва ИСО/МЭК 2:1996 қўлланмига мос келади.

**Стандартлаштириш** – ҳақиқий мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган масалаларда барча томондан кўп марта фойдаланиш учун маълум соҳада низомлар ўрнатиш воситасида мақбул даражада тартибга солишга йўналтирилган фаолият.

Бу таъриф мазмунини Стандартлаштириш моҳиятини етарлича аниқ ва чуқур тушуннишга имкон беради. Стандартлаштириш фаолияти оддий тартибга солиш эмас, балки маълум соҳада тартибга туширишга йўналтирилган. Тартибга солишнинг даражаси ва меъёри ҳам аниқланган - мақбул даражада тартибга солиш кўзда тутилади. Тартибга солиш қандай йўл билан эришилади? Низомлар (қоидалар, меъёрлар, талаблар ва б.) ни ўрнатиш воситасида эришилади. Бу низомлар кимга - барчага ва кўп марта фойдаланиш учун мўлжалланган. Бунда қандай масалалар ҳал этилади? Ҳақиқий мавжуд бўлган масалалар, яъни шу куннинг эҳтиёжлари ва илмий-техникавий тараққиётни ва доимий ўзгариб турувчи ва тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда келажак эҳтиёжлари ҳал этилади.

**Стандарт** – умумқелишув (консенсус) асосида ишлаб чиқилган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган ва маълум соҳада мақбул даражада тартибга солишга йўналтирилган ҳужжат. Тан олинган идорада барча учун ва кўп марта фойдаланишга мўлжалланган фаолиятнинг турли йўналишларига ёки уларнинг натижаларига тегишли қоидалар, умумий принциплар ёки тавсифлар ўрнатилади.

“Стандарт” таърифидаги барча ибора ва жумлалар “Стандартлаштириш” таърифидан таниш. Фақат “тан олинган идора томонидан тасдиқланган” ва “консенсус” сўзлари тушунтиришни талаб этади.

Тасдиқлаш даражалари Стандартлаштириш даражаларига қараб аниқланади, Ўз СДТ нинг асосий низомларида ўрнатилган “тан олинган идоралар” маъноси келиб чиқади.

Консенсус умумқелишув маъносини англатади. Умумқелишувда манфаатдор томонларнинг кўпчилигида муҳим масалалар бўйича жиддий эътирозлар бўлмади ва барча томонларнинг фикрини ҳисобга олишга ва мос келмайдиган нуқтаи назарларни бир-бирига яқин-



лаштиришга интилувчи процедура натижасида умумий келишувга эришилади. Консенсус тўлик яқдилликни билдириши шарт эмас, чунки стандартлаштиришнинг мураккаб объектлари бўйича тўлик яқдилликка амалда эришиб бўлмайди.

**Стандартлаштириш объекти** – стандартлаштирилиши лозим бўлган объект. Стандартлаштириш объектиларига маҳсулотлар, жараён ёки хизматлар, шунингдек ҳар қандай материаллар, компонентлар, ускуна-жихозлар, тизимлар, уларнинг ўзаро мос келувчанлиги, процедуралар, баённомалар, вазифалар, уларнинг фаолият усуллари киради. Стандартлаштириш ҳар қандай объектнинг маълум жиҳатлари билан чекланиши мумкин. Масалан, пойабзалга нисбатан унинг ўлчамлари ва пухталики мезонлари алоҳида стандартлаштирилиши мумкин.

Бу билан бир вақтда, Стандартлаштириш объектиларининг кўп ҳоссаларга эга эканлигини ва объектнинг ўз ичида ва ундан ташқарида боғланишларнинг мураккаблиги билан тавсифланишини назарда тутиш керак.

**Стандартлаштириш объектиларининг параметрларини оптималлаштириш** – стандартлаштиришнинг иқтисодий, техник ва ижтимоий самараларини моддий ва меҳнат сарфлари ҳамда табиий бойликлар сарфи билан нисбатини аниқлаш, шунингдек илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш имкониятларни халқ ҳўжалигининг ва аҳолининг эҳтиёжлари билан келиштириш.

Стандартда “Стандартлаштириш соҳаси”, “Стандартлаштириш даражаси”, “Комплекс стандартлаштириш”, “Олдиндан стандартлаштириш”, “Стандартлаштириш бўйича техник кўмита”, “Стандартлаштириш бўйича таянч ташкилот”, “Асос бўлувчи стандарт”, “Бирхиллаштириш” ва б. атамаларнинг таърифлари берилган.

Стандартлаштириш тармоқлараро тизимининг атамалар стандартлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Бундай стандартлар жумласига, масалан, қуйидагилар киради:

- конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими - Индустириал корхоналар, буюмлар, ҳужжатлар;
- сертификатлаштириш миллий тизими;
- техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими - Штрихли кодлашни автоматик айнан ўхшатиш (идентификатлаш);
- Ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими - Асосий ва умумий атамалар, ўлчаш воситалари ва уларнинг параметрлари, метрологик хизмат, аналитик текширишни метрологик таъминлаш;
- маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими;
- сифат тизими - Сифат менежменти тизими. Асосий қоидалар ва лугат;

- маҳсулот сифатини синаш ва текшириш;
- маҳсулот сифати;
- ўзаро алмашинувчанлик асосий меъёрлари. Жонзликлар ва ўтказишлар ягона тизими; юзанинг ғадир-будирлиги; юзаларнинг жонзликлари, шакллари ва жойлашишлари;
- маҳсулот сифатини статистик бошқариш усуллари;
- хизматлар.

## **7-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **7.1 Афзал сонларнинг параметрик қаторлари ва тизимлари**

Афзалроқ сонларнинг параметрик қаторларини тузиш ва танлаш арифметик ва геометрик прогрессияларга асосланган.

Параметрик қаторларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш, энг аввал, стандартлаштириладиган катталиклар ва буюмларнинг тавсифлари тизимида ягона қонуниятни ўрнатишни талаб этади. Бундай катталиклар ва тавсифлар қаторига ўлчамлар, қувват, айланиш частотаси, иш унуми, юк кўтариш кучи, куч, босим, тезлик каби параметрлар ва х.к. киради. Бундай тавсифларни белгилашда ўзаро боғланган, стандартларда регламентланган сонларнинг қаторлари қўлланилади.

Афзал сонлар тизими параметрик стандартлаштиришни ривожлантиришда асос бўлади. Бунинг маъноси шундаки, параметрлар ва ўлчамларнинг фақат маълум математик қонуниятга бўйсунадиган қийматлари танланади. Бу маҳсулотнинг ўлчамлари ва параметрларини нафақат бир саноат тармоғида, балки халқ хўжалигининг барча соҳаларида, айниқса халқаро савдо даражасида ҳам кенг қўламда бирхиллаштиришга имкон беради. Параметрик қаторларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- ишлаб чиқариш, фойдаланиш ва таъмирлаш эҳтиёжларини қондирадиган мақсадга мувофиқ табақалаштириш (градация) тизимидан иборат бўлиши лозим;

- ҳам кичик, ҳам катта қийматлар томонида чексиз бўлиши лозим (катталикларнинг чексиз катталашиши ёки кичиклашиши);

- қатордаги ҳар қандай ҳад ва бирликларнинг барча ўн қаррали қийматларини ўз ичига олиши керак;

- оддий, қулай ва осон эслаб қолинадиган бўлиши лозим.

**Арифметик прогрессия** – бу сонларнинг кетма-кет қатори бўлиб, бунда қўшни иккита ҳад қийматларининг фарқи оралиқ қаторнинг бутун диапазонида ўзгаришсиз қолади.

$$N_n - N_{n-1} = d - \text{const.}$$

Мисоллар:

1-2-3-4-5-6- ...

0,3-0,6-0,9-1,2-1,5- ...

25-50-75-100-125- ...

Арифметик қаторнинг асосий камчилиги шундаки, катталикларнинг кичик қийматлари жойлашган ҳолда узилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди, катта қийматлар жойида эса қийматлар ортиқча зиқ бўлади (масалан, катта хил ўлчамлари кичик хил ўлчамларига нисбатан катта бўлади). Шунинг учун бу қаторлар стандартлаштиришда кам қўлланилади.

Кўпинча, поғонали-арифметик қаторлар қўлланилади. Бундай қаторларда қийматлар фарқи бутун қатор учун эмас, балки унинг бир қисми учун ўзгармас бўлади, яъни кичик ўлчамлар хили учун қийматлар орталиги кичик, катта ўлчамлар хили учун эса катта танланади. Бунда қатордаги алоҳида қисмнинг горизонтал участкаларининг ҳар бири фарқлари ўзгармас бўлган қийматлар гуруҳига тўғри келади.

Поғонали-арифметик қатор асосида ГОСТ 8724-61 “1-600 мм ли диаметрлар учун метрик резьба”, ГОСТ 9563-60 “Тишли гилдирак. Модуллар” каби ва бошқа стандартлар тузилган.

Стандартлаштиришда геометрик прогрессия асосида тузилган афзал сонларнинг қаторларидан фойдаланилади. Булар қаторларнинг асосий камчиликларини - арифметик прогрессияга хос нотекисликни йўқотади.

Геометрик прогрессия – сонлар қатори бўлиб, бунда навбатдаги ҳар бир сон ўздан олдинги сонни прогрессия маҳражи деб аталувчи бир соннинг ўзига кўпайтириш йўли билан олинади.

Масалан, R5 қатор прогрессиясининг маҳражи  $\varphi = \sqrt[5]{10} = 1,6$ .

Бунда:

Асосий қаторлар

$$R5 \quad \varphi = \sqrt[5]{10} = 1,6 \quad 1-1,6-2,5-4-6,3;$$

$$R10 \quad \varphi = \sqrt[10]{10} = 1,25 \quad 1-1,25-1,60-2-2,5-3,15;$$

$$R20 \quad \varphi = \sqrt[20]{10} = 1,12 \quad 1-1,12-1,25-1,6-1,8-2-2,24-2,5-2,8-3,15;$$

$$R40 \quad \varphi = \sqrt[40]{10} = 1,06 \quad 1-1,06-1,12-1,18-1,25- \dots -2,8-3-3,15;$$

Кўшимча қатор

$$R80 \quad \varphi = \sqrt[80]{10} = 1,03 \quad 1-1,03-1,06-1,09-1,12- \dots -3,15.$$

Афзал сонларнинг барча қаторларида яхлитланган 3.15 сон бор, бу тахминан  $\pi = 3,14$  га тенг. Бинобарин диаметри афзал сон бўлган айлана узунлиги ва доира майдони ҳам афзал сонлар бўлади. R40 қатор асинхрон двигателларнинг айланиш частоталари бўлмиш 375, 750, 1500, 3000 афзал рақамларни ўз ичига олади.

## **7.2 Стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштириш**

Объект хоссаларини тавсифловчи катталиклар стандартлаштириш объектининг параметрлари деб аталади. Стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштириш халқаро стандартларни қўлланиш, стандартлаштириладиган объектлар, параметрларининг қийматларини оптимал қийматларга яқинлаштириш ҳисобига махсулотнинг илмий-техникавий даражасини ва сифатини ошириш мақсадида давлат, тармоқ даражасида ва корхоналар даражасидаги объектларга нисбатан бажарилади. Стандартлаштиришнинг тизимлилиги, мажмуулиги, олдиндан тузилиши ва динамиклик принциплари оптималликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Стандартлаштириш объектларининг параметрлари объектнинг физик, кимёвий, техникавий, ижтимоий, эстетик, эргономик ва бошқа хоссаларини тавсифлайди.

Стандартлаштириш объектларини оптималлаштириш меъёрий ҳужжатларда махсулот сифатининг кўрсаткичларини шакллантиришда микдорий талабларни назарда тутати. Оптималлаштириш процедураси кўрилаётган параметрларнинг шундай бир қийматларини ва шундай бир динамик (вақт ичида) ўзгарувчанлигини таъминлашдан иборатки, бунда параметрларнинг берилган шароитларда энг катта ёки энг кичик қийматларига эришилади. Оптималлаштириш, масалан, бойликларга чекловлар бўлмаганда берилган аниқликка эришиш билан тавсифланади ёки маълум вақт сарфланганда берилган ўлчамли ишлов беришни таъминлаши мумкин. Бошқа сўз билан айтилганда, оптималлаштириш энг кам харажатлар билан энг кўп самарани (масалан, иш унумини) таъминлайди ва ҳ.к.

Умумий ҳолда оптималлаштириш муайян Стандартлаштириш объектига нисбатан самарадорлик ва сарфларнинг нисбати билан тавсифланади.

Оптималлаштириш ишларини ўтказиш учун қуйидагиларни таҳлил қилиш ва белгилаш керак:

- Стандартлаштириш объекти кўрсаткичининг асосий параметри;
- Стандартлаштириш объектининг ўзаро боғланган, тобе кўрсаткичлари ва параметрлари;

– ишлаб чиқаришдан ёки кўрсатиладиган хизматдан қутиладиган (хисобланган) самара;

– Стандартлаштириш объектдан фойдаланиш ёки истеъмол қилишдан қутиладиган фойда. Бунда эксплуатацион сарфлар (хом ашё, ёкилғи-мой материаллари сарфи ва б.) хисобга олинади;

– объектни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш харажатлари.

Умумий ҳолда оптималлаштириш объектини баҳолаш қуйидаги принципларда олиб борилади;

– объектнинг техник тафсилотларини, масалан, қуввати, айла-нишлар сони, ФИК ва х.к. баҳолаш;

– иқтисодий тавсифларини, масалан, нархи, объектнинг самардорлиги, нисбий (солиштирма) сарфлар ва б. ни баҳолаш;

– ижтимоий, эргономик тавсифларини, масалан, оғирлик (вазний) коэффициент, балл, фойдалилик шкаласи ва б. ёрдамида баҳолаш.

Стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштириш алгоритмига қуйидаги амаллар қиради:

– объектнинг асосий қутилаётган сифат кўрсаткичларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва мавжуд кўрсаткичлар билан таққослаш, объект параметрини танлаш бўйича ўзига хос қарорларни қабул қилиш;

– объектнинг оптималлаштириш мезонини танлаш ёки танланган мезон бўйича объектни оптималлаштириш;

– ҳисоблаш дастурини тузиш ва кириш маълумотларининг сонли қийматларини ва объектнинг қутилаётган кўрсаткичларининг ҳисобий қийматларини олиш. Кириш маълумотларини ишлаб чиқилган ва тайёрланган, метрологик аттестатлашдан ўтган ускуна ёки мосламалар ёрдамида тажриба йўли билан олиш мумкин;

– ҳисоб натижаларини тажриба маълумотлари билан солиштириш, зарур бўлганда дастурлар ва тажрибаларга тузатиш киритиш;

– таҳлил натижалари бўйича объект параметрларини оптималлаштириш математик моделини тузатиш ва шакллантириш;

– меъёрий ҳужжатни шакллантириш ва тасдиқлаш.

Техник ечим ва иқтисодий асослаш масалалари оптималлаштириш математик моделларининг турларини танлаш ва қўлланишда асос бўлади. Бунда эришиладиган ютуқ динамикани (вақт бўйича ўзариш) ни ва истеъмолчи (ёки бозор) нинг ўзига хос талабларини ҳисобга олувчи математик моделнинг аниқ ишлашга ва ўз вақтида тузилганлигига боғлиқ.

Стандартлаштириш объектларини оптималлаштириш математик моделини ишлаб чиқишда бу ишга математик моделлаштириш, дастурлаш ва оптималлаштириш масалаларини эгаллаган дастурчи-математикларни жалб қилиш керак. Маркетинг (бозор муносабат-

лари)ни тадқиқ қилиш, ахборот таҳлили ва халқаро, ҳудудий, маҳсулотни истеъмол қилувчи мамлакатларнинг миллий стандартларидаги талабларни таҳлил қилиш натижалари математик моделлаш усулини танлашда асос бўлади ва стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштиришда объектив натижаларни олишга шароитлар яратади.

### **7.3 Стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштириш методлари**

Стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштиришда назарий методлардан, математик моделлаштиришнинг назарий-экспериментал ва тажриба-экспериментал методларидан фойдаланилади.

Оптималлаштиришнинг назарий методларига мақсадни ва ресурсларга чекловларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган миқдорий методлар киради.

Булар математик моделни тузишда барча вазний факторлар (омиллар)ни ҳисобга олади ва оптималлаштириш параметрларининг оптимал қийматларини ҳисоблаш учун зарур боғланишларни тавсифлайди. Оптималлаштиришнинг математик моделини шакллантириш мақсадларни ва стандартлаштириш объектининг иш вазифаларини математик ифодалаш йўли билан амалга оширилади. Бунда бойликлар, хавфсизлик техникаси, табиатни муҳофазалаш шартлари ва талаблари ва маҳсулотнинг истеъмол хоссалари ва бозор муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа талабларга асосланади.

Стандартлаштириш объектларининг параметрларини оптималлаштириш намунавий математик моделларининг таркиби ва тузилмаси скляр ва вектор функциялар кўринишидаги беш гуруҳ боғланишлар билан аниқланади:

1 Кутилаётган самаранинг оптималлаштириладиган параметрларга ва стандартни (меъёрий ҳужжатни) кiritиш вақтига, амал қилиниш даврига, жорий вақтга боғлиқлиги  $\bar{\Xi} = (\Xi_1, \dots, \Xi_n)$ .

2 Стандартлаштириш объектини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш (истеъмол қилиш)га кетган сарфларнинг шу параметрларнинг ўзига боғлиқлиги.

3 Стандартлаштириш объектини ишлаб чиқариш ва қўлланишдан мақсаднинг самарадорликка, сарфларга ва вақтга боғлиқлиги.

4 Стандартлаштириш объектининг параметрлари ўртасидаги боғланишлар. Бундай боғланишлар илмий-техникавий ривожланишнинг маълум даражасида илмий-техникавий имкониятларни чеклашларни ифодалайди.

5 Ишлаб чиқариш имкониятларини, хом ашё, материаллар, бутловчи элементлар, кадрлар, молиявий маблағлар билан таъминланганликни, хавфсизлик техникаси талабларини ва атроф муҳит муҳофазасини ифодаловчи тенгсизлик кўринишидаги боғланиш.

Намунавий математик моделлар асосида ва буларга қўшимча равишда алоҳида оптималлаштириладиган параметрларнинг динамикада (вақт мобайнида) ўзгаришларини ифодаловчи боғланишлар ишлаб чиқиши мумкин.

Юқорида келтирилган боғланишлар асосида мақсадли функцияни ифодалаш мумкин.

Математик моделлар, аниқ мақсад ва вазифалар қанчалик муваффақиятли ишлаб чиқилганлиги, объектив бойликлар ва захиралар, сифат мезонлари қанчалик тўғри танланганлигига қараб, мақсадли функциянинг энг катта ёки энг кичик қийматларига эришиш мумкин бўлади.

#### 7.4 Бирхиллаштириш ва агрегатлаш

Ишлаб чиқариш кучларининг тахлили, машина ва механизмларни яратиш тажрибасининг кўрсатишича, иш унумини ошириш, янги техникани яратиш ва ўзлаштириш муддатларини қисқартириш, таннархини камайтириш, машинасозлик маҳсулотининг техник даражасини, сифатини, пухталигини ва узоққа чидамлилиги (умрбоқийлиги) ни ошириш учун кенг қўламда бирхиллаштириш ва агрегатлаш ва булар асосида юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал этиш муҳим воситаси сифатида ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни яратиш зарур.

Маҳсулотнинг сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш муаммосини муваффақиятли ҳал этишга буюмни мақбул даражада бирхиллаштириш ва стандартлаштириш ҳисобига эришиш мумкин. Бундай бирхиллаштириш ва стандартлаштириш буюмни тайёрлаш ва уни тиклашда намунавий технологик жараёнлардан, асбоб, мослама ва жиҳозлардан фойдаланишга имкон беради.

Мақбул даражада бирхиллаштириш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот ва тажриба-экспериментал ишларни ўтказишга, чизмаларни, технологик жараёнларни ишлаб чиқишга, уларни хиллаштириш, мосламаларни ва ностандарт жиҳозларни тайёрлаш, хизмат кўрсатиш, машиналарни таъмирлаш ва ишлатиш харажатларини, ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашга меҳнат сарфини, маҳсулот таннархини камайтиришга, ишлаб чиқариш циклининг давом этиш вақтини қисқартиришга имкон беради.

**Бирхиллаштириш** – Бир хил вазифани бажарувчи объектларни ўрнатилган белгиси бўйича бирхиллаштириш билан боғлиқ бўлган фаолият ва объектларнинг самарали қўлланишлари тўғрисидаги маълумотлар асосида бу объектларнинг сонини мақбул даражада қисқартириш. Бирхиллаштиришда юқори сифат кўрсаткичларига ва тўлиқ ўзаро алмашинувчанликка эга бўлган буюмлар, йиғма бирликлар ва деталларнинг энг кам зарур, лекин етарли миқдордаги турлари, хил ўлчамлари ўрнатилади.

Бирхиллаштириш стандартлаштиришнинг кенг қўламда қўлланиладиган ва самарали усулидир. Бирхиллаштириш натижаларини стандартлар кўринишида расмийлаштириш шарт эмас. Лекин буюмлар ва уларнинг элементларини стандартлаштириш албатта уларни бирхиллаштирилишига асосланади.

*Бирхиллаштириш мақсади* куйидагилардан иборат:

– ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш, тайёрлаш, техник хизмат кўрсатиш ва буюмларни таъмирлашга вақтларни қисқартириш ҳисобига илмий-техникавий ривожланиш суръатларини тезлаштириш;

– лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш босқичларида буюмларнинг юқори сифатини ва улар таркибий қисмларининг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш учун етарли шароитлар яратиш;

– буюмларни лойиҳалаш ва тайёрлаш харажатларини камайтириш;

– мамлакат мудофааси талабларини таъминлаш.

Бирхиллаштиришнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

– янгитдан яратиладиган буюмлар гуруҳида бир хил ёки бунга яқин вазифани бажарувчи илгари лойиҳаланган, ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган бир хил (буюмлар гуруҳида такрорланувчи) таркибий қисмлар (агрегатлар, узеллар, деталлар) дан фойдаланиш;

– янгитдан яратиладиган ёки такомиллаштириладиган буюмларда фойдаланиш учун бирхиллаштирилган таркибий қисмларни ишлаб чиқиш;

– буюмларнинг конструктив бирхиллаштирилган қаторларини ишлаб чиқиш;

– қўлланишга руҳсат этиладиган буюмлар ва материалларнинг номенклатураси бўйича мақсадга мувофиқ энг кам миқдорини чеклаш.

Бирхиллаштириш куйидагиларга ажралади:

– иккита ёки бундан ортиқ корхоналарда тайёрланадиган, бир хил ёки бир-бирига яқин вазифани бажарадиган буюмларни ва уларнинг қисмларини ўз ичига оладиган тармоқлараро бирхиллаштириш;

– тармоқ – бир тармоқ ичида бирхиллаштириш;

– завод – бир корхона ичида бирхиллаштириш.



**Бирхиллаштириш объектлари:**

– ўзаро алмашинадиган ва одатда, бир хил вазифани бажа-радиган деталлар;

– ишчи параметрлари, габарит ўлчамлари ва эксплуатацион кўрсаткичлари (қуввати, иш унуми ва ҳ.к) бир-биридан бир оз фаркланадиган, характери жиҳатдан бир-бирига яқин ишларни бажарадиган агрегатлар (узеллар, йиғма бирликлар, модуллар, мосланувчан ишлаб чиқариш модуллари);

– бир хил мақсадга мўлжалланган ва характери жиҳатдан бир-бирига яқин операцияларни ёки жараёнларни бажарадиган, яъни ўхшаш (қисман ёки бутунлай ўхшаш) конструктив схемага эга бўлган (ёки эга бўлиши мумкин бўлган) ва бунда ишчи параметрлари, габарит ўлчамлари ва ишлаш шароитлари жуда оз фаркланадиган унча кўп бўлмаган агрегатлар ва узеллардан тузилган машиналар;

– технология.

Қуйидаги гушунчалар қўлланилади:

**Буюмларни бирхиллаштириш** – Буюмларни турларининг мақбул сонини ўрнатиш асосида бир хилга келтириш;

**Бирхиллаштириш даражаси** – Буюмнинг бирхиллаштирилган таркибий қисмлар билан таъминланганлик даражаси;

**Ушбу гуруҳ буюмларнинг бирхиллаштирилган таркибий жисми** – ушбу гуруҳ, ёки мажмуадаги икки ёки бундан ортиқ буюмларнинг ўзаро алмашинувчан таркибий қисмлари.

**Стандартлаштириш даражаси** – Буюмнинг стандарт таркибий қисмлар билан жиҳозланганлик даражаси.

Стандарт таркибий қисмларга конструкторлик хужжатида спецификацияда ҳавола қилинган давлат ва тармоқ стандартлари бўйича тайёрланадиган таркибий қисмлар кирази.

Буюмларни ёки улардаги таркибий қисмларни бирхиллаштириш за стандартлаштириш даражаси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади:

– қўлланувчанлик коэффициенти  $K_k$  такрорланувчанлик коэффициенти  $K_r$ , лойиҳалараро (ўзаро) бирхиллаштириш коэффициенти  $K_{лб}$ .

*Қўлланувчанлик коэффициенти* буюмдаги таркибий қисмлар хил ўлчамлари сонининг (оригиналларсиз) таркибий қисмлар хил ўлчамларининг умумий сонига фоизлардаги нисбати бўлиб, ишлаб чиқариладиган буюмдаги таркибий қисмларнинг конструктив ўзаро мос келувчанлик даражасини тавсифлайди:

$$K_{np} = \frac{n - n_0}{n} \cdot 100\%, \quad (1)$$

бунда  $n$  – буюмдаги таркибий қисмлар хил ўлчамларининг умумий сони;

$n_0$  – буюмдаги оригинал таркибий қисмлар хил ўлчамларининг сони.

**Буюмнинг хил ўлчами** – Ушбу хилдаги ва маълум қийматли параметрлар билан тайёрланган буюм (хил ўлчамлари сони конструкторлик ҳужжатининг спецификациясидаги таркибий қисмлар номининг сонига мос келади). Оригинал таркибий қисмларга ушбу буюм учун биринчи марта ишлаб чиқилган таркибий қисмлар кирди.

**Кўлланивчанлик коэффициенти нафақат хил ўлчамлари сони бўйича, балки таркибий қисмлар сони (дона), нархи, массаси ва меҳнат сарфи ( $K_n^A, K_n^B, K_n^C$  ва ҳ.к.) бўйича ҳам ҳисобланиши мумкин.**

Ушбу корхонада тайёрланадиган буюм таркибий қисмининг нархи сифатида заводдаги таннархидан, сотиб олинадиган таркибий қисмлар учун эса - сотиш нархидан фойдаланилади.

*Такрорланувчанлик коэффициенти* буюмдаги такрорланувчи таркибий қисмлар сонининг ундаги таркибий қисмларнинг умумий сонига нисбати (буюмнинг такрорланувчи таркибий қисмлар билан тўйинганлиги) фоизларда аниқланади ва буюмнинг лойиха ичида бирхиллаштирилганлик даражасини, шунингдек ушбу буюм ичида таркибий қисмларнинг ўзаро алмашинувчанлик имкониятини ҳам ифодалайди:

$$K_n = \frac{N - n}{N - 1} \cdot 100\%, \quad (2)$$

бунда  $N$  – буюмдаги таркибий қисмларнинг умумий сони.

Лойихалараро (ўзаро) бирхиллаштириш коэффициенти бирхиллаштириш ҳисобига қисқартирилган таркибай қисмлар хил ўлчамлари сонининг биргаликда тайёрланадиган ёки фойдаланиладиган буюмлар таркибий қисмлари хил ўлчамларининг энг кўп қисқартирилиши мумкин бўлган сонига нисбати каби фоизларда аниқланади.

$$\hat{E}_{\text{за}} = \frac{\sum_{i=1}^H n_i - Q}{\sum_{i=1}^H n_i - n_{\text{max}}} \cdot 100\%, \quad (3)$$

бунда  $H$  – кўрилатган лойихаларнинг (буюмларнинг) умумий сони;

$n_i$  – лойиха (буюмлар) даги таркибий қисмлар хил ўлчамларининг сони;

$n_{\text{max}}$  – лойиха (буюм) таркибий қисмлари хил ўлчамларининг энг кўп сони;

$$Q = \sum_{j=1}^m q_j - H \text{ лойиҳалар (буюмлар) дан тузилган гуруҳда}$$

қўлланиладиган таркибий қисмлар хил ўлчамларининг умумий сони;

$q_j - j$  номли таркибий қисм хил ўлчамларининг сони;

$m$  – кўрилатган лойиҳалар (буюмлар) таркибий қисмлари номларининг умумий сони.

Агар ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари сифатида солиштирма капитал харажатлар олинса, бу ҳолда бирхиллаштириш ва стандартлаштиришнинг мақбул даражаси 67 %, агар самарадорлик ёки бирхиллаштириш ва стандартлаштириш даражаси олинса, бу ҳолда мақбул оптимал даража тахминан 65 % бўлади. Бу даража энг катта тежамкорликни таъминлайди.

Машинасозликнинг ривожланиши машиналар конструкциясининг мураккаблашиши, уларнинг кўп чиқарилиши ва конструкциянинг тез-тез алмашиниши билан тавсифланади. Масалан, ҳозирги вақтда машинасозлик саноати ҳар йили жуда кўп янги хил машиналар ва жиҳозларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиради. Агар илгари автомобиль двигатели 10-15 йилга мўлжаллаб лойиҳаланган бўлса, ҳозирги шароитларда бундай двигателнинг маънавий ҳаёти даври 3-5 йилда тугалланмоқда.

Турли машиналарни қисқа муддатда лойиҳалаш ва кўплаб ишлаб чиқариш учун биринчи навбатда, машинанинг конструкциясини бир-бирдан мустақил йиғма бириклар (агрегатлар)га ажратиш (узелларга ажратиш) талаб этилди. Бу йиғма бириклар (агрегатлар) нинг ҳар бири машинада маълум вазифани бажарадиган бўлиши лозим. Бу агрегатларни мустақил буюмлар каби тайёрлашни иқтисослаштириш ва уларнинг ишини бугун машинадан мустақил равишда текшириш мумкин бўлади.

Буюмларни конструктив тугалланган агрегатларга ажратиш машиналарни яратишнинг янги усули – агрегатлар усулининг ривожланишига асос бўлди. Машиналар конструкциясининг кинематик таҳлили кўрсаткичи, тузилиши жиҳатдан ҳар хил бўлган агрегатлар, узеллар ва деталлар турли машиналарда узатадиган ва қабул қиладиган куч ёки ҳаракат қийматлари яқин бўлгани ҳолда бир хил вазифани бажаради ва бирхиллаштирилиши мумкин.

## 7.5 Комплекс стандартлаштириш

Комплекс стандартлаштириш (КС) стандартлаштириш объектларига кирадиган, ўзаро боғланган таркибий қисмлар (компонентлар)нинг кўрсаткичларини мувофиқлаштириш ва стандартларни амалга

критиш муддатларини келишишни таъминлайди. Бунда истеъмолчиларнинг, манфаатдор ташкилотлар ва корхоналарнинг тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, яримфабрикатлар, ҳам ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, жиҳозлар, жиҳозлаш воситалари, текшириш усуллари (синаш, ўлчаш, таҳлил усуллари), тамғалаш, жойлаш, контейнерлаш, ташиш ва сақлаш сифатига талаблари тўпик ва мақбул даражада қондирилади.

Комплекс стандартлаштириш моҳияти тайёр буюмга нисбатан турли иерархик даражада турувчи барча элементларга талабларни аниқлашда тизимли ва мақсадли ёндашишда ва уларни бир-бирига мувофиқлаштиришда намоён бўлади. Стандартларнинг мажмуалари бундай талабларни ўрнатар экан, ягоналикни яратади, бундай ягоналиксиз техникавий ривожланиш мумкин бўлмай қолади.

Комплекс стандартлаштириш стандартларнинг талабларини қондирадиган тайёр маҳсулотни биргаликда ишлаб чиқаришда ёндош тармоқларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғланишларини таъминлайди ва техник жиҳатдан мақбул параметрик қаторларни ва маҳсулот навларини ўрнатишга, ортикча хилларини камайтиришга, ўзини оқламаган турларидан воз кечишга, ихтисослаштирилган корхоналарда такомиллашган технологияни қўлланиб ялли ва оқимли ишлаб чиқаришни ташкил этишга асос яратишга, энг янги техникани тезроқ жорий этишга ва маҳсулот сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган кўп масалаларни ҳал этишга имкон беради.

Демак, комплекс стандартлаштириш – бу стандартлаштириш бўлиб, бунда муайян муаммони мақбул ҳал этиш мақсадларида, ҳам комплекс стандартлаштириш объектнинг умуман ўзига ва унинг асосий таркибий қисмларига, ҳам объектга таъсир этувчи моддий ва номоддий омилларга ўзаро мувофиқлаштирилган талаблар тизими мақсадли ва режаларга ўрнатилади. Комплекс стандартлаштириш моҳияти меъёрий ҳужжатлар мажмуини белгиланган муддатларда ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан сифатнинг иқтисодий мақбул даражасини таъминловчи, ўзаро таъсир этувчи барча омилларни тизимлаштириш ва бир-бирига боғлаш, деб тушунилади.

Комплекс стандартлаштиришнинг юқори техник-иқтисодий самараси куйидаги муҳим тамойилларга риоя қилинганда таъминланади:

- тизимлилиқ;
- мажмуилиқ ва мақбул даражада чеклаш;
- истиқболлилиқ;
- амалдаги стандартлар билан боғланиш;
- амалга ошириш, харид қилиш.

*Тизимлилиқ принципи* шундаки, Комплекс стандартлаштириш ҳам объектнинг ўзига, ҳам ушбу объектни яратиш ва фойдаланиш (истеъ-

мол қилиш) да фойдаланиладиган асосий элементларга ўзаро боғланган талабларни ўрнатади.

*Мажмуилик ва мақбул даражада чеклаш принципи* шундаки, комплекс стандартлаштиришнинг юқори самарадорлигига стандартлаштириш объектининг самарадорлик кўрсаткичларига жиддий таъсир этувчи элементларни стандартлаштириш йўли билан эришилади. Комплекс стандартлаштириш элементларини меъёрий хужжатлар билан чала қамраш қутилаётган самарани пасайтиради, жуда чуқур ва тўлиқ қамраш аса, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки стандартлаштириш нархини ошириб юборади ва комплекс стандартлаштириш объектининг сифат даражасига кам таъсир кўрсатади.

*Истиқболлик принципи* комплекс стандартлаштириш даражасининг жаҳон даражасида эканлигини ва олдиндан стандартлаштириш йўли билан фан ва техниканинг ривожланиш тамойилларига мослигини ҳисобга олади.

*Амалдаги стандартлар билан боғлиқлиқ* меъёрий хужжатларнинг тўлиқ мажмуидан мақсадга мувофиқ ҳажмда фойдаланишни назарда тутлади.

Амалга ошириш принципи комплекс стандартлаштириш доирасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган меъёрий хужжатларнинг барча мажмуини ўз вақтида жорий этишни таъминлашдан иборат.

Комплекс стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш кўп ташкилотлар – ишлаб чиқувчилар ҳаракатини мувофиқлаштиришга имкон берувчи, комплекс стандартлаштириш дастурлари (КСД) ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан таъминланади. КСД маҳсулотнинг муҳим турларини тармоқлараро қўлланиладиган маҳсулотни; бир турли маҳсулотнинг муҳим хиллари гуруҳини, шунингдек биргаликда қўлланиладиган турли маҳсулотларни, масалан, машиналар тизимини қамрайди. КСД топшириқлари стандартлаштириш давлат ва тармоқ йиллик режаларига (дастурларига) киритилади. Дастур таркибига қуйидаги бўлимлар: охирги маҳсулот; охирги маҳсулотнинг таркибий қисмлари; хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинadиган буюмлар; ишлаб чиқаришнинг техник воситалари; ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш воситалари; ишлаб чиқаришни тайёрлаш усуллари ва ҳ.к. киради.

Мисол учун “Пахта” КСД ни кўриб чиқамиз.

Комплекс стандартлаштириш дастури бўйича ишларнинг бошланиши 1974 йил билан шартли белгиланади. Бу вақтда “Пахта” КСД ни илк бор ишлаб чиқиш иккита принцип: стандартлаштиришнинг мақсадли йўналтирилганлиги ва мажмуилигининг асослиги асосида бошланган эди.

Пахтани етиштириш, ҳосилни йиғиш, тозалаш ва қайта ишлов бериш жараёнларининг КСД Бутуниттифок стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан Ўздавстандарт, Тошкент халқ хўжалиги институти, Ўзбекистон фанлар академияси ҳисоблаш марказили кибернетика институти манфаатдор Вазириликлар ва маҳкамалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

КСД доирасида иқтисодий тармоқларининг ўзаро боғланиш схемаси Ўзбекистон иқтисодийтини ҳозирги бошқариш тузилмасига мувофиқ тузилган бўлиб, бу тармоқларни унга асосий гуруҳга йиғишга имкон беради:

- 1) пахта ишлаб чиқариш тармоқлари;
- 2) пахта ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини истеъмол қилувчи тармоқлар;
- 3) дастлабки икки тармоққа, шунингдек буларга хизмат кўрсатувчи тармоққа ишлаб чиқариш-техник асосни яратувчи тармоқлар.

Биринчи гуруҳ тармоқларга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тармоқлари қиради. Бу тармоқлар вазифасига пахта етиштириш ва ҳосилни, шунингдек гўзапояларни йиғиш ишлари қиради. Биринчи гуруҳ тармоқлари айни вақтда истеъмолчилар сифатида ҳам бўлади: пахта тозалаш саноати уларга уруғлик чигит етказиб беради.

Иккинчи гуруҳ тармоқларни пахтани қайта ишлаш, шунингдек хом ашё сифатида пахта толаси, пахта момиклари, техник чигит, толани чиқиндилардан фойдаланувчи тармоқлар ташкил этади. Пахта тозалаш саноати чигитли пахтани қайта ишлайди ва пахта толаларини газлама, трикотаж буюмлар, иплар ва б. ишлаб чиқариш учун; тўқимачилик саноатига, момикларни кимё саноатига; техник чигитларни мей-ёғ саноатига озиқ-овқат учун ёғ, техник ёғ, ювиш воситаси, маргарин, майонез, глицерин, олеин кислота, хўжалик совуни ва атир совун, холва, қуймачилик саноати учун мустаҳкамловчи тайёрлаш, чорвачилик учун озуқа сифатида ишлатиладиган қунжара ва б. тайёрлаш учун етказиб беради. Пахта маҳсулоти ташки савдо ташкилотлари орқали экспорт қилинади. Гўзапоялардан зичланган плиталар тайёрланади.

Учинчи гуруҳ тармоқларга қишлоқ хўжалигига химикатлар, ўғитлар, дефолиантлар етказиб берувчи кимё саноати қиради. Машинасозлик саноати тупроққа ишлов бериш, мелиорация ва ирригация, пахта етиштириш ва ҳосилни йиғиш, чигитли пахтани тозалаш ва қайта ишлаш учун қишлоқ хўжалигини машиналар мажмуи билан таъминлайди. Электротехник ва приборсозлик тармоқлари қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш тармоқларини пахта маҳсулоти сифатини текшириш (синаш, ўлчаш, таҳлил) воситалари билан таъминлайди.

Темир йўл ва автомобиль транспорти чигитли пахтани ва пахта толаларини ташиш, авиация эса, гўзаларга кимёвий ишлов бериш

(кишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ва дефолиация қилиш) ишларини таъминлайди ва ҳ.к.

“Пахта” КСД модели ўз ичига уруғлик материалларни, чигитли пахтани ва саноат маҳсулотини стандартлаштириш, шунингдек қайта ишлов бериш босқичларини, қайта ишлов бериш техник воситалари, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини олади. Пахтани етиштириш, ҳосилни йиғиш, ташиш ва қайта ишлаш босқичларида унинг сифатини оширишни таъминлаш ҳам назарда тутилади.

Дастурни амалга оширишнинг барча босқичларида таснифлаш стандартларини, умумий техникавий талаблар стандартларини, муайян стандартлаштириш объектларига техник талаблар ва текшириш усулларини ишлаб чиқиш ёки қайта кўриб чиқиш назарда тутилади.

КСД нинг бўлимлари таркиби ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятини ва стандартлаштириш объектнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Барча ҳолларда ҳам бошланғич топшириқларни ишлаб чиқишда ишлаб чиқувчи – КСД ни ишлаб чиқиш бўйича бош ташкилот:

- стандартлаштириш объектларининг тўлиқ таркибини белгилайди;
- маҳсулот (хизматлар) сифати ва техник даражаси кўрсаткичларини технологик жараёнларнинг параметрларини, шунингдек ҳамкор бажарувчилар томонидан бажарилиши лозим бўлган барча стандартлаштириш объектларига талабларни ўрнатади;
- ҳамкор бажарувчилар томонидан тақдим этиладиган материалларни таҳлил қилиш ва баҳолашни таъминлайди;
- дастурни ишлаб чиқишга бошланғич топшириқлар лойиҳаларини ҳамкор бажарувчилар билан келишиб олади.

Дастурни ишлаб чиқувчи бошланғич топшириқнинг ҳар бир бўлими бўйича қуйидагиларни:

- стандартлаштириш объектларининг номенклатураси;
- бажарувчилар ва ҳамкор бажарувчилар;
- алоҳида топшириқларни ва умуман КСД ни бажариш муддатларини аниқлайди.

Дастурда кўрсатилган топшириқлар “Пахта” КСД мисолида тузилган якуний жадвалга жамланади.

КСД нинг барча топшириқлари давлат, тармоқ, зарур бўлганда, давлатлараро стандартлаштириш дастурлари (режалари) га киритилади.

## 7.6 Олдиндан стандартлаштириш

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонунида белгиланишича, стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳуж-

жатлар мамлакатимиз ва чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланиши лозим. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун стандартларда асосли ҳолларда истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан олдинда бўладиган талаблар олдиндан ўрнатилади (имкониятларидан ўзувчи, олдиндан тузиладиган стандартлар).

Давлат бундай стандартлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва таъкилотларга иқтисодий ёрдам ва рағбатлантиришни кафолатлайди.

Олдиндан стандартлаштиришда қатор атамалар қўлланилади.

Олдиндан тузилган (ўзувчи) стандарт (истиқболли талабларни ўз ичига олган давлат стандарти) – Анъанавий технологияларнинг имкониятларидан ўзувчи, истиқболга мўлжалланган дастлабки талабларни ўрнатувчи, шунингдек бир тур маҳсулот гуруҳи техник даражаси ва сифатининг асосий кўрсаткичларига талабларни, маҳсулот техник даражаси ва сифатига босқичлар бўйича табақалаштирилган талабларни белгиловчи, “Умумий техник талаблар” кўринишидаги давлат стандарти. Таърифга кўра, олдиндан стандартлаштириш – сифати ва даражаси мустақил қўлланиладиган якуний тайёр буюмлар (машиналар, приборлар, автоматлаштириш воситалари, халқ истеъмоли моллари) нинг техник-иқтисодий тавсифларига жиддий таъсир кўрсатувчи хом ашё, материаллар, деталлар, узеллар, йиғма бириклар, бутловчи буюмлар, асбоблар ва намунавий технологик жараёнларга, шунингдек якуний тайёр буюмлардан фойдаланадиган турли техник мажмуалар (тизимлар) га талабларни вақт жиҳатдан анча илгари стандартлаштиришдир;

Бир турдаги маҳсулот гуруҳи – умумий хоссаларга эга бўлган, умумий мақсадларга мўлжалланган маҳсулот тўдаси;

Маҳсулот техник даражаси ва сифатининг поғонаси – асосий стандартда белгиланган, бир турдаги ёки муайян маҳсулот гуруҳи техник даражаси ва сифатининг асосий кўрсаткичлари қийматларининг тўплами;

Муайян маҳсулот – маълум конструктив-технологик ечимлар ва мақсадли (вазифаси) қўлланилиш кўрсаткичларининг муайян қийматлари билан тавсифланувчи маҳсулот моделлари (русумлари, хиллари).

Анъанавий стандартлаштириш амалиётида меъёрий ҳужжатнинг илмий-техникавий даражаси тугалланган илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ), тажриба-конструкторлик ишлари (ТКИ) ва ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш (ИЧТТ) натижалари билан аниқланади. Бунда юқори техник даража ва сифатли маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш стандартлаштириш бўйича ишларга боғлиқ бўлмайди. Меъёрий ҳужжат илмий-тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) натижасида эришилган сифат даража-



сини, яъни ушбу корхона ўз маҳсулоти учун таъминлаши лозим бўлган ва лозим бўла оладиган сифат даражасини (мажбурий талаблар кисмида) юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Олдиндан стандартлаштиришда меъёрий хужжатлар маҳсулотнинг ҳаётий циклининг эрта босқичларида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, бу ҳолда стандартлаштириш олдиндан тузиладиган стандартларни, шунингдек сифатнинг поғонали кўрсаткичлари белгиланган меъёрий хужжатларни яратишда бошқарувчи вазифани бажаради. Янги юқори кўрсаткичли сифатга эга маҳсулотни амалда ИТИ дан кейин яратиш мумкин бўлади. Ўзувчи стандартларни яратиш бўйича ишларни ТКИ ва ИЧТТ босқичларида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай босқичларда баҳоланадиган ва ўрнатиладиган сифат кўрсаткичлари маҳсулотни серияли ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш пайтига келганда мақбул бўлиши лозим.

Ўзувчи олдиндан тузилган стандартларни яратиш жараёнида фан ва техниканинг энг самарали натижалари ва тамойиллари ҳисобга олинади. Фан ва техниканинг ютуқлари стандартларни яратиш ва жорий этиш жараёнида ҳам, кейинчалик стандартларда ўрнатилган сифат кўрсаткичларига эришишни таъминловчи ишларни бажариш лозим бўлганда ҳам ҳисобга олинади.

Ўзувчи стандарт – чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат даражасини эмас, балки ишлаб чиқиш босқичида турган ва стандартда кўрсатилган маълум вақтдан кейин чиқариладиган маҳсулотнинг янги ёки такомиллаштирилган турига сифат кўрсаткичларини ва бошқа параметрларини қонуллаштиради. Шундай қилиб олдиндан тузиладиган (ўзувчи) стандартга юқори сифатли ишлаб чиқариш дастури каби қараш мумкин.

Олдиндан тузилган стандартни тасдиқлаган пайтдан бошлаб, тайёрловчи маҳсулотни янги стандарт бўйича белгиланган муддатда чиқара бошлаши лозим ва истеъмолчиларда янги ишланмаларни лойиҳалашда янги буюмларни қўлланишга юридик ҳуқуқ пайдо бўлади.

Олдиндан стандартлаштириш илмий-тадқиқот ташкилотларида бажарилган энг янги ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнини тезлаштиради. Олдиндан тузиладиган стандартларни ишлаб чиқувчиларга техниканинг ривожланишини маълум вақтга олдиндан аниқлаш, яъни тармоқда илмий-техникавий истиқболни илмий-асосланган ҳолда олдиндан билиш масъулияти юклатилади. Бир турдаги маҳсулотга олдиндан тузиладиган стандартлар “Умумий техникавий талаблар” – O’z DSt UTT\* турдаги стандартлар қаторига киради.

---

\* UTT – “Умумий техник талаблар” жумласининг давлат тилидаги қисқартмаси (umumiy texnik talablar).

Олдиндан стандартлаштириш объектларига махсулотлар ва умуман жараёнлар, шунингдек махсулот хом ашё, материалларнинг алоҳида параметрлари, унинг техник даражасини ва сифатини тавсифловчи тафсилотлари, ишлаб чиқариш, текшириш усуллари ва воситалари, хизматлар ва бошқа меъёрлар, талаблар ва ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнларининг тафсилотлари киради.

Олдиндан тузиладиган стандартларда техник даража ва сифатнинг учта поғонаси ўрнатилиши мумкин:

– биринчи поғона истеъмолчи (буюртмачи)нинг талабларига мувофиқ келадиган, илгари ўзлаштирилган махсулотни ишлаб чиқаришга оид талабларни ўрнатади;

– иккинчи поғона янгитдан ишлаб чиқиладиган (такомиллаштириладиган) махсулотни чиқаришга асос бўладиган, махсулотнинг энг юқори жаҳон даражасида чиқарилишини таъминлайдиган талабларни ўрнатади;

– учинчи поғона истикболли янги махсулотни ишлаб чиқиш учун асос бўладиган, энг юқори жаҳон даражасидаги истикболли талабларни ўрнатади.

Техник даража ва сифатнинг навбатдаги босқичини ишлаб чиқаришга киритган кундан бошлаб, бундан аввалги поғона махсулотини ишлаб чиқариш тўхтатилиши лозим.

Янги O'z DSt UTT ни ишлаб чиқиш (амалдаги стандартларни қайта кўриб чиқиш) ни стандартлаштириш бўйича хос техник кўмиталар, бир турдаги махсулот гуруҳлари бўйича етакчи илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, лойиҳалаш-технологик ва бошқа ташкилотлар ҳамда ИТИ ни бевосита бажарадиган корхоналар олиб боради.

Ўзбекистоннинг истикболли давлат стандартлари сифатида қўлланишга ўришилган тартибда қабул қилинган халқаро стандартлар олдиндан тузилган (ўзувчи) стандартлар бўлиши мумкин.

Махсулотнинг тавсифларини ва синаш усулларини ўрнатувчи бундай халқаро стандартларга қуйидагилар мисол бўлади: кишлоқ хўжалик тракторлари ва кишлоқ хўжалик машиналари бошқариш органларининг жойлашини ва таъсир усулини белгилловчи МС ИСО 3789/2-82. Барқарорлигига, техник тафсилотларига ва қабул қилиш ҳужжатларига умумий талабларни ўрнатувчи МС ИСО 4304-87 ва МС ИСО 7363-86 халқаро стандартлар. Экскаваторлар ва бошқа ер қазиб машиналарига ўйдан ортик ИСО халқаро стандартлар амалда қўлланилмоқда. Бу стандартлар машиналарнинг тузилиши, муҳофаза ихоталари, синаш усуллари, ҳаракат тезлигини аниқлаш усуллари, бошқариш жойининг ва бошқариш органларининг қулайлиги, экскаваторларнинг ишчи органларига таъсир кучларини ўлчаш усуллари ва ҳ.к. ўрнатади. Тўқимачилик машиналарига 11 номли, тўқимачилик ва чарм материаллари ва буюмларига 30 га яқин, ичимлик сув сифатига 12 та, пишлоқларга тўртта ва ҳ.к. халқаро стандартлар қабул қилинган.

**1-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИДОРАЛАРИ  
ВА ХИЗМАТЛАРИ**

**1.1 Давлат ва хўжалик бошқарув идоралари**

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонунида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни олиб бориш ташкилий-техникавий қоидаларини белгиловчи стандартлаштириш давлат тизими (Ўз СДТ) амалда қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизимининг асосий тамойиллари Вазирлар Маҳкамасининг 2 март 1992 й. № 93 “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган.

“Стандартлаштириш тўғрисида” Қонунга мувофиқ республикада стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни қуйидагилар бажаради:

- халқ хўжалиги тармоқларида - Ўзстандарт Агентлиги;
- қурилиш, қурилиш индустрияси, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциясини тузиш соҳасида – Давлатархитектурақурилиш;
- табиий бойликлардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф мухитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофазалаш – Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
- тиббиётга мўлжалланган махсулот, тиббиёт техникаси буюмлари, дори-дармон воситалари соҳасида, шунингдек республика саноатида ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича етказиб бериладиган махсулотда инсон учун зарарли моддаларнинг борлигини аниқлаш бўйича масалаларда - Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари ўзларининг ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартлар (кейинчалик – стандартлар), шунингдек “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонунни қўлланиш бўйича йўриқномалар ва тушунтиришларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди, чоп этади.

Ўзстандарт Агентлигига Қонун бўйича, республикада стандартлаштириш ишларини олиб бориш умумий қоидаларини ўрнатиш билан

бир каторда манфаатдор томонларнинг давлат ва хўжалик бошқарув идоралари билан ҳамкорлик қилиш шакллари ва методларини аниқлаш вазифаси ҳам юклатилган.

“Стандартлаштириш тўғрисида” Қонунда белгиланишича, стандартни тасдиқлаган идоралар стандартларнинг ахборот-тармоқ жамғармаларини яратади ва олиб боради, манфаатдор истеъмолчиларни халқаро (давлатлараро, худудий) стандартлар, Ўзбекистон Республикасининг стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек стандартлаштириш соҳасида халқаро шартномалар, техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборот давлат таснифлагичи, стандартлаштириш бўйича қондалар, меъёрлар ва тавсиялар тўғрисида ахборотлар билан таъминлайди. Стандартларни нашр этиш ва қайта чоп этишни уларни тасдиқлаган идора бажаради. Ўзстандарт Агентлиги республикада стандартлаштириш ишларини ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш учун махсулотни стандартлаштириш, метрология, синаш ва сертификатлаштириш масалаларида давлат бошқарув идораларини, тегишли вазирликлар, маҳкамалар, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар, жамoa бирлашмаларини жалб этиш ҳукукига эга.

Ўз СДТ (O'z DSt 1.0:1998) нинг асосий қондаларида белгиланишича, давлат ва хўжалик бошқарув идоралари ўз ваколатлари доирасида ва Ўзстандарт Агентлиги билан келишилган ҳолда стандартлаштириш бўйича ишларда қатнашади, Ўз СДТ доирасида стандартлаштириш тармоқ тизимларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши мумкин.

Иқтисодиёт тармоқларида ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш, режалаш ва мувофиқлаштириш учун хос бошқарув идоралари стандартлаштириш бўлинмаларини (хизматларини) яратади ва (ёки) стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотларни тайинлайди.

Давлат ва хўжалик бошқарув идоралари давлат ва тармоқ стандартлаштириш дастурлари бўйича стандартлаштириш ишларини олиб боради.

## 1.2 Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар

Бир турдаги махсулот ва тармоқлараро фойдаланиладиган махсулот учун меъерий ҳужжатларни яратиш бўйича фаолият ишчи идоралар – стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар (ТҚ) томонидан олиб борилади. Бундай амалиёт халқаро ташкилотлар ишида қўлланилади. Жумладан, ИСО ўз вазифаларини 200 дан ортик ТҚ, 2000 ёрдамчи қўмиталар ва ишчи гуруҳлар орқали бажаради. Халқаро

электротехник кўмита (МЭК) ҳам 100 га яқин ТҚ, 1000 дан ортиқ ёрдамчи кўмита ва ишчи гуруҳлар тузган. Мазкур турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда етакчи бўлган ҳар бир мамлакат – халқаро ташкилот аъзоси ТҚ ни бошқаради. Халқаро ташкилотларнинг техник кўмиталари ҳар йили ўртача 500-800 номли стандартларни, қўлланмаларни, қоида ва метёрларни ишлаб чиқади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш қатнашчи-мамлакат бошқарадиган давлатлараро техник кўмиталар тузган. Ипак ва пахта бўйича ТҚ ни Ўзбекистон олиб боради.

Халқаро ва давлатлараро техник кўмиталарни бундай олиб бориш амалиёти давлатларнинг савдо-иқтисодий ўзаро ҳамкорлигидаги савдо ва техник тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашади.

Вазирлар Маҳкамасининг 3 октябрь 2002 й. № 342 қарорига мувофиқ, Ўзстандарт Агентлигининг асосий вазифаларидан бири сифатида бир турдаги маҳсулот стандартларини ишлаб чиқиш бўйича тармоқ тузилмаларини ташкиллаштиришга кўмаклашиш, уларнинг фаолияти устидан илмий-методик раҳбарликни таъминлаш ва текшириш вазифаси юклатилган Ўзстандарт Агентлигига иқтисодиёт тармоқлари билан бирга стандартлаштириш бўйича ТҚ ни белгиланган тартибда шакллантиришда қатнашиш вазифаси қўйилган.

О'з РН 51-013:1993 “Ўз СДТ. Стандартлаштириш бўйича техник кўмита тўғрисида намунавий низом” да стандартлаштириш бўйича ТҚ нинг умумий қоидаларни, асосий вазифалари, шунингдек уларнинг тузилмаси ва таркиби белгиланган.

ТҚ манфаатдор томонларнинг мутахассислари-ваколатланган вакилиридан иборат бўлиб, маҳсулотнинг маълум турлари, технологиялар ва стандартлаштиришнинг бошқа объектлари бўйича ихтисослаштирилган ва давлат ҳамда маҳсулот (хизматлар) истеъмолчилари (буюртмачилари)нинг манфаатларида давлат, тармоқ, давлатлараро ва халқаро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ишларни олиб бориш учун энг юқори илмий-техникавий салоҳиятга эга ташкилотлар асосида тузилади.

Маҳсулотнинг асосий истеъмолчилари (буюртмачилари) – корхоналар, маҳсулотни ишлаб чиқувчи ва тайёрловчилар – корхоналар, жамоат бирлашмалари, давлат назорати идоралари ва манфаатдор бошқа корхоналар ТҚ га аъзо бўлишлари мумкин. Булда ТҚ таркибига асосий истеъмолчи (буюртмачи), Ўзстандарт Агентлиги, Давлатархитектурақурилиш, Давтабиаткўмита ва Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш вазирлиги (бириктирилган фаолият соҳалари бўйича) вакилларининг кириши мажбурийдир.

ТҚ ни раис бошқаради. Раис ташкилотлар, корхоналарнинг раҳ-

барлари ёки уларнинг муовинлари, Бош конструкторлар, бош технологлар, ташкилот бўлинулаларининг рахбарлари, ТҚ таркибига кирган етакчи олимлар ва мутахассислар ичидан сайланади. ТҚ раисининг муовинлари этиб асосий истеъмолчи ва Ўзстандарт Агентлиги (давлатархитектурақурилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари доирасида) вакиллари тайинланади.

ТҚ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги стандартлаштириш бўйича метъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таянади ва қуйидаги вазибаларни бажаради:

– давлатлараро, давлат ва тармоқ янги стандартларини ишлаб чиқади, қайта қўриб чиқади ёки амалдагиларига ўзгартиришлар киритади;

– стандартлаштириш бўйича халқаро ва ҳудудий ташкилотларнинг ТҚ нинг ишларида қатнашади;

– давлатлараро, давлат ва тармоқ стандартлаштириш дастурларига таклифларни ишлаб чиқади;

– стандартлаштириш бўйича халқаро, давлатлараро, ҳудудий ташкилотларда овоз бериш учун Ўзбекистон фикрини тайёрлайди;

– барча даражалардаги метъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий экспертизасини бажаради.

ТҚ таъсис етувчилар-корхоналарнинг биргаликдаги буйруғи, шунингдек Ўзстандарт Агентлиги, Давтабиатқўмита, Давархитектурақурилишқўм, Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш вазирлиги (бириктирилган фаолият соҳалари бўйича) буйруғи билан тузилади.

ТҚ нинг фаолият соҳаси жуда кенг бўлиб, тармоқ ва давлат стандартлаштиришдан бошлаб, халқаро ва давлатлараро стандартлаштиришгача боради.

ТҚ таркибида ёрдамчи қўмиталар (ЁҚ) ва ишчи гуруҳлар (ИГ) тузилиши мумкин.

ТҚ нинг стандартлаштириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш ва ваколатларини кенгайтириш учун белгиланганки, ТҚ фаолияти натижалари бўйича қабул қилинган баённома қарори ҳужжат (лойиҳа) нинг ТҚ га аъзо барча ташкилотлар билан келишилганлигини тасдиқлайди.

### 1.3 Стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар

Ўз СДТ (O'z DSt 1.0:1998) қоидалари бўйича иктисодиёт тармоқларида ва бошқа фаолият соҳаларида стандартлаштириш бўйича

ишларни ташкиллаштириш, режалаштириш ва мувофиқлаштириш учун хос бошқарув идоралари стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотларни тайинлайди.

О'з РН 51-012:1993 да стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар (СТТ) ни тайинлаш тартибига ва уларнинг Ўз СДТ да ишларни олиб бориш бўйича умумий талаблар ўриятилган. СТТ давлат ва хўжалик бошқарув идоралари томонидан, маҳсулот турлари бўйича бosh ташкилотлар ичидан тайинланади ва ўзларига бириктирилган маҳсулотлар гуруҳи (ёки бошқа стандартлаштириш объектлари) ни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича ишларга илмий-техникавий ва ташкилий-методик раҳбарлик қилиш ва республикада бу ишлар бўйича техникавий бирлиликни таъминлаш учун тузилади.

Маҳсулот, хизматлар, жараёнлар ёки СТТ га бириктирилган бошқа объектларни стандартлаштириш бўйича ишларга илмий-техникавий раҳбарлик қилиш, шунингдек стандартлаштириш бўйича ишларни бевосита бажариш учун илмий-тадқиқот, конструкторлик-технологик бўлимлар, стандартлаштириш шўъбалари ёки лабораториялар ташкил этилиши мумкин.

Ўз СДТ га мувофиқ стандартлаштириш бўйича иш, асосий ишлар каторига киради ва ташкилотнинг тематик режасидаги таркибий қисм бўлмиш стандартлаштириш бўйича ишлар режасига мувофиқ СТТ нинг бўлинмалари томонидан бажарилади.

СТТ ўз фаолиятида стандартлаштириш бўйича давлат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам, маҳкама меъёрий ҳужжатларига ҳам амал қилади.

Бир ишни икки жойда ва такрорий бажарилишига йўл қўймаслик учун СТТ ўз ишини бошқа маҳсулотнинг ёндош гуруҳларини СТТ ё билан яқиндан ўзаро боғланган ҳолда олиб бориши лозим.

СТТ нинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

– СТТ га бириктирилган корхоналар ва ташкилотлар олиб бораётган стандартлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, шунингдек бириктирилган маҳсулот гуруҳи бўйича техник бирлиликни таъминлаш;

– комплекс ва олдиндан стандартлаштиришни таъминловчи, бириктирилган маҳсулот гуруҳи бўйича стандартлаштиришни ривожлаштириш асосий йуналишларини ишлаб чиқиш;

– бириктирилган маҳсулот гуруҳига мувофиқ стандартлар ва стандартлаштириш бўйича бошқа меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва келишиш, уларни ўз вақтида жорий этиш ва қайта қўриб чиқиш бўйича таклифлар ва чоратадбирларни тайёрлаш;

– бириктирилган маҳсулот гуруҳига мувофиқ меъёрий ҳужжатда белгиланган кўрсаткичлар ва меъёрларнинг замонавий илмий-техни-

кавий даража, хаёфсизлик, атроф муҳитни муҳофазалаш ва Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонун талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

– стандартлаштириш назарияси ва амалиёти соҳасида илмий-методик ишларни, шунингдек СТТ га бириктирилган маҳсулотнинг янги намуналари лойиҳаларнда стандартлаштиришнинг мақбул даражасини ўрнатиш ва таъминлаш бўйича ишларни олиб бориш;

– маҳсулотта меъёрий ҳужжатларда келтирилган кўрсаткичлар ва меъёрларнинг амалдаги стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини ўрнатиш мақсадида ушбу меъёрий ҳужжатларни муттасил равишда текширувларни ўтказиш;

– стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича режаларни ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишда корхоналар ва ташкилотларга методик ёрдам кўрсатиш.

СТТ нинг фаолияти иқтисодиёт тармоқлари бошқарув идоралари томонидан ёки маҳсулотнинг бириктирилган турлари бўйича шартнома асосида молиялаштирилади.

СТТ ташкилотлар ва корхоналардан ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган стандартлаштириш бўйича материаллар ва бошқа маълумотларни талаб қилиши ва меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий экспертиза қилиш натижалари бўйича юқори ташкилотларга таклифлар киритиши мумкин.

СТТ ўрнатилган тартибда стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар жамғармасини бутлайди, бириктирилган ташкилотлар ва корхоналарнинг стандартлаштириш масалалари бўйича ишларини, шунингдек бириктирилган маҳсулот гуруҳи бўйича меъёрий ҳужжатларнинг талабларини жорий этиш ва бажаришни текширади.

СТТ белгиланган вазифалар ва ишларнинг бажарилишига масъул бўлади.

1 октябрь 2003 й. да Ўзбекистон Республикасида 17 та СТТ фаолият кўрсатган. Булар ичида “Подъёмник” акциядорлик жамияти, ЦНТМ алоқа ва ахборот агентлиги, “Пахтасаноатилм”, “Ўзнефтьгаз-ЛИТИ”, “КИНАП” ва бошқалар бор.

#### **1.4 Корхоналарда стандартлаштириш хизматлари**

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ва амалдаги қонунларнинг талабларининг бажарилишини таъминлаш учун тадбиркорлик субъектлари стандартлаштириш бўлимларини (хизматларини) ташкил этади. Бу бўлимлар стандартлаштириш бўйича ишларга ташкилий-методик ва илмий-техник раҳбарлик қилади, стан-



дартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ва бошқа ишларни бажаради, корхонанинг бошқа бўлимлари олиб бораётган стандартлаштириш бўйича ишларни бажаришда қатнашади.

Стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштиришда сиёсатнинг бирлигини ва бир хил ёндошишни таъминлаш мақсадларида Ўз РХ 51-051-96 “Корхоналарда (ташкilotларда) стандартлаштириш хизматлари тўғрисида намунавий низом” тасдиқланган. Бу Низомда мулкдорлик шаклидан қатъий назар корхоналар ва ташкilotлар стандартлаштириш хизматларининг умумий низомлари, асосий вазифалари ва ҳуқуқлари ўрнатилган.

Стандартлаштириш хизматлари тадбиркорлик субъектлари (бўлимлар, шубалар, гуруҳлар) нинг бўлимларидан иборат бўлади. Кичик корхоналарда муҳандис-техник ходимлар сонининг камлиги сабабли махсус бўлим тузишга имкон бўлмаганда, стандартлаштириш бўйича ишларга маъсуллик муҳандис-техник ходимларнинг бирига юклатилади.

Стандартлаштириш хизматларига қуйидаги вазифалар юклатилади;

- корхонанинг меъёрий ҳужжатлар тизимини тузиш бўйича ишлар мажмуини бажариш;

- стандартлаштиришнинг истиқболли ва йиллик режалари (дастурлари) га оид таклифларни, зарур бўлганда, бошқа бўлимлар билан биргаликда ишлаб чиқиш;

- илмий-техникавий дастурларга махсулотнинг техник даражаси ва сифат кўрсаткичларини ошириш истиқболларини аниқлаш қисмида қатнашиш ва таклифлар тайёрлаш, шунингдек махсулотга истиқболли талабларни белгилловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

- меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳалари бўйича фикр-мулоҳазаларни тайёрлашни ташкиллаштириш;

- корхонанинг иқтисод хизмати билан биргаликда стандартлаштиришнинг техник-иқтисодий самарасини аниқлаш;

- давлат назорат идоралари томонидан ўтказилаётган меъёрий ҳужжатларга риоя қилинаётганлигини текширишларда қатнашиш;

- илмий-техникавий, тажриба-конструкторлик ишларида ва махсулотни ишлаб чиқаришга қўйиш жараёнида хавфсизлик, бойликларни тежаш, атроф муҳитни муҳофазалаш, ўзаро алмашинувчанлик ва мос келувчанлик талабларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон бозорига рақобатбардош махсулот чиқаришни таъминловчи кўрсаткичларнинг ўрнатилишини таъминлаш;

- МХ ни жорий этиш ва риоя қилишни ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш;

– халқаро, давлатлараро, ҳудудий стандартлаштириш, стандартлаштириш соҳасида икки томонлама ҳамкорлик, шунингдек халқаро стандартларни ва чет мамлакатларнинг миллий (фирмаларнинг) стандартларини қўлланиш бўйича ишларни бажариш. Бундан ташқари, стандартлаштириш хизматларига мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, чиқарилаётган маҳсулотнинг сертификатлаштирилишини таъминлаш бўйича вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

Корхоналарда стандартлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар асосий ишлар турига киради.

Жаҳон амалиёти корхоналарда мавжуд бўлган ўқитилган ва тажрибали мутахассислар билан жамланган стандартлаштириш хизматларининг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

### 1.5 Стандартлаштиришни режалаштириш

Стандартлаштириш бўйича ишларни режалаштириш республика миқёсида давлат ва ҳўжалик бошқарув идоралари, техник қўмиталар, стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар, стандартлаштириш масалалари билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди. Ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини яхшилаш, ёқилғи-энергетик бойликлар сарфини камайтириш, атроф муҳитни муҳофазалаш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда, умуман, инсоннинг барча фаолият соҳаларида стандартлаштиришнинг ролини ошириш режалаштиришни муттасил равишда такомиллаштиришни ва илмий жиҳатдан асослашни талаб этади.

Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими (Ўз СДТ) сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда яратилган ва меъёрий ҳужжатларни халқаро талаблар ва меъёрлар билан уйғунлаштириш йўли билан республиканинг жаҳон уюшмаларига иқтисодий қўшилшини таъминлашга йўналтирилган. Бу муҳим масалани ҳал этишда республика номидан Ўздавстандартнинг стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) да ва Мустақил Давлатлар Ҳамкорлиги мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаши (ДАК)да аъзолиги кўмаклашади.

Ўзбекистонда режалаштириш стандартлаштиришнинг барча даражаларида амалга оширилади. Стандартлаштиришни режалаштириш учун қуйидагилар асос бўлади:

- ДАК нинг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;

- Ўзбекистонда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришнинг ривожланиш (қисқа вақтли, ўрта ва узок муддатта мўлжалланган) истиқболлари;
- илмий-техникавий истиқбол комплекс дастурлари;
- стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқаришнинг ривожланиш концепциялари;
- комплекс стандартлаштириш дастурлари;
- Ўзстандарт Агентлигининг топшириқлари;
- давлат бошқарув идоралари, маҳаллий ҳокимият идораларининг топшириқлари;
- фойдаланувчиларнинг - манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари.

Давлатлараро Стандартлаштиришни режалаштириш ўзаро келишилган сиёсатни амалга ошириш, Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишлар мавзусини ва бажариш муддатларини аниқлашга; 13 март 1992 й. стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида Кенгаш аъзолари – давлатлар билан келишилган сиёсатни амалга ошириш; давлатларнинг ўзаро ахборот алмашилиши ва уларнинг ишларини мувофиқлаштириш; режалаштириладиган ишлардан манфаатдорлигини аниқлашга йўналтирилган.

Режа (дастур) га қуйидаги ишлар киритилади:

- амалдаги давлатлараро стандартлар (ГОСТ) жамғармасини такомиллаштириш, шу жумладан стандартларни қайта кўриб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш;
- стандартлаштириш бўйича миллий идораларнинг таклифлари бўйича ДАК томонидан қабул қилинган муҳим устуңликларга мувофиқ янги давлатлараро стандартларни ишлаб чиқиш.

Бажариш муддатлари бўйича дастурга аввалги режадан ўтадиган ва давом эттириладиган ёки режалаштирилаётган йилда тугалланадиган ишлар ҳамда режалаштирилаётган йилда бошланадиган ва шу йили тугалланадиган ёки кейинги йилларга ўтадиган ишлар киритилади.

Демак, йиллик режа эмас, балки йилдан-йилга ўтувчи мавзуларни ҳисобга оладиган кўп йиллик дастур тузилади.

Стандартлаштириш бўйича миллий идоралар ўз таклифларини ДАК нинг стандартлар бўйича Бюроси ўрнатган шакллар (1-шакл) ва муддатларда жўнатади.

Дастур икки қисмдан тузилади:

1-қисм. Умум техникавий стандартлар (ДСТ, КХЯТ, ТХЯТ, МКСТ, ХБТ, Т ва б. тизимларини ва мажмуаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш,

2-қисм. Халқ хўжалиги мажмуалари бўйича шакллантириладиган, маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш:

- Ёқилғи-энергетика ва тоғ-кон;
- машинасозлик;
- металлургия;
- кимё-ўрмон;
- агросаноат;
- ижтимоий ва хизматлар.

1-шакл

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ РЕЖАСИНИНГ ЛОЙИХАСИГА \_\_\_\_\_ Йилга ТАКЛИФЛАР

Тошприк коди	Ишлаб чиқилган хужжат номи. Иш тури	Стандарт-лаштиришга мўлжал-ланган кўрсат- кичлар, талаблар, меъёrlар	Муддатлар ой, йил		Давлат ва ташкилот- масъул бажарувчи	Ишлаб чиқилётган хужжатдан манфаатдор давлатлар	Хужжатни ишлаб чиқишда қатнашувчи давлатлар	Изоҳ
			Меъёрий хужжат лойиҳасини тарқат- тиш	Хужжат лойиҳаси- нинг охириги тахри- рини тақдим этиш				

Қисмлар ва халқ хўжалиги мажмуалари ичида топшириқлар стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар бўйича, қуйидаги ишлар йўналишларига ажратилиб, гуруҳларга бўлинади:

1 Халқаро ва ҳудудий меъёрий хужжатларни қўлланиш.

2 Давлатлараро стандартларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш.

3 Давлатлараро стандартларга ўзгартиришларни ишлаб чиқиш.

ДАК нинг стандартлар бўйича Бюроси ДАК нинг тақлифлари ва қарорлари асосида жамланган дастур лойиҳасини тузади ва МДХ давлатларининг стандартлаштириш бўйича миллий идораларига кўриб чиқиш ва келишиш учун тарқатади.

ДАК нинг стандартлар бўйича Бюроси келишмовчиликларни йўқотиш бўйича ишларни ташкиллаштиради, жамланган дастурнинг охириги тахририни шакллантиради ва Давлатлараро Кенгашга кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун беради. Дастурга камда учта давлат — МДХ қатнашчилари ўзининг манфаатдорлигини билдирган мавзулар киритилади.

Ўзбекистон давлат стандартлаштириш режаси бир йилга ишлаб чиқилар эди. Аммо, Давлатлараро стандартлаштиришни режалаштиришлари каби, давлат режасига муддатлари бўйича ўтадиган топши-

риклар киритилгани учун давлат стандартлаштириш дастури амалда уч йилга тузилади.

Ўзбекистон давлат стандартлаштириш дастури 2-шакл бўйича тузилади.

2-шакл

Ўзстандарт Агентлигининг қарори билан тасдиқланган

“ ” 200 №

200 - 200 йилларга Ўзбекистон давлат стандартлаштириш  
ДАСТУРИ

Ўзбекистон давлат стандартининг номи	Иш тури (ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш)	Асос	Бажарувчи ва бирга бажарувчилар	Бажариш муддатлари ой, йил			Эксперт ташкилот (илмий-техникавий экспертиза бўйича)
				Биринчи тахрир	Охириги тахрир	Стандартни тасдиқлашга (қабул қилишга) тақдим этиш	

Ўзбекистон давлат стандартлаштириш Дастурига қуйидаги бўлимлар қиради:

- янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалдаги меъёрий ҳужжатлар жамғармасини, шу жумладан уларни қайта кўриб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш бўйича ишларни такомиллаштириш
- халқаро (давлатлараро) ва ҳудудий меъёрий ҳужжатларни қўлланиш;
- комплекс стандартлаштириш дастурини ишлаб чиқиш;
- олдиндан тузиладиган (ўзувчи) стандартларни ишлаб чиқиш;
- техник регламентларни ва ихтиёрий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- давлат илмий-техникавий дастурларига киритилган стандартлаштириш ва метрология бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари.

Тармок, маъмурий-ҳудудий стандартлар ва корхоналар ва ташкилотлар даражасидаги стандартлар бу ташкилотлар томонидан ўрнатилган тартибда ва шаклларда ишлаб чиқилади.

## 2-боб. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ

### 2.1 Асосий низомлар

“Таълим тўғрисида” Қонунда (1997 й.) таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири сифатида “Давлат стандартлари доирасида таълимнинг ҳамма учун очиклиги” кўрсатилган.

Қонунга мувофиқ Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига берилган. Таълимни бошқариш бўйича ваколатланган давлат идоралари давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминлашлари лозим.

Таълимнинг барча турлари бўйича давлат таълим стандартларига асосан Миллий дастурда узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамаси 05.01.1998 й. № 5 “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва киритиш тўғрисида” қарор қабул қилган. Бу қарорга кўра “Давлат таълим стандартлари тўғрисида” низом тасдиқланган ва таълимнинг хос турлари бўйича стандартларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий ва техник экспертиза қилиш бўйича экспертлар гуруҳи тузилган.

Қарорда таълимнинг хос турлари учун стандартларни босқичма-босқич киритиш муддатлари тасдиқланган.

Низомга мувофиқ стандартлар таълимнинг қуйидаги турлари учун ўрнатилади:

- умумий ўрта таълим, шу жумладан бошланғич таълим;
- ўрта махсус, касбий таълим (академик лицейлар, касб коллежлари);
- олий таълим (бакалаврият, магистратура).

Мақтабгача, мақтабдан ташқари, олий ўқув юртидан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш учун давлат бошқаруви ваколатли идоралари томонидан белгиланадиган давлат талаблари ўрнатилади.

Низомга асосан стандартлаштиришнинг қуйидаги объеклари белгиланган

- таълим фанлари ва предметларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юкламасининг ҳажми, ўқувчиларнинг ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёрлаш сифати;
- талаблар, меъёрлар ва қондалар, педагогик ва ахборот технологиялари, ўқитиш методлари ва воситалари, шунингдек таълим тизимида фойдаланиладиган атамалар, тушунчалар ва тоифалар;

– ўқувчиларнинг билим даражасини ва касбий маҳоратини аниқлаш, битирувчиларнинг сифатини, педагогик ва илмий-педагогик кадрларнинг таълим фаолиятини текшириш-аниқлаш процедуралари.

Низомда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг қуйидаги тартиби белгиланган:

– давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш танлов шартлари ёки таълимни бошқарув ваколатли идоралари эълон қиладиган инновацион лойиҳалар асосида амалга оширилади;

– Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш Республика комиссияси стандартнинг лойиҳасини экспертиза қилади ва экспериментал текширувни ўтказди;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг хулосасига кўра давлат таълим стандартини ва унга киритилган ўзгартиришларни тасдиқлайди.

## 2.2 Олий таълим

Ўзбекистон олий мактаб тизими таркибига 58 та олий ўқув юртлари, шу жумладан 16 университет ва 170 нинг талаба ўқийдиган 42 та институт киради. Олий ўқув юртларида 18,5 минг ўқитувчилар ишлайди, буларнинг ярмидан кўпроғи доктор ва фан номзодлари.

Ўзбекистон Республикاسининг “Таълим тўғрисида” Қонунининг бажарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичини амалга ошириш бўйича чоратадбирларни бажариш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 16.08.2001 й. №343 қарори билан қуйидаги стандартлар тасдиқланди ва жорий этилди:

О‘з DSt 1006:2001 Ўзбекистон Давлат стандарти. Ўзбекистон узлуксиз таълим давлат таълим стандартлари. Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий низомлар;

О‘з DSt 1007-2001 Ўзбекистон давлат стандарти. Ўзбекистон узлуксиз таълим давлат таълим стандартлари. Олий таълим давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таснифлагичи.

О‘з DSt 1006:2001 да олий таълим тўғрисида асосий тушунчалар (ўқитиш меъёрий мuddатлари, касбий таълим дастури, таълим фанлари блоки, якуний давлат аттестатлаши), бакалаврият ва магистратурадан ташкил топган олий таълим тузилмаси, таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича касбий таълим дастурларининг мазмунига талаблар, талабаларнинг тайёрлик даражаларига талаблар ва битирувчи-

ларга малакавий талаблар, ўқув юкламасининг ҳажмига талаблар, кадрларни тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш тартиби келтирилган. Стандарт хос меъёрий ҳужжатларни тузишда асос бўлади.

Стандарт олий таълимни олий ўқув юртлирида амалга ошириладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган, узлуксиз таълимнинг мустақил тури деб белгилайди.

Олий таълим икки босқичга ажратилган: бакалаврият ва магистратура. Бакалавр ва магистр академик даражалари олий таълимнинг хос даражаси дастурини муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга берилади. Олий таълимнинг биринчи босқичи сифатида бакалавриатура учун ўқиш муддати камида 4 йил, магистратура учун эса камида 2 йил белгиланган.

Бакалавриатурада таълим дастурлари таълимнинг узлуксизлигини ва умумий ўрта ва ўрта махсус, касбий таълим билан уйғунлашган давоми эканлигини ва фанларнинг қуйидаги мажбурий блокларини талабалар томонидан ўзлаштирилишини ҳисобга олиши лозим:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар;
- математик ва табиий-илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- махсус фанлар;
- қўшимча фанлар.

Магистратуранинг таълим дастурлари таълимнинг узлуксизлигини ва бакалаврият таълим дастурларининг давоми эканлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва фанларнинг қуйидаги мажбурий блокларини талабалар томонидан ўзлаштирилишини назарда тутиши лозим:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Магистратура таълим дастурлари, шунингдек мустақил таълимни ва талабаларнинг танлов фанларини, яқуний давлат аттестатлашини назарда тутиши лозим.

Бакалавр таълим йўналиши бўйича, олий маълумотли шахслар томонидан эгалланиши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга, танлаган мутахассислиги бўйича олий таълимни магистратурада давом эттиришга, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касбий таълим олишга тайёрланади.

Магистр мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва бошқарув фаолиятига, аспирантурада таълим олишга ва қайта тайёрлаш, малака ошириш тизимида ўқишга тайёрланган бўлиши лозим.

Ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми, аудитория ва аудиториядан ташқари ишларни ўз таркибига олган ҳолда, бакалавр ва магистрлар



учун ҳафтасига 54 соат, кундузги ўқитиш шаклида аудитория дарсларининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 36 соат ҳажмда ўрнатилиши лозим.

О'з DSt 1006:2001 да бакалавриатура ва магистратурада ўқитиш меъёрий муддатлари ва ўқув вақти умумий ҳажмининг тақсимоти ўрнатилган.

Бакалавриатура йўналишлари ва магистратура мутахассислари бўйича кадрларни тайёрлаш сифатини текшириш ўз таркибига ички, якуний давлат, жамоа-давлат ва ташқи текширувларни олиши лозим.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таснифлагичида биринчи рақам мутахассислик кодини, иккинчи рақам йўналиш кодини, учинчи рақам – таълим соҳаси кодини, тўртинчи ва бешинчи рақамлар – билим соҳаси кодини, охириги рақамлар таълим дастурлари даражасининг кодини ифодалайди. Масалан, “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” таълим йўналиши 5521600 коди билан ифодаланган.

### 2.3 Ўрта махсус таълим

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур”, “Стандартлаштириш тўғрисида” қонунларини, Вазирлар Маҳкамасининг 5 январь 1998 й. №5 “Узлуксиз таълим тизимида давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”, 13 май 1998 й. № 204 “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус таълим тизимини ташкиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” қарорларини бажариш ва таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадларида Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида ўрта махсус, касбий таълим меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Ўрта махсус, касбий таълим (УМКТ) соҳасида Ўзбекистон давлат стандарти О'з DSt 983:2000 “Ўзбекистонда узлуксиз таълим стандартларининг давлат тизими. Ўрта махсус, касбий таълим” асос бўлувчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Умумий ўрта таълимга асосланган, ўқитиш муддати 3 йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касбий таълим узлуксиз таълим тизимида мустақил таълим туридир. Ўрта, касбий таълим йўналиши – академик лицей ва касбий коллеж ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Стандартда Ўзбекистонда ўрта махсус ва касбий таълимнинг асосий мақсадлари ва вазифалари, тушунчалар, ишларни ташкиллаштириш, меъёрий ҳужжатларнинг даражаси ва уларни тузиш тартиби, таълимни стандартлаштириш тизимида ўрнатилган талабларни текшириш ва назорат қилиш белгиланган.

Ўзбекистонда ўрта махсус ва касбий таълим стандартларининг меъёрий-ҳуқуқий асоси таълим бўйича қонунлар ва Ўз СДТ дан иборат.

Ўрта махсус ва касбий таълимнинг тармоқ стандарти таълим сифатининг, ўқув юкламаси ҳажмининг, мақсадлар ва малакавий талабларга мос келувчи, касбий таснифлагич асосида тайёрлаш йўналиши ва касбий тайёрлаш энг кам мажбурий мазмунини таъминловчи меъёрий ҳужжат сифатида белгиланган.

ЎМКТ стандартларини жорий этиш асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

– ЎМКТ сифатининг мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга ва демократик ўзгаришларга мувофиқлигини таъминлаш;

– жамиятнинг эҳтиёжларини ва фан-техника ютуқларини ҳисобга олувчи кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

– кадрлар тайёрлаш тартиби ва жараёнини баҳолаш асосларини аниқлаш

– ЎМКТ тизимида кадрлар тайёрлаш узлуксизлигини ва навбатини таъминлаш;

– рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлаш.

ЎМКТ стандартларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– ЎМКТ тизимида кадрлар тайёрлаш бўйича таълим хизматларига ва уларнинг сифатига қўйиладиган талабларни аниқлаш;

– ЎМКТ тизимида билимларни ва малака даражасини баҳолашга талабларни ўз ичига олган меъёрий асосни яратиш;

– ўқувчиларни халқ аъёналари ва инсоний фазилатлар асосида одоб-ахлоқли тарбиялаш шакллари ва усулларини жорий этиш;

– кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришни самарали бирга олиб борилиши (интеграцияси) ни таъминлаш;

ЎМКТ да стандартлаштиришнинг энг муҳим томонлари қуйидагилар:

– таълимнинг узлуксизлиги ва навбати;

– ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиш истикболлари, жамият талабларини ҳисобга олиш;

– таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг бирлиги;

– матнларни ифодалаш бирлиги ва аниқлиги;

– замонавий фан, техника ва технология соҳасидаги тажриба ва ютуқларга мувофиқлиги;

– ЎМКТ мақсадлари ва вазифаларига эришиш.

ЎМКТ тизимида стандартлаштиришни ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, методик раҳбарлик қилиш таълимни бошқарув бўйича

давлат идораларига юклатилган. ЎМКТ тизимидаги таълим стандартлари уч йил давомида олиб борилган педагогик тажриба натижалари бўйича тасдиқланиши лозим.

ЎМКТ стандартларига ўзгартиришлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартибда киритилади.

ЎМКТ тизимидаги давлат ва тармоқ стандартларининг талабларига риоя қилиниши ваколатли идора томонидан текширилади. Бунда ўқув юртини битирувчиларнинг билими, ўқув режалари ва дастурлари, ўқитишнинг педагогик технологиялари баҳоланади. Белгиланган талабларга риоя қилиниши учун масъуллик ўқув юртининг раҳбариятига юклагилди.

ЎМКТ сифатини текшириш ички, жорий, оралик, якуний, ташқи, давлат-жамоа текшируви ва якуний давлат аттестатлаши кўринишида олиб борилади.

О'z DSt 983:2000 да ЎМКТ ўқув юртини битирувчиларга талаблар ўрнатилган. Бундай талабларга билимларни ва касбий кўникмаларни ўзлаштиргани, билим-кўникмаларни амалиётга жорий эта билиши, жисмоний ва касбий ривожлана олиши киради. Шунингдек, ЎМКТ да кадрлар тайёрлаш йўналишлари, касблари ва мутахассисликлар умумдавлат таснифлагичларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ҳам ўрнатилган.

## 2.4 Умумий ўрта таълим

Ўқиш муддати 9 йил 1-9 мактаб синфлари бўлган умумий ўрта таълим мажбурий ҳисобланади. Бу таълим икки босқичдан – бошланғич (1-4 синфлар) ва ўрта (5-9 синфлар) умумий таълимдан иборат бўлиб, фан асослари бўйича мунтазам билимлар олишни таъминлайди, билим олишга эҳтиёжини ривожлантиради, таянч ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умуминсоний фазилатлар асосида маънавий-ахлоқий сифатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлашини, атроф дунёга ва касб танлашга онгли муносабатини таъминлайди.

Умумий ўрта таълим тугаллангандан кейин таълим фанлари ва булар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган давлат шаклидаги аттестат берилади.

Янги тузилмани шакллантириш ва умумий ўрта таълимни олиб бориш учун кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш талаб этилди. Стандартлар мактабнинг 1-9 синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълимни, академик лицейларда ва касбий коллежларда, навбатдаги

таълим дастурлари билан манткий алоқани хисобга олган ҳолда таъминлайди.

“Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур” ларни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 май 1998 й. № 203 “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкиллаштириш тўғрисида” қарорини бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва 1998-1999 ўқув йилида ўқув юртларида синаб кўрилди.

Ҳукумат қарорн билан “Ўзбекистон Республикасида умумий таълим тўғрисида” Низом тасдиқланди. Умумий ўрта таълим мақсади сифатида ўқувчиларни давлат таълим стандартига мувофиқ ўқитиш ва тарбиялаш ва шахснинг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш белгиланган. Умумий ўрта таълим ўқувчиларга зарур ҳажмдаги билимларни беради, уларда ташкилотчилик қобилиятларни ва амалий тажрибани ривожлантиради, биринчи бошланғич касбий йўналишга ва навбатдаги таълим босқичини танлашига кўмаклашади.

Бошланғич таълим (1-4 синфлар) ўқиш, ёзиш, хисоблашни, ўзини-ўзи текшириш асосий қобилиятларини ва кўникмаларини маданий сўзлашув ва ахлоқ, шахсий гигиена ва соғлом ҳаёт тарзини ўргатишга қаратилган.

Умумий ўрта таълим (1-9 синфлар) мунтазам билимларни олишни, кенг билим доирасини, ижодий мустақил фикрлашни, ўқувчилар шахсиятининг тикланишини, ўзининг ижтимоий тақдирини ўзи белгилаш қобилиятини ва қизиқиш доираларининг ривожланишини таъминлайди.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари (УЎТДТС) қуйидаги тамойиллар асосида ишлаб чиқилади:

– давлат таълим стандарти (ДТС) талабларининг давлат, жамият ва шахсият эҳтиёжларига мувофиқлиги;

– ўқув дастурлари мазмунининг жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва фан ва техникадаги тараққиёт билан ўзаро боғлиқлиги;

– умумий ўрта таълимнинг бошқа таълим даражалари билан узлуксизлиги;

– таълим мазмунининг республиканинг барча ҳудудларида бирлиги ва бутунлиги;

– умумий ўрта таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усулларини аниқлашда инновацион технологияларга асосланиш;

– таълим бўйича қонунлар замонавий талабларининг ва педагогикадаги анъанавий қарашларнинг бирлиги;

– хорижий демократик давлатларнинг таълим соҳасида миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда меъёrlарни ўрнатиш илғор тажрибасидан фойдаланиш.

Умумий ўрта таълим мактабларининг таянч ўқув режалари давлат таълим стандартларининг таркибий қисми бўлиб, таълим соҳасидаги давлат меъёрий ҳужжати деб ҳисобланади. Таянч ўқув режалари ўқувчиларга ўқув предметининг мазмунини бериш учун ажратилган ўқув соатларининг энг кам ҳажмини акс эттиради ва стандартларга мувофиқ ҳар бир муайян синфда ўқув предмети бўйича таълим мазмунини аниқлаш учун асос бўлади.

Стандартлар ўқувчиларнинг барча умумтаълим предметлар (она тили, адабиёт, физика, математика, кимё, тарих, жўғрофия ва бошқалар) бўйича тайёргарлик даражаларига мажбурий энг кам талабларни ўз ичига олади. Бунда талаблар умумий ўрта таълимнинг икки босқичига - 1-4 синфлар ва 5-9 синфларга алоҳида-алоҳида ўрнатишган.

Масалан, 1-4 синфлар учун “Она тили ва ўқиш” предметидан қуйидаги талаблар ўрнатишган:

а) ўқиш маҳорати бўйича – бир минутда 80-90 та сўз ўқиш, бунда қуйидагиларга риоя қилиш зарур:

– ҳарфларни тўғри талаффуз қилиш;

– сўзларни тўғри ўқиш;

– сўзларнинг талаффуз этилишига эътиборни қаратган ҳолда тиник ва ифодали ўқиш;

– урғу қондаларига риоя қилиш;

– илмий атамалар ва белгиларни тўғри талаффуз этиш;

б) матнни ўзлаштириш ва бошқаларини баён этиш - 10 минут ичида 4-5 бет матнни ўқиб, мазмунини сўзлаб бериш, бунда қуйидагиларга риоя қилинади:

– нутқ тўғри, текис, аниқ, таъсирчан бўлиши лозим;

– монологларнинг текислигига риоя қилинади;

– диалогларнинг таъсирчанлиги, мантикийлиги узлуксизлиги.

в) 70-80 сўздан иборат диктант ёзиш кўникмаси талаб этилади.

г) ўз фикрини баён эта олиш – 5-6 жумладан иборат матн ёзиш.

Ўқувчиларнинг билим сифатини текширишни ва ўқитиш натижаларининг ДТС га мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги текширув: жорий текширув, оралик текширув, босқич текшируви, якуний текширув процедуралари кўзда тутилган.

### **3-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ ВА БОШҚА ХУЖЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ**

**3.1 Барча даражадаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш**

#### **Ўзбекистон давлат стандартлари**

Давлат стандартлари O'z DSt 1.1:1992 "Ўз СДТ. Ўзбекистон стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби" га мувофиқ ишлаб чиқилади. Стандартлар стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар (ТҚ), стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар (СТТ), тадбиркорликнинг бошқа субъектлари томонидан ишлаб чиқилиши мумкин.

Стандартнинг мазмунига ва техник-иқтисодий асосланганлигига ва кўрсаткичлар, меъёрлар ва талабларнинг фан ва техниканинг замонавий даражасига мувофиқлиги учун ишлаб чиқувчи-ташкилот ва стандартни тасдиқлаган идора масъул бўлади.

Стандартни ишлаб чиқишда ташкилий-методик бирлиikka эришиш мақсадида, шунингдек иш босқичларининг бажарилишини текшириш учун стандарт ишлаб чиқишнинг тўрт босқичи ўрнатилган:

1-босқич – стандартни ишлаб чиқишга техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (зарур бўлганда амалга оширилади);

2-босқич – стандарт лойиhasини ишлаб чиқиш (биринчи тахрир) ва фикрларни олиш учун тарқатиш;

3-босқич – фикр-мулохазаларни ўрганиб чиқиш, стандарт лойиhasини (охирги тахририни) ишлаб чиқиш, келишиш ва уни тасдиқлашга тақдим этиш;

4-босқич – стандартни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

Изоҳ: стандартни ишлаб чиқиш босқичларини бирга қўшиб бажариш рухсат этилади.

#### **1-босқич**

Техник топширик меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ишларини бажариш босқичларини ўрнатиш мақсадида буюртмачи-ташкилот билан келишилган ҳолда, ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан тузилади ва одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

– стандартлаштириш объекти ва қўлланиш соҳаси;

– стандартнинг бўлимлари ва стандартда ўрнатиладиган асосий талаблар рўйхати;

– стандартни ишлаб чиқиш босқичлари;

– стандарт билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати;

- стандарт лойиҳасини келишиш лозим бўлган бошқарув идоралари ва (ёки) корхоналар рўйхати;
- буюртмачининг бошқа талаблари.

## **2 – босқич**

Стандарт лойиҳаси манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида ва (ёки) тайёрловчи-корхоналарнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилади.

Стандартнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда стандарт лойиҳасига тушунтириш ёзуви тузилади ва зарур бўлганда, стандартни жорий этиш бўйича асосий ташкилий-техникавий тадбирлар режасининг лойиҳаси (кейинчалик – асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси) ишлаб чиқилади. Стандарт лойиҳаси тушунтириш ёзуви билан бирга ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси билан нусхаси кўпайтирилади ва фикр олиш учун қуйидаги рўйхат бўйича манфаатдор ташкилотларга тарқатилади:

- буюртмачи-ташкилот (асосий истеъмолчи)га ёки стандартнинг лойиҳасини келишиш бўйича таянч ташкилот деб тайинланган унинг ташкилотларидан бирига;

- стандарт лойиҳасида ваколатларига қарашли талаблар ўрнатилган бўлса, давлат назорати идораларига, соғлиқни сақлаш вазирлигига, атроф муҳитни муҳофазалаш қўмитасига;

- маҳсулотнинг бириктирилган турлари бўйича стандартлаштириш таянч ташкилотларига;

- стандартни жорий этувчи ва жорий этилишини таъминловчи ташкилотлар ва корхоналарга.

Корхона ва ташкилотлар тақдим этилган стандарт лойиҳасини кўриб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзади ва стандартни ишлаб чиқувчига, стандарт лойиҳасини олган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай жўнатади.

## **3-босқич**

Ишлаб чиқувчи-етақчи ташкилот олинган фикр-мулоҳазалар асосида фикр-мулоҳазалар тўғрисида маълумот тузади.

Ишлаб чиқувчи-етақчи ташкилот ва ҳамкор бажарувчи ташкилотлар фикр-мулоҳазалар асосида стандарт лойиҳасининг охириги тахририни ишлаб чиқади ва тушунтириш ёзувига ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига аниқлик киритади.

Ишлаб чиқувчи-ташкилот ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ўртасида стандарт лойиҳаси бўйича келишмовчилик бор бўлса, ишлаб чиқувчи ташкилот келишмовчиликларни кўриб чиқиш бўйича асосий манфазатдор ташкилотлар вакилларининг, шу жумладан стандартнинг кўрилатган лойиҳаси бўйича қарор қабул қилишга ваколатланган

буюртмачилар (асосий истеъмолчилар)нинг вакиллари иштирокида келишув мажлисини ўтказишади.

Стандарт лойиҳасининг аниқлик киритилган таҳрирининг алоҳида моддалари бўйича келишмовчиликлар бор бўлса, мажлис баённомасида ташкилотларнинг вакиллари бу моддалар бўйича алоҳида фикрга эга, деб кўрсатилади.

Мажлисида қабул қилинган қарорлар асосида стандарт лойиҳасининг охириги таҳрири тузилади, тушунтириш ёзуви ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига аниқлик киритилади.

Стандарт лойиҳасининг охириги таҳририни тасдиқлашга тақдим этиш олдида ишлаб чикувчи-ташкilot буюртмачи-ташкilotга (асосий истеъмолчига) келишишлик учун жўнатилади.

Стандарт лойиҳасини келишишлик стандарт лойиҳаси келтирилган кундан бошлаб кўпи билан 15 кун муддат ичида амалга оширилади.

Янги (такомиллаштириладиган) маҳсулот яратиш бўйича ишлар таркибида олиб бориладиган, стандарт лойиҳасини ишлаб чиқишда стандарт лойиҳасини қабул комиссияси, бадий-техник кенгаш (БТК), дегустация (сифатини аниқлаш) комиссияси ва бошқалар, манфаатдор ташкilotларнинг масъул вакиллари иштирокида келишиб олади.

Стандарт лойиҳасининг келишилганлигини тасдиқловчи ҳужжат таҳриба нусханинг қабул далолатномаси (БТК баённомаси) дан иборат бўлади.

Стандартга киритиладиган ўзгартиришлар, агар илгари келишилган ташкilotларнинг манфаатларига таъсир этмаса, фақат буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишиб олинади.

Стандарт лойиҳасининг охириги таҳририни тасдиқлашга тақдим этишда олдин таянч ташкilot ёки ўзига бириктирилган маҳсулотга онд ёки фаолият соҳасида стандартлаштириш бўйича ТҚ стандартни илмий-техникавий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишади.

#### **4-босқич**

Ишлаб чикувчи-ташкilot стандарт лойиҳасини тасдиқлашга қуйидаги ҳужжатлар билан бирга тақдим этади:

- илова хати;
- стандарт лойиҳасининг охириги таҳририга тушунтириш ёзуви;
- асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси;
- стандарт лойиҳаси 4 нусхада, бундан икkitаси биринчи бўлиши лозим;
- стандарт лойиҳасининг келишилганлигини тасдиқловчи асл ҳужжатлар;
- стандарт лойиҳасига фикр-мулоҳазалар тўплами;



– келишмовчиликлар тўғрисидаги маълумотнома;

– электрон версия;

Стандартни тасдиқлаган идоранинг қарори билан стандарт тасдиқланади ва амалга киритилади.

Ўзстандарт Агентлиги стандартни давлат рўйхатидан ўтказилади.

Экспорт учун мўлжалланган маҳсулотга қўшиқча талаблар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Стандарт давлат рўйхатига 4 нусхада тақдим этилади: аслият, иккинчи нусха (дубликат) ва иккита нусха.

Стандартнинг иккинчи нусхаси стандарт аслиятига ўхшаш бўлиши ва ундан зарур сифатли нусха олишни таъминлаши керак.

Стандарт давлат рўйхатига икки тилда: давлат ва рус тилларида тақдим этилиши лозим.

Стандартга зарур бўлганда киритиладиган тузатишлар қўлдан қора туш, паста, сиёҳ билан аниқ ёзилиши, биринчи варақнинг орқа бетида изоҳланган ва раҳбар (раҳбар муовини) имзоси ва рўйхатдан ўтказишга тақдим этган идора (ташкilot) нинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Стандарт давлат рўйхатидан кўпи билан 5 кун муддатда ўтказилади.

Стандартни белгилаш, стандартни тасдиқлаган ташкilotдан қатъий назар, Ўзстандарт Агентлиги томонидан амалга оширилади. Стандарт белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:

– ҳужжат индекси – О'z DSt

– рўйхатга олинган тартиб рақами;

– икки нукта билан айирилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами: масалан, О'z DSt 789:1997

Стандарт аслияти, иккинчи нусхаси ва иккита нусхасининг биринчи бетларида рўйхатга олувчи идора рўйхатга олган идора номи, сана ва давлат рўйхатидан ўтган номери кўрсатилган штамп босади.

Стандартнинг иккинчи нусхаси ва бир нусха Ўзстандарт Агентлигида қолади.

Стандарт аслияти ва нусханинг иккинчиси ишлаб чиқувчига қайтарилади.

### **Тушунтириш ёзуви**

Стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда стандарт лойиҳасига тушунтириш ёзуви тузилади.

Тушунтириш ёзувининг номида стандартнинг даражаси ва тўлиқ номи, стандарт лойиҳаси таҳрирининг тартиб рақами ва (ёки) стандартни ишлаб чиқиш босқичи тўғрисида маълумот келтирилади.

Мисол:

## Тушунтириш ёзуви

Ўзбекистон давлат стандартининг лойиҳаси \_\_\_\_\_ га  
(стандарт номи)

(фикр олишга тарқатиладиган биринчи таҳрири).

Стандарт лойиҳасига тушунтириш ёзувининг бўлимлари қуйидаги навбатда жойлаштирилади:

- 1) стандартни ишлаб чиқишга асос;
- 2) стандартни ишлаб чиқиш мақсадлари ва вазифалари;
- 3) стандартлаштириш объектининг тафсилоти;
- 4) стандартнинг илмий-техникавий даражаси;
- 5) стандартни жорий этишдан олинадиган техник-иқтисодий самарадорлик;

6) жорий этиш, стандартни амалга киритиш (амал муддати) ва стандартни текшириш;

7) бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ўзаро боғлиқлиги;

8) фикр-мулоҳазалар учун жўнатилганлиги тўғрисида маълумот (стандартнинг биринчи таҳриридан бошқа барча таҳрирларига фикр олиш учун жўнатилганлиги тўғрисида маълумот);

9) стандарт лойиҳасининг (тасдиқлашга тақдим этиладиган фақат охириги таҳририга оид) келишилганлик тўғрисида маълумот;

10) ахборот манбалари;

11) қўшимча маълумотлар.

Тушунтириш ёзуви стандарт лойиҳасининг ҳар бир таҳририга тузилади, тушунтириш ёзувида стандарт лойиҳасига биринчи таҳрирга нисбатан киритилган асосий кўрсаткичлар, меъёрлар, тафсилотлар, талаблардаги ўзгартиришлар акс эттирилади ва ўзгартиришларни техник-иқтисодий асослаш келтирилади.

“Стандартни ишлаб чиқишга асос” бўлимида стандартнинг қандай манбага асосан ишлаб чиқилиши кўрсатилади.

“Стандартни ишлаб чиқиш мақсадлари ва вазифалари” бўлимида ишлаб чиқиладиган стандартни қўлланиш натижасида эришиладиган охириги натижалар ва стандартни ишлаб чиқишда ҳал этиладиган масалалар келтирилади.

“Стандартлаштириш объектининг тафсилоти” бўлимида стандартнинг биринчи марта ишлаб чиқиладигани тўғрисида маълумот ёки стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш бошланишида амал қилинаётган стандартлар, техник шартлар ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг мақбуллигини техник-иқтисодий асослаш келтирилади.

“Стандартнинг илмий-техникавий даражаси” бўлимида стандартнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш натижалари ва унинг

жахон даражасидаги талабларга мувофиқлиги келтирилади; қандай хорижий ўқшаш стандартларга мосланганлиги ва улар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

“Стандартни жорий этишдан олинган техник-иқтисодий самарадорлик” бўлимида стандартлаштириш объектининг иқтисодий афзалликлари, тежаш (тежамни олиш) асосий манбалари ва унинг моддий ва пул ҳисобидаги қиймати ёки ижтимоий самараси келтирилади.

“Жорий этиш, стандартни амалга киритиш (амал муддати) ва стандартни текшириш” бўлимида қуйидагилар кўрсатилади:

1) стандартни амалга киритиш санасини асосий тадбирлар режасини бажаришга вақтни ҳисобга олган ҳолда асослаш;

2) стандартнинг амал муддатини чекламасдан тасдиқлашни асослаш ёки стандартнинг амал қилинишини чеклаш мўлжалланган муддатини асослаш, шунингдек стандартни биринчи текшириш ва навбатдаги текширишлар муддатини асослаш.

“Фикр-мулоҳазалар учун жўнатилганлиги тўғрисида маълумотлар” бўлимида қуйидагилар келтирилади:

1) стандарт лойиҳаси фикр олиш учун жўнатилган ташкилотлар (корхоналар) сони;

2) фикрларини юборган ташкилотлар корхоналар сони;

3) фикрларни кўриб чиқиш натижалари (жамланган фикрларни).

### **Тармоқ стандартлари**

Тармоқ стандартлари O'z DSt 1.9:1995 “Ўз СДТ. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби” талабларига мувофиқ ТҚ, СТТ ва бошқа ваколатли корхоналар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади.

Тармоқ стандартлари тармоқ аҳамиятидаги маҳсулот, ишлар ва хизматларга нисбатан ишлаб чиқилади. Зарур бўлганда ташкилий-методик ва умумтехникавий тармоқ стандартлари ишлаб чиқилади. Ушбу объектга халқаро, давлатлараро стандартлар ёки давлат стандарти ва Ўзбекистон стандартлари мавжуд бўлса, тармоқ стандартлари маҳсулот, жараёнлар, хизматларга янада юқори талабларни ўрнатиши ва тармоқнинг ўзига ҳос хусусиятларига нисбатан қўлланиладиган номенклатура, меъёрлар ва талабларга чекловлар ўрнатиши мумкин.

Ташкилий-методик бирлиликка эришиш ва ишлар босқичларининг бажарилишини текшириш мақсадларида тармоқ стандартларини ишлаб чиқишнинг тўрт босқичи ўрнатилади:

1 - босқич - стандартни ишлаб чиқишни ташкиллаштириш;

2 - босқич - стандартнинг лойиҳаси (биринчи таҳрири)ни ишлаб чиқиш;

3 - босқич - стандарт лойихасининг охириги тахририни ишлаб чиқиш, келишиш ва уни тасдиқлашга тақдим этиш;

4 - босқич - стандартни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш.

Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш босқичларини бирлаштириш рухсат этилади, бу ҳол шартномада ёки стандартни ишлаб чиқишга техник топшириқ (ТТ)да акс эттирилади.

Тармоқ стандартлари ва давлат стандартларининг лойихаларини ишлаб чиқиш босқичлари бир-бирига ўхшайди, фақат тўртинчи босқич бундан мустасно, чунки тармоқ стандартларини тасдиқлаш давлат ва ҳўжалик бошқарув идораларига юклатилган.

Тармоқни бошқариш идораси тармоқ стандартини кўриб чиқали ва тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади ёки ушбу идора ўрнатган тартибда стандартни чаласини тўлдиришга қайтаради. Тармоқ стандартини тасдиқлашда уни амалга киритиш санаси стандартни жорий этишга тайёрлаш бўйича тадбирларни бажариш муддатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Тармоқ стандартининг амал муддати тасдиқловчи идора томонидан буюртмачи билан келишилган ҳолда ўрнатилади.

Маҳсулотга тармоқ стандартлари Ўзстандарт Агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Тармоқ стандартининг белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:

– ҳужжат индекси – TSt;

– тармоқни бошқариш идорасининг шартли рақамли белгиси;

– тармоқни бошқариш идораси томонидан Ўзстандарт Агентлиги билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда бериладиган, нукта билан ажратилган рўйхат тартиб рақами;

– икки нукта билан ажратилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами.

Мисол: TSt 45.001:1999

### **Маъмурий-худудий стандартлар**

Маъмурий-худудий стандартлар O'z DSt 1.20:2001 “Ўз СДТ. Маъмурий стандартларни ишлаб чиқиш, келишиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби” талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Маъмурий-худудий стандартлаштиришнинг асосий мақсади ҳудуд корхоналарида чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини ва рақобатбардошлигини оширишга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш йўли билан кўмаклашишдан иборат:

– кўрсаткичлари ва тафсилотлари ўхшаш маҳсулотга давлатлараро, давлат ва тармоқ стандартларининг талабларидан устунлик қиладиган (ёки) уларни равшанлаштирадиган стандартларни, шунингдек ҳудуд учун хос маҳсулот(хизматлар) га юқорирок даражали меъёрий ҳужжат йўқ бўлганда қабул қилиш;

- моддий, хом ашё, энергетик, одам ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш;
- худуднинг ижтимоий-иқтисодий вазибалари;
- ишлаб чиқаришни бошқариш ташкилий тузилмасини ривожлантиришнинг янада мақбул усулини танлаш мақсадида таҳлил қилиш;
- корхонанинг маҳсулот навлари бўйича сифатини ва чиқарилаётган маҳсулотни янгилаш, унинг сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш дастурини ишлаб чиқишни ўрганиш;
- чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасини бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш, алоҳида нав гуруҳлари учун маркетинг тадқиқотларининг дастурини яратиш;
- маҳсулотнинг асосий техник ва иқтисодий кўрсаткичларини илгари ишлаб чиқилган мамлакатимиз ва хорижий аналогларнинг мос кўрсаткичлари (агар шундай аналоглар бор бўлса) билан таққослаш;
- ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишга умумий сарфлар энг кам бўлгани ҳолда чиқариладиган маҳсулотнинг талаб этилган сифат даражасини таъминлаш;
- маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда ҳақиқий рақобат-бардошлик даражасини баҳолаш;
- бойликларнинг тежалишини таъминлаш.

Маъмурий-худудий стандартлаштириш объектлари ушбу худуд учун хос маҳсулот, шунингдек ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш соҳасидаги талаблар, меъёрлар ва қоидалар, маҳсулот (жараёнлар ва хизматлар) сифатини таъминлаш тизимлари ва усулларидан иборат.

Ўзстандарт Агентлиги, Давархитектурақурилиш, Давлат табиат ҳўмита, Соғлиқни сақлаш вазириликнинг худудий идоралари ёки маҳаллий ҳукумат идораларининг топшириғи бўйича худуддаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлари маъмурий-худудий стандартнинг лойиҳасини ишлаб чиқувчилари бўлиши мумкин.

Маъмурий-худудий стандартнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичлари давлат стандартларини ишлаб чиқиш босқичларига ўхшайди.

Маъмурий-худудий стандарт маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан ёки уларнинг топшириғи бўйича худудий бошқарув идоралари томонидан тасдиқланади.

Маҳсулотга маъмурий-худудий стандарт Давлат рўйхатидан Ўзстандарт Агентлигининг худудий идоралари томонидан ўтказилади.

Маъмурий-худудий стандарт белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳужжат индекси - МНSt;
- МНББТ (маъмурий-худудий бўлинмаларни белгилаш тизи-ми)га мувофиқ маъмурий-худудий бирлиكنинг коди;

– дефис билан ажратилган рўйхатнинг тартиб рақами, тасдиқловчи идора томонидан берилади;

– икки нукта билан ажратилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами.

Мисол – МНSt 1703202830-PP1:1999, бунда

МНSt – маҳаллий-худудий стандарт;

17 – Ўзбекистон Республикаси;

03 – Андижон вилояти;

202 – Олтинкўл тумани;

830 – “Маслаҳат” аҳоли яшайдиган худуд.

### **Корхоналарнинг стандартлари**

Корхоналарнинг стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, нашр этиш ва бекор қилиш тартибини корхона O'z DST 1.3:1992 Ўз СДТ “Корхонанинг стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби” давлат стандартининг талабларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатади.

Корхона стандартлари қуйидагиларга бўлинади:

– ташкилий-методик;

– ушбу корхонада чиқариладиган маҳсулот, жараён ва хизматларга, шу жумладан:

1) маҳсулотнинг таркибий қисмлари, технологик мослама ва асбоб;

2) технологик жараёнлар, шунингдек уларга умумий технологик меъёрлар ва талаблар (атроф муҳит, одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизликни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади);

3) корхона ичида қўрсатиладиган хизматлар;

4) ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш жараёнлари, маҳсулот, (жараёнлар, хизматлар)нинг сифатини таъминлаш, ишлаб чиқаришни шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича ишларни бажаришда ташкиллаштиришнинг умумий вазифалари.

Корхона стандартларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналар томонидан амалга оширилади. Зарур бўлган ҳолларда корхонанинг буюртмаси бўйича корхона стандартларининг лойиҳасини ТҚ ёки СТТ ишлаб чиқади.

Чет истеъмолчиларга етказиб бериш (харидга чиқариш) учун мўлжалланган маҳсулот (жараёнлар, хизматлар)га янгитдан ишлаб чиқариладиган, қайта қўриб чиқариладиган корхона стандартлари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар келишиши лозим.

Корхона стандарти касбий истеъмолчилар билан келишилади ва, зарур бўлганда, касабга уюшма идоралари, давлат назорати идоралари, Давархитектуракурулиш, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси,

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёнғиндан сақлаш, транспорт ташкилотлари ва б. билан ҳам келишилади.

Корхона стандартини корхона рахбари (рахбар муовини) буйруқ ва (ёки) стандартнинг биринчи бетида имзо чекиб, “Тасдиқлайман” грифи билан тасдиқлайди. Корхона стандартини буйруқ билан тасдиқлашда буйруқда стандартни амалга жорий этиш санаси белгиланади ва зарур бўлганда стандартни жорий этиш бўйича ташкилий-техник тadbирлар тасдиқланади. Хўжалик юри-тувчи субъектнинг қарори бўйича корхона стандартининг амал муддати чеклиниши мумкин.

Чет истеъмолчиларга харидга чиқариладиган маҳсулотга корхона стандарти Ўзстандарт Агентлиги идораларида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Корхона стандарларининг белгиси куйидагилардан иборат:

- ҳужжат индекси – KSt;
- Корхоналарни ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи (КТУТ) бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг саккиз даражали коди;
- дефис билан ажратилган, корхона томонидан берилган рўйхатнинг учта рақамли тартиб номери;
- икки нукта билан ажратилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами;

Мисол: KSt 00000359-143:2006.

### **Техник шартлар**

Техник шартларнинг лойиҳалари техник кўмиталар ва стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар томонидан, шунингдек ТК билан келишилган ҳолда бошқа ваколатли ташкилотлар ва корхоналар томонидан O‘z DSt 1.2:1992 “Ўз СДТ. Техник шартларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби”га асосан ишлаб чиқилади.

Техник шартлар ушбу маҳсулотга нисбатан қўлланиладиган юқорироқ даражали стандартлар ва техник шартлар йўқ бўлганда ва талабларни янада жиддий таштириш зарур бўлганда, шунингдек ушбу тармоқнинг икки ва бундан ортиқ корхоналарида чиқариладиган маҳсулотга ишлаб чиқилади Техник шартларда ўрнатиладиган талаблар ушбу маҳсулотга нисбатан қўлланиладиган амалдаги стандартларнинг талабларидан паст бўлмаслиги ва бошлангич маҳсулот (буюмлар, материаллар, моддалар) га стандартлар ва техник шартларнинг талабларига зид келмаслиги лозим.

Техник шартларнинг лойиҳалари, агар маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўйиш тўғрисида қарорни қабул комиссияси қабул қиладиган бўлса, қабул комиссия билан келишиб олинади. Ишлаб чиқувчи техник шартлар лойиҳасини буюртмачи (истеъмолчи) билан келишиб

олади ва қабул комиссияси билан келишилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар билан бирга вакиллари қабул комиссия таркибига кирган ташкилотлар (корхоналар)га, комиссиянинг иши бошланишидан олдин бир ойдан кечиктирмай жўнатилади.

Техник шартлар лойиҳасини давлат назорат идораларига келишишга ва қабул комиссиясининг аъзолари бўлмаган, манфаатдор бошқа ташкилотларга хулоса учун жўнатиш зарурлигини ишлаб чиқувчи аниқлайди.

Махсулотнинг тажриба нусхаси (тажриба тўпи)ни қабул қилинганлик далолатномасига қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзо қўйилиши техник шартлар лойиҳасининг келишилганлигини ифодалайди. Агар махсулотни ишлаб чиқаришга қўйиш тўғрисида қарор қабул комиссиясиз қабул қилинса, техник шартлар лойиҳаси келишиш учун буюртмачи (истеъмолчи) га юборилади.

Касаба уюшмаси идоралари, давлат назорат идоралари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлаттабиатқўмитта, Давлатархитектурақурилиш, Ёнилғи хавфсизлиги, транспорт ташкилотлари ва бошқаларнинг ваколатларига тегишли талабларни ўз ичига олган техник шартларнинг лойиҳалари бу ташкилотлар билан келишишлиги лозим. Бошқа манфаатдор ташкилотлар ваколатига тегишли талаблар мавжуд бўлган техник шартларнинг лойиҳалари бу ташкилотлар билан келишишлиги лозим. Бошқа манфаатдор ташкилотлар ваколатига тегишли талаблар мавжуд бўлган техник шартларнинг лойиҳасини келишиш учун бу ташкилотларга жўнатиш зарурлигини ишлаб чиқувчи аниқлайди.

Техник шартларнинг лойиҳасини келишиш “Келишилган” грифи остида келишувчи ташкилот раҳбари (раҳбар муовини) нинг имзоси билан ёки алоҳида ҳужжат (қабул комиссиясининг далолатномаси, хат, баённома ва х.к.) билан расмийлаштирилади. Бунда “Келишилган” грифи остида сана ва ҳужжатнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Техник шартларни ишлаб чиқувчи (тайёрловчи) буюртмачи билан келишилган ҳолда ёки ишлаб чиқувчи (тайёрловчи) буюртмачи билан биргаликда тасдиқлайди.

Техник шартлар (техник шартларга ўзгартиришлар) нинг тасдиғи ҳужжатнинг сарварағида “Тасдиқлайман” грифи остида корхона раҳбари (раҳбар муовини) нинг имзоси билан расмийлаштирилади.

Техник шартлар буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишилган ҳолда қўли билан 5 йил амал муддатига тасдиқланади. Асосланган ҳолларда амал муддати чекланилмасдан тасдиқланади.

Келишилган ва тасдиқланган техник шартлар, ушбу техник шартларни тасдиқлаган корхона жойлашган жойдаги Ўзстандарт Агентлигининг идорасига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади.

Техник шартлар белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:



- хужжат белгиси – TSh;
- давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, хўжалик юритувчи субъектларнинг икки даражали шартли белгиси;
- хўжалик юритувчи субъектлар учун дефис билан ажратилган, корхоналар ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи (КТУТ) бўйича саккиз даражали код;
- икки нукта билан ажратилган, тасдиқлаш йилининг тўртта рақами.

Мисол:

Давлат ва хўжалик бошқарув идоралари учун TSh 10-01:1998

Хўжалик юритувчи субъектлар учун TSh 64-15866012-03:1998.

### **Рахбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар**

Рахбарий ҳужжатлар ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш тартиби давлат стандарти O'z DSt 1.8:1994 “Ўз СДТ. Рахбарий ҳужжатлар ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби” да белгиланган.

Рахбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар қуйидаги ҳолларда ишлаб чиқилади:

- ташкилий-методик ёки умумтехникавий тарздаги стандартлаштириш объектларига талаблар ушбу объектларга хос стандартларни ишлаб чиқишдан аввал амалда текширилиши лозим бўлган ҳолларда;

- методларнинг (маҳсулот сифатини текшириш ва синаш методлари бундан мустасно) хос ташкилий-методик стандартлари ва умумтехникавий стандартларининг талабларини тўлдириш лозим бўлганда;

- ташкилий-методик тарздаги талаблар O'z DSt 1.0:1998 (стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш идоралари ва хизматларининг ваколатини белгиловчи рахбарий ҳужжатлар, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ишларни режалаштириш тартиби тўғрисида, давлат назорати тўғрисида рахбарий ҳужжатлар ва ҳ.к.) бўйича стандартлаштириш объектлари бўлмаган ҳолларда;

Рахбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар амалдаги стандартларнинг талабларини тақдорламаслиги ёки уларга эид келмаслиги лозим.

Рахбарий ҳужжатлар мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- йўриқномалар (қоидалар);
- методик кўрсатмалар;
- низомлар (намунавий низомлар).

Рахбарий ҳужжатлар белгиланган амал доирасида ва қўлланиш соҳасида мажбурий бўлади.

Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар амал қилиниш доира-сига қараб тармоқлараро (давлат) ва тармоқ хилларга ажралади.

Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, шунингдек ТҚ, СТТ ва тадбиркорлик субъектлари томонидан, давлат стандартларига ўхшаш ишлаб чиқилади.

Тармоқ даражасидаги раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномаларни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномаларни тасдиқловчи, тармоқ бошқарув идоралари томонидан ўрнатилади.

Раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар амал муддатини чекла-масдан ёки чекланган муддатга тасдиқланади.

Одатда, талаблари амалда текширилиши лозим бўлган раҳбарий ҳужжатлар ва тавсияномалар чекланган муддатга тасдиқланади.

Тармоқлараро (давлат даражасида) қўлланишга мўлжалланган раҳарий ҳужжат ёки тавсияномаларнинг белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:

– ҳужжат индекси – давлат даражасидагилар учун O'z RH (O'z T) ёки тармоқ даражасидагилар учун RH (T);

– Ўзстандэрт Агентлиги томонидан бериладиган, ҳужжатни тасдиқлаган идоранинг икки даражали шартли белгиси;

– дефис билан ажратилган, рўйхатга олиш уч даражали тартиб рақами;

– икки нуқта билан ажратилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами.

Мисол:

O'z RH 51-067:1998

O'z T 51-052:1996

### **3.2 Меъёрий ҳужжатларни тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар**

Меъёрий ҳужжатларни тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга талаблар O'z DSt 1.6:2003 “Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатлар. Тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга талаблар” давлат стандарти томонидан белгиланган. Стандартда келтирилган низомилар тармоқ, маъмурий-худудий даражадаги меъёрий ҳужжатларнинг ва корхона стандартларининг тузилишига нисбатан мажбурий эмас, лекин МХ ни расмийлаштиришда бирлиликка эришиш учун келтирилган стандартдаги низомиларга амал қилиш керак.

## Меъёрий ҳужжатларнинг тузилишига талаблар

Меъёрий ҳужжатлар тузилишига кўра қуйидаги таркибий қисмларга эга бўлиши мумкин:

- сарварақ;
- сўз боши;
- мундарижа;
- кириш;
- номи;
- қўлланиш доираси;
- меъёрий ҳаволалар;
- атамалар ва таърифлар;
- белгилар ва қисқартмалар;
- талаблар;
- иловалар;
- библиографик маълумотлар.

МХ га қўшиш учун “Сарварақ” (титул варақ), “Сўз боши”, “Мундарижа”, “Номи”, “Талаблар” мажбурийдир.

Меъёрий ҳужжатнинг сарварағида унинг белгиси ва номи келтирилади:

Сўз бошида мазкур ҳужжат тўғрисида умумий маълумотлар келтирилади меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш; ушбу меъёрий ҳужжатнинг қайси меъёрий ҳужжат ўрнига ишлаб чиқилгани тўғрисида маълумот ва б.

Сўз боши сарварақдан кейинги бетда унинг орқа томонида жойлаштирилади ва тегишли сарлавҳадан бошланади. Сарлавҳа бетнинг юқори қисмида, ўртада, бош ҳарфлар билан ёзилади ва қуюқрок шрифт билан ажратилади.

Мундарижа меъёрий ҳужжат ҳажми ўн бетдан ошган ҳолларда ёзилади. Мундарижага бўлимларнинг тартиб рақамлари ва номи (зарур бўлганда кичик бўлимлар номи), иловалар белгиси ва сарлавҳаси билан, зарур бўлганда эса, график материаллар ҳам қайси бетда жойлашганини кўрсатиб ёзилади.

Стандарт мундарижаси сўз бошидан кейин, одатда янги бетдан бошланади. “Мундарижа” сўзи бетнинг ўрта қисмида бош ҳарфлар билан ёзилади.

Стандартнинг номи қисқа бўлиши, стандартлаштириш объектини аниқ тавсифлаши ва стандартни стандартлар ахборот кўрсаткичига киритиш учун унинг тўғри таснифланишини таъминлаши лозим. Стандарт номида, одатда, қисқартмалар (маҳсулотнинг шартли белгисидан ташқари), рим ҳарфлари, математик белгилар, юнон ҳарфлари руҳсат этилмайди.

Меъёрий ҳужжатнинг номи, одатда, сарлавҳа ва кичик сарлавҳадан иборат бўлиши лозим.

Масалан - Идиш ювиш машиналари. Умумий техник шартлар

Агар меъёрий ҳужжат асос бўлувчи ташкилий-методик ёки умум-техникавий меъёрий ҳужжатлар тизимидан иборат бўлган меъёрий ҳужжатлар мажмуига қирадиган бўлса, бу ҳолда меъёрий ҳужжат сарлавҳасидан олдинда барча меъёрий ҳужжатлар мажмуи учун умумий бўлган ва ушбу тизимнинг номи ҳисобланган сарлавҳалар гуруҳи келтирилади.

Мисол – Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Техник регламент. Асосий низомлар.

Стандартнинг “Қўлланиш доираси” унинг қайси доирада қўлланилишини ва зарур бўлганда стандартлаштириш объектини аниқлаш учун келтирилади, стандартнинг биринчи бетида жойлаштирилади ва I бўлим кўринишида расмийлаштирилади. Стандартлаштириш объектини аниқлашда қуйидаги ифода қўлланилади: “Ушбу стандарт... қўлланилади”. Стандартнинг мазмунини равшанлаштиришда “Ушбу стандарт... белгилайди” ифодаси қўлланилади. Стандартнинг қўлланиш доирасини аниқлашда “Ушбу стандарт... қўлланилади” ифодаси қўлланилади.

“Меъёрий ҳаволалар”, агар меъёрий ҳужжатнинг матнида бошқа меъёрий ҳужжатларга меъёрий ҳаволалар ва/ёки бир хил ёки юқорирок даражадаги техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборот таснифлагичлари 2 бўлим кўринишида берилган бўлса, келтирилади. ҳаволада ҳавола қилинган меъёрий ҳужжатларнинг рўйхати, уларнинг белгиси ва номи келтирилади. Булар белгиларнинг рўйхатга олинган рақамларининг ошиб борувчи тартибда жойлаштирилади. ҳаволалар қуйидаги тартибда баён этилади:

- давлатлараро стандартлар;
- Ўзбекистон давлат стандартлари;
- тармоқ стандартлари;
- маъмурий-ҳудудий стандартлар;
- техник шартлар;
- корхона стандартлари.

“Атамалар ва таърифлар” бўлими стандартда фойдаланиладиган атамаларни аниқлаш ва белгилаш учун таърифни ўз ичига олади. Таърифлар рўйхати “Мазкур стандартда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади” сўзлари билан бошланади.

Стандартлаштириш объектларига талаблар, объектларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, стандартларнинг қуйидаги турларида: асос бўлувчи стандартларда, маҳсулот (хизматлар)га стандартларда, текшириш методлари стандартларида, жараёнларга стандартларда белгиланади.

Стандарт низомларини тўлдирувчи материални иловада жойлаштириш рухсат этилади.

Стандартда библиографик маълумотлар келтирилади. Булар алоҳида варақда, барча иловалардан кейин жойлаштирилади. Стандартнинг библиографик маълумотларида:

- стандартлар таснифлагичи бўйича гуруҳ белгиси;
- муҳим сўзлар бўлади.

### **Баён қилишга талаблар**

Стандартнинг ўзига хос хусусиятларига ва мазмунига караб, талаблар матн, жадваллар, график материал (расмлар, схемалар, диаграммалар) ёки буларнинг бирикмаси кўринишида баён қилинади. Стандарт матни турлича изоҳланишига йўл қўймайдиган, қисқа, аниқ, стандартнинг қўллашиш доирасига мувофиқ уни қўлланиш учун зарур ва етарли, мантиқий изчил бўлиши лозим. Стандартта фақат объектив методлар билан текшириш мумкин бўлган тафсилотлар ва талабларни киритиш лозим. Стандартда амалдаги стандартларда белгиланган атамалар, таърифлар, белгилар ва қисқартмаларни қўлланиш керак. Катталикларнинг энг катта ёки энг кичик матларини келтирганда “кўпи билан (камида)” ибораларини қўлланиш лозим. Стандартда кўрсатилган меъёрлар, талаблардан оғишларнинг жоиз қийматларини келтиришда “дан кўп (кач) бўлмаслиги керак” иборасини қўллаш керак.

Стандартда ўрнатиладиган катталикларнинг сон қийматлари чекка оғишлари билан ёки энг катта (ёки) энг кичик қийматлар кўринишида кўрсатилиши лозим. Сон қийматларини фоизларда кўрсатишда қуйидагича: “... 63% дан 67% гача” ёки “(65±2%) эмас, балки ” (65±2)% ёзиш керак. Рим ҳарфларидан фақат букмнинг навини (тоифаси, синфи ва б.) кимёвий элементларнинг валентлигини, йилнинг кварталларини, ярим йилликни белгилашда қўлланиш керак. Қолган ҳолларда араб рақамлари қўлланилади.

Ҳисоб бирликлари ва физик катталиклар бирликларининг белгилари жадвалларда, формулаларга кирадиган символлар ва сонли коэффициентларни тушунтиришда ва матнда, фақат сонли қийматларда қўлланилади ва нуктасиз ёзилади. Стандартда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- сўзлашув ибораларини, техниклизм ва касбийликни қўлланиш;
- бир тушунчанинг ўзига маъноси жиҳатдан яқин турли илмий-техникавий атамалар (синонимлар) ни, шунингдек ўзбек ва рус тилларида тенг маъноли сўзлар ва атамалар мавжуд бўлгани ҳолда чет сўзлар ва атамаларни қўлланиш;
- ихтиёрий ясама сўзларни қўлланиш;
- рус орфографиясида белгиланганлардан бошқа қисқартма сўзларни қўлланиш.

Стандарт матнини бўлимларга ажратиш керак. Бўлимлар моддалар (пунктлар) га ёки кичик бўлимлар ва моддаларга ажратилиши мумкин. Моддалар, зарур бўлганда, кичик моддаларда бўлиниши мумкин. Стандарт матнини моддаларга ва кичик моддаларга бўлишда ҳар бир модда, кичик модда тугал ахборотни ўз ичига олиши зарур. Бўлимлар, кичик бўлимлар, моддалар ва кичик моддаларни араб рақамлари билан белгилаш ва абзацдан сатр бошидан ёзиш керак. Бўлимлар меъёрий ҳужжатдаги асосий қисмининг бутун матни доирасида (иловалар бундан мустасно) тартиб рақамлари билан белгиланади.

Сарлавҳалар бўлимлар, кичик бўлимларнинг мазмунини аниқ ва қисқа ақс эттириши лозим. Бўлимлар, кичик бўлимлар ва моддаларнинг сарлавҳаларини бош ҳарфлар билан охирига нукта қўймасдан, абзацдан бошлаб ёзиш керак. Моддалар ёки кичик моддалар ичида санаб кўрсатишлар бўлиши мумкин. Санаб кўрсатилган ҳар бир сатр олдида дефис ёки, зарур бўлганда, стандартнинг матнида санаб ўтилганларнинг бирига ҳавола қилишда кичик сатр ҳарфларини қўйиш керак. Кичик ҳарфдан кейин қавс қўйилади. Санаб ўтилганларни кейинчалик равшанлаштириш учун араб рақамларидан фойдаланиш зарур, бу рақамлардан кейин қавс қўйилади. Жадваллар кўрсаткичларнинг яққол ифодаланиши ва таққослашнинг бўлиши учун қўлланилади. Жадвал номини жадвал устида жойлаштириш лозим. Жадвалнинг бир қисмини шу бетнинг ўзида ёки бошқа бетга кўчиришда жадвал номи унинг фақат биринчи қисми устида жойлаштирилади.

График материал – расмлар (схемалар, диаграммалар ва ҳ.к.) стандартга объектнинг хоссаларини ёки тафеилотларини яхши белгилаш, шунингдек стандарт матнини яхши тушуниш учун жойлаштирилади. Стандарт матнида график материалга ҳавола берилган бўлиши керак. График материал ўзи тўғрисида биринчи марта эслатилган матндан кейин бевосита ёки кейинги бетда, зарур бўлганда эса иловада жойлаштирилиши лозим. Матнда жойлаштирилмаган расмлар, схемалар, диаграммалар ва ҳ.к. КҲЯТ стандартларининг талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Стандартда график материални тўлдирувчи жадваллар мавжуд бўлса, жадвалларни график материалдан кейин жойлаштириш лозим. График материалнинг бирор мавзуга бағишланган номи бўлиши мумкин, бу номи график материал тагида қўйидагича жойлаштирилади:

*1-расм – Асбобнинг деталлари.*

Иловада жойлаштирилган формулалардан мустасно, матндаги формулалар сидирга араб рақамлари билан белгиланиши лозим. Рақамлар формула сатҳида ўнг томонда икки томонлама қавс ичида ёзилади. Бир формула қуйидагича белгиланади – (1). Матнда формуланинг тартиб рақамига ҳаволалар қавслар ичида берилди.

Стандартда қуйидаги ҳаволалар берилади:

– ушбу стандартга;

– бошқа стандартларга.

Ушбу стандартга ҳаволаларда бўлимлар, кичик бўлимлар, моддалар, кичик моддалар, санаб кўрсатилганлар, график материал, формулалар, жадваллар, иловалар (шу жумладан, унинг бўлимлари, кичик бўлимлари, моддалари, кичик моддалари ва жадваллари), шунингдек ушбу стандартдаги жадвалларнинг графалари ва сатрлари ва расмдаги буюм таркибий қисмларининг позициялари кўрсатилади. Ҳаволаларда қуйидагилар ёзилади “2 - бўлимга мувофиқ ...”, “3.1 га мувофиқ...”, “3.1.1 бўйича ...”, “4.2.2 га мувофиқ, санаб кўрсатилган б...”, “А.2-расмга мувофиқ ...”, “(5-расм), “(3) формула бўйича ...”, “1-жадвалга мувофиқ...” (4-жадвал) “А иловага мувофиқ...” (Г илова) ва ҳ.к.

Агар матн, жадваллар ёки график материалнинг мазмунига тушунтирувчи ёки маълумотнома маълумотлари зарур бўлса, стандартларда изоҳлар келтирилади.

Стандартда келтирилган алоҳида маълумотларини тушунтириш зарур бўлса, бу маълумотларини саҳифа остига ёзув белгиси билан белгилаб қўйиш лозим. Саҳифа остига ёзиладиган изоҳ ушбу белги қўйилган бет охирида жойлаштирилади ва матндан ингичка горизонтал чизик билан чап томонда ажратилади, жадвалда жойлашган маълумотларга изоҳ эса, жадвал охирида, жадвалнинг тугалланганлигини ифодаловчи чизик устида ёзилади. Саҳифа остига ёзув белгиси тушунтириш бериладиган сўз, сон, символ, жумладан кейин сатр устида ва тушунтириш матнидан олдинда қўйилади.

Саҳифа остига ёзув белгиси қавсли араб рақамлари билан ёзилади ва матн шрифтининг юқори четига тенг сатҳда жойлаштирилади.

Стандартда қуйидаги қисқартмалар рухсат этилади: рақамлар билан б.-бет; й. - йил; йй. - йиллар; мин. - минимал; макс. - максимал; абс. - абсолют; нис. - нисбий қисқартмалари, шунингдек умумқабул қилинган қисқартмалар, яъни ҳ.к. - ҳоказо; ва б. - ва бошқалар; қ. – қаранг, номин, - номинал қисқартмалари.

Стандартда катгалликларнинг стандартлаштирилган бирликлари, номлари ва белгиларини қўлланиш керак.

### **Расмийлаштиришга талаблар**

Бўлим (кичик бўлим) сарлавҳалари ва олдинги ёки кейинги матн орасидаги масофа, шунингдек бўлим ва кичик бўлим сарлавҳалари орасидаги масофа камида тўртта шрифт баландлигига тенг бўлиши лозим.

Кичик бўлимлар ва моддалар сарлавҳаларининг қаторлари ораси матн ичидагидек қабул қилинади.

Сатр боши хужжат матнида бир хил четлаштирилган ва бешта белгига тенг бўлиши лозим.

Меъёрий хужжатнинг лойиҳасини расмийлаштиришда матннинг чап томони (кенглиги) даги очиқ жой кенглиги камида 20 мм бўлиши керак.

Стандарт лойиҳасининг матнини тайёрлашда юнон ва бошқа алфавит харфлари, формулалар, алоҳида шартли белгиларни қора паста ёки тушъ билан ёзиш рухсат этилади. Бунда киритилган матн зичлиги қолган матн зичлигига яқинлаштирилган бўлиши лозим. Агар чизмалар, схемалар, диаграммалар, расмлар ва/ёки бошқа график материални машина усулида тайёрлаш иложи бўлмаса, бу ҳолда қора тушъ ёки пастадан фойдаланилади

Меъёрий хужжат лойиҳасини тайёрлашда унинг нусхасини ре-прография усулида сифатли қилиб тайёрлаш имкони таъминланиши лозим.

Стандартлар расмий равишда давлат ва рус тилларида нашр қилинади.

### **Мазмунига талаблар**

Стандартлаштириш объектларининг ўзига хос хусусиятларига ва мазмунига қараб, қуйидаги турдаги меъёрий хужжатлар ишлаб чиқи-лади:

- асос бўлувчи (ташқилий-методик ва умумтехникавий);
- маҳсулот(хизматлар)га.

Асос бўлувчи ташқилий-методик стандартлар:

– турли вазифаларга мўлжалланган стандартлаштириш объектларининг мақсадлари, вазифалари, таснифланиш тузилмасини, фаолиятнинг маълум доирасида ишларни ўтказиш бўйича умумий ташқилий-техник низомларни ва б.;

– меъёрий хужжатларни, техник (конструкторлик, технологик, лойиҳавий, дастурий) хужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий тартиби (қоидалари)ни ўрнатади.

Асос бўлувчи умумтехник стандартлар:

– фан, техника, сановат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, қурилишда, транспортда, маданиятда, соғлиқни сақлаш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кўп қайта-қайта фойдаланиладиган илмий-техникавий атамаларни ва уларнинг таърифларини;

– турли стандартлаштириш объектлари учун шартли белгилар (номи, кодлари, белгилари, символлари ва ҳ.к.), уларнинг рақамли, харф-рақамли белгиларини, шу жумладан физик катталиқлар параметрларининг белгилари (рус, лотин, юнон харфлари), уларнинг ўлчамлилиги, ёзув ўрнида ишлатиладиган символларни ва ҳ.к.;



– турли (меъёрий, конструкторлик, лойнхавий, технологик, дас-турий ва б.) ҳужжатларни тузиш, баён этиш, расмийлаштириш ва мазмунига талабларни;

– ишлаб чиқариш жараёнларини техникавий, шу жумладан метрологик таъминлаш учун зарур бўлган умумтехник катталиклар, талаблар ва меъёрларни ўрнатади.

Маҳсулотга, хизматларга қўйидагилар ишлаб чиқилади:

– бир турли маҳсулот, хизматларнинг гуруҳларига умумий талабларни ўз ичига олган умумий техникавий талаблар, синаш усуллари, умумтехник шартлар стандартлари;

– муайян маҳсулот, хизматлар (муайян маҳсулот, хизматлар гуруҳи) га талабларни ўз ичига олган техник шартлар стандартлари.

Маҳсулот, хизматлар гуруҳига алоҳида талабларни стандартлаштириш мақсадга мувофиқ бўлганда таснифини, асосий параметрлари (ёки) ўлчамлари, хавфсизлик талаблари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари, хиллари, навлари, русумлари, қабул қилиш, тамгалаш, жойлаш қоидалари, ташиш қоидалари, сақлаш қоидалари, фойдаланиш, таъмирлаш ва қайта фойдаланиш қоидаларини ўрnatувчи стандартлар ишлаб чиқиши мумкин.

Умумий техник шартлар стандартлари умумий ҳолда қўйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

– таснифлаш, асосий параметрлар ва (ёки) ўлчамлар;

– умумий техникавий талаблар;

– хавфсизлик талаблари;

– атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари;

– қабул қилиш қоидалари;

– текшириш усуллари;

– ташиш ва сақлаш;

– фойдаланиш (таъмирлаш, қайта фойдаланиш) бўйича кўрсатмалар;

– тайёрловчининг кафолатлари.

Бўлимлар (кичик бўлимлар) нинг номенклатураси, таркиби, мазмуни, ва номи стандартлаштириладиган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларига ва унга қўйиладиган талабларнинг характерига мувофиқ аниқланади.

Ишлаб чиқарилганда ва фойдаланилганда фуқароларнинг соғлиги ва мулкига, шунингдек атроф муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотга стандартлар таркибида мажбурий равишда “Хавфсизлик талаблари” ва “Атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари” бўлимлари бўлиши шарт.

“Таснифлаш, асосий параметрлари ва (ёки) ўлчамлари” бўлимида маҳсулотнинг турини, навини, русумини, моделини ва ҳ.к. ни тавсиф-

ловчи параметрлар ва (ёки) ўлчамлар ўрнатилади ва, зарур бўлганда, маҳсулотнинг асосий параметрлари ва (ёки) ўлчамлари бўйича таснифланган номенклатураси (нави), кимёвий таркиби бўйича, баъзи ҳолларда эса, шунингдек асосий истеъмол (фойдаланиш) тафсилотлари бўйича ҳам таснифланган материаллар (ҳом ашё) русумларининг номенклатураси ўрнатилади. Бўлимда материалларнинг қўлланилиши бўйича тавсияномаларни, уларга ишлов бериш режимлари ва х.к. ларни келтириш руҳсат этилади.

“Умумий техникавий талаблар” бўлимида қуйидаги кичик бўлимлар бўлади:

- тафсилотлар (хоссалари);
- хом ашё, материаллар, сотиб олинadиган буюмларга талаблар;
- бутлиги;
- белгиланиши;
- жойлаш.

“Тафсилотлар (хоссалари)” кичик бўлимда қуйидаги талаблар келтирилади:

- вазифаси;
- пухталиги (ишончлилиги);
- радиоэлектрон химоя;
- ташки таъсирларга қарши чидамлилиги ва яшовчанлиги;
- эргономика;
- хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- технологиябоплиги;
- конструктив талаблар.

“Вазифа талаблари” моддасида маҳсулотнинг хоссаларини тавсифловчи талаблар ўрнатилади. Бундай талаблар маҳсулот бажариши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилайди. Бу моддада, шунингдек таннарх ва ўзаро алмашинувчанлик талаблари ҳам ўрнатилади.

“Пухталиги (ишончлилиги) талаблари” моддасида маҳсулотнинг ўз вазифаларини белгиланган вақт оралиғида топшириқдаги самарадорлик билан бажаришига ва бу вазифаларнинг берилган техник хизмат кўрсатиш шароитларида, таъмирлаш, сақлаш, ташишда сақланиб қолишига талаблар, шу жумладан маҳсулотнинг пухталиги кўрсаткичи ва ёки маҳсулотнинг бузилмаслиги, умрбоқийлиги кўпга чидамлилиги, таъмирлашга яроқлилиги ва сақланувчанлиги кўрсаткичларининг қийматлари кўринишидаги миқдорий талаблар ўрнатилади.

Маълум вақт ўтгандан кейин фойдаланиш одамларнинг ҳаёти, соғлиғига, атроф муҳитга ҳавф солиши ёки фуқароларнинг мулкига зарар келтириши мумкин бўлган маҳсулотга хизмат муддати ўрнатилиши лозим.

“Эргономика талаблари” моддасида маҳсулот техник тафсилотларини одамнинг эргономик тафсилотлари ва хоссалари билан мувофиқлаштиришга қаратилган талаблар, (хизмат кўрсатувчи ходимнинг иш жойларига, буюмнинг ва буюм элементларининг одам танасининг ўлчамларига мувофиқлиги талаблари ва ҳ.к.) ўрнатилади.

“Хом ашё, материаллар, сотиб олинadиган буюмларга талаблар” кичик бўлимда қуйидагилар ўрнатилади:

– сотиб олинadиган буюмлар, суюқликлар, мойлар, бўёқлар ва материаллар (маҳсулотлар, моддалар) ни қўлланиш;

– қўлланиш ва (ёки) қўлланиладиган материалларни чеклаш, уларни ҳисобга олиш тартиби;

– иккиламчи хом ашё ва саноат ишлаб чиқаришидаги чиқиндиларни қўлланиш.

“Бутлиги” кичик бўлимда етказиб бериладиган комплекта кирган буюмнинг алоҳида (етказиб беришда механикавий бирлаштирилмаган) таркибий қисмлар, уларга эҳтиёт қисмлар, асбоблар ва мосламалар, материаллар ва ҳ.к., шунингдек буюмга қўшиб юборилadиган хужжатлар аниқланади.

“Тамғалаш” кичик бўлимда маҳсулотни тамғалашга, шу жумладан транспорт тамғасига қуйидаги талаблар ўрнатилади:

– тамға босиш жойи (бевосита маҳсулотга, ёрликларда, этикеткаларда, идишда ва ҳ.к. да);

– тамғани босиш усули (ўйма нақш тушириш, хурушлаш);

– тамғанинг мазмуни.

“Хавфсизлик талаблари” бўлимида қуйидагилар ўрнатилади:

– электр хавфсизлиги талаблари;

– ёнғин хавфсизлиги талаблари;

– портлаш хавфсизлиги талаблари;

– радиацион (нурланиш) хавфсизлиги;

– кимёвий ва ифлос килувчи моддаларнинг таъсиридан хавфсизлик талаблари, шу жумладан модда ва унинг таркибий қисмларининг энг кўп рухсат этилган концентрациясига талаблар;

– машиналар ва жиҳозларга хизмат кўрсатишда хавфсизлик талаблари, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ходим нотўғри ҳаракат қилгандаги ва ўзидан-ўзи нотўғри ишлаб кетгандаги хавфсизлик талаблари ва бошқалар.

Хавфсизлик талаблари жоиз хавфликнинг барча турларини ва меъёрларини ўз ичига олиши ва маҳсулотнинг хизмат (яроқлилик) муддати давомида маҳсулот (ишлар, моллар, хизматлар) нинг хавфсизлиги таъминланadиган даражада ўрнатилиши лозим.

“Атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари” бўлимида экологик жиҳатдан хавфли маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва иш-

латиш (кўлланиш) ва қайта фойдаланишда атроф табиий мухитга, одамнинг соғлигига, генетик фондига зарарнинг олдини олиш учун экологик талаблар ўрнатилади.

“Қабул қилиш қоидалари” бўлимида маҳсулотларни уларнинг сифати ва сони бўйича қабул қилишга талаблар, текшириш режаси, шунингдек, синовларнинг тури ва, зарур бўлганда, дастурлари белги-ланади.

“Текшириш методлари” бўлимида маҳсулотнинг стандартда баён этилган талабларга мувофиқлигини текшириш (синашлар, ўлчашлар, тахлил) йўллари, усуллари, тартиботлари ўрнатилади.

“Ташиш ва сақлаш” бўлимида маҳсулотни ташиш ва сақлашда унинг сақланувчанлигини таъминлаш, шу жумладан хавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар ўрнатилади. Бўлимда транспорт турлари (хаво, темир йўл, денгиз, автомобиль транспортлари) ва ташиш воситалари (ёпиқ ёки очик вагонлар, рефрижераторли вагонлар, цистерналар, кемаларнинг трюмлари-юк сақланадиган остки хоналари ёки палубалар ва х.к.), маҳсулотни бу воситаларда маҳкамлаб ва устини беркитиб қўйиш усуллари, шунингдек, маҳсулотни ҳаммабоп, ихтисослаштирилган контейнерларда, ихтисослаштирилган транспорт билан ва пакетларда ташишга оид талаблар, контейнерда маҳсулот жойлари сони (массаси), пакетларнинг габарит ўлчамлари, пакетдаги жойлар сони, пакетларни жойлаштириш тартиби ва х.к. кўрсатилади.

Сақлаш қоидалари қуйидаги тартибда баён қилинади:

- сақлаш жойи;
- сақлаш шароитлари;
- тахлаш шароитлари;
- сақлашнинг махсус қоидалари ва муддатлари (зарур бўлганда).

“Фойдаланиш бўйича кўрсатмалар” (таъмирлаш, қайта фойдаланишга оид кўрсатмалар) бўлимида рию қилинганда маҳсулотнинг маълум шароитларда ва тартиботларда иш қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлайдиган ва истеъмол (фойдаланиш) тафсилотларини кафолатлайдиган талаблар ўрнатилади. Бўлимда буюмни фойдаланишга тайёрлаш ва киритишга талаблар, буюмни фойдаланиш жойида ўрнатиш тартиби, шунингдек техник тафсилотларига мувофиқ иш имкониятларини ва хавфсизлигини сақлаш учун буюмлардан фойдаланиш асосий меъёрлари ва қоидалари, шу жумладан узлуксиз ва циклик ишлаш вақти, техник хизмат кўрсатишларнинг турлари (календар кунлар, бажарилган ишлар ҳажми, техник ҳолати бўйича ва б.), даврийлиги ва ҳажми кўрсатилади. Маҳсулотдан фойдаланиш, унга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича талаблар маҳсулотни сертификатлаштириш учун яроқли бўлиши лозим.

“Тайёрловчининг кафолатлари” бўлимида маҳсулотни тайёрловчи (етказиб берувчи, хизматларни бажарувчи) нинг чиқариладиган шу

жумладан таъмирланган маҳсулот (хизматлар) нинг стандарт талабларига мувофиқлигини кафолатлаш мажбуриятлари кўрсатилади, шунингдек, кафолат тури, давом этиш муддати ва кафолатнинг бошланиш пайтини ҳисоблаш кўрсатилади. Бутловчи буюмларга ва таркибий қисмларга фойдаланишнинг кафолатланган муддати асосий буюмни кафолатлаш муддатига тенг ҳисобланади, кафолатлаш муддати етказиб беришга тузилган шартномалар билан ҳам белгиланади. Асосий буюмга стандартдарда бутловчи буюмларга ва таркибий қисмларга асосий буюмларникидан кўпроқ ёки камроқ кафолат муддатини ўрнатиш рухсат этилади.

Маҳсулотга стандартларда ва (ёки) текшириш методларида стандартларда ўрнатилган текшириш (синаш, ўлчаш, таҳлил) методлари маҳсулотга стандартларда ўрнатилган сифатга мажбурий талабларнинг барчасини ҳолис (объектив) текширилишини таъминлаши лозим. Текшириш (синаш, ўлчаш, таҳлил) методлари объектив, аниқ ифодаланган, равшан бўлиши, тартибини ва натижаларнинг такрорланувчанлигини таъминлаши лозим, ҳар бир метод учун, текширишнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, қуйндагилар белгиланади:

- текшириш воситалари ва ёрдамчи қурилмалар;
- текширишни ўтказишга тайёрланиш тартиби;
- текширишни ўтказиш тартиби;
- текшириш натижаларига ишлов бериш қоидалари;
- текшириш натижаларини расмийлаштириш қоидалари;
- текширишдаги жоиз (рухсат этилган) хатолик.

Текширишни ўтказишга тайёрланиш тартибини баён этишда маҳсулотни текширишга тайёрланшга тегишли маълумотлар, шунингдек намуналар (кичик намуналар) ни олиш жойи ва усули, шакли, тури, ўлчамлари ёки массаси кўрсатилади, зарур бўлганда, уларни сақлаш ва ёки ташиш шароитлари ҳам кўрсатилади. Зарур бўлганда, ўлчаш ускунасининг тузилиш ва ишлаш схемаси, шунингдек приборлар ёки аппаратларни улаш схемалари ҳам келтирилади.

Текширишни ўтказиш методикасига талабларни баён этишда текшириш шароитларининг тавсифлари уларнинг жоиз қийматларини ва қайта тиклашдаги хатоликларни қўшиб кўрсатилади, шунингдек агар текшириш ишларини ўтказиш тартиби текшириш натижаларига таъсир этадиган бўлса, бу тартиб ва ўтказиладиган ишлар баёни ҳам келтирилади.

Текшириш натижаларига ишлов бериш қоидаларини баён этишда ҳисоблаш формулалари келтирилади.

Текшириш натижаларини расмийлаштиришга талабларни баён этишда текшириш журналлари (баённомалари) га, буларга кирити-

ладиган маълумотларнинг мазмуни ва тартибига талаблар ўрнатилади.

Текшириш методининг аниқлигига талабларни баён этишда методнинг рухсат этилган хатоликлари, ҳисоблашларнинг тўғрилиги ва маълумотларни (сонларни) йириклаштириш даражаси кўрсатилади, шунингдек ушбу метод билан таъминланадиган натижаларнинг қайта тикланувчанлиги ва такрорланувчанлиги тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади.

Жараёнларга стандартлар маҳсулот (хизматларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва қайта фойдаланиш технологик жараёнларида ҳар хил ишларни бажариш методлари (усуллари, йўллари, тартиботлари, меъёрлари) га талабларни ўрнатади. Бу талаблар бажариладиган барча ишларнинг техникавий бирлигини ва мақбуллигини таъминлаши лозим.

### 3.3 Меъёрий ҳужжатларни жорий этиш, текшириш ва долзарблаш

Меъёрий ҳужжатда, ўзининг қўлланиш доирасига мувофиқ, ўрнатилган талабларнинг бажарилишини таъминлайдиган ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, бошқача гапирганда, меъёрий ҳужжатни жорий этиш уни амалга киритиш санасигача тугалланган бўлиши лозим. Яъни меъёрий ҳужжат юридик кучга эга ва унга риоя қилиш мажбурий бўлган санагача жорий этилган бўлиши лозим.

Меъёрий ҳужжатни жорий этиш O'z DSt 1.14:1999 “Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатларни жорий қилиш тартиби” давлат стандартининг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Меъёрий ҳужжат, агар унда ўрнатилган талабларга риоя қилинса, жорий қилинган деб ҳисобланади. Бундан қуйидаги муҳим хулоса чиқади: агар меъёрий ҳужжат амалга киритилган санадан кейин маҳсулот (хизматлар, жараёнлар, ишлар) ўрнатилган талабларга мувофиқ келмаса, меъёрий ҳужжатга риоя қилинмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолда тадбиркор субъект қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Меъёрий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор ташкилотлар иштирокида ишлаб чиқиш билан бир вақтда меъёрий ҳужжатнинг жорий этилишини таъминловчи асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилади. Тадбирлар режасининг лойиҳаси бажарувчилар ва манфаатдор ташкилотлар билан келишилади. Тадбирлар режасининг охириги таҳрири ва тасдиқланган меъёрий ҳужжат бажарувчиларга ва манфаатдор ташкилотларга жўнатилади.

Булар асосий тадбирлар режаси асосида бажарувчилар (кичик бўлимлар, хизматлар, бўлинмалар, цехлар ва б.) га муайян топшириқлар кўрсатилган тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Меъёрий ҳужжатларни жорий қилиш бўйича ишларнинг тугалланганлиги тадбиркор субъект комиссияси томонидан буюртмачи (асосий истеъмолчи) иштирокида жорий қилинганлик тўғрисида далолатнома тузиб расмийлаштиради. Меъёрий ҳужжатнинг жорий қилинганлигини хизмат хати, ёки меъёрий ва техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш билан расмийлаштириш рухсат этилади.

Меъёрий ҳужжатни текшириш, қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш О'з DSt 1.5:1993 "Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатларни текшириш, қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби" га мувофиқ амалга оширилади.

Ўз СДТ нинг талабларига мувофиқ, маҳсулот (хизматлар, жараёнлар, ишлар) га меъёрий ҳужжатлар одатда, беш йил амал муддатига тасдиқланади. Амал муддати ўтган меъёрий ҳужжат бекор қилинган бўлади. Меъёрий ҳужжат амал муддати тугаллангандан кейин унинг амал муддатини чўзиш мумкинлигини аниқлаш, қайта кўриб чиқиш, бекор қилиш ёки меъёрий ҳужжатга ўзгартиришлар киритиш лозимлигини аниқлаш мақсадида текширилиши лозим.

Меъёрий ҳужжатни қайта кўриб чиқиш амалдагининг ўрнига янги меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш, унинг мазмунини ўзгартириш, қисман ўзгартириш (алмаштириш), талабларни чиқариб ташлаш ёки кўшимча киритиш, шунингдек, меъёрий ҳужжатнинг амал муддатини чўзиш, чеклаш ёки амал муддатининг чекланишини олиб ташлаш, амал муддатини тўхтатишни бекор қилишдан иборат бўлади.

Текширишдан мақсад меъёрий ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича асосли таклифларни ишлаб чиқиш учун маҳсулот тафсилотларининг ушбу маҳсулотга халқаро, ҳудудий, хорижий меъёрий ҳужжатларнинг талабларига, шунингдек истеъмолчининг талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Текшириш стандартлаштириш бўйича техник кўмита (ТК), стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар (СТТ), корхоналар, ишлаб чиқувчи ташкилотлар таркибидан тузилган комиссия, зарур бўлганда, буюртмачи (асосий истеъмолчи) ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар иштирокида амалга оширилади.

Текширувда меъёрий ҳужжат кўрсаткичлари (тафсилотлари) нинг куйидагиларга мувофиқлиги аниқланади:

- амалдаги конунларга, стандартлаштириш давлат тизимида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги;
- халқаро ва ҳудудий меъёрий ҳужжатларга;
- истеъмолчининг талабларига.

Меъёрий ҳужжатни текширишда унинг илмий-техник даражаси баҳоланади.

Текширув натижалари бўйича ихтиёрий шаклдаги далолатнома тузилади.

Жорий қилиш, қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш бўйича ишлар давлат ва гармок стандартлаштириш дастурларига киритилади.

Маҳсулотга меъёрий ҳужжатни қайта кўриб чиқиш меъёрий ҳужжатга янги, истиқболли, ўзаро алмашинувчанликни бузмайдиган талабларни киритишда, маҳсулотнинг асосий техник даража кўрсаткичларини ва сифатини ўзгартиришда, халқаро ва ҳудудий меъёрий ҳужжатларни O'z DSt ISO/IEC 21:2001 бўйича идентификатлаш билан қабул қилишда амалга оширилади.

Қайта кўриб чиқишда амалдагининг ўрнига янги меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилади. Қайта кўриб чиқилган меъёрий ҳужжат бекор қилинади, янгисида эса, қайси ҳужжат ўрнига ишлаб чиқилганлиги кўрсатилади. Меъёрий ҳужжатнинг белгиси, фақат тасдиқлаш йилини ўзгартирган ҳолда ўзича сақланади.

Маҳсулотга меъёрий ҳужжатга янги, истиқболли, маҳсулотнинг амалдаги меъёрий ҳужжат бўйича тайёрланган маҳсулот билан ўзаро алмашинувчанлигини бузмайдиган талабларни киритишда амалдаги меъёрий ҳужжатга ўзгартириш киритилади. Ўзгартиришлар, шунингдек меъёрий ҳужжатнинг амал муддатини чўзиш, чеклаш ёки чекловни бекор қилишда ҳам киритилади.

Ўзгартиришларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳалари учун ўрнатилган тартибда бажарилади.

Ўзгартиришлар лойиҳаларини агар бошқа меъёрий ҳужжатлар билан боғлиқлик бузилмайдиган бўлса, манфаатдор ташкилатларга фикр олиш учун жўнатмаслик рухсат этилади. Шунингдек, зарур бўлганда, ўзгартиришлар лойиҳасини фақат буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишиш рухсат этилади.

Меъёрий ҳужжатни тасдиқлаган ташкилот ушбу меъёрий ҳужжатни маҳсулот чиқариш (хизматлар кўрсатиш) тугалланган ҳолларда, шунингдек ушбу меъёрий ҳужжат ўрнига бошқа меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилганда, бекор қилади. Меъёрий ҳужжатни бекор қилиш қарор (буйруқ) билан расмийлаштирилади.

### 3.4 Меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш

Фойдаланувчиларни меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш O'z DSt 1.4:1998 “Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш тартиби” талабларига мувофиқ бажарилади.



Манфаатдор ташкилотларни, уларнинг қайси маҳкамага қараш-лилигидан қатъий назар, маҳсулотга меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш учун масъуллик меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаган идора-ларга юклатилади.

#### **Давлатлараро ва давлат стандартлари билан таъминлаш**

Ўзбекистон ҳудудида амалга киритилган давлатлараро стан-дартларни расмий нашр этиш, қайта нашр қилиш, қоғозда ёки маг-нитли ташигичларда нусхаларини кўпайтириш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи Ўзстандарт Агентлигига ёки бу стандартларни қабул қилган Давархитектурақурилишга берилган. Давлат стандартларини рас-мий нашр қилиш, қайта нашр қилиш, кўпайтириш ва тарқатиш ҳуқуқи уларни ўз ваколатлари доирасида тасдиқлаган Ўзстандарт Агентлиги, Давархитектурақурилиш, Давтабиатқўмига, Соғликни сақлаш вазирли-гига берилган.

Ўзбекистон ҳудудида амал қилинаётган давлатлараро стан-дартлар тўғрисида ахборот “Ўзбекистонда амалдаги давлатлараро стан-дартлар” кўрсаткичида чоп этилади. Амалдаги давлат стандартлари тўғрисидаги ахборот “Ўзбекистон давлат стандартлари” кўрсаткичида чоп этилади. Барча янгитдан тасдиқланган, алмаштирилган, бекор қи-линган давлат стандартлари тўғрисида, шунингдек буларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ахборот ҳар уч ойда (кварталда) “Ўзбекис-тон давлат стандартлари” ахборот кўрсаткичида чоп этилади.

Фойдаланувчиларни давлатлараро ва давлат стандартларига кири-тилган ўзгартиришларнинг матни билан таъминлаш абонентлик ёки бир марталик сўровлар бўйича бажарилади.

Ўзбекистон ҳудудида амалга киритиладиган давлатлараро стан-дартлар тўғрисида, янгитдан рўйхатга олинган давлат стандартлари тўғрисида, давлатлараро ва давлат стандартларига киритилган ўзгар-тиришлар, шунингдек стандартларни ишлаб чиқувчилар-ташкилотлар тўғрисида тезкор ахборот O'z RH 51-023 “Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжат-ларнинг Давлат жамғармасини бутлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва олиб бориш тартиби” да ўрнатилган тартибда Ўзстандарт Агентлигининг Ахборот-маълумотнома маркази (АММ) томонидан берилади.

#### **Умумдавлат таснифлагичлари билан таъминлаш**

Фойдаланувчиларни қоғозда расмий нашр этилган умумдавлат таснифлагичлари билан таъминлаш давлат стандартлари учун ўрна-тилган тартибда амалга оширилади.

#### **Тармоқ стандартлари билан таъминлаш**

Фойдаланувчиларни тармоқ стандартлари ва уларга киритилган ўзгартиришларнинг ҳисобга олинган нусхалари билан таъминлаш иш-

ларини ушбу стандартларни тасдиқлаган идора тармоқда ўрнатилган тартибда амалга оширади.

Фойдаланувчиларни тармоқ стандартларининг ҳисобга олинмаган нусхалари билан таъминлаш O'z RH 51-023:2004 да ўрнатилган тартибда ахборот марказлари томонидан амалга оширилади.

Амалдаги тармоқ стандартлари тўғрисида, ахборот “Тармоқ стандартлари” ҳар йиллик кўрсаткичида чоп қилинади, шунингдек МХДЖ нинг маълумотлар базасига ҳам киритилади. Янгитдан тасдиқланган, алмаштирилган, бекор қилинган тармоқ стандартлари тўғрисида ва уларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ахборот “Тармоқ стандартлари” ҳар кварталдаги ахборот кўрсаткичида чоп этилади ва МХДЖ нинг маълумотлар базасига киритилади. Ишлаб чиқувчи-ташкilotларга тармоқ стандартларининг аслини ушлаб турувчилар-ташкilotлар тўғрисида ахборот МХДЖ нинг маълумотлар базасида бўлади.

### **Техник шартлар билан таъминлаш**

Фойдаланувчиларни техник шартлар ва уларга киритилган ўзгартиришларнинг ҳисобга олинган нусхалари билан таъминлаш фойдаланувчиларни абонентлик ҳисобига қўйиш йўли билан, асл нусхани ушлаб турувчи-ташкilot томонидан амалга оширилади.

Фойдаланувчиларни техник шартларнинг ҳисобга олинмаган нусхалари билан таъминлаш АММ томонидан амалга оширилади.

Амалдаги техник шартлар тўғрисида ахборот ҳар йиллик “Техник шартлар” кўрсаткичида чоп этилади. Янгитдан тасдиқланган, алмаштирилган, бекор қилинган техник шартлар ва уларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ахборот ҳар кварталдаги “Техник шартлар” ахборот кўрсаткичида чоп этилади ва МХДЖ нинг маълумотлар базасига киритилади ишлаб чиқувчилар-ташкilotлар ва техник шартларнинг асл нусхаларини ушлаб турган ташкilotлар тўғрисида ахборот МХДЖ нинг маълумотлар базасида бўлади.

### **Корхоналарнинг стандартлари билан таъминлаш**

Чет истеъмолчиларга етказиб бериш (харидга чиқариш учун) яратиладиган ва чиқариладиган маҳсулотга ва уларга кўрсатиладиган хизматларга корхона стандартлари ва уларга киритилган ўзгартиришларнинг ҳисобга олинган нусхалари билан таъминлаш фойдаланувчиси абонент ҳисобига қўйган ҳолда бу стандартларни тасдиқлаган корхонанинг ахборот хизмати томонидан бажарилади.

Фойдаланувчиларни корхоналар стандартларининг ҳисобга олинмаган нусхалари билан таъминлаш ишлари АММ томонидан бажарилади.

Махсулотга корхоналарнинг амалдаги стандартлари тўғрисида маълумот ҳар йиллик “Техник шартлар” кўрсаткичида чоп этилади. Махсулотга янгитдан тасдиқланган, алмаштирилган, бекор қилинган корхоналар стандартлари ва уларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ахборот кварталлик “Техник шартлар”, кўрсаткичида чоп этилади ва МХДЖ нинг маълумотлар базасига киритилади.

Корхонанинг бўлимларини корхона стандартлари билан таъминлаш ишлари корхона томонидан ўрнатилган тартибда корхона ахборот хизмати томонидан бажарилади.

Махсулотга корхона стандартларини ишлаб чиқувчи-ташкilotлар тўғрисида ахборот МХДЖ нинг маълумотлар базасида бўлади.

**Рахбарий ҳужжатлар, тавсияномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш**

Ўзстандарт Агентлиги, Давархитекурақурилиш, Давтабиатқўмига ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган, давлат даражасидаги рахбарий ҳужжатлар, тавсияномалар, меъёрлар, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгэртиришлар билан фойдаланувчиларни таъминлаш давлат стандартлари учун ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Фойдаланувчиларни тармоқ аҳамиятидаги рахбарий ҳужжатлар, тавсияномалар, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгэртиришлар билан таъминлаш тармоқ стандартлари учун ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Давлат даражасидаги рахбарий ҳужжатлар, тавсияномалар, меъёрлар, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тўғрисида ахборот ҳар йиллик “Ўзбекистон давлат стандартлари” кўрсаткичида чоп этилади. Тармоқ даражасидаги меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот ҳар йиллик “Тармоқ стандартлари” кўрсаткичида чоп этилади ва МХДЖ нинг маълумотлар базасига киритилади.

**Халқаро ва ҳудудий ташкilotларнинг стандартлари ва стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлари билан таъминлаш**

Фойдаланувчиларни O'z DSt ISO/IEC 21:2001 “Ўз СДТ. Халқаро ва ҳудудий стандартларини Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул қилиш (ISO/IEC 21:1999, IDT)” га мувофиқ Ўзбекистон давлат стандартлари (меъёрий ҳужжатлари) сифатида, унга киритилган ўзгэртиришлар ва улар тўғрисида ахборот билан бирга қабул қилинган халқаро ва ҳудудий стандартлар (ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар) билан таъминлаш давлат стандартлари учун қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон ҳудудида қабул қилинмаган (амалга киритилмаган) халқаро ва ҳудудий ташкilotларнинг стандартлари ва стандартлаш-

тириш бўйича меъёрий ҳужжатларининг нусхалари билан таъминлаш Ўзстандарт Агентлигининг Ахборот-маълумотнома маркази томонидан амалга оширилади. Фойдаланувчиларни асл нусха тилида бу меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш ва, зарур бўлганда, уларнинг давлат, рус ва бошқа тилларга таржималари билан таъминлаш шартнома асосида амалга оширилади.

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO) ва Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлатлараро кенгаш (ДАК) нинг стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари тўғрисида ахборот “ISO каталоги” да ва “Давлатлараро стандартлар” кўрсаткичида келтирилади. Ўзстандарт Агентлиги каталог ва кўрсаткичларни ушбу ташкилотлардан ҳар йили олади. Халқаро ва ҳудудий ташкилотларнинг стандартлари ва стандартлаштириш бўйича бошқа меъёрий ҳужжатларининг мавжудлиги тўғрисида ахборот МХДЖ нинг маълумотлар базасида бўлади. Фойдаланувчиларни бундай ахборот билан таъминлаш О‘з RH 51-023:2004 га мувофиқ амалга оширилади.

#### **Бошқа давлатларнинг миллий стандартлари ва меъёрий ҳужжатлари билан таъминлаш**

Фойдаланувчиларни О‘з DSt 1.7:1998 “Ўз СДТ. Бошқа давлатларнинг давлатлараро, миллий стандартлари ва меъёрий ҳужжатларини қўлланиш тартиби” га мувофиқ Ўзбекистон стандартлари сифатида қабул қилинган бошқа давлатларнинг миллий стандартлари ва булар тўғрисида ахборот билан таъминлаш давлат стандартлари учун ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Фойдаланувчиларни бошқа давлатларнинг стандартлари, тармоқлар, иттифоқлар, муҳандислик жамиятлари ва жамоат бирлашмаларининг стандартлари, фирма ва корхоналарнинг техник шартлари, стандартлари ва ҳоказо меъёрий ҳужжатларининг нусхалари билан таъминлаш МХДЖ нинг ахборот маркази томондан амалга оширилади. Фойдаланувчилар юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатларнинг асл тилидаги нусхалари билан, зарур бўлганда уларнинг давлат, рус ва бошқа тилларга таржималари билан шартнома асосида таъминланади.

#### **Меъёрий ҳужжатларнинг кўрсаткичлари билан таъминлаш**

Ўзстандарт Агентлиги стандартлаштириш бўйича Миллий идора сифатида ҳар йили расмий равишда қуйидаги кўрсаткичларни нашр қилади:

– ДАК тасдиқлаган ва Ўзбекистон ҳудудида амалга киритилган стандартлар, таснифлагичлар, қодалар ва тавсияномалар тўғрисида ахборотни ўз ичига олган “Ўзбекистонда амал қилинаётган давлатлараро стандартлар”;

– Ўзстандарт Агентлиги, Давархитектурақурилиш, Давтабиатқўмита, Соғликни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган, давлат даражасидаги амалдаги меъёрий ҳужжатлар (давлат стандартлари, шу жумладан халқаро, ҳудудий ва бошқа давлатларнинг миллий стандартлари; умумдавлат таснифлагичлари; раҳбарий ҳужжатлар, меъёрлар, қоидалар, тавсияномалар) тўғрисида ахборотни ўз ичига олган “Ўзбекистон давлат стандартлари”;

– тармоқларни бошқариш идоралари томонидан тасдиқланган тармоқ даражасидаги амалдаги меъёрий ҳужжатлар (тармоқ стандартлари, раҳбарий ҳужжатлар, меъёрлар, тавсияномалар ва х.к.) тўғрисида ахборотни ўз ичига олган “Тармоқ стандартлари”;

– Ўзбекистон корхоналарида чиқариладиган махсулотга амалдаги техник шартлар ва стандартлар тўғрисида ахборотни ўз ичига олган “Техник шартлар”.

Ўзстандарт Агентлиги янгитдан тасдиқланган, алмаштирилган, бекор қилинган меъёрий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида тезкор ахборотни ўз ичига олган қуйидаги ахборот кўрсаткичларини ҳар кварталда расмий равишда чоп қилади:

– “Ўзбекистон давлат стандартлари”;

– “Тармоқ стандартлари”;

– “Техник шартлар”.

Ўзстандарт Агентлиги, Давархитектурақурилиш, Давтабиатқўмита, Соғликни сақлаш вазирлиги муайян фаолият доирасида, барча даражалардаги амалдаги меъёрий ҳужжатлар тўғрисида ахборотни ўз ичига олган меъёрий ҳужжатларнинг мавзу кўрсаткичларини чоп этишлари мумкин.

Тармоқларни бошқариш идоралари ўзларининг ахборот марказлари орқали ушбу тармоқда қўлланиладиган меъёрий ҳужжатларнинг кўрсаткичларини чиқариши ва тарқатиши мумкин.

Фойдаланувчиларни кўрсаткичларнинг (қоғоз ва магнитли ташигичларида) расмий матнлари билан таъминлаш ишларини ушбу матнларни чоп этувчи идоралар ўзларининг ахборот марказлари ёки тузилган шартнома асосида бошқа ташкилотлар орқали амалга оширади.

Фойдаланувчиларни халқаро ва ҳудудий ташкилотларнинг, шунингдек бошқа давлатларнинг кўрсаткичлари ва каталогларида келтирилган ахборот билан таъминлаш МХДЖ нинг Ахборот-маълумотнома маркази томонидан амалга оширилади.

### **3.5 Техник тавсифлар, технологик йўриқномалар ва рецептураларни ишлаб чиқиш**

Намуналар (эталонлар) нинг техник тавсифларини ишлаб чиқишда атамалар ва таърифлар қўлланилади:

**Халқ истеъмол моллари** – эҳтиёжларни қондириш учун бевосита фойдаланиш мақсадида аҳолига харидга мўлжалланган маҳсулот.

**Ноозик моллар** – Маданий-маиший ва хўжаликка мўлжалланган моллар.

**Техник тавсиф** – Халқ истеъмоли моллари ёки ноозик моллар намунаси (эталон) га тузилган техник ҳужжат; бу ҳужжат умумий техник талаблар ёки умумий техник шартлар меъёрий ҳужжатларига қўшимча сифатида тузилади ва муайян маҳсулот турига меъёрий ҳужжат билан бирга фойдаланилади.

**Намуна (эталон)** – Ўрнатилган тартибда тасдиқланган маҳсулот намунаси бўлиб, тайёрланган маҳсулотни қабул қилишга етказиб беришда ташқи кўриниши, шакли, конструкцияси бўйича таққослаш учун мўлжалланган.

**Маҳсулот намунаси** – муайян маҳсулот бирлиги бўлиб, тадқиқ, текшириш, баҳолашда бу маҳсулотнинг намунавий вақили сифатида фойдаланилади.

**Энг оддий халқ истеъмол моллари** – қуйидаги талабларни қондирувчи буюмлар:

– истеъмол қилинмайдиган, ишлаб чиқарилмайдиган ва ҳеч қандай турдаги энергияни узатмайдиган буюмлар;

– одамларнинг ҳаракатланишига мўлжалланмаган буюмлар;

– техник тафсилотда - масса, ранг, геометрик ўлчамлар.

Техник тавсиф бир турли маҳсулот гуруҳига умумий талабларни ўрнатувчи стандартлар ёки техник шартлар бўлганда муайян маҳсулот учун ишлаб чиқилади. Техник тавсиф стандартлар ёки техник шартларнинг талабларини тақрофламаслиги, балки уларни бир турли маҳсулотнинг ҳар бир тур моделига нисбатан аниқлаб бериши, равшанлаштириши лозим. Техник тавсифда келтирилган меъёрлар ва талаблар ушбу бир турли маҳсулот гуруҳига стандартлар ёки техник шартларда ўрнатилган сифат даражасини пасайтирмаслиги лозим, намуна (эталон) ни ўзгартиришларсиз қайта тасдиқлашда техник тавсиф қайта тасдиқланмайди. Оддий буюмларга техник тавсифни тузмаслик рухсат этилади, зарур меълумотлар эса тасдиқланган намуна-эталонга бириктирилган жадвалчага ёзиб қўйилади. Энг оддий ноозик молларга техник тавсифни ушбу маҳсулотга стандарт йўқлигида ҳам ишлаб чиқиш рухсат этилади.

Маҳсулотнинг сарварақ (титул варақ) да, асосий ёзувда ва кириш қисмидаги номи бир турли маҳсулот гуруҳига меъёрий ҳужжатда кўрсатилган номига мос келиши керак. Бадиний-техник кенгаш баён-номасининг тартиб рақами ва санаси ва намуна (эталон) ни тасдиқлаш санаси техник тавсифнинг титул варағида кўрсатилиши лозим.

Техник тавсиф ТҚ, СТГ ёки ваколатли бошқа ташкилотлар ва

корхоналар томонидан ишлаб чиқилиши мумкин. Намуна (эталон)га ва унинг техник тавсифига талабларни ишлаб чиқувчи асосий истеъмолчи (буюртмачи) билан келишилган ҳолда аниқлайди. Техник тавсиф намуна (эталон)нинг конструктив ва техник тафсилотларини бир маъноли акс эттирувчи маълумотларни ўз ичига олади. Техник тавсиф маҳсулотнинг асосий истеъмолчиси (буюртмачиси) билан келишилган бўлиши лозим. Техник тавсиф корхона – истеъмолчи (буюртмачи) раҳбари томонидан келишилади. Техник тавсиф тайёрловчи – корхона (ташкилст) раҳбари томонидан тасдиқланиши лозим. Вазирлик, маҳкама, концерн, ассоциациянинг қарори бўйича техник тавсиф бадий-техник кенгаш томонидан тасдиқланиши рухсат этилади. Махсус ишларга мўлжалланган маҳсулотга техник тавсифда бошқа идораларнинг ваколатига тегишли талаблар бор бўлса, булар ушбу идоралар билан келишилиши лозим. Янги турдаги кимёвий хом ашё ва материаллардан тайёрланган маҳсулотга техник тавсиф Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилиши лозим. Техник тавсифни бошқа манфаатдор ташкилотлар билан келишиш зарурлигини тасдиқловчи ташкилот аниқлайди.

Техник тавсиф маҳсулот намунаси (эталони) ни тасдиқлаган ба-дий техник кенгаш мажлисининг баённомаси асосида тасдиқланади.

Техник тавсиф давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Техник тавсиф хужжатни тасдиқлаган корхонада ёки бунинг топшириги бўйича – бошқа корхонада рўйхатга олинishi керак. Тасдиқланган техник тавсифга қуйидагилардан иборат белги берилади:

- индекс – техник тавсиф;
- ишлаб чиқувчи-корхона (ташкилот)нинг саккизта белгидан иборат рўйхатга олинганлик коди;
- техник тавсифнинг рўйхат журналидаги тартиб рақами;
- техник тавсифни тасдиқлаш йилининг тўртта рақами.

Техник тавсифнинг аслияти техник тавсифни тасдиқлаган корхонада ёки унинг топшириги бўйича бошқа корхонада сакланиши лозим.

Технологик йуриқномалар ва рецептураларни ишлаб чиқишда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

**Халқ истеъмол моллари** – Эхтиёжларни қондириш учун бевосита фойдаланиш мақсадида аҳолига харид (сотиш)га мўлжалланган маҳсулот.

**Рецептура** – Маҳсулотнинг муайян турига меъёрий технологик хужжат бўлиб маҳсулотнинг ушбу турига стандарт (техник шартлар)да кўзда тутилган ҳолатларда ишлаб чиқилади, маҳсулотни ишлаб чиқаришга хом ашё, ярим фабрикатлар ва ёрдамчи материаллар сарфига муайян талабларни, шунингдек органолептик кўрсаткичларнинг муайян талабларини ўз ичига олади.

Технологик йуриқномалар маълум турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва унинг сифатининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади. Технологик йуриқномалар маҳсулотнинг алоҳида турига ҳам, маҳсулотлар гуруҳига ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Технологик йуриқнома бутун маҳсулотни барча ишлаб чиқариш жараёнларига ёки ишлаб чиқариш жараёнининг айрим босқичларига ишлаб чиқилиши мумкин. Маълум тур (русум, хил) маҳсулотни ишлаб чиқаришга айрим технологик йуриқномалар ишлаб чиқилади. Маҳсулотни серияли бўлмаган ёки импорт қилинган жиҳозда тайёрлайдиган алоҳида корхоналар учун айрим технологик йуриқномаларни ишлаб чиқиш рухсат этилади.

Намунавий технологик йуриқномаларни қуйидаги тартибда баён қилиш тавсия этилади:

- кириш қисми;
- тайёр маҳсулот ёки яримфабрикат тафсилоти;
- хом ашё ва материаллар тафсилоти;
- рецептура (агар рецептура алоҳида ҳужжат сифатида бўлмаса ва унга зарурат бор бўлса, баён этилади);
- технологик жараёнининг технологик схемаси ва тавсифи;
- технологик жиҳозларга талаблар;
- технологик жараёни текшириш воситалари ва методларининг қисқа тавсифи (технологик жараёни текшириш бўйича йуриқномалар йўқ бўлганда) ва тайёр маҳсулотни синаш методлари (бунга хос меъёрий ҳужжатлар йўқ бўлганда);
- қабул қилиш қоидалари (хос меъёрий ҳужжатлар йўқ бўлганда);
- иловалар.

Зарур бўлганда баён этиш тартибини бирлаштириш ёки ўзгартириш рухсат этилади. Айрим технологик йуриқномалар намунавий технологик йуриқнома мазмунини такрорламаслиги лозим, балки ушбу номили маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги фарқланувчи хусусиятларни баён этиш лозим. Айрим технологик йуриқномалар ўз ичига қуйидаги бўлимларни олиши лозим:

- кириш қисми;
- тайёр маҳсулотнинг ўзига хос тафсилотлари;
- хом ашё ва материаллар (зарур бўлганда) рўйхати;
- намунавий технологик йуриқномага нисбатан технология, жиҳозлар, технологик текширувдаги ўзгартиришлар тавсифи.

Йуриқноманинг кириш қисмида маҳсулотнинг номи, тайёр маҳсулотга меъёрий ҳужжат белгиси, ишлаб чиқариш жараёнининг қисқача тафсилоти кўрсатилади. Бўлимнинг биринчи моддаси қуйидагича ифодаланиши лозим: “Ушбу йуриқнома (ишлаб чиқариш жараёнининг қисқача тафсилоти) ... йўли билан ишлаб чиқариладиган (тайёр маҳ-



сулотга меъёрий хужжатнинг белгиси) ... бўйича (тайёр маҳсулотнинг тўлиқ номи) ... ни ишлаб чиқаришда қўлланилади”.

“Тайёр маҳсулот ёки яримфабрикат тафсилоти” бўлимида технологик жараён натижасида олинадиган маҳсулотга техник талаблар кўрсатилади. Агар олинадиган маҳсулотга техник талаблар амалдаги меъёрий хужжатга белгиланган бўлса, бу ҳолда бўлимда ушбу меъёрий хужжатга ҳавола берилиши лозим.

“Хом ашё ва материаллар тафсилоти” бўлимида маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё ва материалларга меъёрий хужжат кўрсатилади. Агар фойдаланиладиган хом ашё ва материалларга меъёрий хужжатнинг талаблари етарли бўлмаса, бу ҳолда меъёрий хужжатга ҳавола билан бирга қўшимча талаблар ҳам кўрсатилади. Маҳсулотни ишлаб чиқишда кўп номли хом ашё ва материаллар фойдаланиладиган бўлса, буларга ҳавола маҳсулотнинг алоҳида номларига рецептураларда келтирилади.

Технологик жихозларга талаблар ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда технологик йўриқномада кўрсатилган ишлар (операциялар) тартибда келтирилиши керак. Намунавий жихозлардан фойдаланилганда уларнинг тури (хили) кўрсатилади. Агар жихозлар намунавий бўлмаса, уларнинг асосий тафсилотлари кўрсатилиши лозим. Жихоз параметрларининг тўлиқ рўйхати ва унинг тавсифи зарур бўлганда иловада кўрсатилиши мумкин.

Агар хом ашё, яримфабрикатлар ва тайёр маҳсулотни текшириш методлари ва меъёрлари амалдаги меъёрий хужжатга ўрнатилган бўлса, бу ҳолда бўлимда фақат уларга ҳавола келтирилади. Технологик йўриқномада маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё ёки материалларнинг текшириладиган муайян параметрларини кўрсатиш рухсат этилади. Технологик жараёни текшириш бўйича йўриқнома бўлмаса, технологик текширув методлари ва воситаларининг қуйидагилардан иборат тавсифи тузилади:

- текширув объекти (яримфабрикатлар, жараёнлар);
- кичик намуналарни ажратиб олиш ёки текширув жойи;
- текшириладиган параметрлар;
- текшириш даврийлиги;
- текшириш воситалари ва методлари;
- текширувни бажарувчи лавозимли шахс.

Текшириш методлари ва воситаларининг тавсифи жадвал кўринишида келтирилиши мумкин.

Қабул қилиш қондалари меъёрий хужжатда келтирилмаган ҳоллардагина улар технологик йўриқномада кўрсатилади. Бўлимда тайёр маҳсулотни қабул қилишга тақдим этиш тартиби ва шартлари, кичик намуналарни текшириш учун ажратиб олиш қондаларини кўрсатиб, келтирилади.

Зарур бўлганда маълумотнома маълумотлари, техник-иқтисодий ҳисоблар, технологияни назарий асослаш ва ажратиб олиш бўйича бошқа материаллар иловаларга қўшилиш мумкин.

Рецептура ишлаб чиқувчи-корхона (ташкilot) раҳбари тасдиқлаган технологик йуриқноманинг таркибий қисми бўлиш лозим. Маҳсулотнинг ҳар хил турларини фарқланувчи технологиялар бўйича ишлаб чиқаришда рецептуралар ҳос технологик йуриқномаларга таркибий қисми бўлиб кириши лозим.

Рецептуралар бир буюмга ҳам, тўтлам ёки аралашма кўринишида чиқариладиган маҳсулотга ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Маҳсулотга рецептуралар таркибига қуйидагилар киритилиши лозим:

- муайян маҳсулотнинг органолептик ва физик-кимёвий хоссаларининг қисқача тафсилоти;
- маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва яримфабрикатларнинг номи;
- бир тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга тегишли хом ашё, материаллар ва яримфабрикатлар сарфи;
- ишлаб чиқаришдаги нобудгарчиликларнинг чекка меъёрлари;
- маҳсулотнинг компонентлари (таркибий қисмлари) учун масъаси ва асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича жоиз оғишлар чегаралари (бундай маълумотлар технологик йуриқномаларда ёки меъёрий ҳужжатларда келтирилмаганда берилади). Зарур бўлганда рецептураларда технологик жараённинг босқичлари ёки унинг вариантлари бўйича хом ашё ва материаллар сарфи кўрсатилиши мумкин. Рецептуралар тўпламида хом ашё ва материалларнинг барча турлари ҳос меъёрий ҳужжатларни ва зарур хоссаларини кўрсатган ҳолда алоҳида рўйхатларда келтирилиши мумкин.

Технологик йуриқномалар ва рецептураларнинг лойиҳалари метрологик экспертиза қилиниши лозим. Технологик йуриқномалар ва рецептураларнинг лойиҳалари техник кўмиталар ва стандартлаштириш бўйича таянч ташкilotлар томонидан экспертиза қилиниши ва кўриб чиқилиши лозим.

Озик-овқат маҳсулоти учун марказий дегустация (синаш) комиссиясининг қарори бўлиши зарур. Технологик йуриқномалар ва рецептуралар ишлаб чиқувчи-ташкilotлар томонидан амал муддатини чекламасдан тасдиқланади. Тасдиқланган технологик йуриқномалар ва рецептураларга ТЎ (технологик йуриқнома учун) ёки РЦ (рецептуралар учун) индекслари, маҳкаманинг шартли рақамли белгиси, рўйхатга олинган тартиб рақами ва тасдиқлаш йилининг тўртта рақамидан иборат белги берилади. Рецептуралар технологик йуриқномалар таркибига киритилганда технологик йуриқномаларнинг белгисидан кейин

“рецептура билан” деб кўрсатилади. Бунда рецептура рўйхатга олинмайди. Технологик йўриқномалар ва рецептуралар буларни тасдиқлаган ташкилот томонидан, алоҳида журналларда рўйхатга олинади. Ўзгартиришлар фақат технологик йўриқномаларга киритилиши мумкин. Технологик йўриқномалар қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилади:

- муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартиришни талаб этган ўзгартиришларни меъёрий ҳужжатга киритишда;
- технологик жараёни такомиллаштиришда уни ўзгартиришда.

Рецептуралар рецептура ингредиентларини (таркибий қисмини) чиқариб ташлаганда ёки алмаштирганда қайта кўриб чиқилади. Технологик йўриқномалар ёки рецептуралар қайта кўриб чиқилганда ҳужжатнинг номи ўзгартирилмайди. Ҳужжатнинг биринчи бетиде: . . . (қайта кўриладиган ҳужжат номи) ўрнига ва ҳужжатни тасдиқлаш ёки ўзгартирилган, деб кўрсатилади Маҳсулотга технологик йўриқномалар ёки рецептуралар маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинганда, ҳужжатни тасдиқлаган идора томонидан бекор қилинади. Бу тўғрида рўйхат журналига зарур маълумотлар киритилиши лозим.

### 3.6 Стандартлаштириш самарадорлиги

Ҳозирги босқичда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида стандартлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти ошганлиги муносабати билан “мақбул даражада тартиблаштиришга қаратилган фаолият”ни, стандартлаштириш таърифида кўсатилганидек, ҳар томонлама техник-иқтисодий асослаш тўғрисидаги масала долзарб бўлмоқда.

Бундан стандартлаштириш самарадорлигининг асосий йуналишлари келиб чиқади:

- илмий-техникавий жараёни тезлаштириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини, шу жумладан муҳандислик ва бошқарув фаолиятини ошириш;
- маҳсулот сифатини ошириш ва унинг мақбул даражасини таъминлаш;
- маҳсулотта талабларни мамлакат мудофааси эҳтиёжлари билан боғланишни таъминлаш;
- экспортни кенгайтириш учун шaroитларни таъминлаш;
- иқтисодиёт бошқарувини ташкиллаштиришни такомиллаштириш;
- маҳсулотни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш доирасида ихтисослаштиришни ривожлантириш;

- барча турдаги бойликларни тежаш;
- аҳоли соғлигини сақлаш ва ишловчилар меҳнатининг хавфсизлигини таъминлаш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- халқаро иқтисодий, техник ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш.

Тежамкорлик манбалари маҳсулотнинг ҳаётий циклининг барча босқичларида аниқланади. Асосий манбалар куйидагилардан иборат:

*Ишлаб чиқиш (лойиҳалаш) босқичида:*

- стандарт техник ҳужжатлардан кўп марта фойдаланиш, стандарт шартли график тасвирларни қўлланиш, стандарт ҳисоблаш усулларида фойдаланиш ва ҳ.к. ҳисобига ишлаб чиқиш (лойиҳалаш) га меҳнат сарфини камайтириш;
- лойиҳалар сонини камайтириш, ишлаб чиқиладиган техник ҳужжатлар бирлик сонларини қисқартириш;
- тажриба нусхаларни тайёрлаш ва синашга сарфларни камайтириш.

*Ишлаб чиқариш босқичида:*

- ишлаб чиқариладиган буюмлар номенклатурасини қисқартириш, бирхиллаштириш, серияликни ошириш;
- материалларни сарфлаш меъёрларини камайтириш;
- жиҳозларни қайта сошлашга меҳнат сарфини камайтириш;
- сотиб олиннадиган стандартлаштирилган таркибий қисмларга ва бутловчи буюмларга харажатларни камайтириш;
- ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат сарфини камайтириш;
- буюмларнинг синашга ажратиб олиннадиган сонини камайтириш ва синовларни арзонлаштириш;
- бракини камайтириш;
- буюмни тамғалаш ва жойлашга харажатларни камайтириш;
- жиҳозлардан фойдаланишни яхшилаш;
- ишлаб чиқариш циклининг давом этиш вақтини қисқартириш;
- меҳнатнинг хавфсизлигини ошириш.

*Фойдаланиш (истеъмол қилиш) босқичида:*

- эксплуатацион сарфларни қисқартириш (хом ашё, ёкилги, материаллар ва асбоблар сарфини камайтириш ва ҳ.к.);
- эҳтиёт қисмлар, асбоб ва мосламаларни камайтириш;
- таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга меҳнат сарфини камайтириш;
- фойдаланиладиган жиҳозларнинг иш унумини ошириш;
- маҳсулот тафсилотлари (хоссалари) ни яхшилаш;
- маҳсулотни ташиш ва сақлашда унинг сақланувчанлигини ошириш;

- транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш;
- омборхоналардан фойдаланишни яхшилаш;
- фойдаланишда меҳнат хавфсизлигини ошириш.

*Ташқи савдо соҳасида:*

- экспортга чиқариладиган маҳсулот ҳажминин ошириш;
- сифати яхшиланган экспортбоп маҳсулотга нархни ошириш;
- сотиб олиннадиган импорт маҳсулот ҳажминин камайтириш.

Стандартлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

**Моддий ифодаланган йиллик тежам** – маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида моддий ва меҳнат бойлиқларининг ўзгарувчан кўрсаткичлари бўйича, стандартни жорий қилишгача ва жорий қилингандан кейин бир йилга ҳисоблаб топилади.

**Нархда ифодаланган йиллик тежам** – Стандартни жорий қилишгача ва жорий қилгандан кейин маҳсулотни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, муомала ва фойдаланиш (истеъмол қилиш) га харажатлар ўртасидаги бир йилга ҳисобланган фарқ.

**Йиллик иқтисодий самара** – Нархда ифодаланган йиллик тежам ва стандартни ишлаб чиқишга ва жорий этишга йиллик харажатлар ўртасидаги фарқ.

**Ишлаб чиқариш харажатлари** – маҳсулотнинг маълум турини ишлаб чиқаришга жонли ва илгариги меҳнат сарфлари.

**Асосий капитал харажатлар** – Ишлаб чиқариш фондларининг янгисини яратиш, қайта тузиш (реконструкция қилиш) ва амалдаги ишлаб чиқариш фондларини кенгайтиришга сарфланган харажатлар.

**Келтириш коэффицентини** – Турли вақтлардаги сарфлар келтириш коэффицентини ёрдамида бир ҳисобий йилга келтирилади.

**Келтириш меъёри** – Келтириш коэффицентини аниқлаш учун қўлланилади, 0,1 га тенг ўзгармас катталиқдан иборат.

**Меъёрий фойда** – Капитал маблағлар иқтисодий самарадорлиги меъёрий коэффицентининг капитал маблағлар ҳажми кўрсаткичига кўпайтмасига тенг бўлган келтирилган харажатларнинг ташкил этувчиси. Меъёрий фойда капитал маблағлар суммасидан фонд ҳисобидаги чегирма каби аниқланади.

**Капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги меъёрий коэффицентини** – 0,15 га тенг ўзгармас катталиқ бўлиб, капитал маблағларнинг ҳар бир сўми камида меъёрий, яъни камида 15 тийин фойда келтириши лозимлигини ифодалайди.

**Айланма фондлар** – Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган меҳнат предметлари (хом ашё, материаллар, ёқилғи, ёнилғи ва б.). Айланма фондлар ҳар бир ишлаб чиқариш циклида ишлатилади ва ўзларининг табиий шаклларини йўқотади. Уларнинг нархи дарҳол тайёрланадиган маҳсулотга кўчади.

**Айланма маблағлар** – Корхонанинг ҳали сотилмаган тайёр маҳсулотда, банкдаги ҳисобида, ғазнасида, ҳисобларида турган маблағлари. Айланма маблағларга айланма фондлар ва муомала фондлари кириди.

**Асосий фондлар** – Кўп ишлаб чиқариш циклларида кўп марта қатнашувчи, бунда ўзининг табиий шаклини сақлаб қолувчи меҳнат воситалари (бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, машина ва жиҳозлар, транспорт, асбоб, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, ишчи ва маҳсулдор хайвон, кўп йиллик экинлар, ўрмонзорлар ва сувли ерлар).

**Келтирилган харажатлар** – Таннарх ва меъёрий фойда йиғиндисидан иборат.

**Ишлаб чиқариш фондлари** – Ишлаб чиқариш воситалари, асосий фондлар ва айланма фондларни ўз ичига олади.

Капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлик ҳисобий коэффициенти – йиллик тежамнинг стандартни ишлаб чиқиш ва жорий этишга бир йилга келтирилган харажатларига нисбати.

**Маҳсулотнинг таннархи** – Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари.

Капитал маблағларнинг қопланиш муддати – қўшимча капитал маблағ-харажатларнинг йиллик тежамга нисбати.

**Вақт омили** – Турли вақтлардаги харажатларни келтириш коэффициенти ёрдамида бир, ҳисобий йилга келтириш.

**Иқтисодий самарадорлик** – Иқтисодий натижаларга эришиш мақсадлари ва воситаларини бир бутун қилиб бирлаштирувчи, мақсадга йуналтирилган тизимларнинг мукамал ишлашини ифодаловчи тушунча.

**Тежам** – Бойликларни тежаб-авайлаб сарфлаганда олинадиган фойда.

**Иқтисодий самара** – Топширикдаги мақсадга эришишга кетган харажатларни чиқаргандан кейин қолган тежам.

Стандартлаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш янги техникани жорий этишдан кўриладиган иқтисодий самарани аниқлаш умумий формулаларига асосланган. Умумий ҳолда ҳисобларда тўртта асосий кўрсаткич қўлланилади:

I *Капитал маблағлар*. Капитал маблағларнинг йиллик ҳаж-мининг ўзгариши  $\Delta K$  қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta K = K_2 - K_1, \quad (4)$$

бунда  $K_2$  – тадбирлар бажарилгандан кейин капитал маблағларнинг йиллик ҳажми, сўм;

$K_1$  – тадбирлар бажарилмасидан олдин капитал маблағларнинг йиллик ҳажми, сўм.

2 *Таннарх* – Таннарх йиллик ҳажмининг ўзгариши қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta C = C_1 - C_2, \quad (5)$$

бунда  $C_1$  – тадбирлар бажарилмасдан олдинги таннархнинг йиллик ҳажми, сўм;

$C_2$  – тадбирлар бажарилгандан кейинги таннарх йиллик ҳажми, сўм.

3 *Капитал маблағларнинг қопланиш муддати*. Капитал харажатларнинг қопланиш муддати  $T_k$  (йил) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T_k = \frac{\Delta K}{\Delta C} = \frac{K_2 - K_1}{C_1 - C_2}, \quad (6)$$

4 *Капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлик коэффициентини* қуйидагича фарқланади:

–  $E_x$  – ҳисобий коэффициент қуйидагича аниқланади:

$$E_x = \frac{\Delta C}{\Delta K} = \frac{1}{T_k}, \quad (7)$$

–  $E_n$  норматив коэффициент  $E_n=0,15$  – ўзгармас катталик.

$E_x \geq E_n$  бўлганда тадбирлар иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг асосий тамойили тадбирлар бажарилмасидан олдинги келтирилган харажатларни тадбирлар бажарилганидан кейинги харажатларга таққослашдан иборат:

$$\mathcal{Z}_2 = \mathcal{Z}_1 - \mathcal{Z}_2, \quad (8)$$

бунда  $\mathcal{Z}_2$  – йиллик иқтисодий самара, сўм;

$\mathcal{Z}_1$  – тадбирлар бажарилмасидан олдинги келтирилган йиллик харажатлар, сўм;

$\mathcal{Z}_2$  – тадбирлар бажарилганидан кейинги келтирилган йиллик харажатлар, сўм.

Келтирилган харажатларнинг йиллик ҳажми 3 сўмларда қуйидаги формула бўйича аниқланади;

$$З = C + E_n K, \quad (9)$$

бунда  $E_n K$  – меъёрий норматив фойда, яъни капитал маблағларнинг ҳар бир сўми ҳар йили 15 тийин фойда келтириши лозим.

Келтирилган харажатлар қийматини (8) формулага қўйиб, йиллик иқтисодий самарадорликни оламиз:

$$\mathcal{E}_2 = (C_1 + E_n K_1) - (C_2 + E_n K_2). \quad (10)$$

Амалда солиштирма кўрсаткичлар орқали ифодаланган, бошқача кўринишдаги формуладан фойдаланилади:

$$\mathcal{E}_2 = [(c_1 + E_n k_1) - (c_2 + E_n k_2) \cdot A_2, \quad (10')$$

бунда  $A_2$  – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг йиллик ҳажми, ушбу турдаги маҳсулот (хизматлар) учун қўлланилган ўлчов бирликларида.

Изох – Иқтисодиёт формулатурида харфли белгиларнинг индексларидаги рақамлар, одатда, қуйидагиларни ифодалайди: “1” – тадбирлар бажарилмасидан олдинги катталиқлар, “2” – тадбирлар бажарилганидан кейинги катталиқлар.

Солиштирма капитал маблағлар қуйидагича ҳисобланади:

$$k = \frac{K_{\text{оф}}}{A}, \quad (11)$$

бунда  $K_{\text{оф}}$  – асосий ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик нархи, сўм Кўп номли маҳсулот ишлаб чиқаришда солиштирма капитал маблағлар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$k = \frac{K_{\text{оф}}}{C} \cdot c, \quad (11')$$

бунда  $c$  – ҳар бир қисмдаги маҳсулот бирлигининг таннархи, сўм.

Янги техника бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сўнгра меъёрий хужжатни ишлаб чиқиш бир неча йилга чўзилиши мумкин:

ИТИ, сўнгра тажриба-конструкторлик ишлари 1-2 йил, ишларнинг натижаларини жорий этиш ҳам 1-2 йил давом этади. Демак, харажатлар ишлаб чиқиш ва ўзлаштирмаларнинг бутун даврида давом



этади. Бунда капитал маблағлар ҳажми йиллар бўйича жиддий фарқланади. Йиллик иқтисодий самарадорлик, олатда, маълум бир (ҳисобий) йилга ҳисобланади. Тадбирларни бажаришга турли вақтларда сарфланган харажатларни айнан ана шу ҳисобий йилга келтириш керак. Бунинг учун турли вақтларда сарфланган харажатларни ҳисобий йилга келтириш коэффициентлари ёрдамида *вақт омили* ҳисобга олинади:

$$\alpha_t = (1 + \mathcal{E})^t, \quad (12)$$

бунда  $\mathcal{E}$  – келтириш нормативи, 0,1 га тенг ўзгармас катталиқдир;

$t$  – харажатларни ва ушбу йил натижаларини ҳисобий йил бошидан йиллар сонини ифодаловчи йиллар сони:

$$t = T_{HT} - n, \quad (12')$$

бунда  $T_{HT}$  – янги техникани яратиш ва ўзлаштиришнинг умумий давом этиш йиллари;

$n$  – яратиш ва ўзлаштириш тартиб йиллари.

Ҳисобий йил бошланишигача сарфланган харажатлар ва олинган натижалар  $\alpha_t$  га кўпайтирилади, ҳисобий йил бошлангандан кейин эса, ушбу коэффициентга бўлинади. Булар қуйидагича ифодаланади:

$$K_{\Sigma} = \sum_{n=1}^{T_{HT}} K_n \alpha_t, \quad (13)$$

ёки

$$K_{\Sigma} = \sum_{n=1}^{T_{HT}} K_n \frac{1}{\alpha_t}, \quad (13')$$

бунда  $K_{\Sigma}$  – янги техникани яратиш ва ўзлаштириш даврида вақт омилини ҳисобга олган ҳолда сарфланган жами капитал маблағлар, сўм;

$K_n$  –  $n$  йилдаги капитал маблағлар ҳажми, сўм.

$\alpha_t = (1 + \mathcal{E})^t$  формула бўйича ҳисобланган вақт омили бўйича келтириш коэффициентлари махсус жадвалда келтирилади. 1-жадвалда  $T_{HT} - 1-10$  йил учун  $\alpha_t$ , нинг қисман қийматлари келтирилади.

## Келтириш коэффициентлари.

$T_{HT}$	$\alpha_i$	$\frac{1}{\alpha_i}$	$T_{HT}$	$\alpha_i$	$\frac{1}{\alpha_i}$
1	1,1000	0,9091	6	1,7716	0,5645
2	1,2100	0,8264	7	1,9487	0,5132
3	1,3310	0,7513	8	2,1436	0,4665
4	1,4641	0,6830	9	2,3579	0,4241
5	1,6105	0,6209	10	2,5937	0,3855

Шуни ҳисобга олиш керакки, стандартлаштириш янги техника бўйича ишларнинг бир қисми бўлади. Шунинг учун стандартлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги умумий иқтисодий самарадорликнинг бир улуши каби аниқланади.

Ташкилотнинг ёки босқичнинг умумий иқтисодий самарадорликда қатнашиш улуши коэффициентлари куйидаги формуладан аниқланади:

$$D_i = \frac{Z_i \cdot R_i}{\sum_{i=1}^n Z_i \cdot R_i}, \quad (14)$$

бунда  $Z_i$  –  $i$ - ташкилот ёки босқичнинг харажатлари;

$R_i$  –  $i$ - ташкилот ёки босқич ишларининг қийматдорлик коэффициенти;

$n$  – ташкилотлар ёки босқичлар сони.

Изоҳ – умумий харажатлар тўғрисида маълумотлар йўқ бўлса, маош фондидан фойдаланиш рухсат этилади.

Стандартлаштиришга (ёки муайян ташкилотга) тўғри келадиган иқтисодий самарадорлик  $\mathcal{E}_{CT}$  куйидагича ҳисобланади:

$$\mathcal{E}_{CT} = D_i \mathcal{E}_{\Sigma}, \quad (15)$$

бунда  $\mathcal{E}_{\Sigma}$  – янги техника бўйича тадбирларни амалга оширишдан олинган умумий иқтисодий самарадорлик.

Ишларнинг қийматдорлик коэффициентлари 2-жадвалда келтирилган.

## Ишларнинг кийматдорлик коэффициентлари

Ишларнинг номи	$R_i$
Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари	5
Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш	4
Меъёрий ҳужжатларни жорий қилиш бўйича тадбирлар	1

Янги техника бўйича тадбирларни амалга оширишдан умуман кўрилган иқтисодий самарадорликни ва жумладан стандартлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда ҳисобларнинг маълум тартибига риоя қилиш керак.

Қуйида ҳисобларни бажариш тартиби келтирилган:

1 Кириш қисми;

– стандартлаштириш бўйича тадбирларнинг моҳияти (маҳсулотга меъёрий ҳужжат, комплекс стандартлаштириш дастури, атроф муҳитни муҳофазалашга стандарт, бирхиллаштириш бўйича тадбирлар ва ҳ.к);

– кўрсаткичларни қиёслаш учун асос (илгари амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар, чиқариладиган маҳсулот, кўрсатиладиган хизматлар) нинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари;

– Иқтисодий самарадорликнинг намоён бўлиш соҳалари (иш-лаб чиқиш, лойиҳалаш, тайёрлаш, фойдаланиш, истеъмол қилиш, ташиш, сақлаш, таъмирлаш ва б.);

– иқтисодий самарадорликни олиш манбалари;

– фойдаланилган меъёрий ва бошқа ҳужжатлар (давлатлараро, давлатлар, тармоқ ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалар, методикалар).

2 Ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар.

Бошланғич маълумотлар қулайлик ва яққол кўриниши учун 3-жадвалда келтирилади.

3-жадвал

## Бошланғич маълумотлар

Кўрсаткичнинг номи, ўлчов бирлиги	Кўрсаткичнинг харфли белгиси	Кўрсаткичнинг киймати		Кўрсаткични олиш манбалари	
		Асос кўрсаткичнинг	Стандартлаштирилладиган	Асос кўрсаткичи	Стандартлаштирилладиган кўрсаткичи
1	2	3	4	5	6

Жадвалнинг 1 графасида таннарх, қўшимча капитал маблағлар, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар) йиллик дастури (ёки қутилаётган ҳажми); хизмат мuddати, сарфлар меъёрий кўрсаткичлари, тайёрлаш, таъмирлар, хизмат кўрсатишда меҳнат сарфи ва б. Келтирилади.

2 графадаги ҳарfli белгиларнинг умум қабул қилинганлари қўлланилади.

3 ва 4 графаларда асосий ва стандартлаштириладиган кўрсаткичларнинг қийматлари кўрсатилади. 5 ва 6 графаларда тайёрловчилар ёки истеъмолчиларнинг маълумотлари, ҳисобий йўл билан олинган кўрсаткичлар, смета нархи, меъёрий маълумотлар ва бошқа манбалар кўрсатилади.

Бу бўлимнинг ўзида ИТИ, ТКИ, меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга кетган ҳаражатлар аниқланади.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилади.

4-жадвал

#### Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткич қиймати
Йиллик тежам, натурал бирликларда	
Йиллик тежам, минг сўм	
Йиллик иқтисодий самарадорлик, минг сўм	
Иқтисодий самарадорлик коэффициенти	

**Стандартлаштириш бўйича ишларга меҳнат сарфи ва ишлар нархи нормативлари**

Стандартлаштириш бўйича ишларга меҳнат сарфи ва ишлар нархи нормативлари буюртмачи билан асосий бажарувчи ўртасида шартнома тузишда шунингдек, ишларни бажариш режаларини ишлаб чиқишда ва стандартлаштириш доирасида илмий-техникавий маҳсулотга баҳоларни ўрнатишда уларнинг нархини баҳолашда асосли ёндашишга имкон беради.

Меҳнат сарфи ва нарх нормативлари қуйидагиларни аниқлаш учун зарур бўлади:

- стандартлаштиришни режалаштиришда меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиришлар киритиш ёки қайта кўриб чиқиш смета нархи;

- меъёрий ҳужжатларни бажарувчилар ва ҳамкор бажарувчилар томонидан ишлаб чиқишга меҳнат сарфи ва смета нархи;

- илмий-техникавий маҳсулот нархи;

- меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Бунда қуйидаги асосий атамалар ва таърифлар қўлланилади:

**Норматив меҳнат сарфи** – Муайян ишни бажариш учун зарур бўлган, киши-соат ёки киши-кунларда ўлчанадиган, иш вақти сарфининг ҳисобланган қиймати;

**Вақт нормаси** – Мос операцион-техникавий шароитларда мос малакали бир ишчи ёки ишчилар гуруҳи томонидан ишларнинг маълум ҳажмини бажаришга зарур вақт сарфи.

Стандартлаштириш бўйича иш деганда, стандартлаштириш бўйича маълум ташкилий, методик ёки техник масалани ечишга қаратилган, илмий ходимлар, мутахассислар ёки техник бажарувчилар томонидан бажариладиган ишлар мажмуи (илмий-тадқиқот ишлари, асос бўлувчи ёки бир турли махсулотнинг муайян хилига ёки гуруҳига меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, буларга ўзгартиришлар киритиш, экспертиза ўтказиш) тушунилади.

Меҳнат сарфини аниқлашга қуйидаги босқичлар киради:

- ишлаб чиқувчи-ташқилот учун меҳнат сарфи нормативлари асосида меҳнат сарфини ҳисоблаш;
- ҳамкор бажарувчининг қатнашиш улушини ҳисобга олган ҳолда ишларга меҳнат сарфини ҳисоблаш;
- ишларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ишларга умумий меҳнат сарфини ҳисоблаш.

Меҳнат сарфи нормативлари меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишнинг барча босқичларида ишларга сарфланадиган иш вақти миқдори билан аниқланади. Ишлаб чиқиш босқичлари: лойиҳаларни қўриб чиқиш ва келишиш; илмий-техникавий ва келишув кенгашини ўтказиш; илмий-техникавий экспертиза ва б. дан иборат. Агар меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишдан олдин илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ўтказиладиган бўлса, бу ишларга сарфланган ҳаражатлар ҳам ҳисобга олинади лозим.

Меҳнат сарфи нормативлари ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳужжат турига ва стандартлаштириш даражасига боғлиқ.

Умумий меҳнат сарфи асосида ишлар нархи аниқланади.

Меъёрий ҳужжатнинг турига қараб уни ишлаб чиқишга меҳнат сарфи киши-соатларда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T_p = T_{61} + T_{62}(I + K_n + K_a + K_m + K_k + K_m), \quad (16)$$

бунда  $T_{61}$  – меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишдан олдин ўтказиладиган илмий-техник ва тажриба-конструкторлик ишларига меҳнат сарфининг базавий (асос) нормативи, киши-соат;

$T_{62}$  – меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш базавий нормативи, киши-соат;

$K_n, K_a, K_m, K_k, K_m$  -- янгилик даражасини, ахборот ҳажмини, келишишнинг мураккаблигини, объектнинг конструктив мураккаб-

лигини, тасдиқловчи ташкилотлар сонини ҳисобга олувчи мос коэффициентлар.

$T_{61}$  нинг киймати 173 дан 469 киши-кун,  $T_{62}$  160 дан 430 киши-кунгача боради;  $T_6$  киймати стандартлаштириш бўйича ишларнинг турига қараб, 5 дан 225 киши-кунгача бўлади.

Меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишда ҳамкор-ташкилотлар қатнашганда  $T_{\text{мх}}$  умумий меҳнат сарфи қуйидаги формуладан аникланади:

$$T_{\text{мх}} = T_p (1 + 0,2n), \quad (17)$$

бунда  $n$  – ҳамкор бажарувчилар-ташкилотлар сони.

Стандартлаштириш бўйича ишлар нархи ( $C$ ) қуйидаги формуладан аникланади:

$$C = 3_{\text{ма}} \times \frac{T_{\text{мх}}}{21,2} (1 + K_{\kappa})(1 + K_{\text{ис}}) + K_{\text{кх}}, \quad (18)$$

бунда  $3_{\text{ма}}$  – ўртача ойлик маош, сўм;

$K_{\kappa}$  – қўшимча тўланадиган ҳақга чегирма коэффициенти;

$K_{\text{ис}}$  – ижтимоий сугуртага чегирма коэффициенти;

$K_{\text{кх}}$  – қўшимча харажатлар коэффициенти.

Қўшимча тўланадиган иш ҳақига чегирма, ижтимоий сугуртага чегирма харажатлар коэффициентлари режа бўлимидан олинади.

Ҳисоблашда қуйидаги мумкин бўладиган вариантларни ҳам ҳисобга олиш лозим:

а) Ўз таркибига икки ва бундан ортиқ меъёрий ҳужжатни киритган бир меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишда умумий меҳнат сарфи  $K_1=0,66$  коэффициент ёрдамида тўғрилانган жами сарф каби аникланади.

б) меъёрий ҳужжат варақларининг сонига боғлиқ бўлган ишлаб чиқишга умумий меҳнат сарфи  $K_2$  коэффициенти ёрдамида кўпайтирилиши мумкин:

– ҳужжат ҳажми 10 дан 60 варақгача бўлганда  $K_2 = 1,05$ ;

– ҳужжат ҳажми 60 варақдан ортиқ бўлганда  $K_2 = 1,10$  олинади;

в) меъёрий ҳужжатни маҳсус мавзу бўйича ишлаб чиқишда асосий меҳнат сарфи  $K_3 = 1,20$  коэффициент ёрдамида оширилади.

### **3.7 Стандартлар ва ўлчалар бирлигини таъминлаш устидан давлат текшируви ва назорати**

Текширув тўғрисида гапирилганда кўпинча “назорат” ва “контроль” тушунчалари билан учрашамиз.

Бу атамалар қуйидагиларни англатади:

*Текширув* – “*тектириш*” сўзидан олинган, бирор нарсанинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун текшириш ўтказилади, назорат қилиш, контрол қилиш мақсадида текшириш, тафтиш ўтказилади. Бундай таъриф асосида “контрол” атамаси давлат тилида “тектириш” деб қабул қилинди.

*Назорат* – бирор нарса устидан “назорат қилиш” сўзидан келиб чиққан. Бирор нарса устидан кузатув олиб борувчи шахслар гуруҳи, идора.

*Контрол* – мос ўлчашлар, синашлар, таҳлил бажариладиган кузатувлар ва мулоҳазалар йўли билан мувофиқликни баҳолаш процедураси.

Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида” Қонунида контрол (тектириш) ва назорат вазифалари аниқ чегараланган.

*Давлат метрологик текшируви* – ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлаш ва қиёслаш, уларни тайёрлаш, таъмирлаш, сотиш ва ижарага бериш бўйича давлат метрологик хизмати амалга оширадиган фаолият.

*Давлат метрологик назорати* – Метрология қоидаларига риоя қилинишини текшириш мақсадларида давлат метрологик хизмат идоралари томонидан амалга ошириладиган фаолият. Давлат метрологик назорати ўлчаш воситаларини чиқариш, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши, шу жумладан катталиклар ўлчов бирликларининг эталонлари, ўрнатилган метрологик қоидалар ва меъёрларга риоя қилиниши, шунингдек аккредитланган метрологик хизматлар, марказлар ва лабораторияларнинг фаолияти устидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 1994 й. №410 қарорида *стандартлар ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш устидан давлат текшируви ва назорати* (кейинчалик – давлат назорати) назарда тутилган. Давлат назоратининг асосий вазифаси давлат ва хўжалик бошқариш идоралари, тадбиркор субъектлар томонидан қуйидагиларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат:

– меъёрий ҳужжатлар ва метрологик қоидаларнинг ўз вақтида жорий этилишини ва уларга аниқ риоя қилинишини; ўлчашлар бирлигини таъминлаш;

– меъёрий ҳужжатлар ва ўлчаш воситаларининг илмий-техникавий даражасини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техникавий истиқболни тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг техник савияси на сифатини ошириш мақсадида меъёрий ҳужжатларни ва ўлчаш воситаларини ишлаб чиқишда фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишга қўмак

лашиш (Стандартлар ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш устидан давлат назорати тўғрисида Низом).

Бу Низомга мувофиқ давлат назорати идоралари:

- меъёрий ҳужжатларнинг ва метрологик қондаларнинг, шу жумладан маҳсулотнинг аҳоли ҳаёти, соғлиги ва мулкига ҳавфсизлигига атроф муҳит муҳофазасига, бойликларнинг тежалишига, ўзаро алмашинувчанликка мажбурий талабларни ўрнатувчи қондаларнинг ўз вақтида жорий қилиниши ва риоя қилинишини текширади, шунингдек буларни текшириш методларининг бирхиллигини, тамғалаш бирхиллигини, маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва етказиб беришга шартномага киритилган, қонунда кўзда тутилган бошқа талабларнинг бажарилишини текширади.

- стандартлаштириш маҳкама хизматлари ва метрологик хизматлар ишини текширади;

- ўзида яратилган маҳсулотнинг алоҳида турларини лабораторияларда синовдан ўтказди;

- стандартлар ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш устидан давлат назорати натижаларини умумлаштиради, буларни ишлаб чиқишда фан ва техника ютуқларидан самаралироқ фойдаланишга кўмаклашади, меъёрий ҳужжатлар ва метрологик қондаларнинг ўз вақтида жорий этилмаслик, бузилиш сабабларини таҳлил қилади, давлат назорати идораларининг иш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади ва ўтказди;

- агар меъёрий ҳужжатлар маҳсулотнинг техник савияси ва сифатини таъминлай олмаса ёки амалдаги қонунларга зид келса, уларни бекор қилади ёки бекор қилиш, амал муддатини чеклаш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида белгиланган тартибда тақлиф киритади.

- меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг экспертизасини ўтказди;

- меъёрий ҳужжатлар, ўлчаш воситалари, сертификатлаштириш қондаларини жорий қилиш ва уларга риоя қилишни текшириш жараёнида аниқланган бузилишларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради;

*Давлат назорати субъектларига* давлат ва хўжалик бошқарув идоралари, тадбиркорлик субъектлари қиради.

Давлат назорати хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ҳаётий циклнинг барча босқичларида (таджик қилиш, ишлаб чиқиш, тайёрлаш, ташиш, харидга чиқариш, саклаш, фойдаланиш (истеъмол қилиш), таъмирлаш, қайта фойдаланиш)да амалга оширилади.

*Давлат назорати объектларига* стандартлар, шу жумладан маҳсулотга мажбурий талабларни ўрнатувчи стандартлар, жараёнлар, ишлар, хизматлар (кейинчалик – маҳсулот), шу жумладан экспорт



қилинадиган, импорт қилинадиган ва сертификатлаштирилган маҳсулот (бунда сертификатлаштириш идоралари олдиндан хабардор қилинади), шунингдек ўлчаш воситалари қиради.

Давлат назорати даврий ва доимий бўлиши мумкин.

*Даврий давлат назоратида* объектлар ва текшириш даврийлиги давлат назорати режасига биноан аниқланади.

*Доимий давлат назорати* чиқариладиган маҳсулот сифатига нозирликлар муайян равишда бўлганда ва маҳсулотни стандартлар талабларига мувофиқ барқарор чиқариш учун шароитлар йўқ бўлганда ва бундай шароитларда ишлаб чиқаришни (металлургия, кимё саноати, ёлалар овқати – узлуксиз технологик жараёни) тўхтатиб бўлмаганда амалга оширилади. Доимий давлат назорати маҳсулотни қабул қилишнинг алоҳида тартиботи шаклида бажарилади.

Давлат назорати стандартлар ва ўлчашлар бирлилигини таъминлаш устидан текшириш ва назорат бўйича давлат инспектори малақасига эга бўлган, белгиланган тартибда аттестатланган, давлат назорати идораларининг лавозимли шахслари томонидан бажарилади.

Давлат назорати идораларининг лавозимли шахсларини давлат назоратига рухсат этиш белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома билан тасдиқланади.

Текширувчи идораларнинг фаолиятини махсус ваколатланган идора мувофиқлаштиради, бу идоранинг текширувга оид қарорлари мажбурий бўлади.

## **4-боб. МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИШ**

### **4.1 Халқаро, ҳудудий, давлатлараро, хорижий меъёрий ҳужжатларни қўлланиш**

Мамлакатимизнинг меъёрий ҳужжатларини халқаро, ҳудудий, бошқа давлатларнинг миллий меъёрий ҳужжатлари (кейинчалик – ХС) билан уйғунлаштиришнинг энг самарали усули уларни миллий стандартлар сифатида қўлланишдан иборат. ХС ни қўлланиш – жаҳон бозорига чиқишнинг, ҳар бир тадбиркор субъектнинг, бино-бирин, бутун мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг энг муҳим йўлларида бири бўлади.

Аммо, ХС ни олиб, уни миллий меъёрий ҳужжат сифатида қўллана бошлаш мумкин эмас. Бунинг учун қатор шартлар ва ўзига хос процедуралар бор.

ХС ни қўлланиш ва қабул қилишнинг умумий қоидаларига қуйидагилар қиради.

ХС мамлакатнинг стандартлаштириш бўйича халқаро ва ҳудудий ташкилотларида аъзо бўлиши, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб бериш бўйича ҳамкорлик ва шартномалар тўғрисида халқаро келишувлар (шартномалар) асосида қўлланилади;

ХС, агар унинг талаблари иқтисодиёт эҳтиёжларини қондира олса ва қонуналарга зид келмаса, Ўзбекистонда қабул қилинади (амалга киритилади) ХС дан илмий-тадқиқот ва экспериментал ишларда фойдаланиш руҳсат этилади.

Халқаро (ҳудудий) стандартлар халқаро стандартлаштириш амалиётида кенг қўлланилади. Бундай стандартларда кўпчилик мамлакатлар учун хос умумий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган дунё илмий-техникавий ютуқлари ва илғор ишлаб чиқариш тажрибаси умумлаштирилади. Бунга кўра халқаро стандартлар савдодаги техник тўсиқларни муваффақиятли бартараф этишни таъминлайди, бу Жаҳон савдо ташкилотининг савдодаги техник тўсиқлар бўйича Битим томонидан тан олинган.

Халқаро стандартларнинг миллий стандартлар сифатида кенг кўламда қўлланиш стандартлаштиришнинг афзалликларини тўлиқ амалга оширишга имкон беради, бу эса Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим шарт ҳисобланади.

Бу билан бирга, халқаро стандартларни кенг миқёсда қўлланиш қатор сабабларга кўра жуда қийин масала бўлади. Бундай сабаблар миллий хавфсизлик талаблари, аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мулк, атроф муҳит хавфсизлигидан иборат, иқлим, жўгрофий ёки технологик муаммолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳатто, бундай сабабларга кўра ҳам, стандарт талабларининг халқаро стандарт талабларидан фарқини қисқартиришга доим интилиш зарур.

Давлатлараро стандартлар (ГОСТ) Ўзбекистоннинг миллий бойлиги ҳисобланади ва Ўзстандарт Агентлиги, Давархитектура-қурилишнинг (буйруғи) билан, ҳеч қандай қайта расмийлаштирилмасдан, амалга киритилади.

Хорижий фирмалар (корхоналар) нинг меъёрий ҳужжатлари бўйича ва мустақил равишда етказиб бериш (харидга чиқариш) учун мўлжалланган маҳсулот чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ни мўлжаллаган тадбиркорлик субъектлари стандартлаштириш объектига қараб миллий меъёрий ҳужжат (давлат стандарти, тармоқ стандарти, техник шартлар, маъмурий-ҳудудий стандарт, корхона стандарти) ни ишлаб чиқади. Бу стандартлар Ўзстандарт Агентлиги идораларида тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Хорижий фирманинг меъёрий. ҳужжатлари асосида маҳсулот чиқариш учун корхонада фойдаланиладиган деталлар, йиғма бирликлар,

технологик мослама ва асбоб, технологик меъёрлар ва талаблар, технологик жараёнларга корхона стандартлари ишлаб чиқилади.

Фақат экспортга чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотни, агар маҳсулотни етказиб беришга тузилган шартнома (контракт) да эслатиб ўтилган бўлса, бошқа давлатларнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тайёрлаш рухсат этилади. Бундай ҳолда хорижий фирмаларнинг меъёрий ҳужжатларини қайта расмийлаштирмаслик (бевосита қўлланиш) рухсат этилади. Бунда маҳсулотни тайёрлаш жараёнида, саклашда, республика ҳудудида ташишда. Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларининг мажбурий талаблари бажарилиши лозим. Хорижий меъёрий ҳужжатлар бўйича маҳсулот тайёрлайдиган корхоналар бу ҳужжатларни Ўздавстандартда ёки унинг ҳудудий идораларида, давлат ва зарур бўлганда, рус тилларига таржима қилинганидан кейин рўйхатдан ўтказиши лозим.

1998-йилда О'з DSt 1.7:1998 “Ўз СДТ. Халқаро, ҳудудий, давлатлараро, бошқа давлатларнинг миллий стандартлари ва меъёрий ҳужжатларини қўлланиш тартиби” Ўзбекистон давлат стандарти қабул қилинган. Стандарт ИСО/МЭК 21:1981 “Халқаро стандартларни миллий стандартлар сифатида қабул қилиш” халқаро қўлланма асосида ишлаб чиқилган.

1999-йилда ИСО/МЭК 21:1999(ISO/IEC GUIDE 21:1999) қўлланма қабул қилинган. Бу қўлланма учта: ИСО/МЭК 3:1981 “Халқаро стандартларга эквивалент миллий стандартларни идентификациялаш”, ИСО/МЭК 21:1981 “Халқаро стандартларни миллий стандартларда қабул қилиш” ва ИСО/МЭК 21:1981/ Кўшимча 1:1983 “Миллий ва халқаро стандартлар ўртасида эквивалентлик даражаси кўрсаткичи” қўлланмаларининг ўрнига чиқарилган.

ИСО/МЭК 21:1999 1 сентябрь 2001 йилдан бошлаб, Ўзбекистон давлат стандарти сифатида, О'з DSt ISO/IEC 21:2001 белги билан ва номини жоиз ўзгартирган ҳолда “Ўз. СДТ, Халқаро ва ҳудудий стандартлар (ISO/IEC 21:1999, IDT) ни Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул қилиш” амалга киритилди.

Миллий стандартлар (МС) халқаро ва ҳудудий стандартларга мувофиқлигини уч хил даражада таснифлаш қабул қилинган: айнан ўхшаш стандарт (IDT), модификатланган стандарт (MOD), нозквивалент стандарт (NEQ). Дастлабки иккита: айнан ўхшаш ва модификатланган мувофиқлик даражалари ХС нинг қабул қилинганлигини аниқлади, учинчи, нозквивалент даража эса, ХС нинг қабул қилинмаганлигини ифода қилади.

Иккита шарт бор. Бу шартлар бажарилганда МС халқаро стандарт ХС га айнан ўхшаш деб ҳисобланади:

а) МС халқаро стандартга тўлиқ мувофиқ келади;

б) МС да ўнтага якин бир оз тахририй ўзгаришлар бор.

Қуйидаги шартларга риоя қилинганда МС халқаро стандарт (ХС) га нисбатан модификатланган стандарт сифатида таснифланиши мумкин:

– Техник оғишларни аниқ идентификатлаш ва тушунтириш шартли билан бундай оғишлар рухсат этилади;

– МС халқаро стандарт (ХС) нинг тузилмасини ақс эттиради. Агар МС ва ХС ларнинг мазмунини ва тузилмасини оддий қиёслаш имконияти сақланган бўлса, стандартнинг тузилмасида ўзгаришлар рухсат этилади.

Модификатланган стандартлар ХС дан ҳажмининг кичиклиги билан фарқланиши мумкин. Бундай кичиклик ХС да таклиф этилган альтернативларнинг факт бир қисмини қўлланиш, унчалик қаттиқ бўлмаган талабларни ўрнатиш ҳисобига бўлади. Ёки, аксинча, кўшимча жиҳатларни ва турларни киритиш, янада қаттиқроқ талаблар, кўшимча синовлар ва ҳ.к. ни ўрнатиш ҳисобига қатта ҳажми билан фарқланиши мумкин. МС да халқаро стандарт (ХС) нинг бир қисмини ўзгартириш, альтернатив танлашни кўзда тутиш рухсат этилади.

МС ХС га икки ҳолатда нозквивалент деб ҳисобланади:

– мазмуни ва тузилмасидаги ўзгаришлар аниқ айнан ўхшатузликка эга эмас;

– агар унга халқаро низомларнинг кам қисми (4.4 модда) киритилган бўлса.

О'з DSt ISO/IEC 21:2001 да ХС ни қабул қилишнинг учта усули ўрнатилган: маъқуллаш усули, муқова усули, қайта нашр этиш усули.

*Маъқуллаш усули* ХС ни қабул қилишнинг энг оддий методларидан бири ҳисобланади ва ХС матнини қайта босмадан чиқариш талаб этилмайди. Маъқуллаш усули фақат айнан ўхшаш стандартлар учун қўлланилади.

*Муқова усули* ХС ни миллий муқова усулида нашр этишни назарда тутди. Миллий муқовада миллий маълумотномадаги тартиб рақами кўрсатилади ва айнан ўхшаш ёки модификатланган мувофиқлик даражасида ХС миллий стандартлар бўлиб қолади.

Айнан ўхшаш МС нинг эквивалент муқовасида ёпишқоқ этикеткалар, штамплар ёки бошқа воситалар қўлланилиши мумкин.

*Қайта нашр этиш* усули уч хил бўлади: қайта ёзиш, таржима қилиш, қайта ишлаб чиқиш.

*Қайта ёзишда* ХС суратга олиш, сканерлаш ёки электрон файлдаш олиш воситасида МС сифатида қайта тикланади.

ИСО нинг расмий тилларидан бирида чоп қилинган ХС давлат тилига *таржима* қилинади. ХС рус тилида чоп этилмаган бўлса, зарур бўлганда, рус тилига ҳам таржима қилиниши мумкин.

ХС ни қайта ишлашда техникавий оғишларни аниқ ўхшатишда кийинчилик пайдо бўлади. Техник оғишлар тузилманинг ўзгаришларида ёки ифодаланишида яширинган бўлади ва мувофиқлик даражасини аниқлашни қийинлаштиради.

Унчалик кўп бўлмаган ўзгаришларни МС га “Киришда” ёки “Сўз бошида” жойлаштириш рухсат этилади. Ўзгартиришлар ХС матнига киритиладиган бўлса, уларни аниқ ажратиб кўрсатиш керак, масалан, ўзгартиришлар қайси моддага тегишли бўлса, шу моддадан кейин бевосита квадратча ичига слинади ёки мос матн қаршисидаги очик ж.ёда бир вертикал чизиқ чизиб белгиланади.

ХС асосида қабул қилинган МС нинг белгиси қуйидаги аббревиатураларни ўз ичига олиши керак: Ўзбекистон давлат стандарти – O'z DSt, ХС ни қабул қилган халқаро ёки ҳудудий ташкилотнинг белгиси – ISO, IEC, ISO/IEC, SEN ва х.к., ХС нинг миллий стандарт сифатида қабул қилинган тартиб рақами ва йил, МС номи, ёйсимон қавслар ичида: ХС ни қабул қилган ташкилот белгиси ва қабул қилиш йили, мувофиқлик даражасининг қисқартирилган белгиси – IDT, MOD, NEQ.

#### 4.2 Меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий экспертиза қилиш

Маҳсулот (хизматлар) сифати тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, тажриба-конструкторлик ишлари босқичларида шакллантирилади ва меъёрий ҳужжатларда белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонунида кўрсатилишича, стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар мамлакатимиз ва хорижий фан ва техниканинг замонавий ютуқларига асосланган бўлиши ва Ўзбекистон республикасининг Қонунларига мос келиши лозим. Бу талабларни бажариш учун меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий экспертизаси (МҲ ИТЭ) ни ўтказиш керак. Экспертиза Ўзбекистон давлат стандарти O'z DSt 1.21:2001 “Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий экспертиза қилиш” да белгиланган.

МҲ ИТЭ меъёрий ҳужжатларнинг халқаро, ҳудудий, давлатлараро, хорижий стандартлар билан уйғунлаштирилганлик даражасини ўрнатиш, фан, техниканинг замонавий ривожланганлик даражасига мувофиқлигини, амалдаги қонунларга ва Ўз СДТ, Ўз ЎДТ, Ўз СМТ асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларга ва бошқа стандартлаштириш тармоқлараро тизимларига мослигини ўрнатиш мақсадида бажариладиган тадқиқотдан иборат.

Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими талабларига мувофиқ қуйидагилар экспертизадан ўтказилади:

- МХ лойihalари;
- тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар;
- давлат рўйхатидан ўтказиладиган МХ;
- амалдаги МХ;
- МХ ўзгартиришларнинг лойihalари;
- давлат рўйхатидан ўтказиладиган, МХ нинг тасдиқланган ўзгартиришлари.

Экспертизанинг қуйидаги хиллари ўрнатилган:

- нормаллаштириш текшируви;
- келишишнинг тўлиқлиги;
- мажбурий талабларга мувофиқлиги;
- патент софлигига текшириш;
- очик чоп этилмайдиган маълумотлар;
- техник экспертиза;
- иктисодий экспертиза;
- метрологик экспертиза;
- экологик экспертиза;
- терминологик экспертиза;
- ҳуқуқий экспертиза;
- нашриёт таҳрири;
- илмий-техникавий даражани баҳолаш.

Ўзстандарт Агентлигининг топшириги, буюртмачининг сўровномаси шунингдек зарурлигига қараб, стандартлаштириш объектининг хусусиятларига қараб, экспертиза алоҳида турлар бўйича ўтказилиши мумкин.

Ўзстандарт Агентлиги, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар, стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар ва экспертиза ўтказишга ваколатланган бошқа ташкилотлар меъёрий ҳужжатларни экспертизадан ўтказилади.

Нормаллаштириш текширувида қуйидагилар текширилади:

- меъёрий ҳужжатнинг тўғри тузилаганлиги ва расмийлаштирилгани;
- амалдаги меъёрий ва бошқа ҳужжатларга тўғри ва ҳуқуқий ҳавола қилинганлиги;
- МХ нинг зарур ахборот қидирув белгилари (номи, белгиси, маҳсулотнинг умумдавлат таснифлагичининг коди (МУТ), стандартлар умумдавлат таснифлагичининг гуруҳи (СУТ), символлар, кискартмалар, амалга киритиш санаси ва(ёки) амал муддати, ҳужжатнинг қайси МХ ўрнига ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумотлар ва х.к.);
- текширувчи шахслар, бажарувчилар имзоларининг мавжудлиги;
- ҳужжатнинг ташқи кўриниши.

*Келишиш тўлиқлигини* текширишда меъёрий ҳужжатнинг манфаатдор ташкилотлар рўйхатига мувофиқ тўлиқ келишилганлиги, шунингдек рўйхагга киритилмаган ташкилотлар билан iқшимча равишда келишиш зарурлиги аниқланади. Фикр-мулоҳазалар тўплами, илмий-техникавий кенгашларнинг баённомалари, келишув мажлисларининг баённомалари, меъёрий ҳужжатда фикр-мулоҳазаларнинг, таклифларнинг тўлиқ акс эттирилганлиги таҳлил қилинади, ишлаб чиқувчининг фикр ва таклифлар бўйича хулосасининг асослиги аниқланади.

*Мажбурий талабларга* мувофиқлигини текшириш мажбурий талабларнинг Ўзбекистон қонунларига, мос халқаро ва миллий стандартларга, стандартлаштириш тармоқлараро тизимларга мувофиқ тўлиқ ва тўғри баён этилганлигини аниқлашдан иборат.

Стандартлаштириш объектининг *патент софлиги* патент формулярининг тўғри тўлдирилганлиги (бундай ҳужжат мавжуд бўлганда) текшириш йўли билан аниқланади.

*Очиқ чоп этилмайдиган маълумотларнинг борлиги* мос йўриқнома бўйича текширилади.

*Техник экспертизани* ўтказишда:

меъёрий ҳужжат номининг техник топшириққа (мавжуд бўлганда), меъёрий ҳужжатнинг мазмунига ва стандартлаштириш режалари (дастурлари) га мослиги, стандартлаштириш объектининг меъёрий ҳужжат даражасига мувофиқлиги, меъёрий ҳужжатнинг тўғри баён этилганлиги ва мазмунининг тўғрилиги аниқланади; меъёрий ҳужжат кўрсаткичларининг даълатлараро стандартлар ва миллий ҳужжатларнинг таро талабларига мувофиқлиги; текшириладиган меъёрий ҳужжатнинг ўхшаш маҳсулотга амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг такрорланганлик ҳоли аниқланади.

*Иқтисодий экспертиза* тушунтириш ёзувидаги маълумотларни тасдиқловчи, меъёрий ҳужжатни жорий этиш техник-иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги ҳисобининг тўғрилигини текширишдан иборат.

*Метрологик экспертиза* О'з РН 51 – 106:2001 бўйича бажарилади.

*Терминологик экспертиза* ўрнатилган илмий-техникавий атама-ларнинг меъёрий ҳужжатда тўғри қўлланилганлигини, давлатлараро ва республика терминологик стандартларига риоя қилинганлиқни текшириш босқичи бўлади.

*Ҳуқуқий экспертиза* меъёрий ҳужжат мазмунининг амалдаги қонунларнинг талабларига мувофиқлигини текширишдан иборат.

*Нашириёт таҳрири* меъёрий ҳужжат матнини илмий ва адабий таҳрир, техник таҳрир қилишдан иборат.

*Илмий ва адабий таҳрир* меъёрий ҳужжат мазмунини мантиқий, техник ва адабий жиҳатдан тўғри саводли баён этиш, қабул қилинган қисқартмаларга риоя қилиш, орфографик, синтаксис, стилистик хато-ларни йўқотиш мақсадида бажарилади.

*Техник таҳрир* меъёрий ҳужжатни босмаҳонада ёки бошқа усулда чоп этишга тайёрлашдан иборат.

Лойиҳанинг ёки тасдиқланган меъёрий ҳужжатнинг “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонун талабларига, ҳақаро, давлатлараро, худудий, хорижий стандартларнинг талабларига мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек уйғунлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида меъёрий ҳужжатларнинг *илмий-техникавий даражаси* (ИТД) баҳоланади.

Баҳолаш меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар (стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар, стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар, корхоналар, ташкилотлар), Ўзстандарт Агентлигининг идоралари томонидан О‘з РН 51 – 077:1998 “Ўз СДТ. Махсулотга меъёрий ҳужжатнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш методикаси” га мувофиқ, ишлаб чиқувчи томонидан тузиладиган махсулот техник даражаси ва сифати картасини ва (ёки) қиёслаш жадвалини қўлланиб, кўрсаткичларни қиёсий баҳолаш асосида бажарилади.

Меъёрий ҳужжатлар экспертизасининг натижалари ихтиёрий шаклда тузилган далолатнома кўринишидаги эксперт хулоса билан расмийлаштирилади. Далолатномада ўтказиладиган барча турдаги экспертиза натижалари акс эттирилади. Хулосада экспертиза объектининг умумий тафсилоти қуйидагича ёзилади: “Меъёрий ҳужжат (меъёрий ҳужжат лойиҳаси) стандартлаштириш давлат тизими, ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими, Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими талабларига ва бошқа стандартлаштириш тармоқлараро тизимларига мувофиқ келади (мувофиқ келмайди)”.

Далолатнома эксперт ва экспертизани ўтказган бўлимлар раҳбарларининг имзоси билан ишонтирилади ва раҳбарият томонидан тасдиқланади.

Келишмовчиликлар бўйича охириги қарорни: меъёрий ҳужжатни экспертизага жўнатган ташкилот; Давархитектурақурилиш, Давтабиатқўмита, Ўзбекистон Республикасининг соҳликни сақлаш Вазирлиги (ўз ваколати доирасида); Ўзстандарт Агентлиги хулоса шаклида қабул қилади.

Меъёрий ҳужжат экспертизасининг далолатномаси сўровчига ва ишлаб чиқувчи – аслият эгасига жўнатилади.

Далолатноманинг бир нусхаси меъёрий ҳужжат ва барча иловалар билан бирга экспертизани ўтказган ташкилотда сақланади. Барча ҳолларда меъёрий ҳужжат экспертизаси далолатномасининг бир нусхаси Ўзстандарт Агентлигига жўнатилади.

Эксперт хулосанинг ҳолис (объектив)лигига масъуллик экспертизани ўтказган мутахассис-экспертга юклатилади.



## Учинчи бўлим. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАРМОҚЛАРАРО ТИЗИМЛАРИ

Стандартлаштириш тармоқлараро тизимлари тўғрисида умумий тушунчалар

Ишлаб чиқариш микёсининг катталашгани сабабли кенг тармоқлараро боғланишлар умумтехникавий стандартларнинг комплекс тизimini яратиш заруриятини келиб чиқарди. Бу тизим кейинчалик стандартлаштириш тармоқлараро тизими (СТТ) деб ном олди.

СТТ кўп йиллар давомида яратила борди ва ҳар бир тизимда маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларини ва инсон фаолиятининг барча муҳим соҳаларини ўз ичига қамраб олган ўнлаб ва минглаб стандартларни бирлаштирган. СТТ стандартлаштиришда илмий-техникавий даражанинг ошганлиги билан тавсифланувчи муҳим босқич бўлди. Стандартлаштиришда илмий-техникавий даражани ошириш зарурияти Ўзбекистон иқтисодиётидаги илмий-техникавий истиқбол ва ривожланиши талабларидан келиб чиқди.

Қуйида СТТ тизим синфи, шартли белгилар ва тизим номи кўрсатилган рўйхати келтирилган.

Тизим синфи	Тизимнинг шартли белгиси	Тизимнинг номи
1	2	3
1	Ўз СДТ	Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими
2	КХЯТ	Конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими
	Ўз КХЯТ	Ўзбекистон конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими
3	ТХЯТ	Технологик ҳужжатларининг ягона тизими
4	МСКТ	Маҳсулот сифати, пухталиги ва умрбоқийлиги кўрсаткичлари тизими
5	Ўз СМТ	Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими
6	ХБТ	Ҳужжатларнинг бирхиллаштирилган тизими. Иқтисодий, ҳисобга олиш, статистик, мол билан қўшиб жўнатиладиган, истеъмол, транспорт, банк, ташкилий-бошқарув ва бошқа ҳужжатлар тизими
	ТКТ	Ўзбекистон техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотни таснифлаш ва кодлаш ягона тизими

1	2	3
7	АКНИТ	Ахборот, кутубхона, нашриёт ишлари бўйича стандартлар тизими
8	Ўз ЎДТ	Ўзбекистон ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими
9	ЗЭХЯТ	Материаллар ва буюмларни занглаш ва эскиришдан химоялаш ягона тизими
10		Захира
11		Захира
12	МХСТ	Меҳнатни илмий ташкиллаштириш, саноат санитарияси, гигиенаси, меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими
13	-	Репрография, микрография, копирография
14	ИТТТ	Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш ягона тизими
15	МЯТ	Ўзбекистон маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш тизими
16	Ўз АТ	Ўзбекистон аккредитлаш тизими
17	ТМСТ	Табиат муҳофаза ва табиий бойликлардан фойдаланишни яхшилаш доирасидаги стандартлар тизими
18	-	Захира
19	ДХТ	Дастурий ҳужжатлар ягона тизими
20	Ўз МСТ	Ўзбекистон маҳсулотни синаш тизими
21	ҚЛХТ	Қурилишлар учун лойиҳавий ҳужжатлар тизими
22	-	Захира
23	-	Буюмларнинг ёйилишбардошлигини таъминлаш
24	-	Бошқаришнинг автоматик тизими (БАТ) учун техник ҳужжатлар тизими
25		Мустаҳкамликка ҳисоблаш ва синашлар
26		Захира
27	ТП	Техника пухталиги
28		Захира
29		Захира
30	ЭТЭСТ	Эргономика ва техник эстетика стандартлари тизими
31		Захира
32		Ахборот технологиялари
-	Ўз СТ	Ўзбекистон сифат тизими
-	-	Ўзбекистон хизматлар соҳаси

Кўрсатилган СТТ лардан Ўзбекистонда қуйидагилар долзарб-лашган (ёки) долзарблаш жараёни кетмоқда ва қўлланилмоқда: Ўз СДТ, Ўз ҚХЯТ, Ўз СМТ, Ўз ТКТ, Ўз ЎДТ, Ўз МЯТ, Ўз АТ, Ўз МСТ, Ўз СТ ва Ўзбекистон хизматлар соҳаси.

## **1-боб. КОНСТРУКТОРЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЯГОНА ТИЗИМИ**

КХЯТ – куйидаги таснифлаш гуруҳлари бўйича талабларни ўрнатувчи ўзаро боғланган стандартлар мажмуидир: 0 – асосий низомлар; 1 – умумий низомлар; 2 – Буюмларни конструкторлик ҳужжатларида таснифлаш ва белгилаш; 3 – чизмаларни бажариш умумий қоидалари; 4 – машинасозлик ва приборсозликда чизмаларни бажариш қоидалари; 5 – конструкторлик ҳужжатларининг муомала (ҳисобга олиш, сақлаш, нусхалаш, ўзгартиришлар киритиш) қоидалари; 6 – фойдаланиш (эксплуатацион) ва таъмирлаш ҳужжатларини бажариш қоидалари; 7 – схемаларни бажариш қоидалари; 8 – кemasозлик ҳужжатларини бажариш қоидалари; 9 – ҳоказо стандартлар.

Жами 150 ГОСТ, 15 O'z DSt. СТТ 2 синфига киради.

## **2-боб. ТЕХНОЛОГИК ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЯГОНА ТИЗИМИ**

ТХЯТ – куйидаги таснифлаш гуруҳлари бўйича талабларни ўрнатувчи стандартлар мажмун: 0 – умумий низомлар; 1 – ишлаб чиқиш босқичлари; турлари, расмийлаштириш қоидалари, бутлиги; ҳужжатларнинг турлари, атамалари ва таърифлар; 2 – белгилаш, бутлаш, сақлаш ва қўлланиш, ҳужжатларни излаш тизимлари; 3 – деталлар, таркибий қисмлар ва технологик мосламаларнинг қўлланишчанлигини ҳисоблаш методлари; 4 – асосий ишлаб чиқариш ҳужжатларини расмийлаштириш қоидалари; 5 – текшириш (ўлчаш, синаш, таҳлил) ҳужжатларини расмийлаштириш қоидалари; 6 – ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳужжатларини расмийлаштириш қоидалари; 7 – металларга ишлов беришда турли операциялар (амаллар) учун операцияларни ва ўтишларни ёзиш қоидалари; 8 – заҳира; 9 – меъёрий ва маълумотнома ҳужжатларини яратиш қоидалари.

Жами 41 ГОСТ, СТТ 3 синфига киради.

## **3-боб. МАҲСУЛОТ СИФАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТИЗИМИ**

МСКТ – маҳсулотнинг бир турли гуруҳлари ва муайян турлари сифати кўрсаткичларининг номенклатурасини, шунингдек маҳсулот

сифати кўрсаткичлари мезонлари ва номенклатурасининг қўлланиш доирасини ўрнаткичи стандартлар мажмуи.

МСКТ машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, кишлоқ ва ўрмон хўжалиги тармоқларини камрайди ва умумий коидалар ва меъ-ёрларни; атамалар ва таърифларни; сифат кўрсаткичларининг номенклатурасини; синаш методларини ўрнатади.

Жами 290 ГОСТ, 1 O'z DSt. 4 синфига киради.

#### **4-боб. ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АХБОРОТНИ ТАСНИФЛАШ ВА КОДЛАШ ЯГОНА ТИЗИМИ**

ТКТ – Объектлар номлари ва таснифлаш аломатлари, таснифлаш гуруҳлари ва уларнинг код белгиларининг тизимлаштирилган мажмуи.

Таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва олиб бориш асосий низомларини; атамалар ва таърифлар, штрих кодлашни автоматик идентифи-катлаш асосий низомлари; EAN ва O'z TNT кодларини рўйхатга олиш, тайёрлаш, қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш тартибини белгиловчи O'z DSt амалга киритилган.

Ўзбекистонда қуйидаги халқаро ва ҳудудий стандартлар асосида қуйидаги таснифлагичлар яратилган ва амалга киритилган: КТУТ, КОУ, ОКВЭД, НСКЗ, КФС, КТФ, КСЭ, ҚС, КСМ, КВ, ЎБТТ.

Жами 9 O'z DSt, шунингдек 12 таснифлагич КТУТ, ҚС, КСМ ва 6. СТТ 6 синфига киради.

#### **5-боб. МАҲСУЛОТ ЯРАТИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**

Янги буюмларни яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш жара-ёнида ташкилий-техник ва методик жабҳадаги маълум муаммолар паё-до бўлади, маҳсулотнинг сифати, техник даражаси ва рақобатбар-дошлиги бу муаммоларнинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқ.

Маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш тизими (Ўз МЯТ) нинг асосий мақсади истеъмолчиларнинг манфаатлари учун маҳсулотнинг юқори техник даражаси, сифати ва рақобатбардошли-гини таъминлашнинг ягона ташкилий-методик асосини шакллан-тиришдан иборат. Ўз МЯТ да қуйидаги йўналишларни белгиловчи низомлар ўрнатилган:

– маҳсулотни яратиш ёки такомиллаштириш имконини ва мақ-садга мувофиқлигини асослаш;

- янги технологияларни қўлланиш ва маҳсулотта мажбурий талабларга мувофиқликни ҳисобга олган ҳолда илмий-техникавий истиқболнинг замонавий ютуқларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотни яратиш (ишлаб чиқиш), ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш;

– маҳсулотни яратиш, ўлаштириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишга топшириш муддатларини ва ҳаражатларини қисқартириш;

– маҳсулот сифати таркибининг халқаро стандартларга ва бозор талабларига мувофиқлигини асослаш.

Ўз МЯТ стандартлаштириш объектларига маҳсулот ҳаётий циклининг босқичларида ишларнинг бажарилишини ва манфаатдор томонларнинг ўзаро бирга ҳаракатини таъминлаш киради. Ўз МЯТ фаолияти бошқа стандартлаштириш умумтехникавий тармоқлараро тизимларининг стандартлари билан ўзаро ҳаракати билан таъминланади.

Ўз МЯТ стандартларининг тузилиш структураси маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичлари бўйича тақсимланади. Ўз МЯТни шакллантиришда маҳсулот ҳаётий циклининг босқичлари бўйича тақсимланган ва ўзаро боғланган барча бажариладиган ишларни мақсадли ва комплекс камраш тамойилдан фойдаланилади. Ўз МЯТда ишларни модуль принципида ташкиллаштириш бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро алоқалари ташкилий-техник механизмини таъминлашга мўлжалланган. Ҳўжалик юритувчи субъектлар қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

– Қонун ҳужжатларининг меъёрий ҳужжатларга, меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқаришда қабул қилинган ташкилий-техник низомларга нисбатан устунлиги, бу эса турли иқтисодий-ҳуқуқий вазиятлар шароитларида ўрнатиладиган талабларнинг (манфаатдор томонлар фаолиятини белгилувчи талабларнинг) таркибини кенгайтиришга имкон беради;

– Ўз МЯТ катнашчиларининг фаолиятини маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларида, Ўз МЯТ ни турли бошқарув шаклларидадан фойдаланиб, тартибга тушириш;

– ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлик талабларини қондирадиган маҳсулот чиқариш бўйича Ўз МЯТ нинг сўнгги мақсадига эришиш;

– Ўз МЯТ муаммоларини ҳал қилишда истеъмолчининг устунлиги.

Нол гуруҳ стандартлари қуйидагиларни ўрнатади:

– Ўз МЯТ стандартларини шакллантириш, тузиш ва таснифлашда тизим ясовчи принциплари бўйича умумий низомлар;

– маҳсулот сифатини таъминлаш;

– маҳсулот ҳаётий циклининг босқичлари;

– маҳсулот ҳаётий циклининг босқичлари бўйича ишларни ташкиллаштириш модуллари ва моделлари.

Биринчи гуруҳ стандартлари қуйидагиларни ўрнатади:

– маҳсулотнинг тажриба нусхаларини ишлаб чиқиш илмий-техникавий йўлларини излаш бўйича ишларни бажаришга техник топшириқ (ТТ) ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг тузилишига, мазмунига, баён этилишига, келишиш тартибига ва қабул қилишга буюртмачининг бошланғич талабларини ишлаб чиқишга талаблари; шунингдек, жуда мураккаб (ва ялпи қўлланиладиган) маҳсулотни шартнома (ёки ташаббус) асосида ишлаб чиқишнинг имкониятини ва мақсадга мувофиқлигини техник-иқтисодий асослаш бўйича пеш лойиҳани бажаришга ТТ;

– тадқиқот ва пеш лойиҳани бажаришга талаблар; буларни бажариш ва қабул қилиш қондалари, ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш қондалари;

– тадқиқот ва пеш лойиҳа натижаларини амалга ошириш тартиби.

Иккинчи гуруҳ стандартлари қуйидагиларни ўрнатади:

– буюмларни ишлаб чиқиш (такомиллаштириш) бўйича тажриба-конструкторлик ишларини (ТКИ) ва буюм таркибига кирувчи материалларни ишлаб чиқиш бўйича тажриба-технологик ишларни (ТТИ) бажаришга ТТ (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат)нинг тузилиши, мазмуни, баён этилиши, келишиш тартиби ва қабул қилишга талаблар;

– ТКИ, ТТИ ни бажаришга ва қабул қилишга талаблар, уларнинг босқичлари; ТКИ ва ТТИ нинг босқичларида ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш тартиби;

– ТКИ ва ТТИ бўйича ишларни амалга ошириш тартиби;

– ТКИ ва ТТИ нинг ўтказилишини таъминлайдиган ишларни бажаришга талаблар (синашлар, асосий намуналарни синаш дастурлари ва методикалари, тажриба нусха бўйича маҳсулот хилини сертификатлаштириш ва ҳ.к).

Учинчи гуруҳ стандартлари қуйидагиларни ўрнатади:

– маҳсулотни ишлаб чиқаришга (тайёрланиш, ўзлаштириш ва чиқаришга) қўйиш тартибига талаблар;

– бирлик (бир марталик буюртмалар бўйича такрорланувчи) ва серияли маҳсулотни тайёрлашга; нуқсонли (номувофик) маҳсулотни ва ишлаб чиқаришнинг фойдаланилмайдиган чиқиндилардан қайта фойдаланишга талаблар;

– меъёрий, конструкторлик ва технологик ҳужжатларнинг талабларини ва ишлаб чиқувчи ҳамда тайёрловчининг кафолатланган мажбуриятларини бажаришни таъминлаш;

– маҳсулотни сертификатлаштириш (мувофиқликни тасдиқлаш) га ва ишлаб чиқиш шароитларига талаблар;

– маҳсулотни ишлаб чиқариш ва (зарур бўлганда) фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) жараёнида муаллифлик назоратини ўтказиш тартиби.

Тўртинчи гуруҳ стандартлар куйидагиларни ўрнатади:

○ Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларининг истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва маҳсулотни етказиб бериш қоидалари қисмида талабларнинг бажарилишини таъминлаш тартиби;

○ Маҳсулот муомаласи (идишларга жойлаш, тахлаш, сақлаш ва ташиш) ва уни буюртмачи (истеъмолчи) га бериш бўйича талаблар;

○ Муомалада маҳсулот хавфсизлигини, сифатнинг сақланишини таъминлаш бўйича талаблар.

Бешинчи гуруҳ стандартлари маҳсулотдан истеъмолчиларда (савдо ташкилотларида) фойдаланиш бўйича талабларни, шу жумладан маҳсулотни фойдаланишга қўйиш тартиби ва (зарур бўлганда) қайта фойдаланиш тартибини ўрнатади.

Олтинчи гуруҳ стандартлари таъмирбоп маҳсулот учун куйидагиларни ўрнатади:

– маҳсулотни таъмирлаш корхонасига қўйиш, шу жумладан таъмирлашга тайёрланиш ва таъмирлашни ўзлаштириш тартиби;

– бирлик (бир маргалик) буюртма бўйича ва серияли таъмирлашда маҳсулотни таъмирлашга талаблар;

– таъмирлашга тайёрлаш ва таъмирлашга қабул қилишда, таъмирлаш ишларини бажаришда ва маҳсулотни таъмирдан қабул қилиб олишда таъмир ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлаш тартиби;

– таъмирлаш ишлаб чиқаришининг шароитларига талаблар.

Еттинчи гуруҳ стандартлари куйидагиларни ўрнатади:

– етказиб бериладиган маҳсулотга рекламациялар, шикоятлар ва даъволар билан ишлаш (эътирозларни билдириш ва қониктириш) тартиби;

– маҳсулот тўғрисида ахборот бериш тартиби (бюллетенлар, ахборотномалар, рекламанинг қисқача баёни ва ҳ.к.);

– маҳсулотдан фойдаланиш жараёнида техник назоратни (мониторингни) ўтказиш бўйича ишларни ташкиллаштириш тартиби;

– маҳсулотнинг белгиланган имкониятларини, хизмат муддатларини ва сақлаш муддатларини чўзиш тартиби;

– мураккаб комплексларни ва бошқа стационар объектларни фойдаланишга киритиш тартиби;

– фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари, эҳтиёт асбоб-мосламалар ва маҳсус воситалар: ўқитиш, текшириш, ўлчаш, синаш маҳсулотга техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш ва таъмирлаш воситалари билан таъминлаш тартиби;

– маҳсулотни фойдаланишдан олиш ва ундан қайта фойдаланиш бўйича ишларни ўтказиш тартиби.

Саккизинчи гуруҳ стандартлари буюмларни ва материалларни ишлаб чиқаришдан олишга талабларни ўрнатади.

Тўққизинчи гуруҳ стандартлар захира гуруҳ бўлиб, Ўз МЯТ ни ривожлантириш учун мўлжалланган.

Бир нечта таснифлаш гуруҳлари учун талабларни ўрнатувчи стандартлар биринчи тартиб рақамларининг катталашини тартиби бўйича гуруҳга киритилади. Ўз МЯТ нинг барча стандартлари 15 синфига киради.

## 5.1 Ишлаб чиқариш-техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулот

Яратилиши ва ишлаб чиқаришга қўйилиши лозим бўлган ишлаб чиқариш-техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулот (ИТМ) бозор, буюртмачининг талабларини қондириш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаши лозим. Буюртмачи сифатида давлат, кооператив ёки ҳар қандай бошқа ташкилот иштирок этиши мумкин:

– истеъмолчи;

– истеъмолчининг манфаатларини ички ва ташқи бозорда ҳимоя қилиш қонуний тартибда топширилган ташкилот;

– ўзи буюртирган ҳужжатлар бўйича маҳсулот чиқаришни мўлжаллаган тайёрловчи;

Маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда қуйидагилар бажарилади:

– техник топшириқни ишлаб чиқиш;

– техник ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– маҳсулот намуналарини тайёрлаш ва синаш;

– маҳсулотнинг тажриба нусхасини қабул қилиш;

– ишлаб чиқаришни ташкилий-техник жиҳатдан тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

Техник топшириқ маҳсулотни яратишда асосий бошланғич ҳужжат бўлади. Техник топшириқда техник-иқтисодий асослаш ва маҳсулотга талаблар бўлиши керак. Бундай талаблар маҳсулотнинг истеъмол хоссаларини, ҳужжатлар рўйхатини, яратиш натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартибини белгилайди. Техник топшириқнинг мазмунини бозор муносабатлари шароитларига ва талабларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Техник топшириқ буюртмачи ва ишлаб чиқувчи томонидан ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ташаббус йўли билан яратишда техник топшириқнинг зарурлигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини маҳсулотни яратувчи аниқлайди. Ўлчаш воситаларини яратишга техник шартлар Ўзстандарт



Агентлиги билан келишишлиги лозим. Техник топширик сифатида зарур талабларни ўз ичга олган контракт, шартнома, баённома, эскиз ва б. дан фойдаланиш рухсат этилади.

Буюмга конструкторлик ва технологик лойиҳалар ва меъёрий ҳужжат асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар ва СТТ давлатлараро стандартларнинг талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Тажриба нусхалар (тўплар) ни хавфсизлик, соғлиқ ва табиатни химоялаш, ўзаро алмашинувчанлик ва мос келувчанлик талабларига мувофиқлигига синовлар стандартларда ва (ёки) меъёрий ҳужжатларда белгиланган бўлиб, мажбурий ҳисобланади ва Ўзстандарт Агентлиги томонидан аккредитланган мустақил синов лабораториялари (марказлари) томонидан ўтказилади.

Яратилган маҳсулотнинг техник топширикка мувофиқлигини баҳолаш ва маҳсулотни ишлаб чиқариш ва (ёки) қўлланиш тўғрисида қарор қабул қилиш комиссия томонидан бажарилади. Қабул комиссиясининг таркибига буюртмачи, яратувчи ва тайёрловчининг вакиллари, шунингдек (устуликка эга бўлган маҳсулот бўйича) Ўзстандарт Агентлиги ва экспорт учун масъул ташкилотнинг (улар билан келишилган ҳолда) вакиллари киради.

Комиссия раис қилиб буюртмачининг вакили, агар бу вакил бўлмаса, асосий истеъмолчининг вакили тайинланади. Комиссия таркибини маҳсулотни яратувчи ишлаб чиқувчи шакллантиради ва тасдиқлайди.

Яратувчи қабул комиссиясига биргаликда кўриб чиқишни талаб этувчи техник топширик, меъёрий ҳужжат лойиҳаси, конструкторлик ва (ёки) технологик ҳужжатларни, синов материаллари натижалари ва ишлаб чиқилган маҳсулотнинг бу ҳужжатларга мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа материалларни, маҳсулотнинг техник даражасини ва экспортга чиқариш мумкинлигини тасдиқловчи техник даража ва сифат картасини тақдим қилади. Қабул комиссиясига, одатда, маҳсулотнинг тажриба ёки экспериментал намуналари, агар буларни тайёрлаш назарда тутилмаган бўлса, бош намуна ёки бир марталик маҳсулот ҳам тақдим этилади.

Комиссия тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича далолатнома тузади. Далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

1) ишлаб чиқилган (тайёрланган) маҳсулотнинг топширикдаги талабларга мувофиқлиги ва уни ишлаб чиқариш (истеъмолчига топшириш) тўғрисида тавсиянома ва (зарур бўлганда) маҳсулотга қўшимча ишлов бериш бўйича фикр ва мулоҳазалар;

2) техник даражани баҳолаш натижалари ва маҳсулотни экспортга чиқариш мумкинлиги;

3) кўрсатилган серияда тайёрлаш ва (серияли ва ялпи ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун) унинг ҳажми тўғрисидаги тавсияномалар, шунингдек бу сериядаги намуналарни малакавий синовлардан ўтказиш зарурлиги.

Қабул комиссиясининг далолатномаси барча аъзолар томонидан имзоланади ва раис томонидан тасдиқланади. Қабул комиссиясининг тасдиқланган далолатномаси маҳсулотни ишлаб чиқаришга рухсат берилганлигини ифодалайди ёки қабул комиссияен далолатномасидан фойдаланиш маҳсулотни ишлаб чиқишга ёки маҳсулотдан фойдаланишга рухсатни ифодалайди. Маҳсулотни яратиш натижалари салбий баҳоланганда далолатномада кейинги ишларни қайси йўналишда олиб бориш ва натижаларни қайта тақдим этиш шартлари ёки ишларни давом эттиришнинг мақсадга номувофиқлиги кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришнинг маҳсулотни серияли (ялпи) чиваришга тайёрлигини тасдиқлаш учун буюртмачи ишлаб чиқувчи билан биргаликда технологик жараённинг тўлиқлигини, технологик операцияларни бажариш сифати ва барқарорлигини текширади ва (устунлик қилувчи маҳсулот бўйича) Ўзстандарт Агентлигининг вакили иштирокида (қабул комиссиясининг далолатномасига мувофиқ) ўрнатилган серия (биринчи саноат түпи) намуналарини малакавий синовдан ўтказилади.

Бошқа корхонада илгари ўзлаштирилган ёки лицензия бўйича тайёрланадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўйишда малакавий синовлар ўша таркибдаги комиссия томонидан ўтказилади. Малакавий синовлар дастурини маҳсулотни тайёрловчи тузади, бунда яратувчи ёки меъёрий ҳужжатларнинг аслиятларини тутиб турувчи жалб этилади ва буюртмачи билан келишилади.

## 5.2 Озиқ-овқат маҳсулоти

Озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” Қонуннинг талабларига мувофиқ, шунингдек технологик йўриқномаларни ва рецептураларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Яратиладиган янги маҳсулот буюртмачи (истеъмолчи) нинг талабларини қондириши ва инсонларнинг, атроф муҳитнинг хавфсизлигини ва бошқа белгиланган талабларни таъминлаши лозим.

Маҳсулотнинг янги тури, мавжудларидан фарқлиқлавишда, истеъмолчиларнинг сўровномалари бор бўлганда ёки яратувчи ва тайёр-

ловчи, шунингдек яратувчи ва истеъмолчи (букюртмачи) ўртасида шартнома тузилганда, янги технологиялар, рецептуралар, истеъмол хоссалари билан сифатли фаркланувчи хом ашёнинг янги турларини қўлланиш асосида яратилади.

Корхоналар озик-овқат маҳсулотни бошқа корхоналарда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида, белгиланган тартибда, ишлаб чиқариш учун ётарли шароитлар мавжуд бўлганда, текширув ва назорат идоралари вакилларининг иштирокида мажбурий малакавий синовларни ўтказиб, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириши мумкин.

Хавфсизлик ва сифат талабларини қондирувчи озик-овқат маҳсулотининг янги турларини чиқаришни ташкиллаштиришда буюртмачи (истеъмолчи), яратувчи ва тайёрловчи қатнашади.

Буюртмачи (истеъмолчи) маҳсулотга ҳақиқий талабларни, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий асосланишини шакллантиради, меъёрий ва технологик ҳужжатларни келишишади, шунингдек қабул комиссиясининг ишида қатнашади.

Яратувчи техник топшириққа мувофиқ технологик ва меъёрий ҳужжатни тайёрлайди ва уларнинг тасдиқланишини таъминлайди. Тайёрловчи билан биргаликда маҳсулот синовини ташкиллаштиради ва ўтказиши, қабул комиссиясининг ишида қатнашади.

Тайёрловчи ишлаб чиқаришнинг тайёрлигини таъминлайди, де-густация комиссиясига тақдим этиш учун маҳсулотнинг тажриба нусхаларини тайёрлайди, маҳсулот, янги технология ва жиҳозларнинг токсикологик-гигиеник экспертизасини ўтказишни, гигиеник сертификатни ва мувофиқлик сертификатини олишни таъминлайди.

### 5.3 Халқ истеъмоли ноозик моллари

Яратилиши ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш лозим бўлган халқ хўжалиги ноозик моллари (мадани-маиший ва хўжаликка мўлжалланган моллар, кейинчалик-маҳсулот) қуйидагиларга мос келиши лозим:

- истеъмолчиларнинг талабларига;
- мажбурий талабларга;
- нави ва мода бўйича асосий талаблар йўналишига.

Маҳсулотни шартномалар бўйича ёки ташаббускорлик билан яратиш мумкин. Юридик статусга, илмий ва ишлаб чиқариш-техник салоҳиятига эга бўлган, Ўзбекистоннинг ҳар қандай галбиркорлик субъекти (ташкilot, корхона ва х.к.) маҳсулот яратувчи бўлиши мумкин.

Яратувчи ёки тайёрловчи маҳсулотнинг асосий истеъмолчисини савдода қатнашувчи давлат ёки бошқа савдо ташкилотлари (аренда, кооператив, фирма, яқка ташкилотлар) ичидан аниқлайди.

Маҳсулот тажриба нусхалари (тажриба тўплари) нинг истеъмол хоссалари ҳар томонлама комплекс баҳоланиши, шунингдек тажриба нусхалар (тажриба тўплар) ни қабул синовларидан ўтказиш йўли билан мажбурий талабларга мувофиқлиги текширилиши лозим. Маҳсулот намуналари қабул комиссияси томонидан баҳоланади, бундай комиссия таркибига: яратувчи, тайёрловчи, буюртмачи (агар буюртмачи бор бўлса) ва маҳсулот турига қараб, давлат назорати идораларининг вакиллари киради. Маҳсулот тажриба нусхалари (тажриба тўплари) ни стандартлар (техник тавсифлар) да белгиланган мажбурий талабларга мувофиқликка синаш мажбурий бўлиб, Ўзстандарт Агентлигида аккредитланган синов лабораториялари (марказлар) да ўтказилади. Ўзстандарт Агентлиги билан келишилган ҳолда бундай синовларни бошқа ташкилотлар (корхоналар) да ўтказиш руҳсат этилади. Бундай синовларда Ўзстандарт Агентлиги вакилининг қатнашиши мажбурийдир.

Яратувчи маҳсулотта меъёрий ҳужжатнинг ишлаб чиқилишини таъминлайди. Агар маҳсулот сифатини техник ҳужжатда тўлиқ кўрсатиб бўлмаса, бу ҳолда ҳужжат билан бирга намуна (эталон) қўлланилади. Яратувчи кўғирчоқларнинг янги намуналарини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими Вазирлиги билан келишишади. Яратувчи қабул комиссиясига маҳсулот намунасини, қабул синовларининг натижаларини, меъёрий ҳужжат лойиҳасини ва мажбурий талабларнинг бажарилганлиги бўйича давлат назорати идоралари берган ижобий хулосасини тақдим этади. Қабул комиссияси тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича далолатнома тузади.

Тайёрловчи қабул комиссиясининг ижобий хулосаси ва меъёрий ҳужжат ёки намунанинг техник тавсияномаси ва (ёки) тасдиқланган намуна (эталон) бор бўлганда, маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади. Маҳсулотни ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш ишларини тайёрловчи олиб боради.

## **6-БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ**

### **6.1 Умумий низомлар**

Бутун дунёда хизматларнинг иқтисодиётдаги улуши ўсиб бормоқда. Халқаро савдода саёҳат хизматлари ва транспортда ташиш

хизматлари олдинда бормоқда. Булардан кейин – молия хизматлари (банк, сугурта, маслаҳатлар), лизингли, дистрибьютерлик, таълим, соғлиқни сақлаш, аудиторлик, фрахта (кемаларни кира қилиш), траст, реклама хизматлари ўрин олади. Хизматлар соҳасида савдо бўйича Бош битим (ЖСТ СББ) мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир мамлакатнинг хизматлар сифатини ва хизмат кўрсатувчи шахслар ва фирмаларнинг ваколатини кафолатини кафолатлаш учун ўз хизматлар бозорини тартибга солиш ҳуқуқи тан олинади.

Бундай ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, хизматлар сифатига ва хавфсизлигига талабларни ўз ичига олган, халқаро савдода зарур бўлган стандартларни ишлаб чиқиш ва қўлланишга катта аҳамият берилади.

Хизматлар соҳасида стандартлаштириш умумий ҳолда қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

– муайян турдаги (масалан, саёҳатчилик, меҳмонхона, умумий овқатланиш, тиббиёт, таълим, йўловчиларни автомобиль транспортида ташиш, темир йўл, ҳаво траспортида ташиш, автосервис, кимёвий тозалаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш, сартарошхона ва ҳ.к) хизматларга миллий стандартларни ишлаб чиқиш;

– муайян хизматлар соҳасида сифат тизимига стандартларни ишлаб чиқиш;

– миқозлар билан мулоқатда бўлиш учун фирманинг меъёрий ҳужжатларини (хизматлар стандартлари, спецификацияси, каталоглари, номенклатураси ва тафсилотларини) ишлаб чиқиш.

Хизматлар соҳасидаги стандартлар халқаро стандартлар, меъёрилар ва қоидалар билан уйғунлаштирилган бўлиши, хизматлар сифатига ва хавфсизлигига талабларни ўз ичига албатта олиши лозим, бу хизматларни сертификатлаштиришда асосий шарт бўлади.

Хизматлар соҳасида қуйидаги асосий атамалар ва таърифлар қўлланилади:

*Хизмат* – етказиб берувчи ва истеъмолчининг ўзаро бевосита таъсири ва етказиб берувчининг истеъмолчининг эҳтиёжларини кондирш бўйича ички фаолиятининг натижаси.

#### Изоҳлар

1 Етказиб берувчи ёки истеъмолчи ходимлар ёки жиҳозлар билан ўзаро таъсирида намоён бўлиши мумкин.

2 Истеъмолчининг етказиб берувчи билан бевосита ўзаро таъсири хизматларни кўрсатишда муҳим бўлиши мумкин.

3 Моддий маҳсулот турларини етказиб бериш ёки улардан фойдаланиш кўрсатиладиган хизматларнинг бир қисми бўлиши мумкин.

4 Хизмат моддий махсулотни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

*Хизмат тури* – Умумий технологик белгилари билан тавсифланувчи бир турли хизматлар тўплами.

Мустақил давлатлар ҳамкорлиги давлатлараро статистик қўмита томонидан махсулот (моллар ва хизматлар) нинг модели статистик таснифлагичи ишлаб чиқилган. Бу таснифлагичга мувофиқ хизматларнинг қуйидаги турлари ўрнатилган:

- савдодаги хизматлар;
- транспорт воситаларини, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший молларни таъмирлаш бўйича хизматлар;
- транспорт хизматлари (автомобиль, темир йўл, ҳаво ташиш, шаҳар транспорт хизматлари);
- саёҳат шубҳасининг (саёҳат-экскурсия) хизматлари;
- почта ва алоқа хизматлари;
- молия хизматлари;
- сугурта хизматлари;
- таълим хизматлари;
- соғлиқни сақлаш хизматлари;
- коммунал хизматлар;
- дам олиш, маданий ва спорт тадбирларини ташкиллаштириш бўйича хизматлар.

*Моддий хизматлар* – хизматлар истеъмолчисининг моддий-маиший эҳтиёжларини қондириш бўйича хизматлар

Изоҳ – Моддий хизмат буюмларининг истеъмол хоссаларини тиклаш (ўзгартириш, сақлаш) ёки фуқароларнинг буюртмалари бўйича янги буюмларни тайёрлаш, шунингдек юклар ва одамларнинг жойдан-жойга кўчиши, истеъмол қилиш учун шароитлар яратишни таъминлайди. Жумладан, моддий хизматларга буюмларни таъмирлаш ва тайёрлаш билан боғлиқ бўлган маиший хизматлар, турар жой-коммунал хизматлари, умумий овқатланиш хизматлари, транспорт хизматлари ва ҳ.к. кириши мумкин.

*Ижтимоий-маданий хизмат* – Маънавий, интеллектуал эҳтиёжларни қондириш бўйича ва истеъмолчининг меъёрий ҳаёт фаолиятини сақлаш бўйича хизмат.

Изоҳ – Ижтимоий-маданий хизмат соғлиқни сақлаш ва тиклашни, шахснинг маънавий ва жисмоний ривожланишини, касбий маҳоратини оширишни таъминлайди. Ижтимоий-маданий хизматларга тиббиёт хизматлари, маданий хизматлар, саёҳат, таълим ва ҳ.к. хизматлар кириши мумкин.

*Хизматга стандарт* – Хизматнинг ўз вазифасига мувофиқлигини таъминлаш учун хизмат кониктириш лозим бўлган талабларни ўрнатувчи стандарт.

Изоҳ – Хизматларга стандартлар кир ювиш, меҳмонхона хўжалиги, тарнспорт, автосервис, алоқа, сугурта, банк иши, савдо каби доираларда ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Хизматлар соҳасида стандартлаштиришнинг мақсади хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини меъёрий таъминлаш ва хизмат истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Хизматларни кўрсатиш соҳасида стандартлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагиларда иборат:

- хизматлар сифати кўрсаткичларининг номенклатурасини ва буюртмачиларга хизмат кўрсатиш меъёрларини ўрнатиш;
- буюртмачиларга хизмат кўрсатиш сифатига истиқболли талабларни ва буларни текшириш усулларини ўрнатиш;
- хизмат кўрсатиш технологик жараёнларига истиқболли талабларни ўрнатиш;
- хизматларнинг хавфсизлиги, аҳолининг соғлигини ҳимоялаш, атроф муҳитни муҳофазалаш, хизматларнинг ўз вақтида аниқ бажарилиши, хизматларнинг эргономиклик ва эстетиклигини ва хизмат кўрсатиш шароитларини таъминловчи талабларни ўрнатиш;
- Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими қондаларига мувофиқ хизматларни сертификатлаштиришга талабларни ўрнатиш;
- хизмат кўрсатиш жараёнларида қатнашувчи корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;
- хизматларнинг ишончилиги бўйича талабларни ўрнатиш;
- хизматларни сифат ва (ёки) миқдор жиҳатдан баҳолаш усулларини ўрнатиш;
- хизматларни кўрсатиш соҳасида сифатни бошқариш ва стандартлаштириш доирасидаги асосий тушунчаларга оид атамалар ва таърифларни ўрнатиш.

Хизматлар соҳасида стандартлаштиришнинг асосий низомларига мувофиқ бир турли хизматларнинг муайян турларига стандартлар ишлаб чиқилади. Бундай стандартлар хизматларининг асосий тафсилотларига ва хизмат кўрсатиш шароитларига умумий талабларни ўз ичига олади: хизматларнинг нимага мўлжалланганлиги, ишончилиги, лухталиги; истеъмол усули, тавсифи; хавфсизлиги; ўз вақтида ва аниқ бажарилиши; эргономиклик; эстетиклик; одоблик; экологиклиги; қулай ва шинамлиги; мажмуилиги; кафолатни таъминлаш; миждозга нисбатан хушмуомалалик, зийраклик, ўзаро мулоқот ва б.

## 6.2 Хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаш

Хизмат истеъмолчилари ва атроф муҳит учун хизматлар хавфсизлигини таъминлашнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, хизматларни кўрсатишда хавфсизлик мажбурий талабларини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш асосий низомларини ўрнатувчи Ўзбекистон давлат стандарти қабул қилинган.

*Хизматларнинг хавфсизлиги* – Етказилган зарар ёки путур жоиз даражада чекланган ҳолат.

Изоҳ – Хавфсизлик сифат жиҳатларидан бири бўлади.

*Хизмат кўрсатиш шароитлари* – Бююртмачига хизматларни олаётган жараёнда таъсир этувчи омиллар тўплами.

Бир турли хизматлар гуруҳига ёки юқорироқ малакали хизматлар гуруҳига (хизматлар турига) алоҳида стандартда умумий талаблар ўрнатилади. Бундай талаблар: хизматларни олаётган истеъмолчиларнинг, хизмат кўрсатилаётган ва хизмат кўрстувчи субъектлар, хизматларнинг бошқа истеъмолчилари ва бажарувчиларининг ҳаёти ва соғлиғига хизматларнинг хавфсизлигини таъминлайди; хизмат кўрсатилаётган истеъмолчилар мулкнинг сакланиши; атроф муҳит учун хавфсизлик; хизмат кўрсатиш хоналарининг хавфсизлиги ва хоналарнинг моддий-техникавий жиҳозланишини таъминлайди.

Агар хизматлар сифати, хавфсизлиги хизмат кўрсатувчига (ҳодимга) кўп жиҳатдан боғлиқ бўлса, стандартга “Хизмат кўрсатувчи ходимларга талаблар” бўлими киритилади. Бу стандартда куйидаги кўрсаткичлар бўйича талаблар қўйилган: хизмат кўрсатувчи ходимлар малакаси; соғлиги; ёши; жинси; ташқи кўринишининг чиройлилиги; сўзлашув маданияти; шахсий гигиена қоидаларининг бажарилиши; ҳушмуомалалик, одоблик, тез дўстлашиш; аттестатлаш ва ходимларнинг ўрнатилган талабларга мос келишини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Келтирилган кўрсаткичларга риоя қилиш хизматларни олаётганларнинг психологик хавфсизлигини таъминлайди.

Масалан, маиший электр машиналар ва приборларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш умумий техникавий шароитларига стандарт электр приборларни таъмирлаш таснифини, умумий техникавий талабларни, хавфсизлик талабларини, қабул қилиш қоидаларини; текшириш, ташиш ва саклаш усуллари, қафолатни ўрнатади.

Умумий техникавий шароитларга стандарт талабларига мувофиқ совиткичлар, кондиционерлар, ювиш машиналари, электр плиталари ва ҳ.к. ни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга техник шартларнинг алоҳида стандартлари ишлаб чиқилади. Бу стандартлар ҳар бир турдаги прибор учун муйян талабларни ўрнатади.

Йўловчиларни ташиш бўйича транспорт хизматларининг сифат кўрсаткичлари номенклатурасига стандарт йўловчиларни ташиш барча



турида қўлланилади ва қўйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: эҳборот хизмати, қулай ва шинамлиқ, тезлиқ, ўз вақтида бажарилиши, юкнинг сақланувчанлиги, хавфсизлиқ.

Темир йўл транспортда транспорт хизматларини кўрсатишда меъёрий ҳужжатда фавқулодда вазиятлар содир бўлган шароитларда йўловчиларнинг ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳаётига хавф туғилганда поездларнинг ҳаракат тартиби ва маневрли ишлар тартиби белгиланган. Маневрли ишларни бажариш, поездларни хавфли юклар солинган вагонлар билан қўшишда ва йўлда кетаётганда алоҳида тартиб ўрнатилади.

Авиайўловчиларни ташишда учиш хавфсизлигини таъминлаш учун профилактик ташкилий ва техник тадбирлар мажмуи қўрилади. Бу тадбирлар авиацияда содир бўладиган ва содир бўлиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиши лозим, йўловчиларни, багажни, юкларни ва почтани ташиш жараёнини бажаришда ишларнинг барча босқиячларида хавфсизлиқ таъминланиши лозим.

Саёҳат-туристик хизматлар умумий техник шартлар стандартида белгиланган. Техник шартларга кўра саёҳатчиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун таваккаллиқнинг жониз даражаси таъминланади. Саёҳатда таваккаллик факторлари: жароҳатланиш, атроф муҳит таъсири, ёнгин хавфи, биологик таъсир, асабнинг бузилиши, нурланиш хавфи, кимёвий таъсир, чанг ва газлар таъсири ва б. бўйича таснифланиши мумкин.

### 6.3 Хизматлар сифатини баҳолаш

Хизматлар сифати махсулот (моллар ва хизматлар) статистик Модел таснифлагичига мувофиқ, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳар бир тури учун хос сифат кўрсаткичлари номенклатурасига асосан баҳоланади.

Буюмларни тайёрлаш ва уларнинг истеъмол хоссаларини тиклаш билан боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган хизматлар сифат кўрсаткичларининг қўлланилиши O'z DSt 1008:2001 “Хизматлар сифатини баҳолаш методикаси. Асосий низомлар.”да белгиланган. Бунда махсулот сифати кўрсаткичлари тизимига оид давлатлараро стандартларга риоя қилинади. Бу стандартлар асосида хизматлар сифатини баҳолаш методларини ўрнатувчи тармоқ меъёрий ҳужжатлари яратилиши лозим.

Хизматларнинг сифат кўрсаткичлари, умумий ҳолда, биринчи, иккинчи, зарур бўлганда эса, учинчи кўрсаткичлар даражаси бўйича тақсимланади (5- жадвал).

## Хизматлар сифат кўрсаткичларининг номенклатураси

Умумлаштирилган кўрсаткич	Комплекс кўрсаткичлар	
	биринчи даража	иккинчи даража
Хизматлар сифаги умумлаштирилган кўрсаткичлари	Функционал	Вазифаси Пухталиги, ишончлиги Эргономиклиги Экологиклиги Хавфсизлиги
	Эстетиклик	Шакллар ва композициялар Ранг бериш Сиртнинг тузилмаси ва безаги
	Ижтимоий аҳамияти	Мода Ўзига хослиги Нуфузлилиги

Хар бир биринчи даражадаги комплекс кўрсаткичнинг баҳоси хизматларнинг функционаллиги, эстетиклиги ва маънолигидан қоникқан буюртмачиларнинг сонига қараб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_i = \frac{m_i}{M_i}, \quad (19)$$

бунда  $m_i$  – хизматларнинг функционаллиги (эстетиклиги, ижтимоий маънолиги) билан қоникқан буюртмачилар сони;

$M_i$  –  $i$ - хизмат буюртмачиларининг умумий сони.

Жумладан, таъмирланган телевизорга нисбатан сифат кўрсаткичларининг номенклатураси қуйидагилардан иборат: биринчи даража – функционал, иккинчи даража – вазифалари (тасвирнинг равшанлиги ва унинг созланиши; аниқ ва контрастли кўрсатиш ва уни ростлаш; тасвирнинг бузилмаганлиги; рангнинг берилиши; товушнинг баландлиги ва уни ростлаш; танланувчанлик; овоз тембри ва уни созлаш; эргономик бошқариш қисмларидан фойдаланганда буюртмачи томонидан созлашларда таъсир кучи; равон созланиш), пухталиги (бузилмасдан ишлашлик), хавфсизлик (электр ва ёнғин хавфсизлиги) дан иборат.

Таъмирланган телевизорнинг биринчи даража кўрсаткичига эстетиклиги, иккинчи даража кўрсаткичига рангдорлик кўрсаткичлари (материалларнинг, дастакларнинг, бошқариш қисмларининг ранги) ҳам қиради.

Ахборот-маълумотнома хизмати томонидан берилган маълумотнома сифатига оид: биринчи даража – функционал кўрсаткич, иккинчи даража – вазифаси (маълумотномада келтирилган ахборотнинг ишончилиги ва тўлиқлиги), эргономиклик (ёзма ёки оғзаки маълумотномадаги ахборотнинг яхши ўқилиши, маълумотноманинг қулай сакланиши, матннинг осон ўқилиши) киради.

Биринчи даражанинг эстетик кўрсаткичи иккинчи даражани – маълумотноманинг бадий расмийлаштирилганлиги (бланканинг шакли, қўшимча расмлар, эмблемаларнинг маълумотнома бланкида борлиги, маълумотнома шрифтининг шакли) кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Хизматлар сифатини ижтимоий метод билан баҳолаш, яъни буюртмачининг ўзига кўрсатилган хизматларнинг сифати тўғрисида умумий фикрини олнш ва умумлаштирилган ижтимоий кўрсаткичларнинг сон қийматини аниқлаш йўли билан баҳолаш рухсат этилади.

Ижтимоий метод ёппасига текширишни таъминлайди, ушбу корхонага маълум вақт (ой, квартал, йил) ичида мурожаат қилган барча буюртмачиларнинг фикрини ҳисобга олишга имкон беради ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{ij} = \frac{N_{ij} - n_{ij}}{N_{ij}}, \quad (20)$$

бунда  $Q_{ij}$  – хизматлар сифати умумлаштирилган кўрсаткичи;

$N_{ij}$  –  $j$  - корхонада маълум вақт ичида  $i$ - хизмат буюртмачиларининг сони;

$n_{ij}$  –  $i$  - хизмат кўрсатиш сифати бўйича қоникмаганлигини ифодалаган буюртмачилар сони.

## 7 – боб. АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси атроф муҳитни муҳофаза қилиш стандартлари тизимини шакллантириш ва қўлланиш вазифалари алоҳида тизимларга бирлаштирилган умумий стандартлар мажмуида алоҳида ўринга эга. Бу тизим Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими (Ўз СДТ) ни такомиллаштириш бўйича асосий йўналишларни белгилайди.

Табиат муҳофазаси доирасида стандартлаштириш объектларига қуйидагилар киради:

– атроф табиий муҳит объектлари – атмосфера ҳавоси, ер усти ва ер ости сувлар, тупроқ, қазилма бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

– атроф табиий муҳитни ифлос қилувчи ва зарарли таъсир килувчи манбалар ва сабаблар, ифлослантирувчи моддалар;

– экологик тизимлар;

– табиатдан фойдаланиш меъёрлари ва қоидалари;

– табиат муҳофазаси доирасида текшириш (кичик намуналарни олиш, синаш, таҳлил, баҳолаш).

Табиий бойликлардан фойдаланиш ва атроф муҳитни ифлослашдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш масалалари доирасида давлат стандартлаштириш ишларини ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни Давтабиатқўмита бажаради. Бу ишларни бажариш учун Давлат аналитик текширув ихтисослаштирилган инспекцияси (ДавАТИИ) тузилган.

Табиатни асраш қонунларининг талабларига мувофиқ табиатни асраш доирасида давлат текшируви атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ва унинг ҳўжалик ва бошқа фаолият таъсирида ўзгаришларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлантириш, табиатни асраш қонунлари талабларининг бажарилиши ва атроф табиий муҳитнинг сифат меъёрларининг талабларига риоя қилишни текширади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш доирасида стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар атроф табиий муҳитга юқламаларнинг жойиз меъёрларини ўрнатиши ва ҳўжалик фаолиятининг атроф табиий муҳитга зарарли таъсирини чекловчи ва аҳолига экологик хавфсизликни кафолатловчи, табиий бойликларни асраш ва тиклаш талабларини ўз ичига олиши керак.

Атроф муҳит муҳофазаси доирасидаги меъёрий ҳужжат талабларининг давлат ва ҳўжалик бошқарув идоралари ва ҳўжалик юридувчи субъектлар томонидан бажарилиши ва риоя қилиниши мажбурийдир.

Ташкилот-корхона фаолият кўрсатадиган шароит атроф муҳит, шу жумладан ҳаво, сув, ер, табиий бойликлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, одамлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлигидан иборат бўлгани учун ҳар бир ташкилот-корхона атроф муҳитни бошқариш тизимини ишлаб чиқиши ва ишчи ҳолатда асраши зарур. Бунинг учун қорхона-ташкilotлар ISO 14000 серияли халқаро стандартларни Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул қилиши лозим.

Атроф муҳитни бошқариш тизимига эга бўлмаган қорхона-ташкilotлар ўзининг атроф муҳитга нисбатан эгаллаган ҳақиқий ўрнини таҳлил ёрдамида аниқлаши лозим.

Тахлил тўртта муҳим доирани қамраши лозим:

- конуний ва регламентланган талаблар;
- муҳим экологик жабҳаларни идентификатлаш;
- атроф муҳитни бошқариш билан боғлиқ бўлган барча мавжуд методларни ва процедураларни ўрганиш;
- бундан олдинги воқеаларни тахлил қилгандан кейин тесқари алоқа бўйича келган ахборотни баҳолаш.

Корхона-ташқилотнинг талабларига қўйидагилар кириши мумкин:

- саноатда қўлланиладиган қоидалар тўплами;
- давлат ҳокимияти идоралари билан келишилганлик;
- регламентланмаган рахбарий кўрсатмалар.

Атроф муҳитни бошқариш тизимининг ҳужжатлари атроф муҳитни асраш тизими асосий элементларини ва уларнинг ўзаро таъсирини тавсифлаш, шунингдек ушбу корхона-ташқилотдаги бошқа тизимларнинг ҳужжатлари билан бирлаштириш учун етарли бўлиши лозим.

Яқин ҳужжатларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- жараён тўғрисидаги ахборот;
- ташкилий схемалар;
- ички стандартлар ва ишчи процедуралар;
- жойларда содир бўладиган ҳалокатли вазиятларга мўлжалланган режалар.

Корхона-ташқилот атроф муҳитни асраш бўйича номувофиқликларни ўрганиш ва тузатиш процедураларини яратишда ва ишчи ҳолатда тутишда қўйидаги асосий жабҳаларни ҳисобга олиши керак:

- номувофиқлик сабабларини айнан ўхшатиш (идентификатлаш);
  - зарур тузатиш ҳаракатларини айнан ўхшатиш (идентификатлаш) ва бажариш;
  - номувофиқликнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун зарур бўлган назорат тадбирларини бажариш ёки такомиллаштириш;
- Тузатиш ҳаракати натижасида ёзма процедураларда содир бўлган ҳар қандай ўзгаришларни рўйхатга олиш.

Масалан, автомобиль корхонасида фойдаланиладиган сувларни тозалаш, технологик жараёнларда ва автомашиналарни ювишда сувнинг берк йўл (мумкин қадар берк бўлган йўл) бўйлаб айланиш тизimini яратиш тадбирларини бажариш; сувларни тозалаш технологиясини, бунинг учун фойдаланиладиган реагентларни; мой-сув тиндиргичларнинг усқуналари, ишлатилган ва оқинди сувларни табиий сув объектларига чиқариб юбориш шароитларини тавсифлаш лозим. Сувларни тозалаш даражасини текшириш методларини аниқлаш керак.

Корхонада автомобиллардан чиқадиган тутунларни ва уларнинг захарлилигини аниқлаш, шунингдек улардан чиқадиган шовқин даражасини ўлчаш жойларини яратиш тўғрисидаги масалаларни ечиш

зарур. Бу жойларни текшириш асбоблари билан жиҳозлаш зарур. Корхонада хизмат кўрсатиладиган автомобиллардан чиқадиган тутунларни, уларнинг заҳарлик даражасини ва шовкинни камайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Хизмат кўрсатиладиган автомобиллар паркиннинг ейилганлик даражасининг атроф муҳитга зарарлилик даражасига таъсирини ҳисобга олиш керак. Автомобилларнинг тизимлари ва механизмлари яхши ростланган техникавий тузук ҳолатда йўлга чиқишни каттик назорат қилишни таъминлаш тадбирларини кўрсатиш керак. Автомобиль ҳайдовчиларни атроф муҳит кам ифлосладиган ҳайдаш усулларига ўқитиш бўйича тавсияномалар бериш керак.

Автомобилларга ёқилғи қуйишда, автомобиль ва цистерналарни юклаш ва тозалашда атроф муҳит (тупрок, сувли объектлар, ҳаво) нинг мумкин қадар кам ифлосланиши бўйича тадбирлар режасини, шунингдек автобусларнинг салониди ва ҳайдовчи кабинасида микроклимни назорат қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш керак.

Аккумуляторларни зарядлашда электролитнинг буғланиши ҳисобига атроф ҳавонинг ифлосланишни камайтириш бўйича тадбирларни асослаш керак. Технологик жараёнларда ажраладиган зарарли моддаларнинг, автомобиллардан ишлатилган тутунлар чиқишини, атмосфераининг ерга яқин қатламида заҳарли моддалар концентрациясининг энг кўп руҳсат этилган миқдорини, бундай концентрацияларнинг ортиб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўрсатиш керак.

Шунингдек табиатни асраш тадбирларини қўлланишдан кўриладиган фойдаларни, шу жумладан бевосита (масалан, двигателдан фойдаланиш нархининг пасайиши, ёқилғини тежаш ва х.к.), билвосита (масалан, йўл ҳаракатини тўғри тартибга солиш натижасида автомобиллар оқимининг зичлиги камайтириш ва уларнинг ҳаракат тезликларини ошириш ҳисобига) кўриладиган фойда, шунингдек экологик ҳолатнинг яхшиланишидан кўриладиган “пулсиз” фойдани ҳам ҳисоблаш керак.

Корхонада ишлатиладиган ёқилғи ва мойлардан фойдаланишга, уларнинг мумкин қадар кам нобуд бўлишига онд тадбирларга, атроф муҳитнинг ифлосланишига алоҳида эътибор бериш керак. Атроф муҳит нефть маҳсулотларидан ҳам, уларнинг ёнишидан ҳам ифлосланади.

Технологик жараёнлар, ўзгарувчан ток генераторлари ва корхонада автотранспортнинг ҳаракатланиши ҳисобига пайдо бўладиган шовкинни камайтириш бўйича тавсияномаларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга ошириш зарур, товушга қарши деворлар ва чуқурларнинг қасрда жойлашганлигини кўрсатиш керак.

**1-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО  
ТАШКИЛОТ**

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) 1946 йилда Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг стандартларини мувофиқлаштириш бўйича БМТ Кўмитасининг мажлисида яратилган. Шу йилнинг ўзида Бош ассамблеянинг мажлисида ИСО нинг Устави қабул қилинди. Бу Устав ташкилотнинг статуси (ҳуқуқий мавқеи) ни, тузилмасини, асосий идоралар вазифалари ва иш усулларини белгилади.

14 октябрь 1946 – йилда бўлиб ўтган ИСО Бош ассамблеяси қабул қилган қарорига кўра, бу ташкилот Устав ва процедураларнинг Қондалари 15 та стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлар томонидан ратификация қилинган (тасдиқланган) дан кейин ўз фаолиятини расмий равишда бошлайди, деб кўрсатилган. 15 – ратификация 23 февраль 1947 – йилда Даниядан келди – бу сана ИСО нинг ташкил этилиши куни деб ҳисобланади.

ИСО нинг Уставида ёзилншича, “Ташкилотнинг вазифаси халқаро мол алмашилиши ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш, шунингдек интеллектуал, илмий, техник ва иқтисодий фаолият доирасида ҳамкорликни кенгайтириш учун бутун дунёда стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат”

**ИСО нинг идоралари, халқаро стандартларни яратиш.** ИСО нинг асосий фаолият тури халқаро стандартларни яратишдан иборат. Шунинг учун бу ташкилотнинг асосий бўлими Техник кўмиталардан иборат. Ҳозир 187 техник кўмиталар бор, жами ишчи идоралар: техник кўмиталар, кичик кўмиталар сони 552 та, ишчи гуруҳлар – 2100, умумий ҳисобда 2858 та идоралар фаолият кўрсатмоқда.

ИСО халқаро стандартлари мажбурий эмас. Ҳар бир мамлакат бу стандартларни бутунлигича, айрим бўлимларини қабул қилиши ёки умуман қўлланмаслик ҳуқуқига эга.

Халқаро стандарт маҳсулотнинг ҳар бир турига тузилмайди. Стандартларни яратиш, агар бу стандартлар мамлакатлар ўртасида савдони кенгайтириш учун зарур бўлса, агар улар инсонларнинг зарур даражада хавфсизлигини таъминлашга, соғлигини сақлашга, атроф муҳит-

ни асрашга йўналтирилган бўлса, техник идораларнинг дастурларига киритилади.

ИСО да амалда стандартларни яратиш (ишлаб чиқиш) процеду-раси техник идоралар ишида қатнашувчи барча мамлакатларга бу идораларнинг мажлисларида қатнашишга, халқаро стандартларни яратиш тўғрисида таклифни бошқа кўмиталар-аъзоларга тақдим этиш, стандартларнинг лойиҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ва овоз беришига имкон яратади.

Халқаро стандартларнинг лойиҳалари ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилади. Бу гуруҳда ҳар бир кўрилатган доирада етакчи мамлакатларнинг мутахассислари иштирок этади.

ИСО нинг ҳар бир аъзо-кўмитаси ўзининг манфаатдорлик даражасига қараб, ҳар бир техник кўмита ишида қатнашиш статусини аниқлайди. Аъзолик фаол (“Р” аъзолар), кузатувчи (“О” аъзолар) бўлади.

Фаол аъзолар ўз вакилларини техник кўмиталарнинг мажлисларига юбориш, халқаро стандартларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва кўриб чиқишда қатнашиш, кўрилатган ҳужжатлар бўйича овоз бериши шарт.

“О” аъзолар Техник кўмиталар (ТК) барча ишчи ҳужжатларининг бир нусхасини олиш ҳуқуқидан фойдаланади ва мажлисларда кузатувчилар сифатида қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон Ўзстандарт Агентлиги – стандартлаштириш бўйича миллий идора номидан 1 январь 1994 йилдан бошлаб ИСО нинг тўлиқ ҳуқуқли аъзоси бўлиб ҳисобланади.

**ИСО нашрлари.** Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот бир қатор турли материалларни нашр этади. Энг аввал, бу ташкилот ҳарfli индекс ва рақамли белги (масалан. ISO 5827) га эга бўлган халқаро стандартларни чоп этади.

Қатор ҳолларда техник докладлар чоп этилади. Бу докладларда маълум мавзу бўйича стандартлаштириш ишларининг бориши тўғрисида хабар берилади ёки одатда стандартларга қўшилидиган ахборот ва маълумотлар келтирилади.

Ҳар йилнинг февраль ойида халқаро стандартлар Каталоги (ISO Catalogue) нашрдан чиқади. Бу Каталогда халқаро стандартлар кўлланиш доиралари ва мавзу гуруҳлари бўйича жойлаштирилади.

ИСО стандартларидан ташқари МЭК билан биргаликда халқаро стандартлаштириш доирасида энг долзарб мавзулар бўйича “кўлланма” (Guides) чоп этилади.

ИСО библиографик кўрсаткичларни нашр этади. Бу кўрсаткичларда ИСО стандартлари ва стандартларнинг лойиҳалари, шунингдек ягона доирага тегишли бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари рўйхати берилади.



Маълум доирага оид ИСО стандартларининг тўлик матни мавзу тўпламларида (Hand-books) чоп этилади.

Бу нашрлардан ташқари, ўтган йил учун (ҳар йили) ИСО ишлари тўғрисида Ҳисобот ва ИСО нинг Техник дастури (йилда икки марта) чоп этилади. Бу дастурда халқаро стандартлар лойиҳаларининг сарлавҳаси ва уларни ишлаб чиқиш босқичлари кўрсатилади. 1985-йилда амалдаги халқаро стандартлар Предметли кўрсаткичи чоп этилди. Бу Кўрсаткич муҳим (KWIC) сўзлар бўйича тузилган. Ҳар йили ИСО нинг тузилмаси тўғрисида, аъзо-қўмиталар тўғрисида ва ҳар бир техник қўмитанинг фаолияти соҳаси (**ISO Memento**) тўғрисида ахборотни ўз ичига олган маълумотнома чиқади. ИСО ишлари тўғрисидаги ахборот ҳар ойлик ахборот бюллетенида (**ISO Bulletin**) акс эттирилади.

## 2-БОБ. ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРОТЕХНИК КОМИССИЯ

Электротехника соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича ишлар 1881 – йилда бошланган. Бунда Электр бўйича биринчи халқаро конгресс тузилди. 1904 – йилда Сент-Луисда (АҚШ) ҳукумат вакилларининг Электр бўйича халқаро конгресси мажлисида электр машиналар атамаларини ва параметрларини стандартлаштириш масалалари билан шуғулланувчи махсус идора тузиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундай идора – Халқаро электротехник комиссия (МЭК) расмий равишда 1906 – йилда Лондонда 13 мамлакат вакилларининг конференциясида тузилди.

1946 – йилда ИСО тузилди ва унга МЭК ўзининг молиявий ва ташкилий масалаларда мустақиллигини сақлаган ҳолда алоҳида ҳуқуқлар билан қўшилди.

Бу ташкилотларнинг секретариатлари ҳудудий жиҳатдан бир бинода Женевада жойлашган.

ИСО ва МЭК нинг фаолият соҳалари аниқ чегараланган – МЭК электротехника, электроника, радиоалоқа, приборсозлик соҳасида, ИСО эса қолган барча соҳаларда стандартлаштириш билан шуғулланади.

Мамлакатлар ўзларининг миллий қўмиталари билан МЭК да қатнашади. Миллий қўмиталар саноатнинг барча соҳалари манфаатларини ифодалайди. Кўпчилик мамлакатларда бундай миллий ташкилотлар қатнашади. Бу билан бир қаторда баъзи мамлакатларнинг МЭК да қатнашувчи миллий қўмиталар стандартлаштириш бўйича миллий

ташкilotлардан мустақил равишда фаолият юритади (масалан, бундай мамлакатларга Франция, ГФР, Италия, Бельгия ва б. киради).

Хозирги вақтда 41 миллий кўмита МЭК азосидир. Бу мамлакатларда жаҳонда ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 95 % ни истеъмол қилувчи ер шарининг 80 % аҳолиси яшайди. Булар асосан саноати ривожланган мамлакатлар. Шунингдек саноат тармоқларига эга бўлган ривожланиб келаётган қатор мамлакатлардан иборат. МЭК нинг расмий тили – инглизча, французча ва русча.

МЭК нинг асосий вазифаси юқорида номи келтирилган соҳаларда Халқаро стандартларни яратишдан иборат.

МЭК нинг олий раҳбар идораси Кенгаш бўлиб, бунда мамлакатларнинг барча миллий кўмиталари катнашади. Сайланувчи лавозимли шахсларга президент уч йиллик муҳлатга сайланади, вице-президент, хазначи ва бош секретарь киради.

МЭК техник идораларининг тузилмаси ИСО даги каби: техник кўмиталар (ТК), кичик кўмиталар (КК) ва ишчи гуруҳлар (ИГ) дан иборат. Умуман, МЭК да 80 дан ортик ТК бор бўлиб, буларнинг бир қисми халқаро умумтехник ва тармоқлараро характердаги стандартларни (масалан, атамалар бўйича, график тасвирлар, стандарт кучланишлар ва частоталар, иқлим синовлари ва б.), бошқа қисми эса, махсулотнинг муайян турлари учун (трансформаторлар, электрон техника буюмлари, маиший радиоэлектрон аппаратлари ва б.) стандартларни ишлаб чиқади.

МЭК стандартларини яратиш процедураси унинг Устави, Процедура қоидалари ва техник ишлар бўйича Умумий директивалар томонидан белгиланади. Ҳар 1-1,5 йилда ТК (КК) мажлисларда ўз ишларининг дастурларини тузади (ёки тўғрилайди). Ҳар йили МЭК дастурига 500 гача ва бундан ҳам ортик янги, халқаро стандартларни яратишни кўзда тутувчи мавзулар киритилади. МЭК/ИСО ишлаб чиққан ва 1990 йил 1 февралдан амалга киритилган Директиваларга мувофиқ амалдаги стандартни қайта кўриб чиқиш янги мавзунини ишлаб чиқиш каби қаралади.

ИСО каби, 1972 йилда МЭК ўз тавсияномаларини халқаро стандартлар деб номлади.

Хозирги вақтда 2 мингдан ортик халқаро МЭК стандартлари яратилган, бунда МЭК стандартлари ўзларида махсулотга ва махсулотни синаш методларига техник талабларнинг мавжудлиги нуктаи назардан ИСО стандартларига нисбатан анча тўлиқ тузилган бўлади. Буни, бир томондан, МЭК нинг фаолият соҳасига кирган махсулотга талабларда хавфсизликка оид талаблар асосий ҳисобланиши билан тушунтириш мумкин, бошқа томондан эса, кўп ўн йилликлар давомида тўпланган иш тажрибаси стандартлаштириш масалаларини анча тўлиқ ҳал қилишга имкон беради.

### 3-боб. СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШ

Миллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш учун 1992 – йилда МДХ мамлакатларининг (Болтиқ бўйи мамлакатларидан ташқари) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаши (ДАК) тузилди.

МДХ мамлакатлари ҳукуматларининг бошқилари 13 март 1992 – йилда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида Битимга имзо чекди.

Бу Ҳамкорлик давлатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларнинг имкониятларини ва бойликларини бирлаштиришга, илгари тўпланган тажрибалар ва меъёрий ҳужжатлардан биргаликда фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришга, шунингдек фаолиятнинг бу соҳаларида ягона техник сиёсатни амалга оширишга имкон берди. ДАК нинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи идора сифатида ишлари МДХ да қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- ягона меъёрий база – давлатлараро стандартлар, таснифлагичлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қўлланиш ва ривожлантириш;
- ягона эталон база ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимларини шу жумладан, вақт ва частоталар, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларига оид стандарт маълумотнома маълумотлари давлатлараро хизматларини шакллантириш;
- маҳсулот ва хизматларни синаш ва сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш.

ДАК нинг техник сиёсати аъзо-давлатларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идоралари, илмий-техникавий комиссиялари (ишчи гуруҳлари) ва стандартлаштириш бўйича давлатлараро ТҚ томонидан шакллантирилади.

ДАК фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича илмий-техникавий комиссиялар ёки ишчи гуруҳлар, вақт ва частотанинг бир хил ўлчанишини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро Битимни бажариш бўйича ваколатли вакилларининг Кенгаши, шунингдек стандартлаштириш бўйича 230 дан ортиқ давлатлараро ТҚ доимий ишламоқда. Ҳозирги вақтда Кенгашнинг ишчи идораси Минскда жойлашган стандартлаштириш бўйича Бюродан иборат. Кенгашни ротация асосида ДАК аъзо-мамлакатларининг стандарт-

лаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий ид-  
раларининг раҳбарлари бошқаради.

Кенгаш давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертифи-  
катлаштириш соҳасида қатор ҳукуматлараро битимларни тайёрлади ва  
булар МДХ мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг мажлисларида  
қабул қилинган. Бундай битимлар жумласига қуйидагилар қиради:

- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш со-  
ҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисида Битим (13.06.1992,  
Москва);

- Вақт ва частотани ўлчаш бирхиллигини таъминлаш бўйича  
ҳамкорлик тўғрисида Битим (09.10.1992, Бишкек);

- Қиёслаш ва метрологик аттестатлаш мақсадида чегарадан  
олиб ўтиладиган меъёрий ҳужжатлар, эталонлар, ўлчаш воситалари ва  
стандарт намуналарни олиб ўтишга божхона тўловлари, солиқлардан  
ва махсус рухсатномаларни беришдан озод қилиш тўғрисида Битим  
(10.02.1995, Алмати);

- Ўзаро етказиб бериладиган махсулотга меҳнат муҳофазаси  
бўйича келишилган меъёрлар ва талабларни ишлаб чиқиш ва риоя  
қилиш тартиби тўғрисида Битим (12.04.1996, Москва);

- Эркин савдо ҳудудида техник тўсиқлар бўйича Битим  
(20.06.2000, Москва);

- МДХ давлатларида саёҳат соҳасида давлатлараро стандарт-  
ларни ва сертификатлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий  
этиш бўйича Концепция.

МДХ мамлакатларида амалдаги техник қонунларни уйғунлаш-  
тириш мақсадида ДАК да модел қонунлар ишлаб чиқилган:

- “Стандартлаштириш тўғрисида” (Парламентлараро ассамблея-  
нинг (ПАА) 10-ялпи мажлисида қабул қилинган);

- “Ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тўғрисида” (МДХ ПАА  
нинг 11 –ялпи мажлисида қабул қилинган).

ДАК доирасида қуйидаги битимлар тузилган ва бажарилмоқда:

- Сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказиш ва ўзаро тан  
олиш принциплари тўғрисида (04.06.1992, Краснодар);

- Давлат синовлари ва ҳилини тасдиқлаш, метрологик аттес-  
татлаш, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш натижаларини,  
шунингдек синовларни, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш  
лабораторияларини аккредитлаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғри-  
сида (06.10.1992, Тошкент);

- Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт  
намуналарини яратиш ва қўлланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида  
(06.10.1992, Тошкент);

- Моддалар ва материалларнинг физик константалари ва хоссалари тўғрисида маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (06.10.1992, Душанбе);

- ДАК стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар (ИСО, МЭК) ва Европа Иттифоқи (СЕН) стандартлаштириш бўйича ташкилоти, стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилот томонидан тан олинган ва унга ИСО ва МЭК да қабул қилинган қондаларга мувофиқ “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Евро-Осиё ташкилоти (EASC) номи берилган. Юқоридаги номи келтирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик, ахборот ва меъёрий ҳужжатлар билан алмашилиш ва ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш тўғрисида узок муддатли келишувлар имзоланган.

EASC имзоланган келишув (битимлар) га асосан халқаро ва европа стандартларини давлатлараро стандартлар орқали, EASC нинг алоҳида аъзо-мамлакатлари эса, миллий стандартлар орқали қўлланиш ҳуқуқига эга. Бу давлатлараро ва миллий стандартларни ҳам халқаро, ҳам европа стандартлари билан юқори даражада уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бундай ҳуқуқдан EASC нинг аъзо-давлатлари, бу ташкилотларда аъзолик статусидан қатъий назар, фойдаланади.

Хозирги вақтда МДҲ давлатлараро стандартларининг жамғармасида 19000 дан ортик меъёрий ҳужжатлар бор. 1992 – йилдан бошлаб 3800 дан ортик давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Жамғарма ДАК нинг стандартлаштириш бўйича Бюроси томонидан, ДАК аъзо-давлатларнинг миллий идоралари билан ҳамкорликда олиб борилади.

Давлатлараро меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг талаблари халқаро, ҳудудий ва илғор миллий стандартлар билан уйғунлаштирилади. Бу МДҲ мамлакатларининг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган ягона меъёрий-техник таъминотни сақлаш учун шароит яратади, шунингдек ДАК аъзо-давлатларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни халқаро ва европа бозорига чиқаришга кўмаклашади.

#### **4-боб. ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАЛАРИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ**

Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИУ) нинг стандартлаштириш соҳасидаги фаолияти ЕИУ ни ташкил этиш тўғрисида 100 Рим шартномасининг ЕИУ аъзо-давлатлари конун, бошқарув ва маъмурий қарорларини яқинлаштиришни буюрувчи моддасига асосланган.

“Техник уйғунлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида янгича ёндашиш тўғрисида 7 май 1985 – йил Қарориди” ЕИУ Кенгаши кўйидаги принципларни тасдиқлади:

– конуларни уйғунлаштириш 100 – модлага мувофиқ директивалар доирасида хавфсизлик асосий талабларини ўрнатиш билан чекланади. Бу, Уюшма доирасида ушбу махсулот учун эркин савдо шартлари таъминланиши лозимлигини англатади;

– саноат буюмларини стандартлаштириш учун маъсул идораларга технологиянинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда техник регламентларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади. Бундай регламентларга асосан, Уюшма аъзолари директиваларда ўрнатилган умумий талабларга риоя қилган ҳолда махсулот яратиши ва фойдаланишга кўйиши мумкин;

– бундай техник регламентлар мажбурий эмас, балки ихтиёрий қўлланиладиган стандартлар бўлиб қолади;

– айна бир вақтда Уюшма маъмуриятга уйғунлаштирилган стандартлар (ёки вақтинчалик миллий стандартлар) бўйича тайёрланган махсулотнинг директивада ўрнатилган “умумий талабларга” мувофиқлигини ўрнатиш вазифаси юклатилади. Бу демакки, ишлаб чиқарувчи махсулотни бу стандартларсиз ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлса ҳам, бу ҳолда ишлаб чиқувчига ўз махсулотининг директивадаги умумий талабларга мувофиқлигини исботлашга тўғри келади.

Ўтиш даврида, ягона стандарт қабул қилинишигача, энг яхши миллий стандартлардан кенг фойдаланишга катга аҳамият берилади.

Уюшма мамлакатларининг интеграция жараёнларига талабларни кондирувчи ҳақаро стандартларни қўлланиш кўзда тутилган, агар бундай стандартлар йўқ бўлса, европа стандартлари (СЕН/СЕНЭЛЕК стандартлари) ишлаб чиқилади. Бундай стандартлар келажақда халқаро стандартлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Европа стандартларига афзаллик берилади, натижада Ғарбий Европада худудий стандартлаштиришни мустақамлаш ва ривожлантириш мумкин бўлади.

### **Стандартлаштириш бўйича Европа кўмитаси (СЕН)**

ЕИУ доирасида бирлашган бозорни яратиш бўйича вазифаларни амалга ошириш муносабати билан “техник тўсиқларни” бартараф этиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Бундай техник тўсиқлар буюмларга стандартлардаги фарк, улардан фойдаланиш қондаларининг зидлиги, хавфсизлик техникаси бўйича фарқланувчи меъёрлар, соғлиқни саклаш ва табиатни асраш меъёрларидаги фарқлар ҳисобига пайдо бўлади.

Бу муаммони ҳал қилишда европа стандартлаштиришига биринчи навбатда аҳамият берилади.

ЕИУ ва Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) вакилларининг 23 март 1961 йилда Парижда бўлиб ўтган мажлисида СЕН нинг ташкил этилганлиги эълон қилинди (СЕН 1970 – йилгача Стандартларни мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси, деб аталган). СЕН аъзолари ЕИУ ва ЕЭСА нинг 18 мамлакати: Австрия, Белгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Исландия, Италия, Люксембург, Норвегия, Нидерландия, Португалия, Финляндия, ГФР, Франция, Швеция ва Швеция стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотларидан иборат. Бу – ёпик ташкилот бўлиб, Ғарбий Европа мамлакатларининг юқорида келтирилган иктисодий гуруҳ аъзоларини бирлаштиради.

СЕН нинг биринчи мажлисидаёқ Устав ва процедура Қондалари тасдиқланди. 1970 – йилда СЕН Устави қайта кўриб чиқилади. Бунда Уставга маълум ўзгартиришлар билан бирга европа стандартлари (EN) ни мажбурий яратиш ҳам киритилган.

Стандартларни яратиш бўйича барча ишлар техник қўмиталар томонидан олиб борилади. Бундай техник қўмиталарда техник секретариатлар иктисодий гуруҳ мамлакатларидан бири томонидан бошқарилади.

СЕН доирасида 140 дан ортиқ ТҚ тузилган. ТҚ билан бир қаторда, алоҳида масалаларни ҳал этиш учун маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган.

СЕН вазифаси қуйидагилар воситасида хизматлар савдосини ва алмашинишни ривожлантиришга қўмаклашишдан иборат:

– СЕН аъзо-мамлакатларида яратилган стандартларни уйғунлаштириш ва европа стандартларини ишлаб чиқиш;

– ўзларининг директивларида ва бошқа расмий ҳужжатларида ҳавола қила олишлари учун европа стандартларини ЕИУ, ЕЭСА га, шунингдек бошқа ҳукуматлараро ташкилотларга тақдим этиш;

– электротехникада стандартлаштириш бўйича Европа қўмитаси ва стандартлаштириш масалалари бўйича бошқа илмий-техник ва иктисодий ҳудудий ҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик;

– ИСО ва МЭК орқали халқаро стандартлаштиришга ва Европада ИСО стандартларини ва бошқа халқаро стандартлар ва тавсияномаларни бир хилда қўлланишга қўмаклашиш;

– европа стандартлари асосида сертификатлаштириш билан боғлиқ бўлган хизматларни бериш.

СЕН да стандартлаштириш бўйича ишлар қўп жиҳатдан ИСО да эришилган натижалаларга асосланади ёки уларни тўлдиради.

СЕН қуйидаги соҳаларда стандартлар яратади: авиация жиҳозлари, сув иситиш газ приборлари, газ баллонлари, кўтариш механизмларининг деталлари, ошхона газ плиталари, лифтлар ва юк кўтар-

гичлар, пайвандлаш ва кирқиш, қувурлар ва трубопроводлар, насос станциялари (фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш), стеклопластикадан тайёрланган цистерналар ва бошқалар.

**Электротехникада стандартлаштириш бўйича Европа қўмитаси (СЕНЭЛЕК)**

СЕНЭЛЕК 1972 – йилда иккита ташкилот – ЕЭСА (СЕНЭЛ) аъзолари-мамлакатларининг электротехник стандартларни мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси ва ЕИУ мамлакатларининг электротехник стандартларини мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси (СЕНЭЛКОМ) нинг бир-бирига қўшилиши натижасида тузилди.

СЕНЭЛЕК аъзолари 17 европа давлатлари: Австрия, Белгия, Буюк Британия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Финляндия, Франция, ГФР, Швеция, Швециянинг миллий электротехник қўмиталаридан иборат. Бу давлатлар (Люксембургдан бошқалари) бир вақтда МЭЖ аъзоси ҳисобланади.

СЕНЭЛЕК нинг расмий тили инглизча, французча ва немисча.

СЕНЭЛЕК нинг асосий мақсадлари ЕИУ билан яқин ҳамкорликда электротехник стандартлар тўпламини яратиш, шунингдек Европа эркин савдо ассоциацияси Секретариатининг ёрдамида бу ҳудуд мамлакатларида моллар ва хизматларнинг ягона бозорини таъминлашдан иборат. СЕНЭЛЕК аъзо – миллий қўмиталарнинг тўлиқ ўзаро келишуви билан яратилган стандартларга бу вазифани таъминлаш учун муҳим восита сифатида қаралади. СЕНЭЛЕК нинг асосий фаолияти аъзо-мамлакатлар миллий стандартлари ўртасидаги ва буюмларнинг стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштириш процедуралари ўртасидаги барча техник фарқларни бартараф этишга йўналтирилган. Бундай фаолият савдода техник тўсиқларга йўл қўймаслик учун зарур. Бу иш молларнинг гарбий европа даражасида эркин юриши учун зарур қафолат деб ҳисобланади.

## **5-БОБ. ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ ДОИРАЛАРИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ**

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) 1994 – йилда савдо музокаралари бўйича Қўмитанинг Яқуний сессиясида ЖСТ ни тузиш тўғрисида Битимга мувофиқ ташкил этилади. Бу Битим Уругвайда ўтказилган саккиз йиллик (1986-1994 йй.) Кўптомонлама савдо музокараларига яқун ясади.



Сессия қатнашчиларининг таъкидлашича, ЖСТ нинг тузилиши халқаро иқтисодий ҳамкорликда янги даврни очади, барча халқларнинг фаровон яшаши учун анча оқилона ва очик кўптомонлама савдо тизими доираларида ишлашга кенг истакларни акс эттиради.

ЖСТ ни тузишда савдо музокаралари қатнашчилари “Ўзларининг савдо соҳасидаги муносабатлари ва иқтисодий сиёсати ҳаёт даражасини ошириш, тўлик бандликни ва ҳақиқий даромадлар даражасининг шиддий ва доимий ўсишини таъминлаш, талабнинг самарадорлиги, шунингдек ишлаб чиқаришни ва моллар ҳамда хизматлар савдосини кенгайтириш мақсадида амалга оширилиши лозимлигига таянишлари лозим”. Бунда иқтисодий ривожланишнинг турли даражаларида барқарор ривожланиш мақсадларида, атроф муҳитни химоялаш ва асрашга интилган ҳолда дунё бойликларидан макбул фойдаланиш лозимлиги эътиборга олинishi лозим.

Бунда ЖСТ нинг кучи ривожланаётган мамлакатларга савдодаги тарифларни ва бошқа тўсиқларни жиддий қисқартириш ва халқаро савдо муносабатларида камситишларни бартараф этиш, савдода тарифлар бўйича Бош битим (ГАТТ) асосида анча яшовчан ва барқарор кўп томонлама савдо тизимларини яратиш йўли билан халқаро савдонинг ўсишида кафолатланган улушини таъминлашга йўналтирилади.

Савдо тизимининг асосий принциплари:

- камситишсиз савдо;
- тарифларни қисқартириш ва камайтириш йўли билан бозорга кириб боришни олдиндан билиш ва кенгайтириш (1995-2000 йй да ривожланган мамлакатларнинг молларга тарифлари 40 % га қисқарди);
- оқилона рақобатни ривожлантириш;
- иқтисодий ислохотларнинг ривожланишини рағбатлантириш.

ЖСТ бўйича Битимнинг асосий қисми “Кўп томонлама савдо битимлари” ва “Қатнашчилар доираси чекланган Битим” номли ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат (Чекловлар Битимларни қабул қилган ЖСТ нинг аъзоларига тегишли). Кўрсатилган битимларга, масалан, Хизматлар савдоси бўйича бош битим (ГАТС), маҳсулотни жўнатишдан олдинги инспекция, божхонадаги нархи, импорт маҳсулотни лицензиялаш, савдодаги техник тўсиқлар (СТТ) тўғрисида битимлар, фуқаролар авиатехникаси савдоси тўғрисидаги битим, сут маҳсулотлари, мол тўғрисида бўйича битимлар ва ҳ.к. қиради.

Ўзбекистон Республикаси ЖСТ га киришни мўлжалламоқда. Кириш тўғрисида 1994-йилда ариза берилган ва шу йилнинг декабр ойида киришга тайёргарлик бўйича Ишчи гуруҳ тузилди. Ўзбекистон республикаси 1998-йилда ЖСТ га Ташки савдо Режими тўғрисида Меморандум тақдим этди. ЖСТ га кириш учун Республика ташки савдо режими Европа Иттифоқи ва ЖСТ нинг талабларига мос

келтириши лозим. Европа иттифоки савдодаги техник тўсиклар бўйича ўзининг қонунларини ЖСТ нинг қонунлари билан тўлиқ уйғунлаштирган. Шунинг учун Ўзбекистон қонунларини Европа иттифокининг қонунларига яқинлаштириш ЖСТ нинг талабларига мувофиқликни таъминлайди. Бу масалани ҳал этиш учун 1999-й да Флоренцияда (Италия) Европа иттифоки ва Ўзбекистон ўртасида Шерикчилик ва Ҳамкорлик бўйича Битим (ШХБ) имзоланди.

ЖСТ га киришга тайёрланиш мақсадида савдодаги техник тўсиклар бўйича Битим ва фитосанитария тадбирларини қўлланиш бўйича Битим талабларини бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг “Техник тартибга солиш тўғрисида” Қонуннинг лойиҳаси тайёрланди.

Савдодаги техник тўсиклар (СТТ) бўйича Битим мақсадлари учун (ИСО/МЭК 2:1996 O'zs DSt 1.10) да қабул қилинган атамалар ва таърифларнинг ўзи, лекин СТТ бўйича Битим контексти, предмети ва мақсадини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

СТТ бўйича Битим мақсадлари учун қўлланиладиган атамалар ва таърифлар:

*Савдодаги техник тадбирлар* – Молларга бажарилиши мажбурий бўлган талабларни ўрнатиш ва амалга киритиш, шунингдек молларнинг бу талабларга мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш процедураларини қўлланишни ўз ичига олган техник сиёсат тадбирлари;

*Савдодаги техник тўсиклар* – Ватанда ва халқаро амалиётда қабул қилинган техник регламентлар ва стандартлар ёки мувофиқликни тасдиқлаш процедураларидаги талаблар ўртасидаги, кўпроқ чеклашларга эга бўлган фарқ, яъни техник регламентлар ва стандартларни яратишда қонун бўйича ўрнатилган мақсадларга эришиш учун зарурийдан ортиқча чекловга эга, натижада молларни жаҳон ёки ватан бозорида сотиш учун оддий тижоратдагига нисбатан қўшимча маблаг ва (ёки) вақт сарфлашга сабаб бўлувчи фарқлар.

*Техник регламент* – Молнинг тафсилотлари ўратилган ҳужжат ёки бу тафсилотлар билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва методлари, шу жумладан қўлланиладиган, риоя қилиниши мажбурий бўлган маъмурий низомлар. Ҳужжат молга, ишлаб чиқариш жараёни ёки методига нисбатан қўлланиладиган атамалар, белгилар, идишларга жойлаш, тамғалаш ёки этикетка ёпиштиришга талабларни ҳам ўз ичига олиши ёки фақат шундай талаблардан иборат бўлиши мумкин.

*Стандарт* – Ваколатли идора томонидан тасдиқланган, умумий ва кўп марта фойдаланиш учун мўлжалланган қоидалар, қўлланмалар ёки молларнинг тафсилотларини ёки булар билан боғлиқ бўлган, риоя қилиниши мажбурий бўлмаган ишлаб чиқариш жараёнлари ва методларини ўз ичига олган ҳужжат. Бу ҳужжат ўз ичига атамалар, белгилар, тамғалаш ёки молга тегишли этикеткаларни ёпиштиришга

талабларни ҳам ўз ичига олиши ёки фақат шундай талаблардан иборат бўлиши мумкин.

Ўз DSt 1.10 да келтирилган таърифга асосан, стандартлар мажбурий ёки СТТ бўйича Битим максадларига мўлжалланган стандартлардан фаркли равишда, қўлланиши мажбурий бўлмаган ихтиёрий бўлиши мумкин.

ЖСТ га аъзо бўлишнинг муҳим шарти стандартлаштириш бўйича миллий идоралар томонидан стандартларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва қўлланишга оид виждонан яқинлашиш амалиёти Кодексини тан олиш ва риоя қилишдан иборат.

Виждонан амалиёт Кодексини тан олган ва унга риоя қиладиган стандартлаштириш бўйича идоралар СТТ бўйича Битим принцип-ларига риоя қилувчилар сифатида ЖСТ нинг аъзоси деб тан олинади.

Ўз СДТ ни ислохот қилиш асосий йўналишлари фундаментал дастлабки шартга: маҳсулот, жараён, хизматларга талабларни ўрна-тишнинг икки даражали тизимига ўтиш (риоя қилиниши шарт бўлган техник регламентларнинг талаблари ва талабларига риоя қилиш шарт бўлмаган стандартлар-ихтиёрий стандартлар) дан иборат.

Ўзбекистонда, собиқ Совет Иттифоқининг бошқа давлатларидаги каби, мажбурий техник меъёрлар стандартларда, фармакопея мақола-ларида, санитария, экологик, шаҳар қурилиш, ёнгиндан сақлаш, вете-ринария, энергетик, транспорт қондалари ва меъёрларида ва б. да ўрнатилган.

Мажбурий ҳужжатлар турининг кўплиги мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар учун маҳсулот ва хизматларни яратиш ва сотишда ҳамда ташқи савдо алоқаларида кийинчиликлар туғдиради.

Техник тартибга солиш доирасида халқаро иш амалиётига аста-секин ўтиш ва техник тўсиқлар бўйича Битим низомларига мос кел-тириш учун давлат стандартлаштириш тизимига “техник регламент”, “ихтиёрий стандартлар” тушунчалари киритилган. Ўзбекистон Респуб-ликасида қўлланиладиган меъёрий ҳужжатларнинг даражаларига хал-қаро, ҳудудий ва чет мамлакатларнинг миллий стандартлари кири-тилган.

Ҳозирги вақтда ДАК аъзо-давлатлар томонидан техник қонунлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари бўйича ишлар фасл олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда “Техник тартибга солиш асослари тўғрисида” миллий қонунлар Россия федерацияси, Беларус Республикаси, Украина, Қозо-ғистон, Молдава Республикаси, Қирғизистон Республикаси томонидан қабул қилинган.

Бундан ташқари, 2003-йилдан бошлаб, давлатлараро манфаатга эга бўлган секторларда давлатлараро модель техник қонунларни қабул қилиш жараёни бошланди. МДҲ мамлакатлари томонидан янги техник

тартибга солиш тизимига ўтиш тахминан 7 йилга режалаштирилмоқда. МДХ мамлакатларининг иқтисодиётида содир бўлаётган юқори даражадаги интеграцияни, республика саноатида давлатлараро стандартларнинг кўплиги (фойдаланаётган ҳужжатларнинг умумий сонидан 60-80 фоизни ташкил этади), Ўзбекистоннинг яқин орада ЖСТ га киришини ҳисобга олган ҳолда техник тартибга солиш соҳасида МДХ мамлакатлари билан келишилган ҳаракатларни ўтказиш зарур.

## **1-боб. СИФАТНИ БОШҚАРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ**


### **1.1 Тизимли ёндашишнинг ривожланиш босқичлари**

2001-йилда А.В.Гличевнинг “Основы управления качеством продукции” (қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи наشري. Москва, РИА “Стандарты и качество”, 2001) китоби нашрдан чиқди. Ушбу бобнинг асосий низомилари А.В. Гличевнинг номи келтирилган китобидан олинди.

Сифатни бошқаришга навбатма-навбат ёндашиш эволюцияси профессор К. Лисецки К. Адамецкий номидаги польша иқтисод Академияси томонидан график усулда жуда муваффақиятли тасвирланган (2-расм).

Графикни таҳлил қилишда икки ҳолат юзага чиқади: биринчи – 1970 дан 1998 йилгача даврда сифатни бошқаришнинг муайян шакллари ва методлари тўғрисида ҳеч нима айтилмаган. Ҳатто, 1987-йилда 9000 серияли ИСО халқаро стандартларининг қабул қилинганлиги тўғрисида эслатилмаган. Бу мутлақо тушунарсиз. Иккинчи – собиқ Совет Иттифиоқи олимлари ва мутахассисларининг бу соҳадаги ютуқлари тўғрисида эслатилмаган (“Нол нуқсонлар” тизими муаллифларининг бири – Б.А. Дубовиков бундан мустасно). Ваҳоланки, “ноль дефектов” (ноль нуқсонлар) Саратовда яратилган бенуқсон меҳнат (БМТ) ва маҳсулотни бенуқсон тайёрлаш (МБТ) тизимларининг ривожидир. Иккинчи ҳолатнинг сабаби тушунарли – совет олимлари ва мутахассисларининг илмий ишлари коллектив меҳнат натижаси сифатида мамлакатда амалий қўлланиш учун давлат стандартларига ва бошқа меъёрий-методик материаллар таркибига киритилган. Махсус адабиётларда бу ишларнинг фақат кам қисми акс эттирилган. Шунинг учун жаҳон илмий-техник жамоаси, шу жумладан К. Лисецки ҳам етарли ахборотга эга эмас эди.

А.В. Гличев қуйидаги мавзуларга ва ишланмаларнинг муаллифларига ҳаволалар қилиб, К. Лисецкийнинг сифатни бошқаришга ёндашиш эволюцияси графигини ва бундаги камчиликларни тўлдирди:



2-расм. Сифатни бошқаришга эволюцияси ёндашиш

\* Г. Тагути ва В. Шухарт исмлари бошқа манбаларда Г. Тагути ва В.А. Шьюхарт ёзилган.

1955 й. – Бенуксон меҳнат Саратов тизими – (БМТ) ёки маҳсулотни бенуксон тайёрлаш тизими (МБТ) (Б.А. Дубовиков).

1958 й – “Биринчи буёмлардан бошлаб сифат, пухталиқ, ишончлиқ, бойлиқ” – ББСПБ (Т. Сейфи).

1971 – Моторесурсни ошириш бўйича ишларни илмий ташкил этиш Ярославл тизими – МОИТ (В. Долецкий)

1975 й. – Сифатни бошқариш комплекс тизими СБКТ (А.В. Гличев, Е.Т. Удовченко).

1977 й. – сифатни бошқариш тармоқ (корпоратив) тизими (Ю. Никитин, В. Пролейко ва б.).

1978 й. – Маҳсулот сифатини бошқариш ягона давлат тизими (асосий принциплари) (В.В. Бойцов, М.И. Круглов ва б.).

1980 й. – ГОСТ “Саноат бирлашмаси ва корхонани бошқариш” (М.И. Круглов, А.В. Гличев ва б.).

1987 й – 9000 серияли ИСО сифат тизимлари бўйича стандартлари “Маҳсулотни бенуксон тайёрлаш ва уни биринчи тақдимда топшириш” ва “Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс тизими” (МСБКТ) тизимига асосан “Маҳсулот сифатини бошқариш ва бойлиқлардан самарали фойдаланишни бошқариш комплекс тизими” ишлаб чиқилди (МСБ ва БСФКТ) ва Днепропетровск области корхоналарида муваффақиятли фойдаланилди, шунингдек “Ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш комплекс тизими” ИСОКТ ишлаб чиқилди ва краснодар ўлкаси корхоналарида муваффақиятли фойдаланилди.

Ўзбекистонда ҳам иккита тизим ишлаб чиқилиб, муваффақиятли фойдаланилган: Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида “Юқори сифат, бойлиқларни кўпайтириш ва пухталиқни оширишни таъминлаш тизими” (ЮСБКПОТТ) ва Тошкент электрон техника заводида “Юқори сифат ва пухталиқни таъминлаш тизими” (ЮСПТТ).


Бу тизимлар юқорида келтирилган сабабларга кўра К. Лисецкиннинг графигига кўшилмаган.

### 1.1.1 Сифатни текширишдан сифат тизимларига ўтиш

АҚШ да сифатни текшириш тўғрисида энг илк маълумотлар 1924-йилга оид бўлган. Бунда “Белл телефон” компаниясининг лабораториясида доктор В.А. Шьюхарт саноат маҳсулотининг сифатини таҳлил қилиш учун статистик текшириш картасини биринчи бўлиб қўлланди. 1931 й. да В.А. Шьюхарт “Саноат маҳсулотини сифатини иқтисодий текшириш” номли китобини нашр этди. Бу китобда сифатни текширишнинг *иқтисодий жабҳалари* кўриб чиқилган.

Э. Деминг оддий статистик методларнинг назарий асосларини ва Э. Деминг, Дж. Джуран жараёни статистик текшириш назарий асослари устида иш олиб борган.

Сифатни яхшилаш бўйича ишлар навбатини график усулда тасвирлашга уринишлар бўлган. 1950 й. да статистик методлар бўйича америка олими ва мутахассиси Э. Деминг япон мутахассислари учун ўтказган семинарида сифат тизимининг моделни умумий кўринишда намоён қилди (3-расм).



Маҳсулот сифатига оид фикрлар

Маҳсулот сифати учун масъуллик хиссиёти

3-расм. Сифат тизимининг биринчи модели.

Э. Деминг ўз моделини қуйидагича тавсифлаган:

*“Бу диаграмма, менимча, тушуниш учун жуда оддий, мен уни тўрт секторга ажратилган “гилдирак” кўринишида ёздим. Гилдирак “”маҳсулот сифатига оид фикрлар” ва “маҳсулот сифати учун масъуллик сезгиси чизиги бўйлаб гилдирайди. Энг муҳими шундаки, гилдиракнинг барча тўрт қисми бир-бири билан бевосита боғланган бўлиб, унинг боши ва охири йўқ. Айнан шу сабабли ҳам мен доира ясадим”.*

Семинарда келтирилган сифатни бошқариш тизими принципи ва фикрига миннатдорчилик учун Японияда Деминг номидаги миллий мукофот таъсис этилди. Япон мутахассислари биринчи моделда маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ишларни ташкиллаштиришга тизимли ёндашиш ғоясини кўрди, таъкидлади ва ўз фаолиятларида ишлаб чиқиб, фойдалана бошлади. АҚШ да ҳам шундай мукофот – Малкольм Болдريدж номидаги миллий мукофот, Сифат бўйича Европа мукофоти, Россия Федерацияси Хукуматининг мукофоти таъсис этилди ва б.



Ўтган асрнинг 80-йилларида сифатни режалаштириш, сифатни ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш масалаларига катта эътибор бера бошланди. АҚШ нинг сифатни бошқариш бўйича машхур мутахассиси профессор Дж. Джуран фикрича, АҚШ фирмалари ўзларининг сифат сиёсатида асосий диққатни сифатни текширишга қаратди, бу билан, сифат тафсилотларини “музлатиб” қўйди, натижада сифат инкирозига учради.

Дж. Джуран фикрича, сифатни режалаштириш сифати таъминлашдаги учта муҳим смир (режалаштириш-текшириш-сифатни ошириш) нинг биридир. Бунда сифатни режалаштиришда истеъмолчининг фикри асос бўлади – фақат истеъмолчи ўзига нима кераклигини яхши билади. Дж. Джураннинг айтишича, истеъмолчи буюм билан бирга унинг иш имкониятларини ҳам сотиб олади ва айнан шу нарса истеъмолчи учун муҳимдир. Агар бозор паркетни ялтиратувчи лакни таклиф этса, истеъмолчи полартгич ўрнига лак сотиб олади. Сифатни режалаштиришда истеъмолчилар доирасини ўрнатиш ва уларнинг эҳтиёжини аниқлаш ва бу асосда буюмнинг тафсилотларини ишлаб чиқиш ва буларни таъминлаш усулларини таъминлаш муҳим масала бўлади.

Дж. Джуран таъкидлаган эдики, *“Бизга сифатни кенг режалаштириш ва текширишда ягона ёндашиш етишмайди. Биз мақсадларнинг бирлиги зарурлигини сезмоқдамиз, “ҳар ким ўзи учун” бўлаётган ҳолат бизни ташвишга солмоқда...”*

*Ягона режалаштиришнинг йўқлигига аниқ исботлар бор ва биз бундай ҳолатдан ҳониқмаймиз”.*

### 1.1.2 Маҳсулотни бенуқсон тайёрлаш тизими

Маҳсулотни бенуқсон тайёрлаш (МБТ) ва уни ТТБ га ёки бюртмачига биринчи тақдимдаёқ топшириш Саратов тизими Саратов самолетсозлик заводида 1955 йилда ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Бу тизим заводда Б.А. Дубовиковнинг бевосита иштирокида яратилди.

Ҳисобот вақти смена, ҳафта, ой ичида маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ топшириш фоизи билан тавсифланадиган меҳнат сифатини баҳолаш тизими асосида сифат кўрсаткичи қуйидагича аниқланди:

$$K = \frac{P_T}{N_T} \cdot 100\%, \quad (21)$$

бунда  $P_T$  –  $T$  вақт ичида биринчи тақдимдаёқ ТТБ қабул қилган маҳсулот миқдори;

$N_T$  –  $T$  вақт ичида ТТБ га тақдим этилган маҳсулот миқдори.

Бунда алоҳида ишчи, бригада, участка, цехнинг меҳнат сифати баҳоланган, баҳо натижаси бўйича мукофот миқдори аниқланган.

Саратов тизимини Ўзбекистоннинг 24 халқ хўжалиги тармоқлари қўллаган. Айниқса, бу тизим электротехника, электрон ва енгил санат корхоналарида самарали ишлади. Масалан, Тошкент радиодеталлар заводида биринчи тақдимадаёқ буюмларнинг 99,5 фоизи, “Тошкён-кабель”, электрон техника, “Қизил Тонг” тикувчилик фирмасида, Олмалиқ мебель фабрикасида – 95 фоизи ТТБ га топширилган. Кейинчалик Ўзбекистон корхоналари бенуксон меҳнат тизимига ўтди. Бу тизим Саратов тизимининг “Львов варианты” номи билан маълум бўлиб, Львов телеграф аппаратлари заводида яратилган.

БМТ да меҳнат сифатининг асосий кўрсаткичи ТТБ га ва буюртмачига биринчи тақдимада топширилган маҳсулот фоизи эмас, балки куйидаги формула бўйича аниқланадиган меҳнат сифатининг умумлаштирилган мезони ( $K_{\text{мс}}$ ) дан иборат:

$$K_{\text{мс}} = K_o - \sum_{i=1}^n K_{\text{ки}}, \quad (22)$$

бунда  $K_{\text{мс}}$  – меҳнат сифати коэффиценти;

$K_o$  – меҳнат сифати меъёри деб қабул қилинган ва одатда бирга тенг коэффицент;

$n$  – меҳнат сифати коэффицентини пасайтиришда фойдаланадиган кўрсаткичларнинг умумий сони;

$K_{\text{ки}}$  – меҳнат сифатига ўрнатилган талабларни  $i$  – кўрсаткич бўйича бузганлиги учун баҳони камайтириш коэффиценти.

Кейинчалик, мамлакатимиз корхоналарида меҳнат сифатининг умумлаштирилган коэффицентини ҳисоблашда нафақат ижобий камчиликларни тавсифловчи кўрсаткичлар, балки меҳнат сифатига ўрнатилган талаблардан ортиқ ишда ижобий натижаларни акс эттирувчи кўрсаткичлар ҳам ҳисобга олина бошлади. Бу ҳолда:

$$K_{\text{мс}} = K_o + \sum_{m=1}^m K_m + \sum_{i=1}^n K_{\text{ки}}, \quad (23)$$

бунда  $m$  – меҳнат сифати коэффицентини оширишда фойдаланиладиган кўрсаткичларнинг умумий сони;

$K_m$  – меҳнат сифатига ўрнатилган талаблардан ошганлик учун баҳони ошириш коэффиценти.

Бунда меҳнат сифати коэффиценти бирдан катта бўлиши мумкин.

Бенуксон меҳнат методига ўтиш, одатда, ишлаб чиқариш-техник базани такомиллаштиришни талаб қилади.

Кўкон суперфосфат заводида суперфосфатни омборда сақламакдан этилтириш янги технологик схемаси жорий этилди, тебранма элак такомиллаштирилди, қуритиш барабанларининг иссиқлик режимини аўтоматлаштириш ўғитларни намлиги 3 % дан ошмайдиган қилиб чиқаришга имкон берди. “Тошкенткабель” заводида асосий технологик, текшириш-ўлчаш ва синаш ускуналари тартибга туширилди, МАРС-200 турдаги иссиқлик режимларини аўтоматик ростлаш машиналари ишга туширилди ва ҳ.к. Енгил саноат корхоналарида ҳам ишлаб чиқариш базаси такомиллаштирилди.

Тизим ишлаган шароитларда текшириш, ҳисобга олиш, таҳлил, кадрлар тайёрлаш тизимлари қайта ташкиллаштирилди ва такомиллаштирилди. Сифат мактаблари, сифат кунлари кенг қўламда ёйилди.

Саратов тизими кейинчалик маҳсулот сифатини бошқариш комплекс тизимига таркибий қием сифатида киритилди.


### 1.1.3 Сифатни бошқариш тизими

А. Фейгенбаум замонавий ишлаб чиқариш ва истеъмол шароитларида “сифат” тушунчаси билан боғлиқ бўлган масалалар доирасини куйидагича ифодалайди: “Чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини муттасил кенгаяётган шароитларда истеъмолчи, яъни уй бекаси бўладими, ёки саноат корпорацияси, универсал дўконлар тармоғи ёки вазирлигимиз, маҳсулотни сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлигини сифатга қараб аниқлайди. Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс тизимлари пухта ишлаб чиқилган ва самарали ишлаганда фирманинг рентабеллигини ва қатта фойда кўришини таъминлайди. Сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш натижасида корпорациялар чиқариладиган маҳсулот ҳажминини катталаштирмоқда, меҳнат унумдорлигининг ошишига эришмоқдалар, сифатга харажатларни жиддий камайтириш ва рақобатбардошликни оширишни таъминламоқда”.

Демак, *“Сифат моҳияти ташкиллаштиришни бошқариш самарасорлигининг кўрсаткичидан иборат”*.

А. Фейгенбаумнинг аниқлашича, сифатни бошқариш эволюцияси XX асрга хос хусусият бўлди. Бунда сифатни бошқаришга ёндашишда асосий ўзгаришлар тахминан ҳар 20 йилда содир бўлди (4-расм). А.В. Гличевнинг фикрича, А. Фейгенбаум сифатни бошқариш шакллари ва методларининг изчилик билан интеграцияланиши умумий тамойилини тўғри белгилаган. Сифат тизимлари бўйича баъзи мутахассисларда, сифатни бошқаришнинг янги методининг пайдо бўлиши илгариги

шакллар ва методларни йўққа чиқаради, деган фикр бўлган. Масалан, бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай фикр бўлганки, МСБ КТ маҳсулотни бенуксон тайёрлаш ва уни биринчи тақдимдаёқ топширишни йўққа чиқаради. Бунга қарамай, маҳсулотни бенуксон тайёрлаш МСБ КТ нинг ажралмас элементиدير.



4-расм. Сифатни бошқариш эволюцияси.

Сифатни бошқаришни ривожлантиришнинг биринчи босқичи XIX асрга хос бўлиб, бунда бир ишчи ёки ишчилар гуруҳи барча буюмлар сифатига масъул бўлган – *сифатни индивидуал текшириш* қўлланилган.

XX аср бошлари учун хослик шундан иборат бўлдики, бунда умумий ишни ишчилар гуруҳи бажарадиган корхоналар пайдо бўлди, буларнинг тепасида *сифатни мақсадли текширувчи* цех устаси турган.

Ишлаб чиқариш мураккаблашиши билан бу ишга ишчиларнинг катта гуруҳлари қўшилади, бу эса штатли текширувчиларни жалб этишни талаб қилди – *маҳсулотни қабул қилишда сифатни текшириш* усули киритилди. Бошқарувчилар томонидан бошқариладиган алоҳида йирик текшириш хизматлари пайдо бўлди.

Учинчи босқич давоми 60-йилларга тўғри келади – *сифатни статистик текшириш бошланиб*, бунда текширувчилар статистик

асбоблар: яроқсиликка чиқариш текшируви карталари ва текшириш карталари билан қуролланди.

*Сифатни комплекс бошқариш* – бешинчи босқич сифат муаммоларини комплекс ҳал этиш талаби туфайли юзага келди.

А. Фейгенбаум фикрича, сифатни комплекс бошқариш – нафақат бошқариш функцияси, балки бутун ташкилот ва корхонанинг сифат соҳасидаги ўзаро боғланган кўп вазифали фаолиятидир.

А. Фейгенбаум сифатни комплекс бошқаришнинг бутун ташкилотга таъсирига алоҳида эътибор беради. Бундай бошқарув истеъмоличининг талабларини кондирришга йўналтирилган бошқарув ва техника ишларни бажаришни талаб қилади. Бундай вазифа умумий раҳбарият, маҳсулотни харидга чиқариш тизими, лойиҳалаш бўлимлари, ишлаб чиқариш, фирма маъмурияти ва ходимлари, молиялаш тизими, хизмат кўрсатиш ва сифатни бошқариш функциясининг биринчи даражали мажбурияти бўлади.

А. Фейгенбаум яна шундай ёзганки, “... корхона раҳбарияти англаб етиши керакки, сифатни бошқаришнинг комплекс тизими сифатни ошириш ёки харажатларни камайтириш учун мўлжалланган муваққат лойиҳа эмас. Фақат сифатни ошириш ва харажатларни камайтириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар бартараф этилгандан кейингина сифатни бошқариш тизими корхона раҳбарияти учун маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган доимий ишлайдиган ричагга айланади”.

АҚШ олимлари ва мутахассисларининг фикрича, яхши ташкилланган ишлар ва самарали сифатни бошқариш тизими сўзсиз бир шарт билан яратилиши мумкин – бу ишни шахсан корхона раҳбари бошқариши лозим.

60-70 – йилларда АҚШ да сифатни бошқариш бўйича олимлар ва мутахассисларнинг, шу жумладан А. Фейгенбаумнинг қатор ишларида шундай фикр бўлганки, сифатни бошқариш ва таъминлаш – корхоналарни бошқариш махсус хизматлари ва текшириш хизматларининг вазифасидир. Бу шундай тушунтирилганки, сифат тўғрисидаги ғамхўрлик ҳаммага тарқатилганда ҳеч кимники бўлиб қолади. Лекин Японияда бутунлай бошқача – сифатни таъминлаш – бутун ходимлар ишидир. Бу масалада бир томонлама фикр юритмаслик керак: бу ерда сифат муаммосини ечишда махсус хизматларнинг ёки бутун ходимларнинг иштирок этишини белгиловчи сабаблар кўп бўлиши мумкин. Мухими АҚШ ва Японияда фирмалар эришаётган натижадир, умумий гоа – маҳсулот сифати муҳимдир.

### 1.1.4 Сифатни таъминлаш Тошкент тизими

Буюмларнинг сифатини ошириш меҳнат сифати билан чамбарчас боғланган. Ўзбекистон саноати турли тармоқларининг корхоналарида бенуксон меҳнат тизими (БМТ) га катта қизиқиш бўлган. Бенуксон меҳнатни жорий этиш ҳар бир тармоқ ва ҳар бир корхонанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бенуксон меҳнатни тизимини қўлланувчи корхоналар ва тармоқлар ҳар йили кўпая борди. Булар ичида авиация, тўқимачилик, йўл-қурилиш, нефть-кимё ва кишлоқ хўжалик машинасозлиги, электротехник, радиоэлектрон, кимё, тикувчилик, тўқимачилик, мебель ва металлургия саноати корхоналари, кишлоқ хўжалиги корхоналари бор. Бу тизимни жорий этиш устида, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳада: конструкторлик ташкилотларида, илмий-тадқиқот институтларида, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам муваффақиятли ишлар олиб борилди.

Минглаб ишчилар ўз маҳсулотларини биринчи тақдимдаёқ ТТБ га топширдилар, кўп илгор ишчилар ўзларининг хусусий сифат тамгаларига эга бўлди, юзлаб цехлар ТТБ томонидан доимий текширувсиз ишлай бошлади.

Бенуксон меҳнат тизимини Ўзбекистон корхоналарининг иш амалиётига жадал жорий этишнинг икки босқичини кўриш мумкин.

Биринчи босқич Собик Средазсовнархознинг 22 июнь 1964 й. №139 “Маҳсулот тайёрлашнинг саратов методини жорий этиш тўғрисида” қарори билан, иккинчи босқич – республика корхоналарида чиқариладиган маҳсулот сифатини ошириш бўйича тадбирлар тизимини жорий этиш тўғрисида қарор билан боғлиқ.

Шундай қилиб, бенуксон меҳнат тизими дастлабки саратов вариантда Ўзбекистон саноатида 1964-йилдан бошлаб кенг қўллана бошлади. Лекин, айрим корхоналар БМТ ни жорий этишга анча илгари тайёрлана бошлади. 1959-йилда Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи бўйича буйрук билан сифатни яхшилаш ва маҳсулотни биринчи тақдимдан топшириш тизими жорий этилди. Бу тизимни кейинчалик такомиллаштириш жараёнида тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда олган уч йилдан кейин “Маҳсулотни бенуксон тайёрлаш ва уни ТТБ га ва буюртмачига биринчи тақдимдан топшириш тўғрисида” низом тайёрланди. БМТ тўртта цехнинг ишида синаб кўрилди ва унинг самарадорлигига ишонч ҳосил қилгач, янги низомни бутун корхонага жорий этилди. Буюмларни бенуксон тайёрлаш ва чиқариш масаласини комплекс ва самарали ҳал этишни таъминловчи йўллари излаш маҳсулотни тайёрлаш, текширишга тақдим этиш тартибининг ва бажарувчиларнинг масъуллигини аниқ белгиловчи тизимни яратиш заруриятига олиб келди.

Завод ходимларининг бир гуруҳи етакчи мутахассислар бошчилигида МСБ КТ ишлаб чиқилди ва муваффақиятли ишлади. Бунинг учун Рубий И.Я., Маллин У.Р., Фролов Ю.М., Шубин И.С., Шевченко П.М. Кадишев С.И. номидаги мукофотга сазовор бўлди.

Заводда яратилган ва жорий этилган юқори сифат, бойликни кўпайтириш, пухталиқни оширишни таъминлаш илмий-асосланган тизими (ЮСБКПОТТ) маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлаш вазифасини ҳал қилишда яқиний босқич ва жиддий қадам бўлди.

Бу тизимни янги машиналарни серияли ишлаб чиқаришда қўлланиш тажрибаси унинг юқори самарадорлигини кўрсатди. Тизим машиналарнинг конструкциясини такомиллаштиришдан бошлаб, улардан фойдаланиш техник даражасини оширишга бўлган масалаларнинг кенг қўламини қамрайди.

Тизимнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

I – машиналарнинг конструкциясини такомиллаштириш;

II – технологик жараёнларни такомиллаштириш;

III – ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни такомиллаштириш;

IV – ишлаб чиқариш маданияти ва саноат эстетикасини ошириш;

V – деталлар, узеллар ва агрегатларни юқори сифатли тайёрлашни таъминлаш;

VI – ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида текширувнинг объектив методларини жорий этиш;

VII – буюмлардан фойдаланиш (эксплуатация) техник даражасини ошириш;

Етгита энг муҳим мақсадларнинг ҳар бири корхонанинг ўзаро боғланган участкаларида ишлар комплексини ўз ичига олади, бу участкалар келишилган тадбирларни амалга оширади, бу тадбирларни асосий масалани ҳал этишга – сифатни яхшилашга, бойликни кўпайтиришга ва пухталиқни оширишга йўналтиради.

Тизимда ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш, технологик жараённи такомиллаштириш, оғир сермехнат ишларни комплекс механизациялаштириш, замонавий юқори унумли ускуналарни жорий этишга муҳим ўрин ажратилган.

Жумладан, кейинги йилларда буюмларнинг пухталигини ошириш ва бойликни кўпайтириш учун корхонада турли металллар ва қотишмалардан тайёрланган деталларни мустаҳкамлашнинг истикболли методлари, юпка деталларни титратма силлиқлаш абразив кукун билан суюқ муҳитда ишлов бериш жорий этилди, қотишмаларни аргон – ёй найвандлаш истикболли технологияси, механизациялаштирилган пайвандлаш – қиздириш элементларини қавшарлаш, сифонларни автоматик пайвандлаш ўзлаштирилди, механизациялаштирилган омборларни лойиҳалаш ва қуриш беш йиллик режаси ишлаб чиқилган.

Механика цехларида ишлар ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш ва юкори унумли янги ускуна ва асбобларни жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш ва сифатни яхшилаш йўналишида олиб борилмоқда. Механикавий ишлов бериш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш вазифалари сонли дастур билан бошқариладиган (СДБ) ускуналарни кенг қўламда жорий этиш ҳисобига ҳал этилган. СДБ ли ускуналар парки узлуксиз ўсмоқда. Механикавий ишлаб бериш технологик жараёнлари, шу жумладан қириндиларни йиғиштириш ҳам юкори даражада механизациялаштирилган.

Биргина механикавий ишлов беришда истиқболли технологик жараёнларни жорий қилиш натижасида материаллардан фойдаланиш коэффициентининг жиддий катталашшига ва меҳнат сарфини 500 минг норма-соатга шартли камайтиришга эришилди.

Ишлаб чиқаришда олмосли асбоблардан кенг фойдаланилмоқда. Бундай асбоб меҳнат унумини жиддий ошириш ва ишлов бериш сифатини яхшилашга имкон беради. Механика цехларида, айниқса СДБ ли станокларда универсал-йиғма мосламалар ва универсал-кайта созланадиган ёрдамчи жиҳозлар янада ривожлантирилмоқда.

Қабул қилинган сифат тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида қатор муҳандислик, иқтисодий ва тарбиявий тадбирлар жорий этилди. Тизимнинг асосий йўналишларидан бири – маҳсулотни бенуксон тайёрлаш ва уни биринчи тақдимдан ТТБ га топшириш янада ривожлантирилди. Ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларни – маҳсулот сифати учун бевосита бажарувчиларни рағбатлантириш учун қатор низомлар чиқарилди. “Сифат аълочилиси” унвонини тасдиқлаш тўғрисида” низом ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу унвонни топширишда фахрий ёрлик, кўкракка тақилладиган белги ва пул мукофоти ҳам берилади. Унчалик муҳим бўлмаган операцияларни текшириш бажарувчиларнинг ўзига топширилмоқда. Шахсий тамғалар 1150 ишчига топширилган.

Заводнинг барча цехлари ва хизматлари бу ерда келтирилган схема бўйича ишлаган. Бу схема заводга чиқариладиган буюм сифатини оширишга ва уларнинг ресурсини 3,5 марта кўпайтиришга, монтаж ишларининг циклини қисқартириш ва меҳнат сарфини камайтиришга, буюмларнинг ишда бузилиши ҳолларини ва бунга мос ҳолда машиналарни ишга лаёқатли ҳолда асраш харажатларини истеъмолчиларда камайтиришга имкон берди. Рекламациалар сони 2,5 марта, брақдан нобудгарчиликлар эса 4,6 марта камайди.

ЮСБКПОТТ ни ишлаб чиққанлиги ва жорий этганлиги учун раҳбарлар ва етакчи мутахассислар гуруҳи (Жадишев С.И., Балакирев Д.П., Поспелов К.С., Тохтаев Т.М., Маллин У.Р., Сафаров К.А.,



Фролов Б.Г., Галеев М.С. ва б.) авиация саноатининг мукофотини олди.

Тошкент электрон техника заводида юкори сифат ва пухталикини таъминлаш тизими (ЮСПТГ) яратилди ва жорий этилди. Бу тизимнинг асосий мақсади ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида деталлар, узеллар, тайёр буюмларнинг юкори сифатли тайёрланишини таъминлаш ва сифатни статистик текшириш методларини жорий этишдан иборат.

Бу заводда 1968-йилдан бошлаб цехлар ишининг сифатини баҳолаш ва хусусий тамга тўғрисида низомлар жорий этилган. Мавжуд низомга кўра сифат коэффициентини 7,5 баллдан паст бўлган цехга афзалли ўрин берилмайди. Цехларда алоҳида бажарувчилар ва бригадалар ўртасида мусобақалар ташкиллаштирилган. Маҳсулот сифати учун моддий рағбатлаштириш мақсадида меҳнат ишбай ҳақ тўлаш янги тизими жорий этилган. Бунда мукофот тайёрланган маҳсулот сифатини ҳисобга олган ҳолда берилади. Вактбай-мукофот тизимида мукофот маҳсулотни биринчи тақдимдан топширишнинг маълум фўизи учун берилади. Хусусий тамгани қўлланиш ҳуқуқига эгат бўлган ходимларга маошга 10 % микдорда қўшимча ҳақ тўланади.

Тизими жорий этиш натижасида бенуқсон яримўтказгичли приборларни буюртмачиларга топшириш 11,8 фўизга ошди, рекламациялар сони эса 3 марта кискарди.

Меҳнат ва маҳсулот сифатини бошқариш муаммосига тизимли ёндашиш Ўзбекистоннинг бошқа корхоналарида ҳам кенг қўлланилган.

### 1.1.5 “Нол нуқсонлар” тизими

1965-йилда Саратов тадбирлар тизими тамойиллари асосида америкалик Ф. Кросби томонидан “Нол нуқсонлар” (“Zero defects”) номли тизим тақлиф этилди. Бу тизим АҚШ нинг ҳарбий-саноат комплексида қўллана бошланди, кейинчалик бу тизим АҚШ, Япония, Франциянинг бошқа корхоналарида – “Alles ohne fehler” (“ҳаммаси хатосиз”) қўллана бошлади.

К. Лисецкининг график шаклда тасвирланган (2-расм) сифатни бошқаришга ёндашиш эволюциясида “Нол нуқсонлар” тизимининг муаллифлари сифатида Ф. Кросби, Т. Катарбински, Б. Дубовиков, И. Халпин келтирилган.

Ҳар бир мамлакатда, ҳар бир корхонада тизимлар маълум фаркка эга бўлган, лекин асосий тамойил – ишларни белгиланган талабларга аниқ мос равишда бажариш ва ўз ишининг сифати учун шахсий масъуллиги – ҳамма жойда бир хил бўлган.

Бенуксон меҳнат, лойихалаш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш жараёнлари одамларнинг ижодий меҳнати билан амалга оширилади ва буюмларнинг сифати айнан ушбу меҳнатга боғлиқ, деган фикрга асосланган. Бунинг учун ўзаро боғлиқ тарбиявий, ташкилий, муҳандислик-техник тадбирлар мажмуини бажариш зарур. Сифатсиз миқдор йўқ, бу икки кўрсаткич бир-бирига боғлиқ ва алоқада бўлади. Сифат – бу иқтисодий, бу меҳнат унумдорлиги, бу ишлаб чиқаришнинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичлари занжирининг асосий звеносидир. Бажарувчиларни ўзини-ўзи текшириш методи билан сифатни яхшилаш масалаларини ҳал этишда бевосита қатнашишга жалб қилиш керак. Б.А. Дубовиковнинг айтишича, “... қўйилган мақсадга эришишнинг ягона тўғри йўли буюмларни яратувчилар меҳнатининг сифатини бошқариш воситасида буюмлар сифатини бошқаришдан иборат”.

АҚШ Орlando шаҳаридаги “Martin” фирмасининг сифат бўйича директори ўзининг “Бенуксонлик – сифатни таъминлаш муаммосига янгича ёндашиш” китобида қизиқ бир фикр билдириб, инсон, агар ўзига тегишли бўлса, хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилади, маънода бундай деган: “...одам ойда бир ёки икки марта уйга қайтаётганда бошқа эшикка ўзини урадими?...агар тиш доктори унинг касал эмас, балки соғ тишини олиб ташласа, “инсон адашиши мумкин” деб ҳисоблайдими? Инсон шахсан ўзининг мафаатига тегишли бўлса, бошқалардан юқори даражада мукамалликни талаб этади”.

Ишчининг ишда хатоликка йўл қўймаслигига қандай эришиш мумкин?

Ҳар бир ишчини ўзи тайёрлаган деталлнинг муҳимлигини, умумий меҳнатдаги ўз улуши аҳамиятини билиши учун пировард буюм билан таништириш керак. Мудофаа саноатида космонавтлар, синовчи-учувчилар ишчилар билан учрашганда яхши натижалар бўлди, чунки ҳаёти сизнинг иш маҳоратингизга, сифатига боғлиқ бўлган одам билан учрашиш анча ҳажонгли бўлади.

Сифат стратегиясини яратиш – ҳар бир корхона, ҳар бир фирманинг вазифасидир.

Фирма сифатни тизимли бошқаришни ташкиллаштиришда ўзига “сифат” тушунчасига қандай маъно беради ва унинг мезонлари қандай бўлади, деган саволларни беради. Гарвард бизнес мактабининг профессор Д. Гарвин тўпланган тажрибани умумлаштириб, сифатнинг бешта энг муҳим мезонларини аниқлайди:

- Стандартга мувофиқлиги;
- Энг яхши моллар – аналогларнинг техник кўрсаткичларига мослиги;
- Барча ишлаб чиқариш жараёнларига юқори даражада аниқ роля қилиш;

- Сифатнинг харидорларнинг сотиб олиш имкониятларига мослиги.

Сифат даражасини сақлаб туриш учун бу мезонларнинг бирортасини ҳам бузмаслик керак.


Фирманинг бош раҳбари сифатни комплекс бошқариш гоҳсини қандай идрок қилади, бу билан боғлиқ бўлган турли тадбирларни жорий этишга қандай ёндашади, маҳсулот сифатининг ана шу муаммоларга боғлиқлиги ҳаммага маълум.

Раҳбарнинг мухим хислатларидан бири фирманинг мақсадлари ва вазифаларини ишчиларга аниқ ва тушунарли шаклда ифодалаш, уларни малака ошириш афзалликларига ишонтириш, ўз илмидан қониқиш, фирманинг обрўси учун гурурланиш хиссиётини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Япониялик устага берилган йўриқномаларнинг бирида кўрсатилишича, ўзининг ишлаб чиқариш мажбуриятларини бажаришдан ташқари, ишчининг исмини билиши, у билан қўл бериб саломлашиши, сменада бир марта унинг соғлиги билан, иккинчи марта – хотин-болаларининг соғ-саломатлиги билан қизиқиб, сўраши лозим.

### 1.1.6 Сифатга японча ёндашиш

Э. Демингнинг сифат тизимининг биринчи модели эълон қилингандан икки йилдан сўнг 1952-йилда япон олими Каору Исикава сабаблар ва оқибатлар диаграммаси (5-расм) номи билан сифат тизимининг оддий ва қулай функционал график моделини таклиф этди.



5-расм. Сабаблар ва оқибатлар диаграммаси.

Диаграмма кўпинча “балик скелети” ёки “балик суяги”, деб аталади.

Диаграмма ҳар қандай жараённинг сўнги натижасига таъсир кўрсатувчи турли омилларни бирлаштиради ва сабаблар-натижа схема бўйича уларни тизимлаштиради.

Ҳар бир чизикча (Ўқ-ёй) сифатига таъсир этувчи жараённи йириклаштириб ифодалайди. Масалан, Одам жараёнда бажарувчи сифатида баҳоланади: соғлиги, рухий ҳолати, диққат-эътиборсизлиги, совуққонлиги, ишда ўзини тутиши, тез-тез гаплашиб туриши, тажрибаси, малакаси, ишнинг уддасидан чиқа олмаслик, кўполлик, онглилик ва ҳ.к. аниқланади.

Моделнинг бундай шакли амалга ошириладиган турли ҳаракатларнинг ва булар ўртасидаги боғланишларнинг сифатига йўналтирилганлигини кўрсатади, ваҳоланки, сифат тизимининг тузилиши тўғрисида тасаввур ҳали бермайди.

К. Исикаванинг бошқа моделида маркетинг бўлими фаолиятининг корхонада сифатини бошқариш билан боғлиқ бўлган барча хизматларга таъсири батафсил ва аниқ кўрсатилган.

Г. Тагучи сифатни таъминлаш замонавий методларни қуйидагича умумлаштирди:

1. сифатсиз маҳсулотнинг жамиятга келтириши мумкин бўлган зарарни баҳолаш зарур. Бунда тайёр маҳсулотдан келадиган зарар (тўхтаб қолиши, жароҳатланиш, ҳалокат, ўз вазифасини бажара олмаслик, буюртмачининг талабларига номувофиклик ва ҳ.к.) ва сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида кўриладиган зарар (вактни, энергияни, кучини унумсиз сарфлаш, баъзи ишлаб чиқаришларнинг захарлилиги ва ҳ.к.) ҳисобга олинади.

2. Фирма маҳсулотининг рақобатбардош бўлиши учун унинг сифатини доимий ошириш ва таннархини пасайтириш зарур. Буюртмачи талабларининг доим катталашиб боришини эсдан чиқармаслиги керак.

3. Фирмада сифатни ошириш дастурининг асосий мақсади буюмнинг сифат кўрсаткичлари билан буюртмачи топширган тафсилотлар ўртасидаги фарқни доим камайтириб боришдан иборат бўлиши лозим. Метрологик хизматни муттасил ривожлантириш бу вазифани бажариш билан боғлиқ.

4. Буюртмачи ўз талабларининг бажарилганлигидан кўрадиган зарари сифат кўрсаткичларидаги оғиш миқдорининг квадратига тенг. Буни ишлаб чиқариш жараёнларининг сифатига талабларни ўрнатишда ҳисобга олиш керак.

5. Тайёр буюмнинг сифати ва таннархи асосан лойиҳа ва технологиянинг сифати билан аниқланади. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг

ва текшириш методларини лойиҳалаш, режалаштиришда тайёр маҳсулотнинг сифатига талабларга мўлжал олиш керак.

6. Тажриба намуналарини яратиш ва синаш босқичида буюм тафсилотларининг топшириқдаги сифатидан оғишини камайтириш зарур.

7. Эксплуатацион тафсилотларнинг буюмнинг ва технологик жараёнинг бошқа параметрларига боғлиқлигини аниқлаш керак ва аниқланган боғланишдан фойдаланиб, статистик ҳисоблаш асосида экспериментни режалаштириш керак.

“Крайслер Моторс” фирмасининг мутахассиси У.У. Ньюджин сифатта илгариги ёндашиш тўғрисида сўзлаб, нуқсонларга илгариги муносабатни бундай деган: нуқсон буюмда қола бёрсин, уни кейинчалик (масалан, кафолат муддати даврида аниқлаш мумкин). Бир кило болт ичида бир сифатсиз болтнинг борлиги тайёрловчини безовта қилмаган, лекин сотиб олувчи учун нуқсонли болт ўрнатилган автомобиль эрта ёки кеч кўнгилсиз воқеага олиб келади. Бунга тушуниб етилгач, сифатни бошқаришда янги бурилиш ясалди – истьёмолчининг талабларига ва нуқсонларнинг олдини олишга (қидиришга эмас) интилиш бошланди.

Япониянинг автомобиль компаниялари бундай ғояни америкаликларга нисбатан эрта эгаллаб, рақобат курашида анча устунликка эришди, бу айниқса, ёқилғи-энергетик кризис йиллари намён бўлди: уларнинг кичик габаритли ва тежамли автомобилли ишлаб чиқариш етарли мосланувчан бўлгани ҳолда харидорлар сонининг ўзгаришини аниқ сеза олди.

“Крайслер Моторс” да нуқсонларнинг олдини олиш тизимига ўтиш нафақат сифат бўлими ходимларининг, ҳар бир ходимнинг шахсий масъуллиги билан ҳам боғланди. Бу муносабат билан конструкторлик бўлимининг мутахассисларини нуқсонларнинг олдини олиш методлари томонига қаратиб қайта тайёрлаш лозим бўлди.

Японларнинг сифатни ошириш ва сифатни тизимли бошқариш дастурларининг ўзига хос фарқи шундаки, булар нуқсонларни текшириш йўли билан аниқлашга эмас, балки нуқсонларнинг олдини олишга қаратилган.

Лекин Япония учун молларнинг юкори сифатли бўлишига эришиш унинг бирдан ривожланиб кетиш натижаси бўлмаган. Бундай ютукка йўл ўн йиллаб давом этди. Ҳозир бутун дунё японларнинг сифатни комплекс бошқариш тажрибасини ўрганмоқда ва қўлланишга интилмоқда.

Токиода 1987-йилда бўлиб ўтган Жаҳон конгресси япон тажрибасининг ўзига хос томонларини тавсифлаб, унинг ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни донмий такомиллаштириш ва меҳнат унумини ошириш томонларини ҳам кўрсатиб ўтди.

Япония учун технологик жараёнларнинг сифатини текшириш хосдир, бу махсулот сифатини текширишдан устун туради. Бевосита бажарувчининг сифат учун масъулиги жуда муҳим. Ҳар бир ишчи ўзининг иш жойида: навбатдаги ишки бажарувчи – сенинг истеъмолчинг бўлади, принципида ишлайди. “Расмана одамнинг ёмон ишлаши уятли бўлади” – бундай фалсафий тушунча барча фирмаларнинг ҳодимлари томонидан ўзлаштирилган. Албатта, бундай фалсафага ўз меҳнатига ижодий ёндашган одам эътиқод қилиши мумкин, меҳнатта бундай муносабат одагда “сифат тўғрақлари” орқали сингдирилади. Албатта, барча тоифали мутахассисларнинг махсулот сифатини бошқариш масалаларида лаёқатли эканлигига катта эътибор берилади.

Япония фирмасида сифатни стратегик режалаштиришда махсулот сифатини бошқариш узоқ муддатли режани ишлаб чиқиш масъуллиги олий звено раҳбариятига юклатилади, бу раҳбарият қабул қилинган курснинг бажарилиш муддатини ҳам текширади ва зарур бўлганда тузатиш киритади. Бу иш Деминг цикли (“режалаштириш – бажариш – текшириш – тўғрилаш ҳаракатлари”) бўйича амалга оширилади ва “хосин канри” (“сиёсатни ёйиш”) номи билан юритилади.

Фирмалар ҳар молия йилининг бошида муаммоларни таҳлил қилади ва 3-5 йил олдинга ўзларининг узоқ муддатли режаларини ва вазифаларини ишлаб чиқади. Бундай режалар қисқа муддатли (6-12 ойга) режаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

Бундай процедура режаларнинг лойиҳаларини батафсил текширишга, фирма режасининг охириги вариантини тайёрлашга имкон беради. Бундай режа олий звено раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Шундай қилиб, сифатни режалаштириш фирманинг барча бўлинмаларига ва бошқарув даражаларига тарқатилади (Японияда бундай метод “коптокни ошириш” деб аталади).

Япон мутахассисларининг фикрича, бу кунда мавжуд эҳтиёжларнинг ўзини ҳисобга олиш етарли бўлмайди, яширин эҳтиёжларни аниқлаш ва сифатни режалаштиришда ва мол яратишда уларни асос қилиб олиш керак. Бунда бир гуруҳ хариддорларнинг эмас, балки Япониянинг ўзидаги ва бошқа мамлакатлардаги фирмалар, ишбилармон доираларнинг, келажакдаги буюмларнинг потенциал хариддорларнинг ҳам эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак.

Япониянинг сифатни бошқариш тизими “5 мумкин эмас” номли дастурга асосланади: иш жойида бракка олиб келувчи шароит яратилмаслиги керак; нуқсонли махсулот навбатдагига узатишмайди ва ўзидан олдингисидан олинмайди; технологик параметрларини бузиш ёки ўзгариш иш мумкин эмас; илгари йўл қўйилган хатони тақдорлаш мумкин эмас.

Япониядаги фикларга кўра, жамиятнинг ривожланиши билан янги эҳтиёжлар пайдо бўлади, молларга янги талаблар қўйилади. Бу сифатни таъминлаш методига таъсир этмай қолмайди, шунинг учун истиқбол устида эртанги кунда сифатни бошқариш тизимлари тўғрисида доим ўйлаш керак.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш автоматлаштирилган лойиҳалаш жараёнидан бошлаб, сифатни бошқариш методларини автоматлаштиришга ҳам сабаб бўлади. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларига ўтиш – сифатни тизимли таъминлашни ривожлантиришнинг ўзига хос тамойили ҳисобланади.

Япония фирмаларининг олий звено раҳбарияти сифатни бошқариш бўйича фаолиятни бошқаради ва унинг ривожланишига ёрдам беради. Бу звено сифат стратегиясини яратишга масъул бўлади ва дастурлар ҳамда режаларнинг бажарилиш муддатларини текширади, тузатиш тадбирларининг зарурлигини аниқлайди.

Фирмалар кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга катта маблағлар сарфлайди.

Ҳар бир япон фирмаси ўзининг ўқитиш дастурини тузади. Лекин барча дастурлар учун назарий ва амалий машғулотларни (“иш жойида машқ қилиш”) ни қўшиб олиб бориш хосдир. Жумладан, “Ниссан” фирмасида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқитиш дастлабки 10 йил ичида 500 кунни эгалайди. Кейинги ўқитиш тугагандан кейин аттестатлаш ўтказилади. Аттестатлаш бўлим раҳбарлари томонидан ўтказилади (бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин).

Фирманинг баъзи ходимлари ўзига хос давлат имтихонларини топширади – улар аттестатланади. Бундай аттестатлашни меҳнат вазирлиги ўтказидади. Бундай аттестатлаш маошнинг ошишини таъминлайди, бу имтихондан ўта олмаган ходимга уч марта “қизил карточка” тақдим этилади – бу ходимнинг касбий яроқсизлигини билдирувчи гувоҳнома бўлади.

Меҳнатта ижодий муносабатга маҳсулот сифатини бошқаришда катта аҳамият берилади. Ижодий меҳнатга интилиш усуллари бутун дунёда сифат тўғарақларида қатнашиш бўлди, бундай тўғарақлар ўз ривожини Японияда бошлади.

### 1.1.7 Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс тизими

Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс тизими (МСБ КТ) ўтган асрнинг 60-йиллари охирида Госстандартнинг Бутуниттифок илмий-тадқиқот институти (ВНИИС) нинг илмий ходимлари томонидан Госстандарт раисининг ёрдами билан ташаббускорлик йўли билан ишлаб чиқилди. Львов областидаги корхоналарда кенг қўлами илмий-

ишлаб чиқариш экспериментни ўтказилди. Экспериментда ВНИИС директори А.В.Гличев ва Госстадартнинг Бутун иттифоқ физикатехник ва радиоўлчашлар илмий-тадқиқотлар институти (ВНИИФТРИ – кейинчалик “Система” НПО) нинг Львов филиалининг директори Е.Т. Удовченко раҳбарлик қилди.

70-йиллар бошида ВНИИС да (муаллифлар А.В. Гличев, О.Г. Ло-сичкий, М.И. Круглов, И.Д. Крижановский, Г.О. Рабинович) сифатни бошқаришнинг ўлчамли модели яратилди, шундай қилиб, ясси икки ўлчамли моделлардан аксонометрик шаклга ўтилди.

Моделда маҳсулот ҳаётий циклининг босқичлари ажратиб кўрсатилган. Бу босқичларда сифат шакллантирилади ва сифатнинг эришилган даражасининг сақланиши таъминланади. Сифатни бошқаришнинг учта даражаси берилган. Ҳар қайси даражада 12 та (11 дан 15 гача ва бундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин) махсус функция бўлади:

1 Эҳтиёжларни, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини ўрганиш ва прогноз қилиш.

2 маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш.

3 Махсулот сифатига талабларни нормалаш.

4 Махсулот яратишни ташкиллаштириш.

5 Махсулот ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни ташкиллаштириш.

6 Моддий-техник таъминотни ташкиллаштириш.

7 Метрологик таъминотни ташкиллаштириш.

8 Ходимларни ўқитишни ташкиллаштириш.

9 Сифатнинг ошишини рағбатлантириш.

10 Стандартларга риоя қилиниши устидан давлат назорати.

11 Махсулотни сифат тоифалари бўйича аттестатлаш.

12 сифатни ҳулсуқий таъминлаш.

Ҳар қайси махсус функция доирасида қуйидаги ҳаракатлар бажарилади:

– функциянинг мақсадлари ва вазифаларини ўрнатиш;

– бу функциянинг бажарилишини ташкиллаштириш;

– функциянинг бажарилишини сифатга таъсирини, яъни қўйилган мақсадга эришишнинг қандай бораётганлигини текшириш;

– тўғрилаш ҳаракатларини киритиш.

Сифатни бошқаришнинг кўрилган моделларида, уларнинг афзалликларига қарамай, маҳсулот сифатини ифодаловчи блок, ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнини ташкиллаштириш блоклари кўринмайди, яъни ўрнатилган сифат кўрсаткичларини таъминлаш бўйича ҳаракатларнинг қандай амалга оширилиши кўрсатилмаган.

1974-йилда ВНИИС олимлари М.И. Круглов ва И.Д. Крижановскийлар ўртача катталиқдаги машинасозлик корхоналари мисолида учта доирага эга бўлган МСБ КТ нинг ясси график моделини яратди:



- параметрик;
- функционал;
- Меҳнат-ташкилий доирали ясси модель.

МСБ КТ нинг методик принциплари маҳсулотнинг техник даражасини ва сифатини оширишда ҳаракатлар мажмуини корхона стандартлари ёрдамида ташкиллаштиришни кўзда тутлади. Корхона стандартларида ҳар қайси бўлим ва алоҳида бажарувчининг вазифаси ва функцияси қонуллаштириб белгиланган. Корхона стандартлари – стандартлаштириш давлат тизиминининг ажралмас қисмидир – жамият эҳтиёжларини энг тўлиқ кондириш мақсадларида маҳсулотни лойиҳалаш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, харидга чиқариш ва фойдаланиш (истеъмол қилиш) каби мураккаб жараёнларни мосланувчан ва тезкорлик билан бошқаришга имкон беради.

1974-йилда Ўзбекистон делегацияси Тошкентнинг бир гуруҳ олимлари ва мутахассислари иштирокида Львов шаҳрининг корхоналарида МСБ КТ ни яратиш ва ишлатиш тажрибасини ўрганади.

Ўзбекистонда МСБ КТ ни яратишни жорий этиш бўйича олиб борилган ишлар шартли учта асосий йўналишга ёки кичик тизимларга бўлинди: мафкуравий, ташкилий-методик, кадрлар тайёрлаш.

*Мафкуравий кичик тизим* барча даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, илмий-техникавий истиқболга қўмаклашиш кенгашларининг, сифат муаммолари бўйича жамоат методик кенгашларининг тавсияномаларини ўз ичига қамайдди.

Ўзбекистон корхоналарида сифат тизимини яратиш ва жорий этиш 1974-1975 йилларда бошланди. Бу ишларга методик раҳбарлик Ўздавстандарт (М.Н. Алимов, Ю.А. Караев, А.В. Фирсов), сифатни бошқариш автоматлаштирилган тизимига раҳбарлик Ўз ССР Ўз ФА ҲМ ли кибернетика институти (В. Қ. Қобулов, М.М. Мирағзамов) томонидан олиб борилди. МСБ КТ бўйича таянч корхоналар сифатида саноатнинг 20 га яқин турли тармоқлари белгиланди.

*Ташкилий-методик кичик тизим* доираларида тизимни жорий этиш режа-графиклари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Республика, область, шаҳар, район сифат кабинетлари ташкил этилди, булар асосида Ўздавстандарт ва унинг ҳудудий идоралари Ўзбекистон республикаси илмий-техникавий жамиятлар Кенгаши (Ўз РСНТО), Ўзбекистон машинасозлик саноати илмий-техникавий жамияти (Ўз НТО машпром) билан ҳамкорликда қатор республика ва ҳудудий илмий-техникавий конференциялар, семинарлар ўтказилди. Сифат кабинетлари, Госстандарт Бутун иттифок малака ошириш институти Тошкент филиали ВИСМ да доимий ишлайдиган семинарлар, таянч-консультатив пунктлар ташкил этилди.

“Правда востока” газетаси, Ўзсовпроф, Ўздавстандарт, иқтисодий тадқиқотлар институти, Ўз ИИИТИ, Ўз РНТО “Сифатни бошқариш” сиртқи конференцияларни ўтказди. “Экономика и жизнь” журнали қошида сифат бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилди, унинг мақсади – сифат муаммоларини ҳал этишга кенг илмий-техникавий жамоатчиликни жалб этиш бўлган. Кенгаш таркибига Госплан, Ўздавстандарт, вазирликлар ва маҳкамалар, Халқ контроли Кўмитаси, Тошкент халқ хўжалиги институти (Тош ХХИ), Бутун иттифоқ конъюктура ва талаб илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон филиалининг вакиллари қатнашган.

*Кадрлар тайёрлаш кичик тизимида* иқтисодиёт тармоқларининг мутахассислари, студентларни ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича кенг қўламдаги ишлар амалга оширилди. Стандартлаштириш, метрология, сифатни бошқариш тўғрисидаги илк тушунчалар оммабоп шаклда республика сифат кабанетида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига етказилди.

ВИСМ нинг Тошкент филиалида МСБ КТ бўйича барча иқтисодиклар тингловчилари учун, шунингдек Ўзбекистон Ҳукумати ҳузуридаги раҳбар ходимлар малакасини ошириш Институтида, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида, Енгил саноат вазирлиги ҳузуридаги малака ошириш Институтида маърузалар ўқилди.

Қатор олий ўқув юртларида ва Республика техникумларида стандартлаштириш, сифатни бошқариш, метрология асослари бўйича фанлар киритилди. Республиканинг йирик институтлари ва техникумларида стандартлаштириш ва сифат бўйича методик кенгашлар ва кабинетлар ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

80 – йиллар ўртасида МСБ КТ республиканинг 630 бирлашмалари ва корхоналарида жорий этилди ва рўйхатга олинди. Булар ичида 14 та маиший хизмат корхоналари (МХСБ КТ), 11 та автомобиль транспорт корхоналари ҳам бор. Тадқиқот ва лойиҳалаш ишларининг сифатини бошқариш тизимлари 15 илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларида ишлатилди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш комплекс тизимини (ИЧСО КТ) яратиш бошланди.

Ўздавстандарт ўтказган таҳлилнинг кўрсатишича, МСБ КТ тўлиқ ҳажмда жорий этилган кўпчилик корхона ва ташкилотларда маълум даражада иқтисодий ва ижтимоий самарадорликка эришилган: давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг ҳажми ва солиштирма вази катталашди, рекламаия ва брак сабабли йўқотишлар камайди, меҳнат унумдорлиги ошди, маҳсулот таннархи пасайди.

## 1.2 Сифатни шакллантириш босқичлари

Махсулот сифати илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари, ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш босқичларида шакллантирилади, тайёрлаш жараёнида таъминланади, муомала, сотиш, фойдаланиш (истеъмол) босқичларида сақланиб туради.

Махсулотни яратиш, меъёрий-техник ҳужжатлар (стандартлар ва техник шартлар, конструкторлик ва технологик ҳужжатлар) ни ишлаб чиқиш учун техник топширик асос бўлади.

Техник топширикни ишлаб чиқувчи-ташкilot буюртмачи – асосий истеъмолчининг талаблари асосида яратади. Техник топширикка махсулотнинг кутилаётган техник даража ва сифат кўрсаткичлари киритилади, бунда ватан ва хорижий мамлакатлар фан ва техникаси ютуқлари, таянч моделни стандартлаштириш ва бирхиллаштиришда эришилган даража, патент ҳужжатларининг таҳлили, экспортга мўлжалланган махсулот учун эса ташки бозор талаблари ва рақобатбардошлик, кашфиётлар таҳлили ҳам ҳисобга олинади. Махсулот сифати кўрсаткичлари тизимлари (МСКТ – 4 синф) давлат стандартларига амал қилинади. Бу стандартлар барча тармоқларда махсулотнинг ҳар бир тури бўйича сифат кўрсаткичлари тўлиқ номенклатурасини ўз ичига олган.

Махсулотнинг ҳар қандай тури учун қуйидаги сифат кўрсаткичлари ўрнатилган:

- махсулотдан вазифаси бўйича фойдаланилганда фойдали самарани тавсифловчи ва унинг қўлланиш доирасини аниқловчи вазифа кўрсаткичлари;
- махсулотдан муайян шароитларда фойдаланилганда пухталиқ ва кўпга чидамлилиқ (умрбоқийлик) кўрсаткичлари;
- махсулотни тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатнинг юқори унумдор бўлишини таъминлаш учун конструктив-технологик ечимларнинг самарадорлигини тавсифловчи технологиябоплиқ кўрсаткичлари;
- махсулотнинг маънодорлик, оригиналлик, уйғунлаштирувчанлик, яхлитлик, муҳитга ва стилга мувофиқлиги ва б. хоссаларини тавсифловчи эстетик кўрсаткичлар;
- махсулотда стандартлаштирилган буюмлардан фойдаланганлик даражасини ва таркибий қисмларнинг бирхиллаштирилганлик даражасини тавсифловчи стандартлаштириш ва бирхиллаштириш кўрсаткичлари;
- ватанда ва хорижда патент билан ҳимояланганлик, шунингдек махсулотнинг патент софлигини тавсифловчи патент-ҳуқуқий кўрсаткичлар;

- маҳсулотни яратишга, тайёрлашга ва фойдаланишга (истеъмол қилишга) ҳаражатларни, шунингдек фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ақс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар.

Меҳнат воситалари учун масса, металл сифими, материалнинг солиштирма ва нисбий сарфи, тезлик, юк кўтариш кучи, қувват, иш унуми, хизмат кўрсатиш ва бошқариш қулайлиги, ташқи ўлчамлари, ишлов бериш аниқлиги, юзанинг ғадир-будурлиги, механизациялаштириш, автомалаштириш даражаси ва б. каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Меҳнат воситаларининг сифати, асосан, уларнинг технологиябopлигини, яъни қайта ишлашнинг осонлиги ва самаралигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими билан баҳоланади. Бу кўрсаткичларнинг кўп қисми меҳнат воситасининг физика-механикавий хоссаларини ва кимёвий таркибини ақс эттиради.

Истеъмол маҳсулотлари учун субъектив баҳолаш қўлланилади. Маҳсулот ассортименти алоҳида аҳамиятга эга. Маҳсулот ассортименти унинг нави ва сифатини ҳам тавсифлайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун ёғлик, мазадорлик, тўйимлилик; кийим ва пардоз-андоз моллари учун пухталиқ, чидамлилик, хушбичимлик, хизмат муддати, фасон бичими модель, ранги, модага мувофиқлиги, ғижимланмаслик, бўёкнинг мустаҳкамлиги, гигроскопчилиги, иссиқдан сақловчанлиги ва б. кўрсаткичлар қўлланилади.

Хўжалиқда кунда ишлатиладиган буюмлар, транспорт ва маданий инвентар учун сифат кўрсаткичлари меҳнат воситаларининг сифат кўрсаткичларига ўхшайди, чунки улар узоқ фойдаланиладиган нарсалар ҳисобланади.

Конъюктура (бозор аҳволи) ва талабни пухта ўрганиш асосида, маҳсулот сифати нафақат ўрнатилган, балки қутилаётган эҳтиёжларни ҳам қондириши лозимлигига амал қилиб, мумкин бўлган ечимларнинг турли вариантларини таҳлил қилиш ва улардан энг яхшисини танлаш асосида яратувчи-ташқилол техник ва техник-иқтисодий асосланган техник таклифни тузади. Буюртмачи билан келишилган, тасдиқланган техник таклиф эскиз ва техник лойиҳаларни, ишчи конструкторлик ҳужжатларини яратиш учун асос бўлади. Техник ҳужжатларни яратишнинг ҳар бир босқичида уларнинг техник таклифларда баён этилган талабларга мувофиқлиги экспертизадан ўтказилади.

### 1.3 Маҳсулот сифатини баҳолаш методлари

Совет мутахассислари маҳсулот сифатини миқдорий баҳолашнинг илмий асосларини таклиф этди. Баҳолаш ва ўлчаш тўғрисидаги фан

сифатида квалиметрия\* тўғрисида биринчи маълумотлар чоп этилди: 1968 й. №1 “Стандарты и качество” журналида “О квалиметрии” (Азгальдов Г.Г., Гличев А.В., Крапивенский З.Н., Кураченко Ю.П., Панов В.П., Федеров М.В., Шпекторов Д.М.). 1971 йилда А.В. Гличев “Оценка качества количественными методами – задача квалиметрии” (“Сифатни миқдорий методлар билан баҳолаш – квалиметрия вазифаси”) мавзусида Сифатни текшириш бўйича Европа ташкилотининг XV конференциясида маъруза қилди.

Квалиметриянинг амалий вазифалари эшиттирилди:

- сифат кўрсаткичларининг сонли қийматлирини аниқлаш, уларни ҳисоблаш учун бошланғич маълумотларни йиғиш ва ишлов бериш методларини яратиш ва бундай ҳисобларнинг аниқлигига талабларни ўрнатиш;
- стандартлаштиришда маҳсулот турлари сифат кўрсаткичларининг оптимал мақбул қийматларини аниқлаш методларини яратиш;
- маҳсулот сифатини оширишни олдиндан башорат қилиш ва режалаштирида ва стандартлаштиришда сифат кўрсаткичларини танлашни асослаш ва таркибини ўрнатиш;
- баҳолаш натижаларининг репрезентативлигини ва қиёсланувчанлигини таъминлаш учун маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш ягона тамойилларини ва методларини яратиш;
- маҳсулотнинг алоҳида хоссаларини баҳолаш ягона тамойиллари ва методларини яратиш.

Квалиметрия сифатни таъминлаш соҳасидаги фаолиятда халқаро тан олинди, ваҳоланки, квалиметриянинг кўп жабҳалари, жумладан, квалиметрия ва метрология масалалари ўртасидаги нисбат ҳали ечилмаган. Квалиметрия билан метрология ўртасидаги фарқ шундаки, метрология маҳсулотнинг турли физик хоссаларининг миқдорий ўлчовини аниқлайди, квалиметрия эса, маҳсулотнинг физик ва бошқа эстетик, иқтисодий ижтимоий, истеъмол ва б. хоссаларининг миқдорий ўлчовини аниқлайди ва буларни умумлаштириб, миқдорий баҳони беради.

Қуйида маҳсулот сифатига ва сифатни миқдорий баҳолашга оид асосий атамалар келтирилган.

**Квалиметрия** – сифатни бошқаришда ва стандартлаштиришда қабул қилинадиган, қарорларни асослашда фойдаланиладиган, сифатни баҳолашнинг миқдорий методларини умумлаштирувчи фан соҳаси.

**Сифат** – Хусусий тафсилотлар мажмуининг талабларга мувофиқлик даражаси.

---

\* Лотинча “qualis” – сифат жихатдан қандай, ва юнотча “metro” – ўлчайман маъносини ифодалайди.

**Тафсилот (характеристика) – Фарклантирувчи хосса.**

**Маҳсулот хоссаси** – Сифатнинг бошланғич тафсилоти, яъни маҳсулотни яратиш, фойдаланиш (истеъмол қилиш) да намоён бўладиган объектив хусусиятлари. Маҳсулот сифатини ташкил этувчи хоссаларининг миқдорий тафсилоти, маҳсулотнинг яратилиш ва фойдаланиш (қўлланиш) маълум шароитларига нисбатан қаралганда, *маҳсулот сифати* кўрсаткичи деб аталади.

Маҳсулотнинг параметрлари сифат таркибига кирган маҳсулот хоссаларини ҳам, бошқа хоссаларини ҳам миқдорий тавсифлайди. “Параметр” тушунчаси “сифат кўрсаткичлари” тушунчасига нисбатан анча кенг. Масалан, металл кесишг асбобларининг иш унуми кўрсаткичлари кескичнинг конструктив параметрлари бўлмиш шакллари ва геометрик ўлчамларига боғлиқ бўлади.

**Маҳсулот сифати даражаси** – Баҳоланадиган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари қийматларини мос кўрсаткичларининг таянч (базвий) қийматларига таққослашга асосланган маҳсулот сифатининг нисбий тафсилоти. Маҳсулот сифатининг даражаси илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари жараёнида ўрнатилади, ишлаб чиқариш жараёнида таъминланади ва фойдаланиш (истеъмол қилиш) да сақланади.

**Маҳсулотнинг техник даражаси** – Баҳоланадиган маҳсулотнинг техник мукамаллигини тавсифловчи кўрсаткичлар қийматларини мос таянч қийматларига таққослашга асосланган маҳсулот сифатининг нисбий тафсилоти.

**Техник мукамаллик** – Маҳсулотни яратишда қабул қилинган техник ечимнинг истеъмолчи нуқтаи назаридан қанчалик муваффақиятли эканлигини аниқловчи маҳсулот хоссаси.

Техник мукамаллик кўрсаткичлари маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Масалан, машинасозлик буюмлари учун кўрсаткичлар – конструкциянинг ва бошқаришнинг оддийлиги, энергиянинг солиштитма сарфи, иш унуми; энергетик машинасозлик буюмлари учун – фойдали иш коэффициенти, тиқувчилик буюмлари учун – бўёкнинг пухталиги, бир буюмга газлама сарфи; озиқ-овқат маҳсулотлари учун – калориялилик ва ҳ.к.

(Кўпинча “Маҳсулотнинг техник даражаси, маҳсулот даражаси, тайёрлаш сифати даражаси ва маҳсулотнинг фойдаланишдаги ёки истеъмол қилишдаги сифат даражаси” тўғрисида комплекс тушунча қисқача “Маҳсулот техник даражаси ва сифати” ёки, янада қисқа “маҳсулот сифати даражаси” деб аталади).

**Иқтисодий кўрсаткичлар** – Маҳсулотни яратиш ва эксплуатация қилиш (истеъмол қилиш) га моддий-техник бойликлар сарфини акс эттирувчи кўрсаткичлар гуруҳи.

Маҳсулот сифати даражасини баҳолашнинг дифференциал, комплекс ва аралаш методлари фаркланади.

Маҳсулот сифати бирлик кўрсаткичларининг қийматларини таянч бирлик кўрсаткичлар билан таққослашга асосланган маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш методи *дифференциал метод* деб аталади. Сифат кўрсаткичларининг нисбий қийматлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_i = \frac{K_i}{K_{ia}} \quad (24)$$

ёки

$$K_i = \frac{K_{ia}}{K_i}, \quad (25)$$

бунда  $K_i$  – ҳар бир кўрсакичнинг нисбий қиймати;

$K_i$  – баҳоладиган маҳсулот  $i$  – кўрсаткичининг абсолют қиймати;

$K_{ia}$  – аналог  $i$  – кўрсаткичининг таянч қиймати;

$i$  – 1, 2, 3... $n$ ;

$n$  – маҳсулот сифати баҳоланадиган кўрсаткичларининг сони.

Агар кўрсаткичнинг катталашishi маҳсулот техник даражасининг (тезлик, иш унуми, қувват ва ҳ.к.) ошганлигини ифодалайдиган бўлса, нисбий кўрсаткич (24) формула аниқланади. Материал сарфи, энергетик сарфи, зарарли аралашмаларнинг борлиги ва ҳ.к. кўрсаткичлар кўрилганда нисбий кўрсаткич (25) формула бўйича аниқланади.

Ҳисоблашда учта вазият содир бўлиши мумкин:

1) кўрсаткичларнинг барча нисбий қийматлари бирга тенг ёки катта бу ҳолда – баҳоланаётган маҳсулотнинг техник даражаси таянч кўрсаткичга тенг ёки ундан юқори бўлади;

2) кўрсаткичларнинг барча нисбий қийматлари бирдан кичик – баҳоланаётган маҳсулотнинг техник даражаси таянч кўрсаткичдан паст;

3) кўрсаткичлар нисбий қийматларининг бир қисми бирдан катта ёки бирга тенг, яна бир қисми бирдан кичик. Бу ҳолда баҳолашнинг комплекс методи қўлланилади.

### 1-мисол.

Астарбоп матонинг сифат даражасини 6-жадвалда келтирилган бошланғич маълумотлар бўйича дифференциал метод билан баҳолаш талаб этилади.

## Бошланғич маълумотлар

Сифат кўрсаткичлари	$K_i$ қиймати	$K_{ia}$ таянч қиймати	$K$ нисбий қийма- ти
<b>1 Вазифа кўрсаткичлари</b>			
Узилиш юкламаси, кгк:			
- таңда	41,0	48,0	0,9
- арқоқ	22,0	27,0	0,8
Ювилгандан кейин киришиш, %:			
- таңда	5,0	4,7	0,9
- арқоқ	2,0	1,5	0,8
Таъсирга чидамплик, баллар:			
- терлашда	4	5	0,8
- совун	4	5	0,8
- сув	4	5	0,8
- қуруқ ишқаланиш	4	5	0,8
- ҳўл ишқаланишда	4	5	0,8
Текислик бўйича ишқаланиб ёйилишга чидамплик, цикл	400,0	600,0	0,7
<b>2 Эстетик кўрсаткичлар</b>			
Рангдорлик, баллар	18	20	0,9
Безаклиги, баллар	10	12	0,9
Тузилмаси, баллар	7	8	0,9

Баҳолаш натижаларига кўра, баҳоланаётган матонинг сифат даражаси таянч сифатдан паст.

Учинчи вазият содир бўлганда нисбий кўрсаткичларнинг бир қисми бирдан катта ёки бирга тенг, бошқа қисми бирдан кичик, комплекс баҳолашда қуйидаги формула бўйича бажарилади:

$$K_x = \frac{\sum_{i=1}^n K_i}{n}, \quad (26)$$

яъни сифат кўрсаткичларининг ўрта арифметик қиймати аниқланади.

Маҳсулотнинг бир нечта хоссаларини тавсифловчи сифат кўрсаткичлари *комплекс кўрсаткич* деб аталади.

Мураккаб маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш учун жуда кўп бирлик кўрсаткичларни ҳисобга олиш тўғри келади, бу эса баҳо-



лашни кийинлаштиради. Бундай холларда умумлаштирилган кўрсаткич бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Умумлаштирилган кўрсаткич куйидагилар билан ифодаланади:

– маҳсулотнинг асосий вазифасини акс эттирувчи асосий кўрсаткич;

– маҳсулот сифатининг интеграл кўрсаткичи.

## 2-мисол.

Бурғилаш ускунаси сифатининг комплекс кўрсаткичи хизмат муддати ичида бурғилаб ўтиш йўли ( $L$ ) нинг узунлиги билан тавсифланадиган асосий кўрсаткич бўлади:

$$L = \frac{v T_{хм} T_б}{T_б + T_с + T_б K_{проф}}, \quad (27)$$

бунда  $v$  – бурғилаш ўртача тезлиги, м/соат;

$T_{хм}$  – хизмат муддати, соат;

$T_б$  – бузилгунча қадар бажарган иш ҳажми, соат;

$T_с$  – бир марта ишламай қолганда бекор туриш ўртача вақти, соат;

$K_{проф}$  – ускунанинг бир соат ишига профилактикага кетадиган вақтнинг улушини тавсифловчи коэффициент.

## 3-мисол.

Автобуснинг комплекс сифат кўрсаткичи унинг йиллик иш унуми  $W_n$  киши. соат билан тавсифланадиган асосий кўрсаткичи бўлади:

$$W_n = T_n V_э r_n \gamma_c \beta_y 365 \alpha_n, \quad (28)$$

бунда  $T_n$  – автобуснинг нарядда йўлда бўлиш ўртача вақти, соат;

$V_э$  – автобуснинг эксплуатацион тезлиги, км/соат;

$r_n$  – автобуснинг белгиланган номинал сигими, одам;

$\gamma_c$  – автобуснинг сигимидан фойдаланиш коэффициенти;

$\beta_y$  – автобуснинг ўтган йўлидан фойдаланиш коэффициенти;

$\alpha_n$  – автобус паркидан фойдаланиш коэффициенти.

Маҳсулотнинг хизмат муддати бир йилгача бўлганда сифатни комплекс баҳолашда қуйидаги формула бўйича аниқланадиган интеграл кўрсаткич ( $J$ ) дан фойдаланиш мумкин:

$$J = \frac{Q}{K_o + S_T}, \quad (29)$$

бунда  $Q$  – фойдаланишдан кўрилган (бутун хизмат муддатида маҳсулотни истеъмол қилишдан кўрилган) умумий фойдали самара (метр, килограмм, дона, сўм ва б.);

$K_o$  – маҳсулотни яратишга (бир вақтда) сарфланган капитал харажатлар, сўм;

$S_T$  – бутун хизмат муддатида эксплуатацион (жорий) харажатлар, сўм.

Хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлганда интеграл кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$J = \frac{Q}{K_o \varphi(t) + S(T)}, \quad (30)$$

бунда  $K_o, S_t$  – бир йилгача хизмат муддати, (9) формулада келтирилган маънога эга;

$t$  – маҳсулотнинг хизмат муддати, йиллар.

$\varphi(t)$  – тузатиш коэффициенти, буюмнинг хизмат муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\varphi(t) = \frac{(1 + E_n)^t}{\sum_{i=1}^t (1 + E_n)^i}, \quad (31)$$

бунда  $E_n$  – капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги норматив коэффициенти, 0,15 га тенг – ўзгармас қиймат;  
 $i = 1, 2, \dots, t$ .

Хизмат муддати 24 йилгача бўлган махсулот учун  $\varphi(t)$  тузатиш коэффициентининг қийматлари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Тузатиш коэффициентларининг қийматлари

$t$	$\varphi(t)$	$t$	$\varphi(t)$	$t$	$\varphi(t)$
1	1,000	9	0,182	17	0,144
2	0,535	10	0,173	18	0,142
3	0,381	11	0,166	19	0,140
4	0,305	12	0,160	20	0,139
5	0,260	13	0,155	21	0,138
6	0,230	14	0,152	22	0,137
7	0,210	15	0,149	23	0,136
8	0,194	16	0,146	24	0,135

Сифатнинг интеграл кўрсаткичини (30) формула бўйича ҳисоблаш қуйидаги ҳолларда тўғри бўлади:

- эксплуатация (истеъмол) қилишдан олинadиган ҳар йилги самара йилдан-йилга бир хил;
- ҳар йилги харажатлар бир хил;
- хизмат муддати бутун сондан иборат.

Жами фойдали самарадорлик  $Q_i$  ва эксплуатациони харажатлар  $S(T_i)$  йилдан-йилга, ўзгарадиган ҳолат учун интеграл кўрсаткич қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$J_0 = \frac{\sum_{i=1}^l Q(1 + E_n)^i}{K_0(1 + E_n)^l + \sum_{i=1}^l S(T_i)(1 + E_n)^i} \quad (32)$$

4-мисол.

Бир хил вазифани бажарувчи иккита металл кесиш станокларининг интеграл кўрсаткичларини қиёслаш талаб этилади. Бошланғич маълумотлар 8-жадвалда келтирилган.

## Бошлангич маълумотлар

Сифат кўрсаткичлари	Станоклар кўрсаткичларининг қиймати	
	янги	таянч
Бузилмаган, тўхтаб қолмасдан ишлагандаги йиллик иш унуми, минг деталь	20	20
Бузилиш сабабли бекор туриш вақти, %	3	6
Станок нархи, $K_0$ , минг сўм	200	50
Таъмирлашга йиллик харажат, минг сўм	2	4
Ҳоказо йиллик эксплуатацион харажатлар, минг сум	40	40
Хизмат муддати $t$ , йил	12	3

Бузилишлар сабабли бекор туриш вақтларини ҳисобга олганда станокларни эксплуатация қилишдан кўрилган йиллик самара:

Янги станок  $Q=20(1-0,03)=19,4$  минг деталь;

Таянч станок  $Q_6=20(1-0,06)=18,8$  минг деталь.

(9) формула бўйича интеграл кўрсаткичлар аниқланади:

$$J = \frac{19,4}{200 \cdot 0,144 + 42} = 0,27 \text{ минг деталь/сўм};$$

$$J = \frac{18,8}{50 \cdot 0,372 + 44} = 0,30 \text{ минг деталь/сўм}.$$

Янги станок кўпга чидаса ҳам, унчалик фойда келтирмайди.

Баъзи моллар (совутгичлар, телерадиоаппаратлар, мебел ва х.к) бўйича фойдали самарадорлик қиймати бирга тенг қилиб олинади. Бу ҳолда (30) формула қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Q_6 = K_{06} \varphi(t) + S_{06}. \quad (33)$$

Таянч намунадан фақат эксперт методида аниқланадиган  $h$  хоссалар сони ва ўлчаш йўли билан аниқланадиган  $m$  хоссалари сони бўйича фарқланадиган янги мол учун фойдаланишдан кўриладиган йиллик самарадорлик қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_n = Q_6 + \sum_{i=1}^h \Delta Q_i + \sum_{j=1}^m \Delta Q_j, \quad (34)$$

бунда  $\Delta Q_i$ ,  $\Delta Q_j$ , – янги молнинг алохида хоссаларидаги фарқлар сабабли самарадорликка киритиладиган тузатишлар

$$\Delta Q_i = \gamma_i \cdot Q_0, \quad (35)$$

$$\Delta Q_j = \beta_j \cdot Q_0 \frac{\Delta p_j}{p_{j0}}, \quad (36)$$

$$\Delta p_j = p_j - p_{j0}, \quad (37)$$

бунда  $\Delta p_j$  – янги мол сифат кўрсаткичларининг ўзгариш қийматлари;

$\gamma_i$ ,  $\beta_j$  – эксперт метод билан аниқланадиган алохида кўрсаткичларнинг ўзгариш коэффициентлари.

(35), (36), (37) ни назарда тутсак, (34) формула қуйидагича ёзилади:

$$Q_n = Q_0 \left( 1 + \sum_{i=1}^h \gamma_i + \sum_{j=1}^m \beta_j \frac{\Delta p_j}{p_{j0}} \right). \quad (38)$$

#### 5-мисол.

Иккита уй совутгичини интеграл кўрсаткич ёрдамида баҳолаш талаб этилади. Бошланғич маълумотлар 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Бошланғич маълумотлар

Сифат кўрсаткичлари	Совутгичлар кўрсаткичларининг қийматлари	
	янги	таянч
Совитиш камерасининг сигими, л	150	120
Музлатиш камерасининг сигими, л	16	11
Хизмат ўртача муддати $t$ , йил	12	10
Совутгичнинг нархи $K_0$ , сўм	250	200
Йиллик эксплуатацион харажатлар $S_T$ , сўм	18	15
Эстетик кўрсаткичлар (ташқи кўриниши, шакли)	яхши	—
Эргономик кўрсаткичлар (автоматик эриш)	бор	—

Таянч совутгични эксплуатация қилишдан кўриладиган умумий фойдали самарадорлик (33) формула бўйича аниқланади:

$$Q_6 = 200 \cdot 0,158 + 15 = 46,6 \text{ сўм.}$$

Қуйидагиларни ҳисобга олувчи коэффицентлар эксперт метод билан аниқланган:

- эстетик кўрсаткичнинг ўзгариши  $\gamma_1 = 0,05$ ;
- эргономик кўрсаткичнинг ўзгариши  $\gamma_2 = 0,07$ ;
- совитиш камераси сигимининг ўзгариши  $\delta_1 = 0,6$ ;
- музлатиш камераси сигимининг ўзгариши  $\delta_2 = 0,4$ .

Янги совутгич сифат кўрсаткичларининг ўзгариш қийматлари (37) формула бўйича аниқланади.

$$\Delta p_1 = 150 - 120 = 30, \quad \Delta p_2 = 16 - 11 = 5.$$

Умумий фойдали самарадорлик (34) формула бўйича аниқланади:

$$Q = 46,6(1 + 0,05 + 0,07 + 0,6 \frac{30}{120} + 0,4 \frac{5}{11}) = 67,6 \text{ сўм.}$$

Баҳоланадиган янги совутгич сифати интеграл кўрсаткичининг қиймати (30) формула ва 7-жадвал бўйича аниқланади.

$$J = \frac{67,6}{250 \cdot 0,144 + 18} = 1,25.$$

Бирламчи ва комплекс кўрсаткичларни қуйидаги тартибда қўлланишга асосланган метод, махсулот сифати даражасини баҳолашнинг *ағралаш методи* деб аталади:

- бирлик кўрсаткичларнинг бир қисми гуруҳларга бириктирилади, ҳар қайси гуруҳ учун комплекс гуруҳ кўрсаткичи аниқланади. Алоҳида муҳим кўрсаткичларни бирлик кўрсаткичлар тарзида қўлланиш мумкин.
- олинган комплекс ва бирлик кўрсаткичлар асосида махсулот даражаси дифференциал метод билан аниқланади.

Ўлчашлар бирлилигини таъминлаш ҳар қандай мамлакат учун муҳим давлат вазифаси ҳисобланади. Мамлакатнинг барча тадбиркор субъектлари уларнинг қандай маҳкамага қарашлиги ва мулкдорлик шаклидан катъий назар, ўлчашлар бирлилигига риоя қилиши лозим.

Ўзбекистонда ўлчашлар бирлилиги ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизимининг фаолияти натижасида таъминланади.

Ўзбекистон ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизими (Ўз ЎБТТ) – бу Ўзбекистон Республикасининг халқ-хўжалик комплексининг самарали иктисодий ривожланиши талабларидан келиб чиққан, ўлчашлар бирлилигига эришиш ва уни асраш илмий-асосланган, техник мақбул ва иктисодий мақсадга мувофиқ меъёрлар, қондалар ва процедуралар тизимидир.

Ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизимининг асосий низомлари Ўз РСТ 8.001-1998 “Ўз ЎДТ. Ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизими. Асосий низомлар” да баён этилган.

Ўз ЎБТТ нинг асосий мақсадлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда куйидагича белгиланган:

- ўрнатилган қонун-тартибларни, юридик ва jisмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўлчашлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш;

- ўлчаш воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, сотиш ва ижара масалалари бўйича бошқариш давлат идоралари билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш;

- Ўзбекистон халқ хўжалиги комплексининг барча соҳаларида ўлчашларнинг бирлилиги ва талаб этилган аниқлигига эришишни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш;

- Ўз ЎДТ қондалари, меъёрлари ва процедураларини халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар ўхшаш тизимларининг тавсияномалари билан уйғунлаштириб, халқаро ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этиш;

- метрологик фаолият доирасидаги ишларни халқаро ва ҳудудий даражаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш ва тан олишни таъминлаш;

- тадбиркорлик субъектлари даражасида Ўз ЎБТТ талабларини бошқа тизимларнинг талаблари билан уйғунлаштириш.

Мақсадлардан келиб чиққан қолда, Ўз ЎБТТ учун куйидаги вазифалар қўйилган:

– миллий қондаларни халқаро қондалар билан уйғунлаштириш асосида давлатлараро муносабатларнинг ривожланишига кўмаклашиш;

– Ўз ЎБТТ ни халқ хўжалигининг ажралмас қисми сифатида ривожланишини башорат қилиш;

– ўлчашларнинг бирлигини талаб этилган аниқлигини, ишончлилигини таъминлаш асосида миллий иқтисодиётнинг илмий ва техник имкониятларини ривожлантиришда қатнашиш, шунингдек ўлчашлар методларини, ўлчаш воситаларини мукаммаллаштириш ва уларнинг аниқлиги, иш унуми ва пухталигини оширишга кўмаклашиш.

Ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ишларнинг илмий асоси метрология – ўлчашлар тўғрисидаги фандан иборат. Бу фан учта асосий бўлимни ўз ичига олади:

– метрология бўйича миллий идора бажарадиган фаолиятга оид ва бирликлар, ўчаш методлари, воситалари ва ўлчаш лабораторияларига оид давлат талабларани қамраган қонуний метрология;

– амалий метрология. Бунинг вазифасига назарий метрология ишланмаларини ва қонуний метрология низомларини амалда қўллашиш масалалари кирди.

## **1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЛЧАШЛАР БИРЛИЛИгини ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИНГ ХУКУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Ўз ЎБТТ нинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасидаги қонунлари ва ҳужжатларидан иборат.

28 декабрь 1993-йилда Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида” Қонуни (кейинчалик – Қонун) қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистонда ўлчашлар бирлилигини таъминлаш тизими (Ўз ЎБТТ) нинг қонуний асоси яратилди.

Қонунда метрология соҳасидаги атамалар ва таърифлар, давлат бошқарув ваколатли идорасининг фаолият соҳаси, физик катталикларнинг бирликлари, уларни қайта тиклаш ва қўлланиш, Ўзбекистон Республикасининг метрологик хизматлари, давлат метрологик текширув ва назорати, метрология бўйича ишларни молиялаштириш белги-ланган.

Ўлчашлар бирлилиги ўлчаш ҳолати сифатида белги-ланган. Бунда ўлчаш натижалари қонунлаштирилган бирликларда ифодаланadi ва ўлчашларнинг хат-эликлари белги-ланган эҳтимоллик билан берилган.

Қонунга мувофиқ метрология бўйича фаолиятни давлат бошқарувини метрология бўйича миллий идора – Стандартлаштириш,



метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлиги (Ўзстандарт Агентлиги) амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.1994 й. №410 “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, 09.02.1996 й. №53 “Ўзбекистон Республикасининг эталонлар базасини шакллантириш ва метрологик таъминотни такомиллаштириш тўғрисида”, 02.12.2003 №539 “Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, харидга чиқариш ва ижара бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида” Қарорларига мувофиқ метрологик фаолиятнинг баъзи соҳалари аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2004 й. №373 “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон Агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида” Қароридан Ўзстандарт Агентлигининг ташкилий тузилмаси, асосий вазифалари, ишлари ва ҳуқуқлари, шу жумладан метрология соҳасида белгиланган.

## **2-боб. ЎЗБЕКИСТОН ЎЛЧАШЛАР БИРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ АСОСИЙ НИЗОМЛАРИ**

Ўз ЎБТТ нинг меъёрий асоси Ўзбекистон ўлчашлар бирличилигини таъминлаш давлат тизимининг ҳужжатлари мажмуи (Ўз ЎДТ), шунингдек Ўз ЎДТ низомларининг бажарилишини таъминловчи меъёрий ва методик ҳужжатлардан иборат.

Ўлчашлар бирличилигини таъминлаш давлат тизими – бу давлат томонидан тартибга солинадиган ўлчашлар бирличилигини таъминлаш бўйича ишларни ўтказиш талаблари, қондалари, низомлари, меъёрлари ва тартибини белгилувчи, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилувчи халқаро, давлатлараро ва миллий меъёрий ва методик ҳужжатлар мажмуидир. Бундай ҳужжатлар мажмуи метрология бўйича миллий идора томонидан тасдиқланади ва (ёки) мамлакат ҳудудида фойдаланишга киритилади.

Ҳозирги вақтда ЎзЎДТ да Ўзстандарт Агентлиги киритган 3000 дан ортиқ турли тоифа ва даражадаги меъёрий ва методик ҳужжатлар бор.

Ўз ЎДТ нинг асосини метрология бўйича миллий идора ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар ташкил этади. Бундай меъёрий ҳужжатларда қонуний метрология соҳа-

сидаги асосий қондалар ва процедуралар ўрнатилади. Асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларда бирликлар, ўлчаш методлари ва воситалари, ўлчаш лабораторияларига давлат талаблари, метрологик текширув ва назорат субъектлари ва объектларининг ҳаракат соҳалари, ҳуқуқлари ва ваколатлари акс эттирилади.

Метрологик меъёрлар қондаларни ўрнатувчи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини Ўзстандарт Агентлиги бажаради.

Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик ва бошқарув идоралари, тадбиркорлик субъектлари ўз ваколатлари доирасида давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланилмайдиган соҳада Ўзстандарт Агентлигининг ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни равшанлаштирувчи ва уларга зид келмайдиган метрология доирасида меъёрлар ва қондаларни ўрнатувчи меъёрий ҳужжатларни яратиши ва тасдиқлаши мумкин.

### 3-боб. МЕТРОЛОГИЯ БЎЙИЧА АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Метрологик меъёрлар ва қондаларнинг халқаро ва тармоқлараро аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ўзаро тушуниш ва ҳаракатларни келишишда метрологик атамларнинг бирлиги ва қабул қилинган тушунчаларга аниқ риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида” Қонунида метрология бўйича қуйидаги асосий атамалар ўрнатилган.

**Метрология** – Ўлчашлар, уларнинг бирлигини таъминлаш методлари ва воситалари ва талаб этилган аниқликка эришиш усуллари тўғрисидаги фан.

**Ўлчашлар бирлиги** – Ўлчашларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда ифодаланган ва ўлчашларнинг хатоликлари берилган эҳтимолилик билан маълум бўлган ҳолат.

**Ўлчаш воситалари** – Ўлчашлар учун фойдаланиладиган ва меъёрланган метрологик хоссаларга эга бўлган техник восита.

**Бирлик эталони** – Физик катталикнинг ўлчамини бошқа ўлчаш воситасига бериш мақсадида физик катталик бирлигининг ўлчамини қайта тиклаш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчашлар воситаси.

**Давлат эталони** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида катталик бирлигининг ўлчамини ўрнатиш учун миллий идора вакилининг қарори билан бошланғич эталон сифатида тан олинган эталон.

**Метрологик хизмат** – Давлат идоралари ва юридик шахсларнинг метрологик хизматлари тармоклари ҳамда уларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлашга йўналтирилган фаолияти.

**Давлат метрологик назорати** – Метрология қондаларига амал қилинаётганлигини текшириш мақсадларида давлат метрологик хизмат идоралари томонидан амалга ошириладиган фаолият.

**Ўлчаш воситаларини қиёслаш** – Ўлчаш воситаларининг ўрнатилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрологик хизмат идоралари (бошқа ваколатланган идоралар, ташкилотлар) бажарадиган амаллар мажмуи.

**Ўлчаш воситаларини калибрлаш** – Ўлчаш воситаларининг метрологик тавсилотларининг ҳақиқий қийматларини ва қўлланишга яроқли эканлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган амаллар мажмуи.

**Ўлчаш воситаларини тайёрлаш** (таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш) га лицензия – Кўрсатилган фаолният турлари билан шугулланишга ҳуқуқини тасдиқловчи, юридик ва жисмоний шахсларга давлат метрологик хизмат идоралари томонидан бериладиган ҳужжат.

**Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш** – доналаб ишлаб чиқарилган (ёки Ўзбекистон ҳудудига доналаб келтирилган) ўлчаш воситаларининг, уларнинг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш асосида, қўлланишга ҳуқуқли эканлигини метрологик хизмат томонидан тан олиш.

**Метрологик хизматлар, марказлар, лабораторияларни аккредитлаш** – метрологик хизматлар, марказлар, лабораторияларнинг ўрнатилган аккредитлаш доирасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ишларни ўтказишга ҳуқуқлигини расмий тан олиш.

**Юридик шахсларнинг метрологик хизматларини ўлчаш воситаларини калибрлаш ҳуқуқига аккредитлаш** – юридик шахслар метрологик хизматларининг ўрнатилган доирада ўлчаш воситаларини калибрлашни ўтказиш ҳуқуқини расмий тан олиш.

**Ўлчашларни бажариш методикаларини метрологик аттестатлаш** – Ўлчашларни бажариш методикасининг унга қўйилган метрологик талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган тадқиқот.

**Ўлчашларни бажариш методикаси** – Ўлчашлар натижаларини аввалдан маълум ҳатолнк билан олишни таъминлайдиган ишлар ва қондалар мажмуи.

Метрологик фаолият соҳасида қўлланиладиган атамалар ва таърифлар, шунингдек Ўз ЎДТ нинг асос бўлувчи ҳужжатлари О'з DSt 8.010:2002, О'з DSt 8.010.2:2003, О'з DSt 8.010.3:2004, О'з DSt 8.010.4:2002 да ҳам ўрнатилган.

## 4-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕТРОЛОГИК ХИЗМАТ ТУЗИЛМАСИ

Метрологик хизмат – Давлат идоралари ва юридик шахслар метрологик хизматларининг тармоқлари ва уларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлашга йўналтирилган фаолияти.

Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг ташкилий асоси давлат метрологик хизмати ва юридик шахсларнинг метрологик хизматларидан ташкил топган Ўзбекистон Республикасининг метрологик хизмати бўлади.

### 4.1 Ўзбекистон Республикаси давлат метрологик хизмати

Ўзстандарт Агентлиги бошқарадиган давлат метрологик хизматига Қорақалпоғистон Республикасидаги, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳаридаги давлат метрологик хизмат идоралари қиради.

Давлат метрологик хизмат идоралари давлат метрологик текшируви ва назоратини, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолиятнинг бошқа турларини ҳам бажаради.

Давлат метрологик хизматга Ўзстандарт Агентлиги раҳбарлик қилади.

Ўзстандарт Агентлиги номидан миллий идора ваколатларига қуйдагилар қиради:

– метрология соҳасида, метрологик фаолиятни ҳудудлараро ва тармоқлараро мувофиқлаштиришда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

– миллий эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва асраш қондаларини ўрнатиш ва уларнинг халқаро даражада таққосланишини таъминлаш;

– ўлчашлар воситаларига, методларига ва натижаларига умумий метрологик талабларни белгилаш;

– давлат метрологик текшируви ва назоратини амалга ошириш;

– метрологик масалалар бўйича меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида мажбурий кучга эга бўлган ҳужжатларни бошқа давлат бошқарув идоралари билан биргаликда қабул қилиш;

– метрология соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш;

– Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасида халқаро шартномаларига риоя қилинишини текшириш;

– халқаро ташкилотларнинг метрология масалалари бўйича фаолиятида қатнашиш;

– Ўз ЎБТТ нинг ишини ва ривожланишини, халқаро ўлчашлар тизими ва бошқа мамлакатларнинг ўлчашлар тизимлари билан уйғунлаштиришни таъминлаш;

– истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини, инсонларнинг соғлиги ва хавфсизлигини, атроф муҳитни ва давлат манфаатларини ўлчашлар ишончсиз натижаларининг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

Ўзстандарт Агентлиги тўғрисида Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2004 №373 Қарори билан тасдиқланган.

Давлат метрологик хизматига қуйидагилар ҳам қиради:

– Миллий эталонлар маркази;

– Метрологик хизмат Бош маркази;

– Стандарт намуналар Бош маркази;

– Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМС ИТИ) Малака ошириш маркази (МОН) билан бирга;

– синаш ва сертификатлаштириш ҳудудий марказларининг (ССМ) нинг метрологик лабораториялари;

– стандартлаштириш ва метрология ҳудудий бошқармалари (СМБ);

– Ахборот-маълумотнома маркази.

Миллий эталонлар маркази Ўзбекистон Республикаси эталон захирасини ривожлантириш ва мукаммаллаштириш, қатталиқлар бирликларининг давлат эталонларини яратиш, сақлаш ва қўлланиш бўйича ишларни олиб боради.

Метрологик хизмат Бош марказининг вазифалари СМС ИТИ га юклатилган бўлиб, ўлчашлар бирлигини таъминлаш илмий-методик, техник-иктисодий, ташкилий, меъёрий асосларини яратади, метрология соҳасида кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш ишларини бажаради.

Стандарт намуналар Бош маркази, бунинг вазифалари ҳам СМС ИТИ га юклатилган, моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари давлат хизматида илмий-методик раҳбарлик қилади, юридик шахсларнинг стандарт намуналарини чиқариш ва қўлланиш тартиби бўйича фаолиятларини мувофиқлаштиради, мамлакатимизда чиқариладиган давлат стандарт намуналарини экспертиза қилиш ва аттестатлашни амалга оширади.

Метрологик хизматларни кўрсатиш бўйича Марказ, ҳудудий ССМ нинг метрологик лабораториялари, ҳудудий СМБ ўлчашлар бирли-

лигини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради, давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳада метрологик текширув ва назоратни O'z DSt 8.002:2002 “Ўз ЎДТ. Метрологик текширув ва назорат. Асосий низомлар” бўйича ўтказди.

Ахборот-маълумотнома маркази меъёрий ҳужжатлар жамғармасини сақлайди ва Ўз ЎБТТ катнашчиларини ахборотлар билан таъминлайди.

#### **4.2 Юридик шахсларнинг метрологик хизмати**

**Юридик шахсларнинг метрологик хизмати** – ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажарувчи ва ушбу корхонада (ташкilotда) метрологик текширув ва назоратни амалга оширувчи метрологик хизмаг.

Юридик шахсларнинг метрологик хизмати ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ва метрологик текширувни ўтказиш зарур бўлган ҳолларда ташкил этилади.

Бунда бош, таянч метрологик хизматлар тадбиркорлик субъектларида ўз фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давлат ва ҳўжалик бошқарув идоралари томонидан ташкил этилади.

Юридик шахсларнинг метрологик хизматларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари давлат метрологик хизмати идоралари билан келишилган низомларда белгиланади.

Юридик шахсларнинг метрологик хизмати Намунавий низоми Ўз РХ 51-011-93 “Ўз ЎДТ. Ўзбекистон Республикасида юридик шахснинг метрологик хизмати тўғрисида намунавий низом” да келтирилган.

#### **5-606. КАТТАЛИКЛАРНИНГ БИРЛИКЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида Халқаро бирликлар тизими (СИ) да белгиланган физик катталикларнинг бирликларини қўлланиш белгиланган тартибда рухсат этилади. Физик катталикларнинг номи, белгиси, уларни ёзиш ва қўлланиш қоидалари Ўзстандарт Агентлигининг тақдими билан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Халқаро бирликлар тизимига кирмаган бирликларни қўлланишга рухсат бериши мумкин.

Ташки савдо фаолиятини амалга оширишда шартнома шартларига мувофиқ физик катталикларнинг бошқача бирликларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

O'z DSt 8.012:2005 давлат стандартида Ўзбекистонда қўлланиладиган катталикларнинг бирликлари (кейинчалик - бирликлар), шу жумладан физик катталикларнинг бирликлари ўрнатилган: халқаро белгиланишларга мос бирликларнинг номлари, белгилари, таърифлари ва бу бирликларни қўлланиш кондалари келтирилган.

Халқаро бирликлар тизимининг бирликлари, шунингдек бу бирликларнинг ўнлик карралари ва улушлари мажбурий қўлланилади.

Юқорида номи келтирилган бирликлар билан: бир қаторда SI га кирмаган баъзи бирликларни, уларнинг SI билан қўшилмаларини, шунингдек амалда кенг қўлланиладиган бирликларнинг ўнлик карралари ва улушларини қўлланиш ҳам рухсат этилади.

SI га кирмаган бирликларни ҳам шу қаторда, шунингдек амалда кенг тарқалган бу бирликларнинг карралаи ва улушли қийматларини қўлланиш вақтинчалик рухсат этилади.

Халқаро бирликлар тизими (халқаро кискартирилган номи - SI) – 1960 йилда Ўлчовлар ва тарозилар бўйича XI Бош конференция (ЎТБК) қабул қилган ва тасдиқлаган ва кейинги ЎТБК да равшанлантирилган бирликларнинг когерент тизимидир.

Меъёрий ҳужжатларда ва янгитдан яратиладиган ва қайта кўриб чиқиладиган бошқа барча ҳужжатларда, илмий-техникавий ва бошқа нашрларда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, ўқув, ўқув-методик ва маълумотномаларда катталикларнинг қийматлари SI бирликларида, бу бирликларнинг ўнли карралаи ва улушларида ва (ёки) бирликларида ифодаланади ва бирликларнинг стандартда белгиланган номларидан фойдаланилади. Давлат тилида чоп этилган илмий-техникавий матнларда ушбу стандартда ўрнатилган ёки ГОСТ 8.417-2002 да ўрнатилган бирликларнинг белгиларини қўлланиш рухсат этилади. ГОСТ 8.417-2002 да ўрнатилган бирликларининг белгилари ва халқаро бирликларининг белгиларини бирвақтда бир нашрнинг ўзида қўлланиш рухсат этилмайди. Катталикларнинг бирликларига оид нашр бундан мустасно.

Ўлчаш воситаларига янгитдан қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатларда уларни фақат SI бирликларида, бу бирликларнинг ўнли карралари ва улушларида ёки бирликларида даражалаш кўзда тутилади.

Ўлчаш воситаларини текшириш методикаларига янгидан ишлаб чиқиладиган ёки қайта кўриб чиқиладиган меъёрий ҳужжатлар бирликларида даражаланган ўлчаш воситаларини киёслашни назарда тутиши лозим.

Барча ўқув юргларида ўқув жараёнида уларнинг кимга қарашлилиги ва мулкдорлик шаклидан қатъий назар, катталиклар бирликларининг номи ва белгисидан фойдаланади.

Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик доирасида шартнома – ҳуқуқий муносабатларда, шунингдек чет элга экспорт маҳсулот билан бирга жўнатиладиган турли техник ва бошқа ҳужжатларда (шу жумладан, транспорт ва истеъмол идишларида) бирликлар қўлланилади.

Экспортга етказиб бериладиган маҳсулотнинг, шу жумладан воситаларининг тавсилотларини ва параметрларини буюртмачи томонидан ўрнатилган катталиклар бирликларида ифодалаш рухсат этилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамкорлиги (МДҲ) аъзо-давлатлари билан ҳамкорлик доирасида шартнома – ҳуқуқий муносабатларда, шунингдек бу давлатларга етказиб бериладиган маҳсулотга кўшиб жўнатиладиган техник ва бошқа ҳужжатларда, шу жумладан, транспорт ва истеъмол идишларида ГОСТ 8.417-2002 ўрнатган бирликларнинг русча номи ва белгисини қўлланиш рухсат этилади.

Бунда ўлчаш воситаларига ҳужжатларда қандай белгилардан фойдаланилганлигига қарамай бу ўлчаш воситаларининг жадвалчаларида, шкалаларида ва тахтачаларида O'z DSt 8.012:2005 да ўрнатилган бирликларнинг белгилари қўлланилади.

Халқаро бирликлар тизими асосий ва ҳосила бирликларидан тузилган.

SI бирликлари 10-жадвалда кўрсатилган.

10-жадвал

Халқаро бирликлар тизими (SI) асосий бирликлари

Катталик		Бирлик		
номи	ўлчами	номи	белгиси	Таърифи
Узунлик	<i>L</i>	метр	m	Метр – ёруғликнинг сийрақлик ичида 1/299 792 458 с да ўтган йўли [XVII ЎТБК (1983 й.), 1 резолюция]
Масса	<i>M</i>	килограмм	kg	Килограмм – масса бирлиги бўлиб, килограммнинг халқаро прототипи массасига тенг. [I ЎТБК (1889 й.) ва III ЎТБК (1901 й.)]
Вақт	<i>T</i>	секунда	S	Секунда – вақт, Цезий – 133 атоми асосий ҳолати иккита ўтаюпка даражалари ўртасида ўтишга мос келадиган 9 192 631 770 нурланиш даврига тенг вақт.- [XIII ЎТБК (1967 й.), 1 резолюция]



1	2	3	4	5
Электр токи (электр токининг кучи)	<i>I</i>	ампер	A	Ампер ўзгармас ток кучи, бир-бирдан 1 m ораликда вакуумда жойлашган, жуда кичик айлана кесимли параллел иккита тўғри чизиқли чексиз узунликдаги симдан ўтганда ўтказгичнинг ҳар 1 m учаскасида $2 \cdot 10^{-7}$ N га тенг ўзаро таъсир кучини ҳосил қила оладиган ток [ЎТБК (1946 й.) IX ЎТБК (1948 й.) тасдиқлаган 2 резолюция].
Термодинамик температура	$\theta$	кельвин	K	Кельвин – термодинамик температуранинг бирлиги бўлиб, сувнинг уч нуқтаси термодинамик температурасининг $1/273,16$ қисмига тенг [XIII ЎТБК (1967 й.) 4 резолюция]
Модда миқдори	<i>N</i>	моль	mol	Моль – массаси 0,012 kg углерод - 12 даги атомлар сонига тенг структуравий элементларни ўз таркибига олган тизимдаги моддалар миқдори. Молдан фойдаланганда структуравий элементлар спецификацияланиши лозим ва улар атом, молекула, ион, электрон ва бошқа заррачалар ёки заррачаларнинг спецификацияланган гуруҳлари бўлиши мумкин [XIV ЎТБК (1971 й.), 3 резолюция]
Ўруғлик кучи	<i>J</i>	кандела	Cd	Кандела – ўруғлик кучи: белгиланган йўналишда таркатаётган ўруғликнинг энергетик кучи $1/683$ W/sr, $540 \cdot 10^{12}$ Hz частотали монохроматик нур тарқатувчи манбанинг шу йўналишдаги ўруғлик кучи [XVI ЎТБК (1979 й.) 3 резолюция]

### Изоҳлар

1 Термодинамик температурдан (белгиси  $T$ ), бошқа Цельсий температурасидан (белгиси  $t$ ) ҳам фойдаланиш рухсат этилади:  $t = T - T_0$ , бунда  $T_0 = 273,15$  К. Термодинамик температура Кельвинларда, Цельсий температураси эса Цельсий градусларида ифодаланadi. Ўлчами жihatдан Цельсий градуси Кельвинга тенг. Цельсий градуси «Кельвин» номи ўрнида фойдаланиладиган махсус ном..

2 Термодинамик температуралар фарқи Кельвинларда ифодаланadi. Цельсий температураларининг фарқи ҳам Кельвинларда, ҳам Цельсий. градусларида ифодаланadi.

3 Халқаро амалий температурани Халқаро 1990 й. температура шкаласида, белгилаш зарур бўлса, яъни уни термодинамик температурадан фарқлаш лозим бўлса, термодинамик температура белгисига «90» индекси кўшилади, масалан,  $T_{90}$  ёки  $t_{90}$ .

SI бирлагининг ҳосилалари SI бирликларининг когерент ҳосилаларини ясаш қоидалари бўйича ясалади.

SI нинг асосий бирликларидан фойдаланиб, SI нинг ҳосила бирликларини ясаш мисоллари 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

SI нинг ҳосила бирликлари. Буларнинг номи ва белгиси SI асосий бирликларнинг номи ва белгисидан фойдаланиб ясалган.

Катталик		Бирлик	
Номи	Ўлчами	Номи	Белгиси
Майдон	$L^2$	Метр квадрат	$m^2$
Ҳажм, сизим	$L^3$	Метр куб	$m^3$
Тезлик	$LT^{-1}$	секундига метр	$m/s$
Тезланиш	$LT^{-2}$	квадрат секундга метр	$m/s^2$
Зичлик	$L^3M^{-1}$	Куб метрга килограмм	$kg/m^3$
Тўлқин сон	$L^{-1}$	Минус бир даражали метр	$m^{-1}$
Солиштирма ҳажм	$L^3M^{-1}$	килограммга куб метр	$m^3/kg$
Электр тоқининг зичлиги	$L^{-2}I$	метр квадратга ампер	$A/m^2$
Магнит майдон кучланганлиги	$L^{-1}I$	метрга ампер	$A/m$
Компонентнинг моляр концентрацияси	$L^{-3}N$	метр кубга моль	$mol/m^3$
Равшанлик	$L^{-2}J$	метр квадратга кандела	$cd/m^2$

## 6-боб. МЕТРОЛОГИК ТЕКШИРУВ ВА НАЗОРАТ

Метрологик теширув ва назорат ўлчашлар бирлигини таъминлаш, давлат ва жамиятни, атроф табиатни ўлчашлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан химоя қилиш мақсадларида амалга оширилади.

Метрологик текширув ва назоратнинг асосий вазибалари:

- метрология бўйича қонуларнинг ва меъёрий хужжатлар талабларининг бажарилаётганлигини текшириш;

- метрологик меъёрлар ва қоидаларнинг бузилишига йўл қўймаслик, зарур бўлганда эса, олдини олиш;

метрологик текширув ва назорат қуйидагиларга нисбатан қўлланади:

- ўлчов бирликлари;

- ўлчаш ва синаш воситалари, шу жумладан эталонлар, модда ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари, ахборот-ўлчаш тизимлари;

- ўлчаш ва синашларни бажариш методикалари;

- ўлчаш ва синашларнинг натижалари;

- ўлчаш воситаларини яратувчи, ишлаб чиқарувчи, фойдаланувчи, қиёсловчи ва ижарага берувчи, ўлчашларни бажариш методикаларини яратиш, аттестатлашни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари;

- ўлчашларни амалга оширувчи шахслар;

- метрологик талаблар қўйиладиган бошқа объектлар.

Метрологик текширув ва назорат қуйидагиларга бўлинади:

- давлат метрологик текшируви ва назорати;

- юридик шахс томонидан бажариладиган метрологик текширув ва назорат.

Давлат метрологик текшируви ва назорати – Давлат метрологик хизмати қонуний белгиланган соҳада амалга оширадиган фаолияти.

Қонуний белгиланган соҳада давлат метрологик текширув ва назоратини Метрология бўйича миллий идора – Ўзстандарт Агентлиги ва унга қарашли Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги бўлимлар (кейинчалик – давлат метрологик хизмат идоралари) амалга оширади.

Ўзбекистон давлат ва хўжалик бошқарув идораларида, тадбиркорлик субъектларида ўлчашлар бирлигини таъминлаш ва метрологик текширув ва назоратни амалга ошириш учун метрологик хизматлар ташкил этилиши мумкин.

Бунда метрологик хизматлар:

- вазирликлар ва маҳкамаларда – ўлчашлар бирлигини таъминлаш ва ўлчашлар доирасида тармоқ вазифаларини, метрологик текширув ва назоратни амалга ошириш учун;

- давлат ва хўжалик бошқарув идораларида, тадбиркорлик субъектларида – бирлашмалар таркибига кирган корхоналар томонидан топширилган ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажариш учун;

- тадбиркорлик субъектларида – ўлчашлар бирлигини таъминлаш ва метрологик текширув ва назоратни амалга ошириш учун ташкил этилади.

Юқорида номлари кўрсатилган объектларга нисбатан давлат метрологик текшируви ва назорати натижалари қуйидагиларда фойдаланиладиган ўлчашларга нисбатан қўлланилади:

- соғлиқни сақлаш ва ветеринарияда;
- атроф муҳит ҳолатини текширишда;
- озик-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини текширишда;

- меҳнат шароитлари ва транспорт ҳаракатининг хавфсизлигини текширишда;

- геодезия ва гидрометеорологик ишларни ўтказишда, фойдали қазилмаларни қазишда;

- энергия ташувчиларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва сифат ва миқдорини текширишда;

- моддий бойликларни ҳисобга олишда;

- савдо-сотик, божхона, почта ва солиқ ишларини бажаришда;

- телекоммуникация хизматларини кўрсатишда;

- давлат хавфсизлигини таъминлашда;

- захарли, осон ёнувчи, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ва йўқотишда;

- сертификатлаштирилладиган маҳсулотнинг хавфсизлигини ва сифат кўрсаткичларини аниқлашда;

- ўлчаш воситалари ва методикаларини давлат синовлари, киёслаш, калибрлаш, таъмирлаш ва метрологик аттестатлашда;

- миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олишда.

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларига асосан давлат метрологик текшируви ва назорати фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўзстандарт Агентлиги ўлчаш воситаларини киёслаш, метрологик аттестатлаш ва синаш ҳуқуқини метрологик ишларнинг бу турлари бўйича аккредитланган юридик шахсга ўрнатилган тартибда бериши мумкин.

Бундай ҳолларда метрологик хизматлар, марказлар, лабораторияларга талаблар O'z DSt 16.4:2001 ва O'z DSt 8.006:1999 бўйича аниқланади.

“Метрология тўғрисида” Қонунга мувофиқ давлат метрологик текшируви ва назорати объектилари қуйидагилардан иборат:

- эталонлар;
- ўлчаш воситалари;
- моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари;
- ахборот-ўлчаш тизимлари;
- ўлчашларни бажариш методикалари;
- ходимлар;
- метрология меъёрлари ва кондаларида кўрсатилган бошқа объектлар.

### 6.1 Ўлчаш воситалари

“Метрология тўғрисида” Қонунга мувофиқ ўлчаш учун фойдаланиладиган ва меъёрланган метрологик хоссаларга эга бўлган техник восита ўлчаш воситаси деб аталади. Техник воситаларни ўлчаш воситалари каторига киритиш мезонини Ўзстандарт Агентлиги белгилайди. Фойдаланишда бўлган ўлчаш воситалари ўлчаш натижаларини конуний бирликларда белгиланган аниқликда таъминташ ва қўлллиниш шароитларига мувофиқ келиши лозим.

Таърифланишига кўра, физик катталиқ бирлигининг ўлчамини бошқа ўлчаш воситаларига бериш мақсадида физик катталиқ бирлигини қайта тиклаш ва сақлаш учун мўлжалланган бирликлар эталонларини ўлчаш воситалари сифатида қабул қилиш мумкин.

Ўзстандарт Агентлиги метрология бўйича миллий идора сифатида эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўлллиниш тартибини ўрнатади.

Ўзстандарт Агентлиги тузилмасида Миллий эталонлар маркази ишлайди. Бу марказда 9 миллий эталон сақланади, буларнинг тўрттаси бирликларнинг ишчи эталони (вақт ва частота, ўзгарувчан ток кучланиши, босим, узунлик) ва бештаси ўлчаш намунавий воситалари (ҳаводаги газ аралашмасининг массаси улуши, электр сизимлилик, индуктивлик, масса, суюқликлар сарфи ва ҳажмини ўлчашлар).

Миллий эталонлар билан бир қаторда халқаро ташкилот тасдиқлаган халқаро эталонлар ҳам бор. Масалан, Францияда Ўлчовлар ва тарозилар Халқаро бюроси тасдиқлаган килограмм бирлигининг халқаро эталони.

Ўзининг вазифаси ва қўлланиш соҳасига кўра, моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари ҳам ўлчаш воситаларига киради. Стандарт намуналар бўйича батафсил маълумот куйида келтирилган.

Ўлчаш воситалари турли бирликларни (масса, температура, босим, частота, вақт, ток кучи ва б. ни) ўлчаш учун одамларнинг ҳаётий фаолиятининг турли соҳаларида (саноат, савдо, қурилиш, маиший ва ҳ.к.) фойдаланилади. Кенг фойдаланиладиган ўлчаш воситаларига, масалан, тарозилар, термометрлар, манометрлар, чизғичлар, соатлар киради.

Ўлчаш воситаларидан давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада ва бошқа соҳада (масалан, маиший ҳаётда) ҳам фойдаланиш мумкин. Давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада фойдаланиладиган ўлчаш воситалари давлат метрологик хизмат томонидан текширилади.

Ўзстандарт Агентлиги Ўзбекистон Республикасида қўлланишга рухсат этилган ўлчаш воситаларини давлат рўйхатидан ўтказди.

Давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада фойдаланиладиган ўлчаш воситалари ишлаб чиқарилгандан кейин, таъмирлашдан кейин, импорт бўйича келтирилганда ва фойдаланилганда мажбурий равишда қиёсланади.

Ўлчаш воситаларини қиёслашда метрологик текширув ҳар бир нусха ўлчаш воситасининг меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган техник талабларга мувофиқлигини экспериментал баҳолашдан ва мазкур нусхадан ўз вазифаси бўйича ва регламентланган шароитларда фойдаланишни давом эттириш мумкинлигини аниқлашдан иборат бўлади.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш тартиби ва қоидаларига талаблар O'z DSt 8.003:2005 “ЎЗ ЎДТ. Ўлчаш воситаларини қиёслаш. Асосий низомилар.”да белгиланган.

Вазифаси ва қўлланишига қараб қиёсланиши лозим бўлган ўлчаш воситаларининг рўйхати ўлчаш воситаларидан фойдаланувчилар томонидан аниқланади ва давлат метрологик хизмати идоралари томонидан текширилади.

Бундай рўйхатларни тузиш тартибини Ўзстандарт Агентлиги белгилайди.

Давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасидан ташқарида қўлланиладиган ўлчаш воситалари калибрланади.

## 6.2 Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари

Стандарт намуналар (СН) Ўзбекистон ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими (ЎзЎБТТ) нинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўлчаш бирлигини таъминлаш мақсадларида СН қуйидагилар учун қўлланилади:

– ўлчаш воситалари (ЎВ) ни қиёслаш, калибрлаш, метрологик аттесталаш, даражалаш, шунингдек уларни синашда, шу жумаладан турини тасдиқлаш мақсадида метрологик тафсилотларини текшириш учун;

– ЎБМ ни метрологик аттестатлаш;

– ЎБМ дан фойдаланиш жараёнида уларнинг ҳатоликларини ўзларида ўрнатилган алгоритмларга мувофиқ текшириш;

– метрологик текширувнинг бошқа турлари учун қўлланилади.

Ўлчашларнинг баъзи турларида СН текшириш схемаси таркибига эталон (Ўлчашлар намунавий воситаси) сифатида кириши ва мос қиёслаш схемасида ўрнатиш тартибда бирликнинг ўлчамини узатиш учун қўлланилиши мумкин.

СН тан олиш даражаси ва қўлланиш доирасига қараб қуйидаги тўифаларга ажралади:

– давлатлараро СН (ДАСН);

– давлат (сертификатлаштирилган) СН (ДССН);

– ишлаб чиқарувчининг СН (КСН).

Давлат (сертификатлаштирилган) стандарт намуналари қуйидагича белгиланади:

О'z DSN – O'zbekiston davlat standart namunasi.

Ишлаб чиқарувчининг стандарт намуналари учун: О'z ICHSN- O'zbekiston ishlab chiqaruvchining standart namunasi

Турли тоифадаги СН қўлланиш доираси:

– ДАСН ва ДСН учун сертификатлаштирилган стандарт намуна (ССН) Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча соҳаларида, шу жумладан, агар СН турининг таъсифида эслатиб ўтилмаган бўлса, давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада ҳам қўлланилади;

– ишлаб чиқарувчининг стандарт намунаси (ИЧСН) Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча соҳаларида, давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасидан мустақилол, қўлланилади.

ИЧСН ни қўлланиш соҳаси СН ни қўлланишга оид гувоҳномада ёки йўриқномада эслатиб ўтилади.

СН ваколатли идора томонидан тасдиқланган (тан олинган) дан кейин ўз вазифаси бўйича қўлланишга рухсат этилади.

Ўзбекистон давлат метрологик текширув ва назорат соҳасида Ўзстандарт Агентлиги берган сертификатга эга СН ёки “ДАСН” ёки “ДССН” (русча “МСО” ёки “ГСО”) белгилари бўлган СН, 1992 – йилгача чиқарилган ва ўз кучини йўқотмаган СН ни қўлланиш рўхсат этилади.

Хорижда ишлаб чиқарилган, импорт бўйича келтириладиган СН қўлланишга белгиланган тартибда рўхсат этилади.

Халқаро ва ҳудудий ташкилотларда яратилган СН, агар бу ишда Ўзбекистон қатнашган ва (ёки) СН ни тан олишга қўшилган бўлса, бундай СН уни тан олишда кўрсатилган шартларга мувофиқ қўлланилади.

СН учун метрологик тавсилотлар ўрнатилган бўлиши лозим, бундай тавсилотлар СН ни яратиш ва чиқаришга ҳужжатларда меъёрланади.

СН ни яратиш ва чиқариш ҳужжатларида уларнинг муайян турлари учун техник топшириқлар (ТТ) ва техник шартлар (ТШ) да қуйидаги метрологик тавсилотлар меъёрланади:

- а) СН нинг аттестатланадиган тафсилотининг аҳамияти;
- б) аттестатланадиган кийматнинг ҳатолиги (ноаниқлиги);
- в) СН материалининг бир жинсли эмаслиги натижасида содир бўладиган ҳатолик (ноаниқлик);
- г) СН нухасининг яроқлилиқ муддати;
- д) ташқи омилларнинг таъсир даражаси.

СН тафсилотларининг кийматлари СН ни аттестатлаш жараёнида ўрнатилади ва турининг тавсифномаси, шунингдек СН нухасининг сертификати (гувоҳномаси) да ҳам келтирилади.

СН нинг сертификати (гувоҳномаси) да келтириладиган метрологик тафсилотларнинг кийматлари СН тўпининг ҳар нухасига, ёки СН нинг муайян нухасига оид бўлади. Бу кийматларининг ўзи СН нухасининг СН ни қўлланиш бўйича ҳужжатларда ўрнатилган, қўлланиш процедурасига мувофиқ фойдаланиладиган ҳар қандай қисмга ҳам тааллуқли бўлади.

СН нинг яроқлилиқ муддати юкори чегараси чекланмайди.

Агар яроқлилиқ муддати ўрнатилмаган ёки СН нинг яроқлилиқ муддати 10 йилдан ортиқ бўлса, бу ҳолда СН нинг метрологик тафсилотлари 10 йилда камидан бир марта текширилади, текшириш тартиби СН ни қўлланиш бўйича йўриқномада ёки бундай процедуранинг белгилайдиган алоҳида ҳужжатда кўрсатилади.

СН ни ишлаб чиқиш (яратиш) асосий босқичлари:

- а) аттестатлаш дастури ва (ёки) методикасининг лойиҳасини ўз ичига олган СН га техник топшириқни ишлаб чиқиш;
- б) техник топшириқни метрологик экспертиза қилиш, қилишиш ва тасдиқлаш;



в) СН ни тайёрлаш бўйича илмий-тадқиқот ва экспериментал ишларни ўтказиш;

г) аттестатлаш дастури ва (ёки) методикасига мувофиқ СН кинг метрологик ва техник тафсилотларини ўрнатиш;

д) СН га ҳужжатларни ишлаб чиқиш, СН ни ишлаб чиқишга оид ҳисоботни расмийлаштириш, СН серияли ёки кичик серияли ишлаб чиқариладиган бўлса, техник шартлар (ТШ) ишлаб чиқилади;

е) СН ни ишлаб чиқишга оид ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш;

ж) СН ни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш.

СН ни ишлаб чиқишга техник топшириқни яратувчи-ташкилот тузади ва тасдиқлайди.

Давлат метрологик текширув ва назорати соҳасида қўлланишга мўлжалланган СН ни яратишга ТТ Ўзбекистон Стандарт намуналар Бош маркази – СМС ИТИ ёки Ўзстандарт Агентлиги билан келишиши лозим.

Рўйхатга олишда давлат стандарт намуналарига ўлчаш воситалари давлат реестрининг “Стандарт намуналар” бўлимидаги иккита рақамдан иборат номер берилади. Бу икки рақамдан нукта билан ажратилган тўртта рақамли рўйхатга олиш номери ва икки нукта билан ажратилган тасдиқлаш йили кўрсатилади (XX.XXXX:XXXX).

Масалан, O’z DSN 03.0179:2002.

Ишлаб чиқарувчиларнинг стандарт намуналарини рўйхатга олишда уларга корхоналар ва ташкилотлар Умумдавлат таснифлагичи бўйича КТУТ қодининг саккизта рақамидан иборат номери берилади. Бу рақамлардан нукта билан ажратилган тўртта рақамли рўйхат номери ва қўш нукта билан ажратилган тасдиқлаш йили ёзилади (XXXXXXXX.XXXX:XXXX).

Масалан, O’z IChSN 00934175.0009: 2001.

Хорижда ишлаб чиқарилган импорт бўйича келтирилган, Ўзбекистонда тан олинган ва қўлланишга рухсат этилган ёки халқаро ва ҳудудий ташкилотлар доирасида ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистонда тан олинган СН ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилади, бунда уларга рўйхатга олинган номер берилади, қавслар ичида эса, ишлаб чиқарган мамлакат ёки ташкилот томонидан берилган рўйхат номери кўрсатилади.

Масалан:

– Россиянинг стандарт намунаси

O’z DSN 03.0693:1999 (ГСО 1639-93 П);

– Украинанинг стандарт намунаси

O’z DSN 03.0719:1999 (ДСЗУ 022.36-96);

– DORFNER фирмасида (Германия) тайёрлаган стандарт намуна

O’z DSN 03.0178:2002 (42161/1/14937/1/99; PBK 6652F3).

Ўзстандарт Агентлиги рўйхатга олинган СН тўгрисидаги ахборотни СН сертификатининг хос реестрига киритади.

Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини яратиш, тасдиқлаш (тан олиш), рўйхатга олиш, чиқариш ва қўлланишга умумий талаблар, шу жумладан қиёслаш газли аралашма (аттестатланган аралашмалар бундан мустасно) учун талаблар Ўз РСТ 8.018-97 да белгиланган.

### **6.3 Ўлчашларни бажариш методикаси**

Ўлчашларни бажариш методикалари ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг зарур ва муҳим ташкил этувчисидир. О'з DSt 8.010.1:2002 “Ўз ЎДТ. Метрология. Атамалар ва таърифлар. Асосий ва умумий атамалар” стандартида ўлчашларни бажариш методикаси ўлчашлардаги ишлар ва қоидаларнинг ўрнатилган мажмуи сифатида таърифланган. Ўлчаш ишлари ва қоидалри бажарилганда ўлчашлар натижалари қафолатланган аниқликда олинади.

Ўлчашларни бажариш методикасида ўлчаш натижаларининг ҳақиқатликлари баҳоланган бўлиши ва муайян ўлчаш шароитларида ўрнатилган аниқликни таъминлаши лозим. Ўлчашлар белгиланган тартибда аттестатланган ўлчашларни бажариш методикасига мувофиқ бажарилиши лозим. Ўлчашларни бажариш методикасини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестатлаш тартиби Ўзстандарт Агентлиги томонидан ўрнатилади.

Ўлчашларни бажариш методикасига асосий талаблар О'з DSt 8.016:2002 “Ўз ЎДТ. Ўлчашларни бажариш методикалари. Асосий низомлар” да ўрнатилган.

Ўлчашларни бажариш методикаси ЎБМ ни ишлаб чиқишда О'з Т 51-088:1999 “Ўз ЎДТ. Ўлчашларни бажариш методикалари. Тузилиши, мазмуни, баён этилиши ва расмийлаштирилиши” нинг низомларидан фойдаланиш таъсия этилади.

### **6.4 Ходимлар**

Метрологик фаолият билан шуғулланувчи ходимлар аттестатлаши лозим. Ходимларни аттестатлашда малака даражасининг фаолиятининг ушбу турига мувофиқлиги аниқланади. Бунда метрологик текширув ва назоратнинг муайян турини бажаришга метрологик билимлар ва амалий қўникмаларнинг мавжудлиги аниқланади.

Давлат метрологик хизматларига аттестатланган ходимларни жалб этишни талаб қилувчи метрологик фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

- ўлчаш воситаларини синаш;
- ўлчаш воситаларини қиёслаш;
- ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш;
- синаш воситаларини аттестатлаш;
- ўлчашларни бажариш методикаларни метрологик аттестатлаш;
- юридик шахсларни аккредитлашда иштирок этиш;
- меъёрий ва техник ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш;
- давлат метрологик назорати.

Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳадан ташқарида, юридик шахе ўрнатилган тартибда аттестатланган ходимларни талаб этувчи фаолият турларини мустақил равишда аниқлайди.

## **7-боб. МЕТРОЛОГИК ТЕКШИРИШ**

### **7.1 Метрологик текшириш турлари**

Метрологик текшириш – Ўлчаш жараёнида қатнашувчи элементлар тафсилотларининг меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш бўйича ваколатли идоралар ва шахсларнинг фаолияти.

Метрологик текшириш қуйидагилардан иборат:

- ўлчаш воситаларининг турларини синаш ва тасдиқлаш;
- ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш;
- синаш воситаларини аттестатлаш;
- ўлчаш воситаларини қиёслаш;
- ўлчаш воситаларини калибрлаш;
- ўлчашларни бажариш ва бажариш сифатини баҳолаш методикаларини метрологик аттестатлаш;
- меъёрий ва техник ҳужжатларни метрологик экспертизадан ўтказиш;
- метрологик хизматлар, марказлар, лабораторияларни ўлчаш воситаларини қиёслаш, синаш, ўлчаш воситаларини, ўлчашларни бажариш методикаларини метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситаларини калибрлаш ва бу ишларнинг бажарилишини метрологик таъминлаш сифатини баҳолаш мақсадида бошқа муайян метрологик фаолиятга аккредитлашда қатнашиш;

– Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш фаолиятини рўйхатга солиш;

– муайян метрологик текшириш ва назорат турларини амалга оширувчи ходимларни аттестатлаш.

Давлат метрологик текшируви турлари:

– Ўлчаш воситалари хилларини синаш ва тасдиқлаш;

– Ўлчаш воситалари ва ўлчашларни бажариш методикаларини метрологик аттестатлаш;

– Ўлчаш воситаларини, шу жумладан эталонларни киёслаш, калибрлаш;

– метрологик хизматлар, марказлар, лабораторияларни синаш, киёслаш, ўлчаш воситаларини ва ўлчашларни бажариш методикаларини метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситаларини бажариш методикаларини метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситаларини калибрлаш ва бошқа муайян метрологик фаолият турларига аккредитлаш;

– тадбиркорлик субъектларининг ўлчаш воситаларини тайёрлаш, сотиш, ижарага бериш бўйича фаолиятни лицензиялаштиришда ўрнатилган метрологик меъёрлар ва қоидаларга риоя қилинишини баҳолаш ва тасдиқлаш;

– Ўлчашларни бажариш ва метрологик фаолиятнинг бошқа турлари сифатини баҳолаш.

Давлат метрологик текшируви ва назорати идоралари томонидан метрологик меъёрлар ва қоидаларига риоя қилинишини текшириш мақсадида амалга оширилади.

Давлат метрологик текшируви ва назорати метрологик соҳасидаги қонун талабларига мувофиқ бажарилади.

## 7.2 Ўлчаш воситаларининг хилини тасдиқлаш

Давлат текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳаларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича келтириладиган ўлчаш воситалари (ЎВ) давлат синовларидан ўтказилиб, уларнинг хили тасдиқланиши ёки метрологик аттестатланиши лозим.

Давлат синовларини ўтказиш, хилини тасдиқлаш ва ЎВ ни Давлат рўйхатига киритиш ишларини Ўзстандарт Агентлиги бажаради.

Тайёрловчи тасдиқланган ЎВ га ёки уларнинг эксплуатацион ҳужжатларига Давлат рўйхатининг белгисини ёзиши шарт.

Бошқа давлатларнинг ўлчаш воситаларини синаш ва метрологик аттестатлаш натижалари тузилган шартномалар ва битимларга мувофиқ тан олинади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовларни ташкиллаш-тириш, ўтказиш тартиби ва мазмунига талаблар ва давлат метрологик

текшируви ва назорати соҳасида қўлланилиши мумкин бўлган ЎВ нинг хилини тасдиқлаш тартиби О'з DSt 8.009:2004 да ўрнатилган.

О'з DSt 8.009:2004 стандартнинг талаблари Ўзбекистон Республикасида яратиладиган ва (ёки) серияли ишлаб чиқарилиши мўлжалланган ЎВ га ва Ўзбекистон ҳудудига импорт бўйича тўпи билан келтириладиган ўлчаш воситаларига нисбатан қўлланилади.

Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳадан ташқарида қўлланиладиган ёки қўлланишга мўлжалланган ЎВ ихтиёрий равишда синолга ва кейинчалик хилини тасдиқлашга тақдим этилиши мумкин.

ЎВ унинг конун талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш схемасининг элементи бўлиб ҳисобланади ва бундай тасдиқлаш Ўзстандарт Агентлиги томонидан ўрнатилган тартибда ўтказилади.

Тўпи билан импорт бўйича келтириладиган, гигиеник талабларга, хавфсизлик талабларига, махсус талабларга сертификатлаштирилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари бу процедуралардан ўрнатилган тартибда ўтгандан кейин ва зарур сертификатларни Ўзстандарт Агентлигига тақдим этгандан кейин хилни тасдиқлаш мақсадида синовларга топширилади.

Ўзбекистон ҳудудида яратиладиган ва (ёки) тўпи билан чиқаришга мўлжалланган ва гигиеник талабларга, хавфсизлик талабларига, махсус талабларга мувофиқлиги сертификатлаштирилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари бу талабларга мувофиқлигини ўрнатилган тартибда баҳолаш мақсадида синовларга тақдим этилади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни метрология бўйича миллий идора – Ўзстандарт Агентлиги қабул қилади.

ЎВ нинг хили ЎВ нинг намуналарини (нусхаларини) синаш натижалари бўйича тасдиқланади. Синаш жараёнида ЎВ намуналарининг тафсилотлари ҳар томонлама тадқиқ қилинади ва бу тафсилотлар (характеристикалар) нинг мазкур ЎВ нинг хилига оид меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлиги аниқланади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовлар қабул комиссияси томонидан ўтказилади. Комиссия таркибини Ўзстандарт Агентлигининг бунга қарашли тузилмаларининг ва Ўзбекистон Республикаси метрологик хизмати Бош маркази (Ўз МХБМ) вакиллари киритилиши лозим. Ўз МХБМ нинг вазифаси СМС ИТИ га юклатилган.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида ЎВ нинг намуналари (нусхалари) ни синаш О'з DSt 16.4:2001 ва О'з DSt 8.006:1999 бўйича аккредитланган синаш (ўлчаш) лабораторияларида ўтказилади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовлар бундай синовларни ўтказиши учун Ўзстандарт Агентлиги тайинлаган ташкилотнинг раҳбари тасдиқлаган синовлар дастури ва методикасига мувофиқ ўтказилади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовларни ЎВ ни синаш намунавий дастурлари бўйича ўтказиш ҳам рухсат этилади.

ЎВ нинг хилини Ўзстандарт Агентлиги илмий-техникавий комиссиясининг таклифларига асосан тасдиқлайди.

ЎВ нинг хили тасдиқлангандан кейин хилни тасдиқлаш мақсадида синовларни ўтказган ташкилотнинг раҳбари ЎВ текшириш методикасини (илгари тасдиқланган методика йўқ бўлган ҳолларда) ва ЎВ хилининг тавсифини тасдиқлайди. Ўзстандарт Агентлиги Ўзбекистонда серияли ишлаб чиқаришга мўлжалланган ЎВ учун техник шартларни давлат рўйхатидан ўтказида.

Ўзстандарт Агентлиги тасдиқланган ЎВ хилини Ўз РХ 51-019:2005 бўйича Давлат рўйхатига киритади.

Тасдиқланган ҳужжатлар комплекти ЎВ давлат реестрининг ишида сақлаш учун топширилади.

Ўлчаш воситасини тайёрловчи-ташкилот хили тасдиқланган ЎВ га, Ўзбекистонда сериялаб чиқариладиган ЎВ га ва уларнинг эксплуатацион ҳужжатларига (ГОСТ 2.601 бўйича) ЎВ Давлат реестрининг белгисини О' 1.19:1999 бўйича ёзиб қўяди.

Хили тасдиқланган ЎВ га, Ўзстандарт Агентлиги тасдиқлаган тартибда, хилни тасдиқлаш тўғрисидаги сертификат берилади.

### 7.3 Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш

Давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада фойдаланиладиган ёки фойдаланишга мўлжалланган ўлчаш воситалари метрологик аттестатланади. Бунда қуйидагилар аттестатланади:

- доналаб ишлаб чиқариладиган ЎВ;
- чет мамлакатлардан доналаб келтириладиган ЎВ;
- ўзининг бевосита вазифаси бўйича қўлланилмайдиган ёки хилни тасдиқлашда ўрнатилган қўлланиш шароитларидан фарқланувчи шароитларда қўлланиладиган, ватанда ёки хорижда ишлаб чиқарилган, хили тасдиқланган ЎВ;

- хилни тасдиқлашда ўрнатилганлардан фарқланувчи индивидуал метрологик тафсилотларни ўрнатишга имкон берувчи техник имкониятларга эга, сериялаб ишлаб чиқарилган ЎВнинг дона нусхалари;

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб боришда тайёрланган ва метрологик аттестатлашни ўтказишни ташкиллаштиришга ва тартибига умумий талабларни ўрнатишда.

Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш – доналаб ишлаб чиқарилган (ёки хориждан доналаб нусхаларда келтириладиган) ўлчаш воситаларини, буларнинг хоссаларини сиқчиклаб тадқиқ қилиш

асосида, давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланишга ҳуқуқли эканлигини метрологик хизмат томонидан тан олиш.

Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш – метрологик тафсилотларининг ҳақиқий қийматларини ўрнатиш мақсадида тадқиқ этишдир. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш – уларнинг метрологик тафсилотларининг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида тадқиқ этишдир. Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳага қирмайдиган ўлчаш воситалари ҳам метрологик аттестатланиши мумкин. Бундай аттестатлаш ихтиёрий асосда ўтказилади.

Метрологик аттестатлаш ЎВнинг метрологик тафсилотларининг ҳақиқий қийматларини аниқлаш ва (ёки) уларнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

ЎВни метрологик аттестатлашнинг асосий вазифалари:

- ЎВнинг давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида ўз вазифасига мувофиқ қўлланилишига ҳуқуқли эканлигини ўрнатиш;
- аттестатланадиган ЎВ метрологик тафсилотларининг ЎВни яратишга техник топшириқда ўрнатилган ёки ЎВдан фойдаланувчи (аттестатлашни булғирувчи)нинг аттестатлашга топшириги (сўровномаси)га биноан ўрнатилган талабларга мувофиқлигини баҳолаш;
- ЎВнинг ҳақиқий метрологик тафсилотларини аниқлаш;
- ЎВ техник тафсилотларининг хавфсизлик талабларига, гигиеник ва хос синовлар жараёнида ўрнатилган бошқа махсус талабларга мувофиқлигининг тўлиқлигини баҳолаш.

Давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланиладиган ва хилни тасдиқлаш процедурасидан ўтмаган барча ўлчаш воситалари мажбурий равишда метрологик аттестатланади.

Давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасидан ташқарида қўлланиладиган, хилни тасдиқлаш процедурасидан ўтмаган ўлчаш воситалари бирламчи калибрланиши лозим.

ЎВни метрологик аттестатлаш уларни эксплуатацияга қабул қилиш (эксплуатация шароити ўзгарган) босқичида ёки Ўзбекистон божхона чегарасидан ўтиш, ЎВни чет элдан олиб кириш босқичида ўтказилади.

Метрологик аттестатлашдан ўтган ЎВ даврий, зарур бўлганда эса навбатдан ташқари ёки инспекцион қиёсланади.

ЎВни метрологик аттестатлашни давлат метрологик хизмати ёки ЎВни аттестатлаш ҳуқуқига аккредитланган юридик шахслар ўтказиши мумкин.

Хавфсизлик талабларига, гигиеник ёки махсус талабларга мувофиқлигини синаш лозим бўлган ЎВ мос синовларни ўтказгандан кейин метрологик аттестатланади.

Метрологик аттестатлаш қуйидаги тартибда ўтказилади:

Аттестатлашни ўтказишга манфаатдор юридик (жисмоний) шахс (кейинчалик – Буюртмачи) ЎВни метрологик аттестатлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс (кейинчалик - Бажарувчи) га сўровнома топширади.

Аттестатлаш натижалари ижобий бўлганда аттестатлашни ўтказган юридик шахс (бажарувчи) аттестатлаш натижалари тўғрисида Ўзстандарт Агентлигига хабар беради ва унга ЎВни аттестатлаш баённомаси, далолатномаси, тавсифи ва аттестатлаш сертификатининг нусхаларини ўн беш кун муддат ичида тақдим этади.

#### **7.4 Давлат рёестрларини бошқариш**

Метрология бўйича миллий идора:

– О‘з РН 51-019:2005 бўйича ўлчаш воситаларининг;

– О‘з РН 51-089:1999 бўйича ўлчашларни бажариш методикаларининг давлат рёестрларини бошқаради.

#### **7.5 Ўлчаш воситаларини қиёслаш**

Давлат текшируви ва назорати соҳасида фойдаланиладиган, қиёсланиши лозим бўлган ЎВнинг рўйхати Ўзстандарт Агентлиги томонидан тасдиқланади.

ЎВ ни Давлат қиёслашини давлат метрологик хизмати идоралари ўтказади, лекин ЎВ ни қиёслаш ҳуқуқи юридик шахсларнинг аккредитланган метрологик хизматларига ҳам топширилиши мумкин.

Бошқа давлатларда бажарилган ЎВ ни қиёслаш натижалари халқаро шартномалар ва битимлар асосида тан олинади.

Эксплуатацияда турган, ишлаб чиқарилган, таъминланган ва импорт бўйича сотиб олинadиган ЎВ ни қиёслашни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича асосий низомлар О‘з DSt 8.003:2005 “Ўз ЎДТ. Ўлчаш воситаларини қиёслаш. Асосий низомлар” да баён этилган.

Эксплуатацияда турган, ишлаб чиқарилган, таъминланган ва импорт бўйича сотиб олинadиган барча ЎВ давлат қиёслашидан ўтиши лозим.

ЎВ бирламчи, даврий, навбатдан ташқари, инспекцион ва эксперт қиёслашдан ўтказилади.

Ишлаб чиқаришдан ёки таъмирлашдан чиққан ва импорт бўйича келтириладиган ЎВ бирламчи қиёслашдан ўтказилади. ЎВ нинг ҳар бир нусхаси бирламчи қиёслашдан ўтказилади. ЎВ ялпи ишлаб чиқа-



рилганда танлаб қиёслаш рухсат этилади. Танлаб бирламчи қиёслаш қоидалари, ўтказиш тартиби бу ЎВ ни қиёслаш методикасида кўрсатилади.

Эксплуатацияда турган ёки оператив сақланаётган ЎВ қиёслашлараро оралиқ вақтлардан кейин даврий қиёслашдан ўтказилади. Даврий қиёслаш вақти ўлчаш воситасининг бу давр ичида яроқлилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва белгиланади.

Даврий қиёслашлар ўртасидаги вақт:

давлат қиёслашига тақдим этилган ўлчаш воситасига давлат метрологик хизмати идоралари томонидан белгиланади.

Давлат даврий қиёслаши намунавий ва ишчи ЎВ ни қиёслаш графиклари (шартномалари) да белгиланган календар муддатларда ўтказилади.

Эксплуатацияда турган ва сақланаётган ЎВ учун навбатдан ташқари қиёслаш қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

– қиёслашлараро даврнинг ярим вақти ўтгандан кейин ўлчаш воситасидан бутловчи сифатида фойдаланилганда;

– қиёслаш тамғаси, пломбаси, шикастланганда ёки ЎВ нинг бирламчи ёки даврий қиёслашдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқолганда;

– агар қиёслаш тамғасининг ёки ўлчаш воситасининг қўлланишга яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжатнинг амал қилиниш муддати тугаган бўлса, сақлашдан олиниб эксплуатацияга киритишда;

– қиёслашлараро вақт ичида харидга чиқарилмаган ЎВ ни тайёрловчи корхона истеъмолчига етказиб беришда.

Ўлчаш воситасининг ҳолати ва қўлланилишини давлат назоратидан ва маҳкама текширувидан ўтказишда ЎВ нинг қўлланишга яроқли эканлигини аниқлаш учун инспекцион қиёслаш ўтказилади. ЎВ ни инспекцион қиёслаш натижалари давлат ёки маҳкама текшируви далолатномасида акс эттирилади.

Давлат қиёслашидан мажбурий равишда ўтказиладиган воситалар:

а) давлат метрологик хизматларининг ва тадбиркорлик субъектларининг намунавий ўлчаш воситалари;

б) ўзининг бевосита вазифасига мувофиқ намунавий ЎВ сифатида ёки тайёрлашга буюртнома шартлари бўйича ишлаб чиқарилган ЎВ;

в) нурланишни ионловчи ва таркибида нурланишни ионловчи манба бор бўлган ЎВ;

г) приборларни таъмирловчи хўжалик юритувчи субъектлари чиқарган, таъмирдан кейин бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бериш учун мўлжалланган ЎВ;

д) миллий ва халқаро спорт рекордларини қайд қилиш билан боғлиқ ўлчаш воситалари;

е) давлат арбитраж идоралари томонидан экспертиза ўтказишда, шунингдек божхона текширувида ўлчашлар учун қўлланиладиган ЎР;  
к) ўлчаш учун ишчи ЎВ сифатида қўлланиладиган, ўлчаш натижалари:

табиатни муҳофазалаш;  
соғлиқни сақлаш;  
меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;  
барча турдаги транспортнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;  
ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлаш; алоқа тизимларини таъминлаш;  
хўжаликлараро ўзаро ҳисоблашлар; савдонинг барча турлари;  
аҳолига пулли хизматларнинг барча турлари учун қўлланиладиган ЎВ.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш давлат ёки маҳкама қиёсловчиси малакаси берилганлиги тўғрисида амалдаги гувоҳномаси бор шахслар томонидан бажарилади.

## 7.6 Ўлчаш воситаларини калибрлаш тизими

Ўзбекистон Республикаси ўлчаш воситаларини калибрлаш тизими (кейинчалик – Ўз КТ) ни ташкиллаштириш, тузилиши, вазифалари бўйича асосий низомлар, бу тизимга кирган субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўз РСТ 8.018-97 да белгиланган. Бу стандартнинг қондалари Ўз КТ да аккредитланган юридик шахсларнинг метрологик хизматларига, Ўз КТ га кирган аккредитлаш ва бошқа идоралар ва ташкилотларга нисбатан жорий этилади.

ЎВ ни калибрлаш – Ўлчаш воситаларининг ҳақиқий метрологик тафсилотлари (характеристикалари) ни аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида, белгиланган шароитларда бажариладиган амаллар мажмуи.

Калибрлаш тизими – Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланилмайдиغان соҳада ўлчашлар бирлигини таъминлашга йўналтирилган фаолият ва калибрлаш ишларини бажарувчи ва калибрлаш ишларини ташкиллаштириш ва ўтказишга ўрнатилган талаблар асосида ҳаракат қилувчи субъектлар мажмуи.

Калибрлаш тўғрисидаги сертификат – Ўлчаш воситаларининг калибрланганлигини ва унинг натижаларини тасдиқловчи ҳужжат. Бу ҳужжат калибрлашни бажарган ташкилот томонидан берилади.

Калибрлаш белгиси – Калибрлаш натижаларининг ижобий эканлигини тасдиқлаш мақсадида ўлчаш воситасига ва (ёки) уларнинг эксплуатацион ҳужжатларига босиладиган тамга.

Ўз КТ Ўзбекистон Республикасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш умумий тузилмасининг таркибий қисми бўлиб, давлат метрологик текшируви ва назоратидан ташқари соҳада метрологик ишларни ташкиллаштириш ва ўтказишда ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизимида ўрнатилган меъёрлар ва қондаларга риоя қилинишини кўзда тутди.

Ўз КТ қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда тузилади:

- тизимга ихтиёрий равишда кириш;
- калибрлаш ишларини бажаришда талабларни мажбурий бажариш;
- давлат эталонларидан ва бошланғич ўлчаш воситаларидан birlikларнинг ўлчамларини калибрланувчи ўлчаш воситаларига мажбурий бериш.

Калибрлаш тизимидаги фаолиятнинг асосий вазифалари:

- аккредитловчи идораларни рўйхатга олиш;
- метрологик хизматларни калибрлаш ишларини бажариш ҳуқуқига аккредитлаш;
- ўлчаш воситаларини калибрлаш;
- Ўз КТ нинг асосий тамойилларини ва қондаларини ўрнатиш;
- Ўз КТ нинг фаолиятини ташкилий, методик ва ахборот билан таъминлаш;
- аккредитланган метрологик хизматлар томонидан калибрлаш ишларини бажаришда талабларга риоя қилинаётганлигини инспекцион текшириш.

Метрология бўйича Миллий идора (Ўзстандарт Агентлиги), СМС ИТИ, худудий ССМ, юридик шахсларнинг аккредитланган метрологик хизматлари, ўз вазифаларини ушбу ҳужжатнинг талабларига мувофиқ бажарувчи Ўз КТ нинг ташкилий асосини ташкил этади.

Ўз КТ тузилмаси қуйидагилардан ташкил топган:

- Ўз КТ нинг Марказий идораси;
- Ўз КТ нинг Кенгаши;
- Ўз КТ нинг аккредитлаш идоралари;
- калибрлаш ишларини бажаришга аккредитланган юридик шахсларнинг метрологик хизматлари.

Юридик шахсларнинг аккредитланган метрологик хизматлари:

- УВ ни, шу жумладан ташқи ташкилотлар учун ҳам калибрлаш ишларини бажаради;
- калибрлаш ишларини ўтказиш учун талаб этилган шароитларни, калибрлаш воситаларининг ва ёрдамчи жиҳозларнинг яхши ҳолатда бўлишини таъминлайди;
- калибрлаш ишларини ўтказиш учун зарур техник, методик ва меъёрий ҳужжатлар жамғармасини шакллантиради ва ривожлантиради;

– меъёрий ҳужжатларнинг ўлчашлар бирлигини таъминлаш ва калибрлаш фаолияти доирасидаги талабларининг бажарилишини таъминлайди;

– кадрлар тайёрлаш ва кадрлар малкасини ошириш ишларини бажаради;

– калибрлаш фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқади.

Метрологик хизмат қўйидагиларга масъул бўлади:

– корхоналарда калибрланиши лозим бўлган ЎВ нинг ҳолатига;

– бажариладиган калибрлаш ишларининг сифатига;

– корхонага қарашли калибрлаш воситаларининг ҳолатига;

– калибрлаш интервалларининг тўғри ўрнатилганлигига.

Ўзбекистон Республикасининг калибрлаш тизими ўз белгисига эга.

Бу белгининг шакли ва ўлчамларини метрология бўйича миллий идора тасдиқлайди.

Ўз КТ нинг белгиси бланкларга, штампларга, шунингдек Ўз КТ нинг бошқа ҳужжатлари ва объектларига тамғалаб босилади. Ўз КТ нинг белгисини тамғалаш (қўлланиш) жойи ва тартибини Ўз КТ нинг Марказий идораси белгилайди.

## **7.7 Юридик шахсларни метрологик ишларни ва хизматларни бажариш ҳуқуқига аттестатлаш ва аккредитлаш**

Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳада фойдаланилиши мумкин бўлган ўлчаш воситаларини тайёрлаш, харидга чиқариш ва ижарага бериш ишларини тадбиркорлик субъектлари қонунга мувофиқ бериладиган лицензия асосида бажаради.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш, синашларни ўтказиш, ЎВ ни ва синашларни, ўлчашларни бажариш методикаларни метрологик аттестатлаш, ЎВ ни калибрлаш ҳуқуқига юридик шахсларни аккредитлаш жараёнида метрологик текшириш аккредитланадиган субъект томонидан сўралган фаолият учун меъёрий ҳужжатларда белгиланган метрологик меъёрлар ва коидаларнинг бажарила олиш мумкинлигини текшириш ва баҳолашдан иборат. Метрологик текшириш О'з DSt 16.4:2001, О'з DSt 8.006:1999 ва Ўз РХ 51-016-93 бўйича бажарилади.

Метрологик хизматлар, марказ, лабораторияларни синашлар бўйича ишларни, ўлчаш воситалари ва методикаларини қиёслаш, калибрлаш, метрологик аттестатлаш ёки давлат метроогик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳада метрологик фаолиятнинг бошқа муайян турларини бажаришга аккредитлаш бўйича қарор давлат метрологик хизматининг хулосаси бор бўлганда қабул қилинади.

Юридик ва жисмоний шахсларни меъёрий ва техник ҳужжатларини метрологик экспертизадан ўтказиш, қиёслаш, калибрлаш, таъмирлаш, синашларни бажариш методикаларини метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситаларини метрологик аттестатлаш (агар буларни давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланиш мумкин бўлса) ишларни ўтказиш ҳуқуқига акредитлаш Ўзстандарт Агентлиги ўрнатган тартибда амалга оширилади.

## 8-боб. МЕТРОЛОГИК НАЗОРАТ

Метрологик назорат – Ўлчаш жараёни элементларининг ҳолатини ва қўлланилишини ҳамда ўрнатилган метрологик меъёрлар ва қондаларга риоя қилинишини текшириш бўйича ваколатланган идоралар фаолияти.

Давлат метрологик хизмати ўтказадиган метрологик назоратта қуйидагилар киради:

– ўлчаш воситаларини чиқариш, уларнинг ҳолати ва қўлланлиши, аттестатланган ўлчашларни бажариш методикалари, ўлчашларнинг бирхиллигини таъминлаш, метрологик меъёрлар ва қондаларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

– аккредитланган метрологик хизматлар, марказлар ва лабораториялар метрологик фаолиятининг муайян турларини бажарётганда метрологик меъёрлар ва қондаларга риоя қилинаётганлигини текшириш;

– савдо ишларини бажарётганда тасарруфидан чиқариладиган моллар миқдорини назорат қилиш;

– ҳар қандай идишда қадокланган моллар миқдорини назорат қилиш.

Ўзстандарт Агентлигининг қарори бўйича, давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳада, зарур бўлган ҳолларда, метрологик назоратнинг бошқа турлари ва шакллари ўрнатилиши мумкин.

Ўлчаш воситаларини чиқариш, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши, синашлар, ўлчашларни бажариш методикалари, ўлчашлар биричилигини таъминлаш, метрологик меъёрлар ва қондаларга риоя қилиниши устидан давлат метрологик назоратини ўтказишда мос меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган меъёрлар ва қондаларнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилаётганлиги текширилади ва баҳо берилади.

Бунда қуйидагилар текширилади:

- ўлчов бирликларининг тўғри қўлланилаётганлиги;
- ўлчаш ва синаш воситаларининг ҳолати;
- ўлчаш ва синаш методикаларининг қўлланилиши ва уларга риоя қилиниши;

- синашлар, метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситаларини қиёслаш, калибрлашни ўтказиш метрологик шарт-шароитларига риоя қилинаётганлиги;

- ўлчаш воситаларини четдан келтириш, ишлаб чиқаришда тайёрлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш, ижарага беришда метрологик қоидаларга риоя қилиниши;

- метрологик ишларни бажарувчи ходимларнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлиги.

Метрологик назоратнинг бундай турларини ўтказиш ва мазмунини Ўзстандарт Агентлиги белгилайди.

Аккредитланган метрологик хизматлар, маркалар ва лабораторияларнинг фаолияти устидан метрологик назорат аккредитланган субъект томонидан метрологик меъёрлар ва қоидаларнинг бажарилаётганлигини текшириш ва баҳолашдан иборат.

Савдо ишларини бажаришда тасарруфдан чиқариладиган моллар миқдори устидан Давлат метрологик назорати истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади ва масса, ҳажм, узунлик ва бошқа физик катталикларда ифодаланган моллар миқдорининг тўғри аниқланганлигини текшириш, фойдаланиладиган ўлчаш воситаларининг тўғрилигини аниқлашдан иборат.

Назоратнинг бундай турларини ўтказиш тартибини Ўзстандарт Агентлиги ўрнатади.

Ҳар қандай идишда қадоқланган моллар миқдорини, уларни қадоқлашда ва сотишда давлат метрологик назорати, қадоқланган идишни очиш билан боғлиқ бўлган, идишдаги молнинг массаси, ҳажми, узунлиги ёки бошқа кўрсаткичлари молнинг этикеткасида кўрсатилган ҳолларда ўтказилади.

Давлат метрологик назоратининг кўрсатилган турини ўтказиш тартиби O'z DSt 8.022:2002 де белгиланган.

Юридик шахснинг метрологик хизмати амалга оширадиган метрологик назоратда, одатда, қуйидагилар ўтказилади:

- ўлчаш воситаларининг ҳолатини ва қўлланилишини тадқиқ қилиш;

- ўлчашларни бажариш методикаларининг ҳолати ва қўлланилишини текшириш;

- ўлчашларнинг тўғри бажарилаётганлигини баҳолаш;

- ўлчаш воситаларининг қиёслаш ва калибрлашга ўз вақтида тақдим этилишини текшириш;

- ўлчаш воситаларидан фойдаланиш шароитларига, калибрлашни ўтказиш коидаларига, калибрлаш ва ўлчаш лабораторияларида ишларни бажариш шарт-шароитларига риоя қилинишини текшириш;
- метрология бўйича меъёрий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилинишини текшириш.

Метрологик хизматлар тўғрисидаги низомларда ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда метрологик назорат бўйича бошқа ишлар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Бу мақсада юридик шахс метрологик хизматни ёки бошқа кичик бўлинмани ташкил қилади, Ўзстандарт Агентлиги ишларнинг мазкур турига аккредитлаган чет ташкилотларнинг хизматларидан, шунингдек давлат метрологик хизмати хизматларидан фойдаланади.

### **9-боб. ДАВЛАТ МЕТРОЛОГИК ТЕКШИРУВИ ВА НАЗОРАТИ ТУРЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида” Қонунига мувофиқ давлат метрологик текшируви ва назорати қуйидаги соҳаларда тадбиқ этилади:

- соғлиқни сақлаш, ветеренария, атроф муҳитни муҳофазалаш;
- моддий бойликларни ва энергетик ресурсларни ҳисобга олиш;
- савдо-сотик, божхона, почта ва солиқ ишларини ўтказиш, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш;
- захарли, осон алангаланадиган, портлайдиган ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ва йўқотиш;
- давлат мудофаасини таъминлаш;
- меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш;
- сертификатлаштириладиган маҳсулотнинг хавфсизлигини ва сифатини аниқлаш;
- геодезик ва гидрометеорологик ишлар;
- ўлчаш воситаларини давлат синовлари, қиёслаш, калибрлаш, таъмирлаш ва метрологик аттестатлашни ўтказиш;
- фойдали қазилмаларни казиб олиш;
- миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олиш.

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларига биноан, давлат метрологик текшируви ва назорати фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам тадбиқ этилиши мумкин.

Давлат метрологик назорати қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

- ўлчаш воситалари (шу жумладан, физик катталиклар бирликларининг эталонлари, моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари, ўлчаш тизимлари) ни тайёрлаш, таъмирлаш, ижарага бериш, харидга чиқариш, ҳолати ва қўлланилиши;
- ўлчашларни бажариш методикаларини қўлланиш;
- аккредитланган метрологик хизматлар, марказлар, лабораторияларнинг ўрнатилган метрологик меъёрлар ва коидаларга риоя қилиш ва фаолияти. Ўзстандарт Агентлигининг қарори бўйича, зарур бўлган ҳолларда, метрологик текширув ва назоратнинг бошқа турлари ва шакллари ўрнатилиши мумкин.

## **10-боб. МЕТРОЛОГИК ТЕКШИРУВ ВА НАЗОРАТНИ ЎТКАЗИШДА АНИҚЛАНГАН БУЗИЛИШЛАРГА МАСЪУЛЛИК**

“Метрология тўғрисида” Қонунга мувофиқ, ўлчашлар бирлигини таъминлаш доирасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг низомларини бузишда айбдор тадбиркорлик субъектлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув идоралари амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Давлат метрологик назорат идоралари метрологик коидалар ва меъёрлар бузилган ҳолларда, бундай бузилишга йўл қўйган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисида Низомга мувофиқ ҳуқуқий чораларни кўради.

Муайян текширув жараёнида аниқланган метрологик меъёрлар ва коидаларнинг бузилиши, бу бузилиш оқибатида етказилган зарарнинг кийматдорлигига қараб, қуйидаги чораларга олиб келиши мумкин:

- бузилишга йўл қўйган, текшириладиган субъектнинг масъул шахсига бузилишларни бартараф этиш бўйича йўриқнома бериш;
- юқори идорани ёки масъул шахсларни метрологик меъёрлар ва коидалар талабларининг бузилганлиги тўғрисида хабардор қилиш, камчиликларни бартараф этиш бўйича ва бузилишга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида кўрсатма ёзиш;
- ўлчаш воситаларининг тасдиқланмаган хилини ёки тасдиқланган хилига номувофиқ хилларини чиқаришни ва қўлланишни тақиқлаш;
- ўлчаш воситаларига тамғаланган қиёслаш (калибрлаш) белгиларини ўчириш ва (ёки) қиёслаш ва калибрланганлик тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш; аттестатланмаган ўлчашлар методикасидан фойдаланишни ман этиш;



- хилини тасдиқлаш мақсадида синовлардан ёки метрологик аттестатлашдан ўтмаган, қиёслашмаган (калибрлашдан ўтмаган), шу жумладан қиёслаш муддати тугаган (калибрланганлик муддати тугаган) ёки техник носоз ўлчаш воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

- ўлчаш воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш ҳуқуқининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш;

- ўлчаш воситаларини синаш, қиёслаш, калибрлаш, ўлчаш воситалари ва ўлчашларни бажариш методикаларини метрологик аттестатлаш ҳуқуқига аккредитланганлик сертификатларини (аттестатларини) бекор қилиш бўйича тақлифлар бериш;

- метрологик талабларга мос келмайдиган қадоқланган молларни тайёрлаш ва сотишни ман этиш;

- метрологик меъёрлар ва қоидаларни бузувчиларга нисбатан амалдаги қонунларга маъмурий таъсир чораларини қўлланиш.

Давлат ва ҳўжалик бошқарув метрологик хизматларининг идоралари ўз тузилмаларига кирган тadbиркорлик субъектларига, метрологик назорат натижалари бўйича метрологик меъёрлар ва қоидаларнинг бузилишларини бартараф этиш бўйича кўрстамалар беришга ҳуқуқлидир.

**1-боб. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

Ўзбекистонда сертификатлаштиришни жорий этиш бўйича фаол ишлар 1992-йилда, яъни чет эллардагига нисбатан анча кеч бошланди. 2 март 1992-йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида давлат илмий-техник дастури асосида “Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимини тадқиқ этиш ва яратиш” мавзусида илмий-тадқиқот ишлари бошланди. Сертификатлаштириш ташкилий, меъёрлаш, методик ва тузилиш соҳаларида шакллана бошланди.

1998-йилда стандартлаштиришнинг ҳуқуқий асослари аниқланди – Ўзбекистон республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” Қонуни қабул қилинди.

Қонунга мувофиқ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон Агентлиги – Ўзстандарт Агентлиги сертификатлаштириш бўйича Миллий идора ва аккредитлаш идораси бўлади.

Қонунга мувофиқ, сертификатлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш Ўзстандарт Агентлигига юклатилган. Бир турли маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар сертификатлаштириш ишларини бажаради, бу идоралар мажбурий равишда аккредитланади. Мажбурий сертификатлаштириш субъектларига Ўзстандарт Агентлиги, сертификатлаштириш бўйича идоралар, синаш лабораториялари (марказлари), назорат идоралари, маҳсулотни тайёрловчилар кирди. Сертификатлаштириш бўйича идоралар бир турли маҳсулотни сертификатлаштириш тизимларини яратиш, сертификатлаштириш тарзини ва сўровчиларга сертификатлаштирилган маҳсулотга мувофиқлик белгисини қўлланишга рухсат бериш ҳуқуқига эга.

Қонунда импорт бўйича келтириладиган ва экспортга чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаштириш шартлари белгиланган. Сертификатлаштириш шарт бўлган маҳсулот унинг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатга ва мувофиқлик

белгисига эга бўлиши лозим. Мувофиқлик сертификати йўқ бўлганда божхона текширув идоралари келтирилган маҳсулотни сертификатлаштириш Миллий тизими қондалари бўйича сертификатлаштиришни ўтказиш масаласини ҳал этишгача тўхтатиб қўяди.

Қонун юридик ва жисмоний шахсларнинг ташаббуси билан сертификатлаштириш кўзда тутади. Ташаббус бўйича ихтиёрий сертификатлаштириш маҳсулотнинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун ўтказилиши мумкин. Қонун текшириш ва назорат масалаларини тартибга солади. Тайёрловчиларнинг мажбурий сертификатлаштириш қондаларига амал қилаётганлиги устидан давлат назоратини давлат инспекторлари амалга оширади. Сертификатлаштирилган маҳсулотни, сифат тизимларини, ишлаб чиқаришларни инспекцион текширувини сертификатлаштириш бўйича идоралар, аккредитланган синаш лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш бўйича идоралар ва сертификатлаштириш соҳасидаги текширув идораларининг фаолияти эса аккредитловчи идора сифатида Ўзстандарт Агентлиги томонидан текширилади.

Қонунда сертификатлаштиришни ўтказиш билан боғлиқ бўлган келишмовчиликларни кўриб чиқиш бўйича масалалар ҳам акс эттирилган. Манфаатдор томон сертификатлаштириш натижасига норози бўлганда Ўзстандарт Агентлигининг Апелляция кенгашига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ўзстандарт Агентлигининг Апелляция кенгаши сертификатлаштириш бўйича идораларнинг ва синаш лабораториялари (марказлари) нинг қарорларига шикоятларни ҳам кўриб чиқади.

Қонунда тайёрловчиларнинг мажбурий сертификатлаштириш қондаларини бузганлиги учун жавобгарлик, шунингдек сертификатлаштириш бўйича идораларнинг сертификати асоссиз берилганлиги ва сўровчининг тижорат сирини ошқора қилганлиги учун масъуллиги кўзда тутилган. Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, сертификатлаштирилмаган маҳсулотни харидга чиқарганлиги учун айбдорлар ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчининг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида” Қонуни сертификатлаштиришнинг қўшимча ҳуқуқий асосини берди. Жумладан, мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган молни сотишда истеъмолчига молнинг сертификатлаштирилганлиги тўғрисида маълумот берилиши қайд этилган. Зарур ахборот бўлмаганда давлат бошқарув идорасининг ёзма кўрсатмасига мувофиқ молни сотиш тўхтатилади. Узок муддат фойдаланиладиган молларнинг барча турларига ва хизматларга тайёрловчи кафолат муддатини ўрнатиши лозим.

“Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” Қонун ҳам сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асоси бўлади. Бу қонун

гигиеник сертификатларни расмийлаштириш зарурлигини белгилайди. Бундай сертификат асосида озиқ-овқат маҳсулоти давлат рўйхатига киритилади ва мувофиқликка сертификатлаштириш ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликлар карантини тўғрисида” Қонунига мувофиқ, 1997-йилдан бошлаб ўсимлик маҳсулотини Ўзбекистонга киритиш ва унинг ҳудуди орқали олиб ўтиш қондалари белгиланди. Маҳсулотнинг ҳар бир тўпига ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекция идоралари томонидан бериладиган фитосанитария сертификати қўшилган бўлиши лозим. Фитосанитария текширувигача қўшимча маҳсулот олиб киришда импорт қилишга рўхсат расмийлаштирилади.

Экологик сертификат мақсади – атроф муҳитни жуда кам даражада ифлос қилувчи ва истеъмолчига унинг ҳаёти ва соғлиғи учун маҳсулотнинг хавфсизлигига кафолат берувчи молларни тайёрлаш ва технологик жараёнлари жорий этишда ишлаб чиқарувчини рағбатлантиришдан иборат.

6 июнь 2004-й. да Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг №318 “Маҳсулотни сертификатлаштириш процедурасини соддалаштириш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида” қарори қабул қилинди. Бу қарор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар учун янада қулай шароитлар яратишга ва маҳсулотни ва хизматларни сертификатлаштиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш ва соддалаштиришга йўналитирилган. Бу қарорнинг муҳимлиги шундаки, 1 октябрь 2004-й. дан бошлаб маҳсулотнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини декларация ёзил йўли билан тасдиқлаш тизими киритилган. Ўзстандарт Агентлигига “Маҳсулотнинг хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида” низомни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш топширилган. Қарорда, шунингдек, аккредитланган идоралар ва лабораторияларда синаш учун келтирилган маҳсулотдан намуна ажратиб олиш энг кўп нормасини кўрсатиш зарурлиги қайд этилган, шунингдек аккредитланган идоралар ва лабораторияларда синашларни тақдорламаслик учун синаш турларини аниқлаш ҳам белгиланган. Қонунга мувофиқ давлат идоралари томонидан ваколатланганлар мувофиқлик сертификатининг борлигини фақат сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотга нисбатан текшириши белгиланган. Қарорда, шунингдек Ўзстандарт Агентлигига мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини нашр этиш ва жойларга юбориш вазифаси ҳам юклатилган. Бунда маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичларини аниқловчи метёрий хужжатлар ҳам кўрсатилади. Шунингдек, сертификатлаштириш соҳасидаги барча метёрий-ҳуқуқий хужжатларни республика тадбиркорларининг кенг оммасига етказиш, шу

жумладан Интернет воситасида хабар қилиш ҳам қарорда қайд этилган.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси 22 июнь 2004-й. №349 “Қорхоналарда халқаро стандартларга мос сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш тадбирлари тўғрисида” қарори билан тадбиркорлик субъектларини сифатни таъминлаш тизимларини жорий этишга йўналтиради. Бу ҳужжатнинг мамлакатда иқтисодий сиёсатни шакллантиришдаги ўрни жуда катта. 9000 серияли ИСО халқаро стандартлари асосида сифат тизимларини жорий этиш давлат бошқарув идораларининг ва тадбиркорлик субъектларининг энг муҳим вазифаси деб қаралади.

9000 серияли ИСО бўйича сифат тизимлари ҳам ўрнатилган тартибда сертификатлаштирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” Қонунда кўрсатилишича, мувофиқлик сертификатисиз маҳсулот сотган тадбиркорлик субъектига нисбатан сотилган маҳсулот нархининг 100 фоиз миқдоридан жарима ёзилади.

## 2-боб. АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

3

Сертификатлаштириш маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш шаклларида бири сифатида бутун дунёда тан олинган. Сертификатлаштириш учун сертификатлаштириш объектлари ва субъектларига ягона талабларни белгиллаган меъёрий ҳужжатлар бор бўлиши шарт.

Атамалар ва таърифларнинг бирлиги кўйилган вазифаларни тўғри тушуниш ва сертификатлаштириш процедуларини муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро стандарт ИСО/МЕК 2:1996 “Стандартлаштириш ва ёндош фаолият турлари. Умумий лугат” асосида яратилган О’з DSt 5.5:1999 “Ўз СМТ. Асосий атамалар ва таърифлар” ва сифат менежменти тизимлари бўйича О’з DSt ISO 9000:2002 амалда қўлланилмоқда.

Сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича ишларни ўтказишда фойдаланиладиган баъзи атамалар ва уларнинг хос таърифлари қуйида келтирилган.

Аккредитлаш тизими – Аккредитлашни ўтказиш учун процедуралар ва бошқарувнинг ўз қоидаларига эга бўлган тизим.

Аккредитлаш – Процедура бўлиб, унинг воситасида ваколатли идора шахс ёки идоранинг муайян ишни бажариш ҳуқуқига эга эканлигини расмий тан олади.

**Аккредитлаш бўйича идора** – Аккредитлаш тизимини бошқарувчи ва аккредитлашни ўтказувчи идора.

**Инспекция текшируви** – сертификатлаштириш ва аккредитлашда ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида сертификатлаштирилган маҳсулот, сифат ёки ишлаб чиқаришни бошқариш тизимлари, сертификатлаштириш бўйича идоралар, синаш лабораториялари (марказлари) нинг фаолиятини тақрорий баҳолаш процедураси.

**Сертификатлаштириш тизими** – Мувофиқликни сертификатлаштиришни ўтказиш учун процедуралар ва бошқарувнинг ўз қондаларига эга бўлган тизим.

**Сертификатлаштириш** – процедура бўлиб, бунинг воситасида учинчи томон маҳсулот, жараён ёки хизматларнинг топшириқдаги талабларга мувофиқлигини ёзма шаклда тасдиқлайди.

**Сертификатлаштириш бўйича идора** – Сертификатлаштиришни ўтказувчи идора.

**Изоҳ** – сертификатлаштириш бўйича идора мувофиқликка синаш ва текширишни ўзи ўтказиши ёки унинг топшириғи бўйича бошқа идоралар томонидан ўтказиладиган бундай фаолият устидан назоратни амалга ошириши мумкин.

Синаш лабораторияси – синашларни ўтказадиган лаборатория.

**Изоҳ** – “Синаш” лабораторияси атамаси юридик ёки техник идора ёки иккаласини ифодаловчи маъно сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Сифат** – Ўз тафсилотлари мажмуининг талабларга мувофиқлик даражаси.

**Истеъмолчиларнинг қониққанлиги** – истеъмолчиларнинг ўз талабларининг бажарилганлик даражасидан мамнун бўлганлик ҳиссиёти.

**Сифат менежменти тизими** – Сифатга нисбатан ташкилотга раҳбарлик қилиш ва бошқариш учун менежмент тизими.

**Сифат соҳасидаги сиёсат** – юқори раҳбарият томонидан ифодаланган сифат соҳасида ташкилотнинг умумий мақсад ва фаолият йўналиши.

**Ташкилий тузилма** – Масъуллик, ваколатлик ва ўзаро муносабатларнинг ходимлар ўртасида тақсимланиши.

**Манфаатдор томон** – ташкилотнинг фаолиятдан ёки ютуқларидан манфаатдор шахс ёки гуруҳ.

**Жараён** – Кириш ва чиқишларни қайта ўзгартирувчи ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи фаолият турларининг мажмуи.

**Процедура** -- Фаолиятни ёки жараённи амалга оширишнинг ўрнатилган усули.

**Кузатувчанлик** – Кузатилаётганнинг тарихи, қўлланилиши ёки жойлашган ўрнини кузатиш имкони.

**Мувофиқлик** – Талабни бажариш.

**Номувофиқлик** – Талабни бажармаслик.

**Сифат бўйича раҳбарият** – Ташкилот сифат менежменти тизимини белгиловчи ҳужжат.

**Синаш** – Ўрнатилган процедурага мувофиқ бир ёки бир нечта тафсилотлар (характеристикалар) ни аниқлаш.

**Таҳлил** – Кўрилаётган объектнинг яроқлилиги, адекватлиги (айнан бир хиллиги), натижавийлигини аниқлаш ёки белгиланган мақсадларга эришиш учун амалга ошириладиган фаолият.

**Аудит** – Аудит гувоҳномасини олиш ва аудитнинг келишилган мезонларини бажариш даражасини аниқлаш мақсадида уларни бегараз баҳолаш мунтазам, мустақил ва ҳужжатлаштирилган жараёни.

**Аудит дастури** – Муайян вақт даврига режалаштирилган ва муайян мақсадга эришишга йўналитирилган бир ёки бир нечта аудитлар мажмуи.

**Компетентлик (ваколатлилик)** ўз билим ва кўникмаларини қўллана олиш қобилияти.

### **3-боб. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ИДОРА**

Ўзстандарт Агентлиги сертификатлаштириш бўйича Миллий идора бўлади. Миллий идорага қуйидаги вазифалар юклатилган:

- сертификатлаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, сертификатлаштиришни ўтказиш бўйича умумий қоидаларни ўрнатиш;

- сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурларнинг лойihalарини ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг Ҳукуматига кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқаро сертификатлаштириш тизимларига қўшилиш, шунингдек сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш бўйича битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Сертификатлаштирилган маҳсулотнинг давлат реестрини бошқариш;

- Сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиниши ва сертификатлаштирилган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини амалга ошириш.

Ўзстандарт Агентлиги 2010-йилгача ўз вазифаларининг бир қисмини сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идораларга топшириб, ўзида қуйидагиларни қолдиради:

- мувофиқлик, метрология, стандартлаштириш, сифат соҳасида давлат сийсатини ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

- сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни Ҳукуматга кўриб чиқишга тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқаро сертификатлаштириш тизимларига қўшилиш, шунингдек сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш бўйича битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Сертификатлаштирилган маҳсулотнинг давлат реестрини бошқариш;

- Маҳсулотнинг сифати, хавфсизлиги, экспортга йўналтирилганлигини таъминлашга, моллар (ишлар, хизматлар) нинг хавфсизлигини таъминловчи талабларни ўрнатиш, буларга риоя қилинишини текшириш, шунингдек сифатни бошқариш ва 9000 ва 14000 ИСО халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда атроф муҳитни муҳофазалаш бўйича тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ва республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ягона сийсатни қонуний шакллантириш ва бажариш;

- Мамлакат молларининг рақобатбардошлигини ошириш соҳасида 2005-2010 – йилларга мўлжалланган тадбирларни ўтказиш. Бундай тадбирлар сертификатлаштириш миллий тизимини такомиллаштириш ҳисобига, ишлаб чиқарувчининг мувофиқлигини декларациялаш, мувофиқлиги ихтиёрий равишда тасдиқланадиган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқаришларда сифатни бошқариш тизимларини тез суръатлар билан жорий этиш ва уларни 9000 серияли ИСО халқаро стандартларига мувофиқликка сертификатлаштириш йўли билан мувофиқликни тадиқлаш тизимига боқичма-боқич ўтиш ҳисобига сифатни ошириш масалалари бўйича қатор муаммоларни ечишга имкон беради.

#### **4-боб. ЎЗБЕКИСТОН СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ НИЗОМЛАРИ**

Ўзбекистонда сертификатлаштириш, энг аввало, истеъмол молларига нисбатан қўлланилади ва уларнинг хавфсизлиги ва эколо-



гиклигини тасдиқлайди. Мажбурий сертификатлаштирилган маҳсулот муҳим ҳужжат ҳисобланган рўйхатга киритилади.

Сертификатлаштириш миллий тизими (Ўз СМСТ) ни яратишдан мақсад мувофиқликни сертификатлаштиришни амалга ошириш учун процедура ва бошқариш қоидаларини ўрнатишдан иборат.

Сертификатлаштириш тизимининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- сертификатлаштиришда қўлланиладиган ҳужжатларнинг ягона тизимини ўрнатиш;
- ягона атамалар ва таърифларни ўрнатиш;
- бир турли маҳсулотни сертификатлаштириш қоидалари ва тартибларини ўрнатиш;
- сертификатлаштириш учун синовларни (сертификатлаштириш синовларини) ўтказиш қоидаларини ўрнатиш;
- сертификатлаштириш иштирокчиларининг давлат бошқарув идоралари билан ўзаро ҳамкорлик тартибини аниқлаш.

Ўз СМТ Ўзбекистон Республикасининг қонун ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ иш кўради. Ўз СМТ да фаолиятнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:

- маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш;
- сифат ва ишлаб чиқаришлар тизимларини сертификатлаштириш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот, хизматлар, сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар устидан инспекцион текширув;
- мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат.

Ўз СМТ тизимининг қоидаларини тан олиш шарти билан сертификатлаштиришни сўровчи бошқа давлатлар ва ташкилотлар учун чиқ ҳисобланади.

Сертификатлаштириш маҳсулот, жараёнлар ва хизматларнинг талабларга мувофиқлигини тасдиқлашни таъминлайди, жумладан:

- давлатларaro стандартларнинг талабларига;
- Ўзбекистон Республикаси стандартларининг ва бошқа расмий нашр этилган, маҳсулотга талабларни ўрнатувчи меъёрий ҳужжатларнинг талабларига;
- Халқаро ва хорижий миллий стандартларнинг Ўзбекистон стандартлаштириш Миллий идораси қўшилган сертификатлаштириш тизимлари доирасидаги талабларга мувофиқлигини таъминлайди.

Ўз СМТ маҳсулотнинг мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштирилишини ўтказишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотлар Рўйхатга киритилган, Ўзбекистон Республикасида тайёрланган, импорт бўйича киритиладиган ва экспортга чиқариладиган маҳсулотлар мажбурий сертификатлаштирилади.

Меъёрий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкига хавфсизликни таъминлаш, атроф муҳит муҳофазаси, ўзаро алмашинувчанлик ва мос келувчанлик талаблари ўрнатилган маҳсулотлар, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизликни таъминловчи воситалар Рўйхатга киритилади.

Молни бу Рўйхатга киритиш учун мезонлар сифатида қуйидагилар танланган:

- фойдаланувчилар учун хавф туғдириши мумкинлиги;
- маҳсулотга меъёрий ҳужжатда хавфсизлик талабларининг борлиги;
- маҳсулотдан ялпи фойдаланиш;
- одамнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдириш даражаси ва б.

Рўйхатга импорт маҳсулот ҳам киритилади, бу тўғрида чет мамлакатларнинг расмий идоралари ўзига хос йўллар билан хабардор қилинади.

Маҳсулот, хизматлар, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни ихтиёрий сертификатлаштириш тайёрловчи, истеъмолчи ёки етказиб берувчи (сўровчи) нинг ташаббуси билан ўтказилади.

Ўз СМТ да қуйидаги реестрлар бошқарилади:

- бир турли маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар;
- сифат ва ишлаб чиқариш тизимларини сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар;
- аккредитланган синаш лабораториялари (марказлари);
- сифат бўйича аттестатланган экспертлар-аудиторлар;
- сертификатлаштирилган маҳсулот;
- сертификатлаштирилган сифат ва ишлаб чиқаришлар тизимлари;
- рўйхатга олинган бир турли маҳсулотни сертификатлаштириш тизимларининг реестрлари.

Ўз СМТ да Давлат реестрини бошқариш қоидалари меъёрий ҳужжатларда аниқланган.

Сертификатлаштириш бўйича Миллий идора Давлат реестри маълумотларини, шунингдек сертификатлаштириш бўйича идоралардан ва тизимнинг бошқа иштирокчиларидан олинadиган ахборотни даврий нашр этади.

## 5-606. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Сертификатлаштиришни ўтказиш учун умумий қондалар ўрнатилади. Бундай қондалар мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришни ташкиллаштириш ва ўтказишда қўлланилади. Бу қондалар мамлакатимизда ва хорижда тайёрланган барча сертификатлаштириш объектларига нисбатан тадбиқ этилади.

Ўз СМТ да мамлакатимиз ва хорижий маҳсулотни сертификатлаштиришни бир турли маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар, булар йўқ бўлганда эса – сертификатлаштириш бўйича Миллий идора ўтказлади.

Сертификатларни бериш, шу жумладан ишлаб чиқаришни текшириш, синашлар ва инспекция текшируви бўйича сўровларни кўриб чиқиш, ҳужжатларни рўйхатга олиш ва зарур материалларни таржима қилиш харажатларини сўровчи ўрнатилган тартибда тўлайди.

Сертификатлаштиришни ўтказиш тартибда сертификатлаштириш амалларининг мажмуини ташкил этувчи харажатларнинг навбати ўрнатилади. Бу тартиб ва бир турли маҳсулотни сертификатлаштириш тарзи сертификатлаштириш бўйича идоранинг ҳужжатларида уни аккредитлашда ўрнатилади. Идорада сертификатлаштириладиган маҳсулотга меъёрий ҳужжатлар ва синаш методлари, шунингдек синашларни ўтказиш учун лабораториялар мавжуд бўлади.

Гигиеник ва ветеринария экспертизаси, карантин текшируви ёки экологик сертификатлаштириш зарур бўлганда, агар булар сўралган маҳсулотнинг меъёрий ҳужжатида ўрнатилган бўлса, ўтказилади. Бундай текширувларни ўтказиш заруриятини сертификатлаштириш бўйича идора сўралган маҳсулотга МХ да гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик талабларнинг мавжудлигига қараб аниқлайди. Бу текширувлар мувофиқликни сертификатлаштириш билан баравар ўтказилиши мумкин ва текширувчи идоралар текширувлар тугаллангач, сўровчига мос ҳужжатларни тақдим этади, сертификат бериш тўғрисида қарор қабул қилишгача бу ҳужжатларнинг нусхалари сертификатлаштириш бўйича идорага берилади.

Сўровчи гигиеник сертификатни олиш учун санитария-эпидемиологик станцияси СЭС га сўровнома берганда, бу СЭС ветеринария хулосасини олишни, агар МХ талабларига кўра зарур бўлса, фитосанитария ёки экологик сертификатларни олиш ишларини ҳам ташкиллаштириши лозим.

Сертификатлаштириш бўйича идора гигиеник сертификатни, ветеринария хулосасини, фитосанитария ёки экологик сертификат-

ларини олиш учун мос ташкилотлар билан ҳамкорлик хизматларини кўрсатишга ҳуқуқлидир. Бунда сертификатлаштириш бўйича идора намуналарни танлаб олиш ва уларни мос давлат идораларига тақсимлаш ва сўровчиларга бундай хизматлар учун тарифлар тўғрисида хабар бериш масъуллигини ўзига олади.

Сертификатлаштириш бўйича идора сўровчиларга, буларнинг талаблари бўйича, қуйидагилар тўғрисида ахборот беради:

- мажбурий сертификатлаштирилайдиган маҳсулот турларининг рўйхати;

- бир турли маҳсулотни сертификатлаштириш қондалри;  
- сертификатлаштириш бўйича хизматлар прејскуранти ёки тарифи;

- танишиш учун аккредитлаш аттестати.

Маҳсулотни сертификатлаштириш қуйидаги асосий ишларни ўз ичига олади:

- сертификатлаштиришга сўровнома бериш ва уни кўриб чиқиш;

- сўралган маҳсулотга меъерий ҳужжатни ва сўровномага қўшиб берилган бошқа ҳужжатларни таҳлил қилиш;

- сўровнома бўйича қарор қабул қилиш;

- синовлар дастурини тайёрлаш ва тасдиқлаш;

- намуналарни идентификатлаш, ажратиб олиш ва лабораторияга бериш;

- намуналарни аккредитлаш лабораторияларида синаш;

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш;

- натижаларни таҳлил қилиш ва мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- мувофиқлик сертификатини бериш ва мувофиқликни тасдиқлаш Белгисини қўлланиш ҳуқуқини бериш;

- маҳсулотни мувофиқликни тасдиқлаш белгиси билан тамғалаш ёки сертификатлаштирилган маҳсулотни сотишда унга сўровчи томонидан мувофиқлик сертификатини қўшиб бериш;

- сертификатлаштириш Давлат реестрида рўйхатга олиш йўли билан сертификатлаштириш натижалари тўғрисида ахборот бериш.

Сериялаб ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун сертификатлаштиришнинг баъзи схемалари бўйича сертификат берилгандан кейин сертифициатлаштирилган маҳсулотни даврий инспекцион текширувдан ўтказиш кўзда тутилади.

Сертификатлаштириш процедурасига ҳорижий ёки халқаро идоралар берган мувофиқлик сертификатларини тан олиш, шунингдек берилган апелляцияларни кўриб чиқиш, сертификатлаштиришга сўровномани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш, маҳсулотга меъерий

хужжатни таҳлил қилиш, синовлар дастурини ишлаб чиқиш, намуналарни идентификатлаш ва ажратиб олиш, сертификатлаштириш синовларини ўтказиш, ишлаб чиқариш ҳолатини баҳслаш, мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ҳам қиради.

Сертификатлаштириш бўйича фаолиятни халқаро талабларга мос келтириш муносабати билан “Мувофиқликни тасдиқлаш” тушунчаси киритилган. Бу тушунчага маҳсулотни сертификатлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2004 №318 Қарорига мувофиқ 01.10.2004 й.дан киритилган ишлаб чиқарувчи томонидан мувофиқликни декларациялаш фаолияти қиради.

1 Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини давлат текшируви тўғрисида” Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998 й., №1, 8 б.)

2 Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., №5-6, 60 б.)

3 Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1997 й., №5-6, 239 б.)

4 Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида” Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг ахборотномаси, 1994 й., №2, 48 б. Ўзгартириш 2000 й., №5-6, 158 б. Ўзгартириш 2003 й., №5, 67 б.)

5 Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг ахборотномаси, 1994 й., №2, 50 б. Ўзгартириш 2000 й., №7-8, 217- б. Ўзгартириш 2003 й., №5, 67 б.)

6 Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг ахборотномаси, 1994 й., №2, 46- б. Ўзгартириш 2000 й., №5-6, 158- б. Ўзгартириш 2003 й., №5, 67 б.)

7 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 март 1992 –й., №93 “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш тўғрисида” Қарори

8 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 1994 й., №409 “Мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхатини, хавфсизлигини тасдиқлаш талаб этилган молларни сертификатлаштиришни ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига киритиш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори

9 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 1994 й., №410 “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қарори

- 10 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й.. №5 “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тўғрисида” Қарори
- 11 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21 сентябрь 1999 й.. №438 “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган молларни штрихли кодлашни амалга киритиш тўғрисида” Қарори
- 12 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3 октябрь 2002 й.. №342 “Маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида” Қарори
- 13 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й.. №318 “Маҳсулотни сертификатлаштириш процедурасини соддалаштириш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида” Қарори
- 14 Мажбурий сертификатлаштириладиган молларни Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига киритиш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқнома, Адлия вазирлигида 26 февраль 200 й., №901 рўйхатдан ўтказилган
- 15 Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) нинг Конституцияси (Устави)
- 16 “Стандартлаштириш ва метрология соҳасида қонунларни бузганлиги учун жарима тўлатириш тартиби тўғрисида” Низом, 27 октябрь 1994 й., Ўздавстандарт томонидан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 10 ноябрь 1994 й., №11 рўйхатга олинган.
- 17 “Сертификатлаштириш қоидаларини бузганлиги ва истеъмолчиларга зиён келтирилганлиги учун жарима тўлатириш тартиби тўғрисида” Низом, 27 октябрь 1994 й., Ўздавстандарт томонидан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 10 ноябрь 1994 й., №122 рўйхатга олинган.
- 18 ИСО Қоидалари ва процедуралари
- 19 Европа иттифоқи Кенгашининг 22 июль 1993 й., 93/465/ЕЕС “Мувофиқликни баҳолаш процедураларининг турли модуллари ва техник уйғунлаштириш бўйича директиваларда қўлланиш учун мўлжалланган, СЕ тамғасини босиш ва қўлланиш қоидалари бўйича” Қарори
- 20 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш Қарорлари
- 21 Янгича ёндашиш ва Глобал ёндашишга асосланган директиваларни қўлланиш бўйича қўлланма – Европа уюшмалари, 2000 (Guide to the implantation of directives based on New Approach and the Global Approach / – European Communities, 2000)

22 “МДХ мамлакатларида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисида” Битим, Москва, 1992 й.

23 Жаҳон савдо ташкилоти бўйича Битим. Уругвай музокараларини якунловчи, Савдо музокаралари бўйича Қўмитанинг якуний сессиясида қабул қилинган Марокко, апрель 1994 й. Якуний далолатнома

24 Ўз СДТ, Ўз СМТ, Ўз ЎДТ, Ўз АТ, Ўз МСТ, Ўз КТ, Ўз СТ ва бошқа стандартлаштириш тармоқлараро тизимларининг асос бўлувчи стандартлари



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдувалиев А.А., Авакян П.Г., Садыков А.Б., Умаров А.С., Хакимов О.Ш. Основы обеспечения единства измерений. Книга 1. – Ташкент, 2005.
2. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н. Развитие и совершенствование систем стандартизации, метрологии и сертификации в Республике Узбекистан на период до 2010 года// Standart. – 2005. – №2.
3. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Сабилов М.З. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. – Ташкент: Fan va technologya, 2005.
4. Абдувалиев А.А., Авакян П.Г., Алимов М.Н., Гольцов В.Ф., Мирагзамов М.М., Сабилов М.З., Садыков А.Б. Основы стандартизации, сертификации, метрологии и управления качеством продукции. Учебное пособие. – Ташкент: Издательство ТГТУ, 2002.
5. Абдувалиев А.А. Некоторые аспекты совершенствования системы стандартизации в Узбекистане// Standart. – 2003. – № 2.
6. Алимов М.Н. Государственные научно-технические программы – важнейший фактор научно-технического прогресса// Standart. – 2004. – № 1.
7. Алимов М.Н. Реализация программ комплексной стандартизации в народном хозяйстве Узбекистана. – Т.: УзНИИНТИ, 1986.
8. Буриев Р.А. Основные направления государственной системы стандартизации Узбекистана в текущем году и перспективе// Standart. – 2003. – № 2.
9. Гличев А.В. Основы управления качеством продукции.– М.: РИА «Стандарты и качество», 2001.
10. Гличев А.В. Оценка качества количественными методами – задача квалитметрии. Доклад на XV конференции ЕОКК. Сессия II – М.: Издательство стандартов, 1972.
11. Гличев А.В. Рабинович Г.О., Примаков М.И., Синицын М.М. Прикладные вопросы квалитметрии.– М.: Издательство стандартов, 1983.
12. Дубовиков Б.А. Основы научной организации управления качеством.– М.: Издательство «Экономика», 1966.
13. Купряков Е.М. Стандартизация и качество промышленной продукции.– М.: «Высшая школа», 1985.

14. Основы стандартизации в машиностроении. Под редакцией доктора техн. наук, профессора В.В. Бойцова. – М.: Издательство стандартов, 1983.

15. Сейфи Т.Ф., Ярошенко А.И. Бакаев В.И. Система КАНАРСПИ – гарантия высокого качества. – М.: Издательство стандартов, 1968.

16. Силаев И.С, Бакаев В.И, Скворцов Т.П. Система КАНАРСПИ в действии. – М.: Издательство стандартов, 1974.

17. Троицкий И.Д., Решетова Л.П., Солонникова Л.А. Комплексная и опережающая стандартизация. – М.: Издательство стандартов, 1983.

18. Фейгенбаум А. Контроль качества продукции.– М.: «Экономика», 1986.

19. Хэнсен Бертран Н. Контроль качества.– М.: Издательство «Прогресс», 1968.

20. Хакимов О.Ш. Теоретическая метрология. Учебное пособие. – Ташкент: ТашГТУ, 2002.

**Абдувалиев Абдуқаххор Абдулхаевич,  
Латипов Вафо Бахронович,  
Умаров Аббос Солихович,  
Алимов Марат Нуревич,  
Хакимов Ортиқали Шарипович,  
Хван Вадим Игоревич**

## **СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ, СИФАТ**

Мухаррир: Ҳамидов Аслам Ҳамидович

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub> «Times New Roman» гарнитураси.  
Офсет усулида босилди. Шартли босма табағи 16,75.  
Адади 500. Буюртма №31.

«Fan va texnologiyalar Markazining  
boshqaruvchisi»da chop etildi.  
700003, Toshkent shahri, Olmazor kuchi, 171-uy.